

Исҳоқжон НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛИ

ДЕТЕКТИВ РОМАН

4

КИТОБ

«Наманган» нашриёти
2011 йил

НГ $\frac{982-2563,50-1460655}{983-(13,0)-(09)}$ 2011

ISBN 978-9943-328-26-6

© И.Нишонов

«Афғон шамоли - 4»

«Наманган» нашриёти. 2011. 226 б.

МУЛЛА УМАРНИНГ ЎТМИШИ

Менинг пойқадамим тегиб турган бу юртнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари мавжуд. Афғон хонадонларида ўғил бола туғилса катта байрамга айланиб кетади. «Яна бир жангчи кўнайди», дейишади. Инглизлар Афғонистон тупроғига қадам қўйган кундан бошлаб ҳозирга қадар бу удум сақланиб келмоқда. Бола туғилганлигини эшитган эркаклар чодир атрофига тўпланиб, милтиқ ва автоматлардан осмонга қарата 60-70 маротабадан ўқ узадилар. Ўғил туғилганлигини эшитган қўшни қишлоқдан ҳам эркаклар муборакбод этиш учун келишади. Янги туғилган чақалоқнинг чодирини ёки уйи олдига келиб худди байрамлардагидек бир-бирларини қутлашни, милтиқлардан ўқ узишни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб ҳисоблашади. Афғонлар ўз фарзандларини ҳеч қачон қўрқитмайдилар. Уларнинг мард ва жасур бўлиб ўсишлари учун ҳаракат қилишади. Болалар қўғирчоқлар ўрнига ханжар, тўп-понча ва милтиқ ўйнаб катта бўлишади. «Катталар йўли кичиклар учун қўприк», қабилида иш тутишади.

1947 йил ёз кунларидан бирининг тонг қоронғусида Қандаҳор яқинидаги Сингшар қишлоғининг кўрimsизгина бир хонадонидан янги фарзанд дунёга келди. Туни билан бесар бўлиб, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган йигит энаганинг ичкаридан чиқиши биланоқ юраги бир қалқиб тушди. Кампир йигитга боқиб, мийгида кулиб, бир зумгина тек турди. Бу сукунат йигитнинг баданини япроқдек титратиб юборди. У фарзандининг ўғил бўлишини жуда-жуда истарди ва энаганинг оғзидан «ўғил» деган хушxabарни кутарди. Унинг ўт чақнаб турган кўзларига қувонч билан тикилар экан, ҳаяжонини босолмай сўради:

- Ўғилми?!

Аёл бошини силкитди, ички хўрсиниш ва шодлик билан «ўғил» деди.

Йигит тоқчада турган милтиқни олди ва ташқарига отилди. Ҳовли ўртасига келиб, осмонга қарата юз мартаба ўқ узди. Овоз атроф-теварақни ларзага келтирган-дек бўлди. Бир зумда хонадон қўшни йигитлар билан тўлиб кетди. Улар ўзлари билан милтиқларини ҳам ола келишганди. 50 мартабадан ўқ узишди. Отанинг қувончи юрагига сиғмасди. Уйига сувдек оқиб келаётган ҳар бир танишини бағрига босиб кўришарди. Ниҳоят, икки қиздан сўнг ўғил кўрганлиги уни шу қадар қувончларга тўлдириб юборган эдики, буни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Меҳмонларни кузатиб бўлгач, ота фарзандини кўриш учун аёли ётган хонага кирди. Чақалоқнинг буғдой ранг, чўзинчоқ юзлари ўзига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Унинг тиним билмай типирчилаши шўх ва ҳаракатчан йигит бўлиб ўсишидан далолат берарди.

Умарни тенгдошларидан аввалроқ мадрасага беришди. У бошқа дўстларидан ўз овози ва зеҳнининг ўткирлиги билан ажралиб турарди. Фарзандининг тиришқоқлиги отанинг қувончига қувонч қўшарди. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Зурриёдининг камолини кўриш насиб этмади. Хасталикка чалиниб, тез орада вафот этди. Шундан сўнг оилани бдқиш, рўзгорни тебратиш Умарнинг чекига тушди. Шароитнинг оғир бўлишига қарамай у Майванд шаҳарчасидаги мадрасада олаётган ўқишини ташлаб қўймади. Мадрасани битириб қишлоққа қайтди, ёшларга илм бериш билан машғул бўлди.

1979 йили Афғонистонга собиқ иттифокнинг чекланган қўшинлари бостириб кирганда мулла Умар ўз ишларини бир четга суриб қўйди. Қўлига қурол олиб, мужоҳидлар сафига қўшилди. Ўн йил давом этган урушда мулла Умар тўрт мартаба яраланди. Ўнг кўзидан айрилди. Бошига оғир савдолар тушган бўлишига қарамай, мужоҳидлар сафини тарк этмади. Уруш уни

чинакам қасоскорга айлантирди. Юрагидаги меҳр-муҳаббатни қаҳр-газабга алмаштирди.

Урушдан сўнг мулла Умар яна мадрасага қайтди ва ёшларга таълим бера бошлади. Қўл остидагиларни қаттиқ интизомга риоя этишга мажбур қиларди. Талабалар худди ҳарбий ўқув юртида таҳсил олаётгандек мулла Умарнинг барча талабларига сўзсиз итоат этардилар.

Кунларнинг бирида у сабоқ бераётган Сангсар киш-лоғидаги мадрасага бир нечта ўспирин йигитлар югуриб келишди. Наша чекиб, кайф қилган мужоҳидлар ёш қизларни зўрлик йўли билан олиб кетишаётганлигини айтишди. Бундан қаттиқ газабланган мулла Умар ўз толибларини эргаштириб мужоҳидларга қарши чиқди, қизларни қутқариб қолди.

Кичкинагина бу воқеа мулла Умарнинг обрўсини ошириб юборди. У халқ халоскори сифатида шуҳрат қозонди. Қўл остида ўқиётган толиблар сони кескин даражада кўпайиб кетди. Мулла Умарнинг йигитлари нафақат ўз қишлоқларини, балки атроф-теваракни ҳам мужоҳидлар ҳужумидан ҳимоя қиларди. Унинг олдига ёрдам сўраб келаётган одамларнинг сони кундан-кунга ортиб борарди.

Мана шу воқсалардан сўнг мулла Умар толибонларнинг раҳнамози сифатида нафақат Қандаҳорга, балки қўшни вилоятларга ҳам танилди. Мужоҳидларга қарши тишини қайраб, улардан ўч олиш истагида юрган Исломобод махсус хизмат маҳкамаси раҳбарларига мулла Умарнинг ғанимларга қарши олиб бораётган кураши ёқиб қолди. Уларда толибонлар ёрдамида мужоҳидлардан ўч олиш фикри уйғонди. Махсус хизмат маҳкамаси ходимлари Умар билан алоқа ўрнатишди. Икки ўртада шартнома тузилди. Мулла Умар мужоҳидларга қарши курашадиган, улар эса уни қурол-аслаҳа, озик-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаб турадиган бўлишди. Ҳақиқатан ҳам Исломобод махсус хизмат маҳкамаси икки мингдан зиёд толибонларни шакллантиришда

унга ҳар томонлама ёрдам берди. Мулла Умар уларнинг бу ҳаракатлари Афғонистонни қайтадан истило этилиши ва Навоз Шариф хаёл қилган Ислоом давлатлари федерациясини ташкил қилиш билан боғлиқ эканлигини яхши тушунарди. Аслида мулла Умар Навоз Шарифнинг мақсадини қўллаб-қувватлади. Чунки, мамлакат тепасидан мужоҳидлар кетгач, режалаштирилган янги Афғонистонга ўзи раҳбар бўлиб қолишига ишонарди.

Ҳар томондан моддий рағбатлантириб турилган толибонлар дастлаб Спин Болдоқ чегара худудини босиб олишди. Орадан кўп ўтмай Қандаҳорни эгаллашди. Бир йил давомида толибонлар бутун мамлакатнинг ярмида ўз ҳукмронлигини ўткази бошлашди. Жадал суръатларда олға интилиш бир қатор хорижий мамлакатларнинг махфий хизмат маҳкамаларини қизиқтириб қолди. Улар мулла Умарни қўллаб-қувватлаб, ёрдам кучларини ҳам юборишди. Ташқи кучларнинг аралашуви Исломобод, Навоз Шарифнинг қитигига тегса ҳам уруш бир ёқли бўлгунча тишини-тишига қўйиб туришга мажбур этди.

Толибонларнинг мамлакат пойтахтига яқинлашиши Раббоний ҳукуматини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ҳукумат қўшинларининг мулла Умарга қарши уюштирилган ҳужумлари ҳеч қандай ижобий самара бермай қўйганди. Раббоний аскарларини толибонларнинг кун сайин ортиб бориши, тўсиқларни янчиб ўтиши саросимага солиб қўйганди. Кўплаб хоинлар бир неча минглаб аскарларни толибонлар томонга олиб ўтди. Раббоний толибонлар устидан ғалаба қозонишнинг бирдан - бир йўли Гулбиддин Ҳикматёр билан музокаралар олиб бориш деб билди. Икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг Гулбиддин Ҳикматёрнинг қуролланган аскарлари Қобулга кириб келишди.

Пойтахтда вақтинчалик ўзларининг ҳукмронликларини ўрнатишди. Орадан йигирма кун ўтиб, яъни 25

сентябрда тиш-тирноқларигача қуролланган ва бир қатор хорижий мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган мулла Умар аскарлари Қобулни бир ҳамла билан ишғол қилишди. Раббоний ҳам, Гулбиддин Ҳикматёр ҳам пойтахтни ташлаб чиқишга мажбур бўлишди. Толибонлар ўзлари ҳукмронлик қилаётган жойларда янги тартибларни жорий этишди. Собиқ давлат раҳбарларини, амалдорларни, унга қарши чиқишда гумон қилинган кимсаларни тутиб келишди. Уларни инсон ҳаёлига келтиролмайдиган азоб ва қийноқлар билан жазолашди, бўйин эгмаган ҳамда толибонларни тан олишни истамаган кимсалар отиб ташланди, дорга осилди.

Нажибуллони қўлга олган толибонлар уни сўроқ-савол қилиб ўтиришмади. Шаҳар ўртасидаги майдонга катта дор ясашди ва эр-хотинни бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда осиб қўйишди. Мурдалар бир ҳафта мана шу дорда осиглиқ турди. Уларнинг бўйнидаги арқонни узиб ташлашга ҳеч ким журъат этолмасди. Бу билан толибонлар омма ўртасида қўрқув, ваҳима уйғотишни ишташган ҳамда ўзларининг шафқатсиз эканликларини ошкор этишганди. Мулла Умар шаҳардаги тарихий обидаларга, кинотеатрларга, мактабларга ўт қўйдирди. Қобул олов ичида ёнарди. Аёллар, қизларнинг кўчага чиқиши ман этилди, соқолига тиг теккизган эркаклар янги қонунга асосан дарра билан саваланди. Мулла Умар жуда кўп маротаба омма ўртасида толибонлар нотўғри йўлдан кетаётган мусулмонларга ва даҳрийларга қарши кураш олиб боришини таъкидлади. Дарвоқе, унинг томирида ўзларини эркесвар ва мағрур халқ, деб ҳисоблайдиган пуштунларнинг қони оқарди. Отаси ҳам мана шундоқ ғазабкор ва ўта кекчи инсон бўлганди.

Пуштунлар ўзларига моддий ёки маънавий зарар етказган одамни ҳеч қачон кечирмайдилар. Эртами-кечми, ҳар қандай йўл билан ундан ўч олмай қўймайдилар. Бу соҳада улар қонга қон, жонга жон қабилида

иш юритишади. Бу одат не замонлардан бери қабилавий низолар, хун олиш, қуроли тўқнашувлар манбаи бўлиб келган. Мулла Умар ота-боболаридан қолган ана шу удумни пойтахтда яна бир бор такрорлаганди. Унинг барча қонун ва талабларини қўллаб-қувватлаган уламолар Афғонистонни Исломи Амрилиги, мулла Умарни эса «Амир ул мўминун» деб атай бошладилар.

Пойтахт олов ичра ёнарди. Толибонларнинг янги тартиблари минглаб тинч аҳолининг оху зорига сабаб бўлганди. Халқсевар ва тинчликпарвар кимсалар бундай аянчли аҳволга чидаб туролмадилар. Раббоний, Аҳмад Шоҳ Маъсуд, Абдурашид Дўстум ёниб кулга айланаётган пойтахтни толибонлар қўлидан тортиб олиш мақсадида 11 август куни Мозори Шарифда тўпланишди. Уларнинг мақсади зудлик билан Қобул шаҳрини толибонлардан тозалаш режасини амалга ошириш ва давлатни бошқара оладиган сиёсий ташкилотни шакллантиришдан иборат эди. Шимолий гуруҳ раҳбари Аҳмад Шоҳ Маъсуд пойтахт учун қонли жангларнинг олдини олиш мақсадида Покистондан ташқари ҳар қандай ерда ва исталган вақтда толибонлар раҳбари билан музокаралар олиб бориш учун ҳозир эканлигини айтди. Бироқ аниқ бир тўхтама келолмаган гуруҳ бошлиқлари пойтахт томон юриш бошлашга қарор қилдилар. Уч ҳафта Қобулнинг шимолида оғир жанглар олиб борилди. Маъсудга қарашли бўлган кучлар шаҳар атрофини қўлга олиб, пойтахтга яқинлашганларида имкониятни бой беришди. Улар кутилмаганда ҳар томондан ёпирилиб келган толибонларнинг қақшатқич зарбаларига учрашди.

Тиш-тирноғигача қуролланган толибонларнинг бу ғалабаеи уларнинг шуҳратини янада ошириб юборди. Мулла Умар билан алоқа ўрнатадиган мамлакатларнинг сони бир қадар кўпайди. Энди ёрдам кучлари тинимсиз етиб келарди. Ҳатто аллақачонлар бу ерга келиб ўрнашиб олган Усама бин Ладен ҳам мулла

Исҳоқжон НИШОНОВ

Умарни рағбатлантириб турди. Унинг ғалабаларидан илҳомланган ва руҳланган бин Ладен ўзининг қизларидан бирини мулла Умарга никоҳлаб берди. Бу эса уларни бир-бирига янада яқинлаштириб, қон-қариндошлик ришталари билан жипслаштириб боғлаб ташлади.

Халқнинг кўпчилик қисми Гулбиддинни ўзларининг халоскори сифатида қабул қилганди. Саркарда одамларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга эди. Аммо мағлубиятга учрашини сезган Гулбиддин Ҳикматёр ва унинг разведка ишлари бўйича маслаҳатчиси Башир ўзларининг ҳаётлари ҳақида қайгуриб қолишди.

Мулла Умарнинг мамлакат тепасига келиши Эргашбой учун кутилмаган бахт эди. Толибонларнинг ҳар бир ғалабаси катта тантана ҳисобланарди.

Юрагида мулла Умарга ўзини яхши кўрсатиш истаги уйғонганди. У жануб сари юриш бошлаган толибонлар тез кунлар ичида Мозори Шарифни эгаллашига шубҳа қилмасди. Толибонлар шаҳар ва қишлоқларни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритиб, олға интилишарди.

Ярим тунда автоматлардан отилган ўқ овозларини эшитиб, чўчиб уйғонган Эргашбойнинг хаёлида толибонлар яқин келиб қолишдимикин, деган ўй яшин мисоли чақнаб ўтганди. Ёнида турган автоматини қўлга олиб, ташқарига чиқди. Ухлаб ётган жангарилар ҳам отишма овозидан уйғонишганди. Худди икки қарама-қарши куч бир-бири билан курашиб, жон олиб, жон бераётгандек. Одиловнинг юрагини қувонч эгаллаганди. Уларни қандай тантана билан кутиб олсам экан, деб ўйлади. Аммо орадан кўп ўтмай отишма тўхтаб қолди. Борлиқ яна тунги сукунат қўйнига чўмди. Бу орада Саманганга яқин бўлган қишлоқ хонадонларидан бирида ўғил туғилганлиги муносабати билан кўкка ўқ узилганлигини билди ва бўшашган ҳолда хонасига кириб кетди.

САМАНГАН

Эргашбой иккиланиб қолди. Чегечининг топширини бажариш керакми ёки Баширнинг «дори»сини сотиб бериши керакми? Қайси бирини олдин бажаришни билмасди. Чегечи яширинча Вадим Вольфович билан алоқа қилаётганини билса, ғазаби кўзиб, ҳар томонлама қисиб қўйиши мумкин. Баширнинг топширини ҳам этмаса боши балога қолади. Нима қилганда ҳам унинг юртида яшайпти. Истаган пайтда бирорта баҳона топиб, бу ердан ҳайдаб чиқариши ёки одамларига айтиб лагсрга қўққисдан ҳужум уюштириб қолиши ҳеч гап эмас. Эргашбой бу масалани қандай ҳал қилишни билмай боши қотди. Ниҳоят, у бир қарорга келди. Ҳар иккисини ҳам «дори»сидан қўшиб жўнатади. Шунда унинг пинҳона ишидан Чегечи хабар топмайди.

Эргашбой Абдуллоҳга кўнғироқ қилиб, Вадим Вольфович катта миқдорда «дори» сўраётганини билдирди.

- Сизга асраб қўйган юз килограмм тоза «дори»м бор!
- деди у Эргашбойга. - Шуларни пуллаб берсангиз каминани хурсанд қилган бўлардингиз. Йигитларингизнинг қишки озиқ-овқати шунинг ҳисобидан!

- Рус биродаримиз бизнинг «дори»мизни азалдан хуш кўрадилар. Лекин орамизда андаккина тушунмовчилик бўлиб, алоқамиз узилиб қолганди. Одамларим шу алоқани тиклашга ҳаракат қилишмоқда!

- Айни муддао, ҳар қандай йўл билан ўрис биродарингизнинг кўнглини олинг. Беш-олти килограмм тозасидан жўнатаман. Буни совға тариқасида беринг!

- Хизматингиздаман, ҳазратим!

- «Юк» бугун йўлга чиқади.

Тонг ёришмай Абдуллоҳнинг одамлари «юк»ни олиб келишди. Эргашбой меҳмонларни кузатиб қўйгач, ўзига яқин йигитларини чақириб, «юк»нинг бир қисмини Қирғизистон орқали Ўзбекистонга ўтказиш тўғрисида

Исҳоқжон НИШОНОВ

топшириқ берди. Бу гап қанчалик сир сақланмасин, Гофурнинг қулоғига етиб борди. Бу унга қаттиқ алам қилди. Ўзини ўйиндан четлатилган, деб ҳисоблади. Юрагида Эргашбойга нисбатан алам ўти ёнди. «Бу ишинг учун қон қусасан, ўша лаънати бошлиғинг олдида шармандангни чиқараман. Бир-бирингни итдай талатаман. «Юк» Россияга етиб бормайди», деб қасам ичиб, Эргашбойнинг ҳузурига кирди.

- Мен Эронга ўтиб келмоқчиман, - деди қўрбошига. - Ҳомийларимиз ой охирида озиқ-овқат жўнатишга сўз беришганди.

Гофур бу тўғрида икки кун аввал Эргашбойга айтганди. Шу сабабли қўрбоши унинг Эронга ўтишига розилик берди. «Юк»ни жўнатаётганимни билмагани маъқул», деб ўйлади.

- Қачон йўлга чиқасан?
- Вақт тигиз, ҳозир жўнамоқчиман!
- Бирор ҳафта турсанми?
- Ишим битса қайтаман!
- Шошилма, Нурбек жаноблари билан гаплаш, каттароқ пул жўнатсин! Қиш кириб келяпти, аҳволимиз яхши эмас.

Эргашбой унга изн берди. Гофур йўлга тушди. Қўрбоши айгоқчисини чақиртирди.

- Изига туш, қайси сўқмоқдан кетганини аниқла!

Гофур орқасига одам тушганидан беҳабар бўлса-да, гумони бор эди. Шу сабабли Эронга элтувчи сўқмоқдан юрди. Куёш ботди, қош қорайди, икки қадам нарини кўз кўрмайдиган бўлганда изига бурилди. Айғокчи Эронга кетаётганига ишонч ҳосил қилиб лагерга қайтганди. Гофур Қирғизистонга элтувчи йўлга тушиб олди. У «юк» олиб борувчилар «Аждар гор»да тўхташини биларди. Шу сабабли тинимсиз йўл босди. Форга Эргашбойнинг одамларидан вақтлироқ етиб борди.

«Юк» орқалаган одамлар икки киши эди. Улар қош қорайганда йўлга чиқишганди. Бир-бирлари билан суҳ-

батлашиб боришарди. Шу сабабли ғорга Ғофурдан анча кейин етиб келишди. Бу пайтда тонг ёришганди. Ғофур уларни кўриб, ўзини панага олди. Яқин келишганда таниди. Булар тўдабошининг содиқ ва ишончли йигитларидан Мирсодиқ билан Абдусамат эди. Улар билан тиллашиб бўлмасди. Айниқса, Мирсодиққа ишониш қийин эди. Иккиси ғор оғзига келиб, ёнбошлади. Чарчашгани билиниб турарди. Вақт тигиз, Қамбарнинг одами келиб қолиши мумкин. Ғофур қўлига ханжар олиб, оёқ учига юриб бекинган жойидан чиқди. Абдусамат ухларди, Мирсодиқ кўзларини юмиб ётарди. Ғофур сас чиқармай уларга яқинлашди. Мирсодиқнинг оғзига кафтини босди. Қўрқувдан косасидан ирғиб чиққан кўзлари Ғофурга тушди. Нимадир демоқчи бўлди. Жон ҳолатда типирчилади. Ғофур унинг бўғзига ханжар урди. Мирсодиқнинг қони тошларни қизил рангга бўяди. Абдусамат ҳамон ухларди. Ғофур тошлар устида қонли из қолдириб, жасадни ғор ичига олиб кирди. Қайтиб чиққанда Абдусамат уйғонмаганди. Ғофур оёғи билан тепганда кўзларини очди. Кекиртагига ханжар тираб турган таниш юзни кўрди.

- Ғофур! - овози титраб чиқди.

- «Юк»ни ким олиб кетади? - сўради Ғофур.

- Қамбарнинг одами, - зўрға жавоб қилди Абдусамат.

- У қачон келади?

- Буни айтмаган...

- Исми?

- Билмайман..

Ғофур қон қотган ханжарни унинг кекиртагига ботирди. Териси шилиниб, қон чиқди. Абдусамат ингради.

- Худо ҳаққи, билмайман! Ким келишини бизга айтмаган!

Ғофур ишонди.

Тошларга Мирсодиқнинг қони сачраганди. Ғофур ёнидан сув идишни олиб, Абдусаматга узатди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бир дақиқа муҳлат, тошларда қон қолса, сеники ҳам шу тошларни қизил рангга бўяйди!

Абдусамат икки қўллаб тошларни ювди. Ғофур соати-га қараб турди. Эллиқ саккиз сонияда тошларда қон қолмади..

- Яхши! - олқишлади Ғофур. - Сен билан ишласа бўлади. «Юк»ни кўтар!

- Қасққа?

- Берган саволинг сени жаҳаннамга етаклайди, тундундингми?! Яшашни истасанг, буйруғимни сўзсиз бажар!

- Мени ўлдирмайсизми? - Абдусамат бу гапни илтимос тарзида айтди.

- Агар садоқат билан ишласанг, жонингга қасд қилмайман!

- Қасам ичайми?

Ғофур тўхтади.

- Қасам, нима деб ичасан?!

- Худо урсин, дейман!

- Худони тинч қўй, у сени аллақачон урган!

- Унда айтинг, мен такрорлайман!

Ғофурни ўй босди, бир фурсат ўтиб, дилига келган сўзларни айтди.

- Шу соатдан бошлаб, ўзимнинг янги бошлиғимга хиёнат қилсам, унга нисбатан кўнглимга ёмон ўй келтирсам, айтган топшириғини бажаришдан бўйин товласам, ўртамиздаги сирни бегоналарга ошкор қилсам - ўлимимга розиман!

Абдусамат унинг сўзларини овози титраб такрорлади.

- Биласан, қасам муқаддас нарса, бузадиган бўлсанг кечирмайман. Бошингга итнинг кунини соламан. Дунёга келганингга пушаймон бўласан!

- Хотиржам бўлинг, шу соатдан бошлаб тугишганингиздай хизматингизда бўламан! - Абдусамат қўлини кўксига қўйди.

Улар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб,

Бишкек томонга йўл олишди.

* * *

Эргашбой одамларининг қайтиб келмаганидан ҳавотирда эди. Қамбар билан алоқа ўрнатишга кўп уринди, бироқ натижа чиқмади. Ташвиш ва шубҳа уммони тўдабошини дақиқа сайин комига тортарди. Ўт бўлиб ёнаётган қалбига таскин-тасалли берувчи юпанч йўқ эди. Бир ёндан Вадим Вольфович, иккинчи томонда Абдуллоҳ кўзига кўринарди. Бугун бўлмаса эртага, уни қисти-қафасга олишади. Бири «дори» келмаяпти деса, иккинчиси пулни тўла, дейди. Бундай совуқ хабарни эшитиш Эргашбой учун чўққидан ўзини жарга улоқтириш билан баравар. Ахир Қамбарга ишониб, озмунча «дори» жўнатдимми? «Юк Вольфовичнинг қўлига етиб бормаган», дея ўзига ўзи таскин изларди Эргашбой. Одамлари қўлга тушиб қолганда, Қамбар ўша заҳотиёқ хабар жўнатарди. Вадим Вольфович эса хиёнат қилмайди. Ёки Қамбар алдадимми? Юк етиб борганда ҳозиргача пули чўптагида бўларди. Мирсодиқ билан Абдусаматга нима бўлди? Эргашбой бошида айланаётган ваҳимали ўй-хаёлларга жавоб тополмай юрган кунларнинг бирида Қамбар хабарчи жўнатди.

- «Юк» етиб келмаяпти, хўжайин! - деди хабар келтирган одам.

Эргашбой игна устида ўтиргандай сапчиб турди.

- Нега етиб бормайди. Жўнатганимга бир ҳафта бўлди-ку!

- Бир ҳафтадан бери Қамбарбек йўл пойлаяпти!

Эргашбой тўлғоқ тутган аёлдай ўзини қасрга қўйишни билмасди. «Дори»нинг етиб бормаслиги унинг учун катта йўқотиш эди. Кўз олдида ҳамини силлиқ гапириб, ора-сира заҳрини сочадиган, бир ғазаб отига минса, қондан бошқа нарса кўзига кўринмайдиган Абдуллоҳ келди. Гўё қаршисида туриб «Пул қани?», деб сўраётгандай туюлди.

Эргашбой одамларининг етиб бормаганига сабаб топди. Йўлдан адашган, бирор жарга қулаб тушиб ўлган ёски қашқирлар еб кетган! Аммо «дори» йўқолмаса бас, деб ўйлади. Шу куниеқ тоғ йўлини яхши биладиган одамларидан бештасини чақириб, Мирсодиқ билан Абдусаматнинг изидан «Аждар ғор»га боришни буюрди.

- Ҳар бир жарликни, ҳар бир ғорни, синчиклаб кўздан кечиринглар. Жарга тушган бўлсалар ҳам, қашқирлар еб кетган бўлса ҳам «юк» қолади. Топмагунча орқаларингга қайтманглар!

Изқуварлар ўзлари билан болта, арқон ва бир ҳафталик озиқ-овқат олиб йўлга тушишди. Тўдабоши одам ҳидини яхши биладиган Санжарни уларга қўшиб берди. У йўл бошловчи бўлиб олдинда борарди. Бурни ерга теккудай энкайиб, ўт-ўланларни, тошу тупроқларни искаб, туядай лўкиллаб чопарди. Унинг димоғи бир ҳафта аввал юрган одамларнинг исини ололмасди. Икки кун аввал ёққан ёмғир ҳидни кўтарганди. Шундай бўлса-да, ҳар бир ҳандақни, ҳар бир жарни кўздан кечиришарди. Жарларга арқон ташлаб тушишарди. Ниҳоят, «Аждар ғор»га етиб келишди. Шунда Санжарнинг димоғига қўланса ҳид урилди. Шериклари исни пайқашмаганди. У қўлини кўтариб, орқадагиларга тўхташ ишорасини қилди.

- Ўлган одамнинг иси келаяпти, - деди бурни билан ҳавони искаб.

- Ўлган одамнинг? - ҳайрон бўлишди шериклари, - Қаердан?

Санжар қўли билан ғорни кўрсатди.

- Икки чақирим наридан!

Жангарилар бир-бирларига қарашди. Бурунлари билан ҳавони қанчалик ҳидлашмасин, Санжар сезган исни олишолмади. Улар эҳтиёткорлик билан йўлда давом этишди. Ғорга саноқли қадам қолганда бирдан ҳаммалари ҳушёр тортишди. Санжар сезган

«АФФОН ШАМОЛИ» - 4

ҳид энди уларнинг ҳам димоғига урилганди. Ҳам-малари саллаларининг учи билан оғиз-бурунларини тўсишди. Санжар гор огзида тўхтади.

- Ҳид ичкаридан келяпти, - деди горни кўрсатиб.

Ичкарига киришга ҳеч кимнинг юраги бетламади. Ноилож Санжар жазм этди. Агар жасадлар ҳақиқатан ҳам ўз одамлариники бўлса, «юк»ни топиб боришса, Эргашбойдан нафақат мақтов, балки мукофот олишлари аниқ. Гор ичи қоронғу эди. Ҳеч нарса кўринмасди. Ун дақиқалар ўтиб, Санжар сасиб, қуртлаб кетган жасадни судраб чиқди. Бўғзидаги жароҳат уни қасддан ўлдирилганлигини билдирарди.

- Шериги қани?

- Ичкарида бошқа жасад йўқ, бир ўзи экан! - жавоб қилди Санжар.

- «Юк»чи?

- Тополмадим!

- Қайтиб кир! - маслаҳат берди жангари.

- Мен ҳамма ёқни тинтиб чиқдим, ишонмасанг ўзинг кир!

Ичкарига киришга ўзгаларнинг юраги чопмади.

- Абдусамат қаерда қолдйкин?

- У Мирсодиқни ўлдириб, «юк»ни олиб қочган!

Улар Мирсодиқнинг ёнидаги қуролни ва хорижда тайёрланган қалбаки паспортини салласига ўраб, орқага қайтишди. Буни Эргашбойни ишонтириш учун кўрсатиладиган далил, деб билишди.

Тўдабоши «юк»нинг йўқолганлигини, Мирсодиқнинг ўлдирилганини эшитиб, олов ичида қолгандай типирчилади. Унинг қотилини Абдусамат, деб билди. Ишонган одами Мирсодиқни ўлдириб кетганига чидаёлмади. Абдуллоҳга нима деб жавоб қилишни ўйлади. Ўз огзи билан «юк»ни жўнатдим, деб ўша куни қулогини қиздириб қўйганди. Бир йил итдай ишласа-да, қарзини қайтаролмайди.

Эргашбой на хонасига, на ташқарига сиғарди. Қани энди ўша сотқин Абдусаматни ушлаб, оёгининг остига келтириб ташлайдиган бир мард топилса! Тириклай терисини шилиб, бошини қозонда қизиб турган мойга ташлаб, худди этни қовургандай қовуриб хуморидан чиқарди. «Йўқ, мендан қочиб қутулмайсан, ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёгингдан тортиб оламан. Тирик эканман, ер юзида яшаёлмайсан!» Қасос ўти юрагини ёндираётган Эргашбой энг ёмон сўзларни тилига олиб қасам ичди.

Ю Р Т Д А

Ҳанифа опа қизини Воҳидга қўшиб, Афғонистонга жўнатганидан сўнг, кўнгли бозорга чиқишни тусаб қолди. Эргашбой томонидан совға қилинган пул унинг юрагига шайтон мисоли жойлашиб, кўчага судрарди. Яқин орада кўлига бу қадар катта миқдорда пул тушмаганди. Ҳар куни кўни-кўшниларига бели букилмаган долларларни кўз-кўз қилишдан эринмасди.

Ҳанифа опа Эргашбой билан дастлаб шаҳарда ўзининг жиноий гуруҳини ташкил этган кезлари танишганди. У мелисаларнинг кўзидан яшириниш мақсадида бу хонадонга кириб, бир-икки кун тунаб кетарди. Ҳар келганда опани қуруқ қўймасди. Чўнтагидан пул олиб, кўлига тутқазарди. У пайтларда Сора ўн ёшли қизча эди. Мактабга қатнарди.

- Иним Эргашбой, сиз бизга кўп яхшилик қиялпсиз. Мендан қайтмаса Худодан қайтсин. Бу яхшиликларингизни вақти келганда узаман. Узолмасам, мана Сорахон бор! Шу қизим сизники! - деганди.

Ҳанифа опанинг ўшандаги гапи Эргашбойнинг миясига кўрғошиндай қуюлиб қолди. Ҳар гал келганда қизга бошқача кўз билан боқарди. Унга кийимлар, тақинчоқлар совға қиларди. Булар Ҳанифа опага ваъ-

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

дасини эслатиб турарди. Ниҳоят, Эргашбой қизнинг қучоғига киришга аҳд қилди. Кечки пайт бир қучоқ совға-саломлар кўтариб, Ҳанифа опаникига кириб келди. Бирга овқатланишди. Уй эгаси тўдабошининг мақсадини тушунганди. Уни зориқтирмади. Уй ичига жой қилди. Ортидан оқ кўйлак кийдириб қизини киритди. Соранинг бўйи куёвнинг кўкрагидан ҳам келмасди. Эргашбой унга ачинмади, балки шундай гўдакни қучоғида олиб ётишдан завқланди. Юраги энтикиб кетди. Чўнтагидан тилло узук чиқарди.

- Қўлингизни беринг!

Қиз қўлини узатмади. Эргашбойнинг ўзи унинг қалтираб турган қўлидан ушлади. Бармоғига узук солди.

- Муборак бўлсин! - У Соранинг ёниб турган юзидан муччи олди. Дадилланиб, кийимларини ечди. Кўрпага кираётиб Сорага деди;

- Сиз ҳам ётинг, тун ярим бўлди!

Қиз тақдири отаси тенги шу одамнинг қўлида эканлигини, қачондир қовушишларини биларди. Онаси қулоғини кўп қиздирганди. Киришидан аввал «акангни хафа қилма, кўнглини ол», деб тайинлаганди. Сора келмади. Эргашбойнинг ўзи ёнига борди. Бошидан рўмолини олди, кўйлагини ечди. Қизнинг оппоқ бадани ой нурида ялтиради. У Сорани кўтариб, кўрпага ётқизди. Чироқни ўчирди. Бағрига тортмоқчи бўлганда эшик тақиллади. Ҳанифа опанинг овози келди.

- Эргашбой, сизни ташқарида биров чақиряпти! - деди.

Эргашбой оҳ урди, ўрнидан турди. Кўчага чиқди, келгувчини таниди. Ўз одами Саттор эди.

- Нима гап, нега келдинг? - аччиқланиб сўради тўдабоши.

- «Мент»лар идорамизни босди, сизни излашяпти!

Эргашбойнинг ичига муз кирди, кўркувдан титради. Ичкарига қайтмади. Шу кетганича бу хонадонга қайтиб

Исҳоқжон НИШОНОВ

кирмади. Одамлари орқали Ҳанифа опадан хабар олиб турди. Пул ва бошқа совға-саломларни жўнатди. Эргашбой Афғонистонга ўтганда Сора ўн уч ёшга тўлганди. У мактабга қатнамай қўйганди. Қачондир Эргашбойнинг одамлари келиб, олиб кетишини кутарди. Тўдабоши қизни олиб ўтиш тўғрисида бир-икки ўйлаб кўрди. Одамлари Ҳанифа опанинг уйига тез-тез келиб, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни ташлаб кетишарди. Бундан бир ой аввал келган одам бир неча дона граната олиб келган, яқин кунларда Сорани олиб кетишини айтганди. Ҳанифа опа ўша одамнинг йўлига кўз тикадиган бўлди. Воҳид келиб ўн дона гранатани ташлаб, қизини олиб кетгандан кейин опанинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди.

У энди Воҳид айтган одамнинг келишини кутарди. Унинг гапига қараганда бир ҳафта ичида ўша одам уйдаги граната ва қуролларни олиб кетиши лозим эди. Шу сабабли Ҳанифа опа кўчага камроқ чиқар, чиққанда ҳам тезда қайтарди. Эшик тиқ этса, юраги бир қалқиб тушарди. Ниҳоят, ўша кимса келди.

- Эргашбойдан сизга салом опа, - деди нотаниш киши остонадан кириб келиши биланоқ.

- Сорахон етиб олдимми?

Келгувчи Сорахоннинг кимлигини билмасди. Бу ҳақда унга бирор гап айтишмаганди. Нима дейишни билмай қолган одам бир оз ўйланиб деди:

- Етиб бордилар!

- Йўлда қийналишмадимми?

- Хавотир олманг, ҳаммаси жойида!

- Илоҳим, тинч бўлишсин.

- Мен «юк»ни олиб кетгани келдим, опа!

- Жуда яхши-да, қани сўрига ўтиринг, йўл босиб келганиз, бир пиёла чой ичинг!

- Раҳмат, қайтишим ксрак. Тошкентда дўстларимиз кутишмоқда.

- Шунақами? Ишингиз зарур бўлса нима ҳам дердим,

укажон!

Ҳанифа опа уй ичиға кириб кетди. Вели букилиб, иккита сумкани кўтариб чиқди.

- Оғиргина экан, қийналиб қолмайсизми?

- Йўлга чиқиб олсам, у ёғи бир гап бўлар, опа!

Йигит сумкаларни очди. Уларнинг бирида гранаталар, иккинчисида портлатгич мосламалар жойлаштирилганди.

Шу пайтда кўча эшиқ тақиллаб қолди. Ҳанифа опа эшик томон юзланди. Йигит гранаталардан бирини қўлига олди-ю, сумканинг оғзини беркитиб, уларни сўри остига яширди. Бу орада эшик яна тақиллади. Ҳанифа опа меҳмон билан кўз уриштириб олгач, эшик томон юрди.

- Мана ҳозир, кетяпман!

* * *

Телефон кўнғироғи эшик тутқичини ушлаган подполковникни орқага қайтишга мажбур қилди.

- Бу милицияданми? - нотаниш одамнинг паст, айни дамда ҳаяжонли овози келди.

- Эшитаман, - деди Абдурахмон Холиқов .

- Мен Воровский кўчасиданман. Кўшнимизнинг уйига нотаниш одам келди. У шубҳали кўриняпти.

- Бир ўзими?

- Шундай.

- Ҳозир етиб борамиз!

Абдурахмон Ҳанифа опанинг уйига Эргашбойнинг одамлари яширинча келиб туришидан, қизи Сорани эса яқинда олиб кетишганидан хабар топганди. У маҳалланинг ишончли одамларидан бирига уйни назоратга олишни, зарур пайтда кўнғироқ қилишини тайинлаганди. Подполковник ёрдамчисини олиб, манзилга жўнаб кетди. Кўча бошида кўнғироқ қилган одам уларни кутиб олди.

- У қачон келди? - сўради Холиқов.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Яқиндагина, қарашлари шубҳали. Бу ернинг одами-га ўхшамайди.

Абдурахмон кўча эшикни тақиллатди.

Ҳовлида икки нафар қизалоқ аргамчи учиб, қўшиқ айтиб ўйнашарди. Улар ичкарига кириб келган милиция ходимларига аҳамият беришмади. Абдурахмоннинг хаёли болаларда эди. Уларни ҳовлидан чиқариб юборишни ўйларди. Жангари безовталаниб, типирчилай бошлади. Бошлиқлари унга катта ишонч билдириб, Ҳанифа опанинг уйига яширилган «юк»ни керакли одамларга топширишни тайинлашганди. Уни ўқ-дори-лар билан қўлга тушиши мумкин эмасди. Тутиб олиш-гудек бўлса, бошлиқларининг кирдикорлари, мана шу «юк»ни қабул қилиб оладиган кимсалар ҳамда уларнинг режалари барбод бўлиши мумкин эди. У шундан ҳавотирга тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жангарининг олдида биргина йўл - рўпарасидаги милиционерларни ўлдириш ёки қизлардан бирини гаровга олиб, қочиб кетиш. Афсуски, ёнида қуроли йўқ. Уни халтага солиб қўйганди. Милиционерларнинг яқинлашиб келаётганини кўриб, халтадан бир дона гранатани олди. Милиция ходимлари меҳмоннинг ёнида граната борлигини хаёлларига келтиришмаганди.

- Яқинлашма! - меҳмон икки сакраб қизалоқларнинг ёнида пайдо бўлди ва улардан бирининг бўйнидан маҳкам бўғиб олди. - Яқинлашсанг, ҳаммангни портлатиб ташлайман!

Жангарининг қучоғида қолган қизча чинқириб йиғларди.

- Йўлдан қоч! - яна қичқирди жангари милиционерларга.

- Гранатани ташла! - буюрди Абдурахмон.

- Йўлдан қоч, дедим сенларга, акс ҳолда ҳаммангни портлатиб юбораман. - Жангари қизалоқни судраб, юк халтаси томон юрди. Унинг важоҳати шу қадар хунук ва даҳшатли эдики, қўлидан ҳар нарса келиши мум-

кинлигини билиш қийин эмасди. Қизчанинг нафаси бўғилиб, овози чиқмай, ранги кўкариб, кўзлари тепага битиб қолди. Ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

- Болани қўйиб юбор! - Абдураҳмон қандай қилиб бўлса-да, қизни унинг чангалидан қутқаришни ўйлади. Бироқ кўзи қонга тўлган жангари унинг талабини қабул қилмади. Подполковник шеригига қаради. Улар бир-бирларини кўз қарашларидан нима қилиш лозимлигини тушунишди. Абдураҳмон орқага чекинди. Эшик очиқ эди. Беш-олти қадам юрса, кўчага чиқиб олиши мумкин. Лекин бунга йўл қўйиб бўлмасди. Икки халта ўқ-дори, граната билан кўчага чиқиб, бирорта машинага ўтириб, кўздан яшириниши ҳеч гап эмасди.

Жангари халталарни олиб, эшик томон юрди. У қизчанинг сочларини билагига ўраб олганди.

Бошлигининг мақсадини тушунган сержант яшин тезлигида жангарига ташланди. Гавдаси билан итариб юборди. Қизнинг бир тутам сочи унинг чангалида қолди. Жангари қўлини граната халқаси томон чўзди, аммо етмади. Икки қадам нарига бориб йиқилди. Бироқ ўзини йўқотиб қўймади. Мушукдай сакраб, ўрнидан турди. Сержант яна унга ташланди. Икковлари олишиб кетишди. Жангари бақуват эди. Милиционерни тепиб юборди. Бу орада Абдураҳмон болаларга «қочинглар», деб уларни кўча эшик томон суриб юборди. Афсуски, кўрқиб кетган болалар нима бўлаётганини тушунмай, деворга суяниб, дағ-дағ титраб туришарди. Ҳанифа опа эс-ҳушидан айрилган одамдай турган жойида қотиб қолганди. Кейин ўзининг кимлиги ёдига тушиб, тандир томон чопди. Йўғон таёқни олиб келиб, милиционерлардан бирининг бошига урмоқчи бўлди. Бу орада Абдураҳмон жангарининг остида типирчилаб ётган шеригига ёрдамга ошиқди. Подполковник унинг устига ўзини отганда, жангари гранатанинг халқасини тортишга улгурганди. Абдураҳмон унинг қўлини қайи-

ришга ва гранатани гавдаси остига жойлашга улгурди. Граната портлади. Даҳшатли овоз еру кўкни титратиб юборди. Ҳийилган тупроқ том баробар кўтарилиб, атрофга сочилди. Портлаш тўлқини Ҳанифа опани келган жойига улоқтириб юборди. Болалар ерга йиқилишди. Портлаш жойида одамнинг қулочи етмайдиган ўра ҳосил бўлганди. Уч одам унинг ичида тўнтарилиб ётарди. Жангарининг бир қўл-оёғи танасидан ажраганди. Узилган оёқ кўча эшик олдига бориб тушганди. Қўл эса тупроқ остида қолганди. Сержантнинг қорни ёрилиб, ичаклари чиқиб тупроққа қоришиб кетган, лекин тирик эди.

Абдурахмоннинг бундай ҳолатга биринчи тушиши эмасди. Тўрт йил аффондаги урушда бўлиб, бундан-да даҳшатли воқеаларни бошидан кечирган, бир неча бор оғир жангларда яраланиб, тирик қолганди. Шу сабаб ўзини йўқотмади. Гранатанинг бир парчаси қорнининг пастки қисмини йиртиб ташлаганди. Тери остидаги чарв бутунлиги сабабли, ичаклар ташқарига чиқиб кетмаганди.

Сержант эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаганди. Граната икки қўлининг тирсагидан тепа қисмини узиб ташлаганди.

- Ҳўзингни қўлга ол, Искандар! - Абдурахмон кўйлагини йиртиб, шеригининг ярасини боглаб, ўрадан олиб чиқди. Бу орада қўни-қўшнилар ҳовлига кириб келишганди.

САМАНГАН

Йўлда Чўтирни тутиб олишди. Худди оёғи остидан чиққандек тўртта қуроли одам уни ўраб олди. Юзларига ниқоб таққанлиги сабабли уларнинг кимлигини билиш қийин эди. Чўтир йигитларнинг бошидаги салла ва устиларидаги кийимларидан «толибонлар бўлса керак», деб ўйлади. Эргашбой «толибонлар бизнинг яқин

биродарларимиз», деб кўп гапирганини эслади. Қолаверса, лагердаги жангариларни озиқ-овқат билан айнан толибонлар таъминлашидан хабардор эди.

- Кимсан? Қаёққа кетяпсан?!

Нотаниш кимсалар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишгач, Чўтирга шундай савол беришди. Унинг тили айланмади. Қўрқувдан дағ-дағ титрарди. Ниқобли кимсалар иккинчи бор сўрашганда жавоб беришга мажбурлигини ҳис этди.

- Эргашбойнинг йигитиман!

- Қайси Эргашбой? - бегона одамлар ҳайрон бўлиб яна саволга тутишди.

«Наҳотки, булар Эргашбойни танишмасе ёки мени синашяптими», деган ўй Чўтирнинг хаёлига келди. Куролли кимсалар бир зум жим қолишди. Уларнинг сукутда туришини Чўтир ўзича таҳлил қилди ва бошлигини «толибон»ларга яқиндан таништирмоқ мақсадида қўшиб қўйди:

- Ўзбекистондан ўтган Эргашбойни-да!

Шундан кейин улар Чўтирга хавотирли нигоҳ ташлашди. Эргашбой тўғрисида эшитишганди. Ашаддий рақиблари бўлмиш мулла Умар билан ҳамтовоклигини билишарди. Ҳатто одамлари унинг аскарларига қўшилиб жанг қилишаётганидан ҳам огоҳ эдилар.

- Қаёққа кетяпсан?

- Сизлар кимсизлар? - Чўтир уларнинг кимлигини билишга қизиқди.

- Биз мулла Умарнинг йигитларимиз!

- Ўзимизники экансизлар-ку, нега шуни олдинроқ айтмадиларинг? - Чўтир ўзига келди.

- Биз сени танимасак, хавотирландик-да!

- Ҳа, эҳтиёт бўлган яхши, танимаган одамга ишониб бўлармиди!

- Лагердан қочдингми? - уни саволга тутган бояги новча йигит Чўтирнинг мақсадини билишга қизиқди.

- Йўғ-е, нега қочар эканман, Эргашбойнинг содиқ

Исҳоқжон НИШОНОВ

Йигитлариданман-ку!

- Унда ярим тунда қаёққа кетяпсан?
- Хўжайин муҳим топшириқ бердилар, - деди овозини пасайтириб.
- Топшириқ, қанақа топшириқ? - қуролли йигитларнинг қизиқиши ортди.
- Бу сир, айтиш мумкин эмас!
- Аҳмоқ, ахир сен бизнинг одамимизсан-ку, мақсадимиз бир бўлгач, гап яшириб нима қиласан? Қўрқмай айтавер. Қўлимиздан келса ёрдам берамиз.
- Қўлларингдан-ку келмайди, аммо бир ишда менга ёрдам беришларинг керак, - Чўтир ўзини дадил ҳис этарди.
- Қандай ёрдам, айт, ҳозироқ бажарамиз!
- Гап ўртамизда қолсин.
- Албатта!
- Мен Абдурашид Дўстумнинг олдига кетяпман. Йўлни кўрсатиб қўйсаларинг?
- Дўстумнинг олдига? Нима, у билан сулҳ тузмоқчимсан? - ҳайрон бўлди йигитлар.
- Пинҳона аскарларининг сафига кириб олмоқчиман!
- О, иштаҳанг карнай-ку, биродар. Биласанми, Эргашбойнинг одами эканлигингни билса, у сени нима қилади?
- Биламан, аммо сездирмайман. Гўёки Эргашбойдан жабр кўрган одамдай кўз ёш тўкаман, - болаларча фикрлаб деди Чўтир.
- Оғир ишни бўйнингга олибсан, йигит. Ҳай, бориб унинг йигитлари сафига қўшилиб ҳам олдинг дейлик, кейин нима қилмоқчисан?
- Чўтир орқа-олдига қараб:
- Тинчитаман! - деди.
- Тинчитаман? Қандай қилиб тинчитасан?
- Буниси сир!
- Майли, сенга ёрдам берамиз, яхши йигитга ўхшай-

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

сан, - деди новча йигит. - Биз сени Дўстумнинг аскарлари яшаётган қишлоққача кузатиб қўямиз.

- Раҳмат, биродарлар!

- Қани, кетдик!

Йигитлар Чўтирни ўртага олиб, йўлга тушишди. Улар тоғ-у тошлардан ошиб ўтишди. Кеча ойдин. Тоғ йўлларида юриш хатарли эди, шошилишмасди. Бироқ Чўтир қийналди, тошларга қоқилиб, йиқилиб тушарди. Тонготар пайтида довондан ошиб ўтишди. Пастда ёниб турган гулханлар кўринди.

- Етиб келдикми? - сўради Чўтир пастга қараб.

- Ҳа, етиб келдинг, биродар. Кўриб турганинг Дўстумнинг одамлари бўлади!

- Раҳмат сизларга, яхшиликларингни амиримизга айтаман!

Шу пайт олдинда турган йигит Чўтирнинг қўлларини қайирди. У бақирди:

- Нима қиляпсизлар, қўйиб юборинглар!!

Йигитлар уни ерга ётқизишди, чўнтақларини тинтишди. Ёнидан финларнинг кичкинагина тўппончаси ва шиша идишчада оқ кукун топишди.

- Қўлимни бўшатишлар, бу ишларинг учун амиримиз сизларни жазолайди! - тинимсиз дод соларди Чўтир. - Қўйиб юборинглар, деяпман сизларга!

- Типирчилама, ҳозир Дўстумнинг олдига борасан! Сени шу ҳолда олиб борсак ишонмайди. Қўл-оёгингни боғлаб, судраб борсак, ишонади, йигитларининг сафига қўшиб олади!

Бу иш Чўтиргга маъқул келгандек бўлди, овозини ўчирди.

- Унда қўлимни секинроқ боғланглар, оғрияпти!

- Чида!

Йигитлар Чўтирнинг қўлларини боғлаб, пастга ҳайдаб тушишди. Аскарлар атрофини ўраб олишди. Бу йигитлар Дўстумнинг разведкачилари эди. Улар душман жойлашган ҳудудларни аниқлаш мақсадида куза-

тувга чиқишганди. Ўша куни генерал Маъсуд Шоҳ билан музокара олиб бориш мақсадида унинг олдига кетганди. Разведкачилар жосусни Дўстумнинг ёрдамчиси ҳузурига олиб киришди.

- Сардоримизни ўлдириш тўғрисида сенга ким топшириқ берди? - сўради Ризо Аҳмад.

Чўтир алданганини тушунди.

- Эргашбой, - деди асир гап яширишнинг фойдаси йўқлигини тушуниб. - У мени қийнади, азоблади!

- Бизда сотқинларни сўроқ қилишмайди, уларнинг жазоси ўзи билан! - Ризо Аҳмад Чўтир билан музокара олиб боришни истамасди.

- Нима, мени ўлдирмоқчимисиз?

- Бу бизнинг хоинларга берадиган ягона жазомиз!

Чўтир ўлимни кўз олдига келтирди. Ҳозир пешонасидан отиб ташлашадигандек туюлди. Кўз ёш тўкди. Ризо Аҳмаднинг оёғи остига йиқилди.

- Топшириқни бажармасанг ўлдирамиз, деб кўрқитишди. Раҳм қилинг. Истасангиз, аскарларингиз сафида, сизларга хизмат қиламан!

Ризо Аҳмад бир сўзли одам эди. Оёғи остида юмалаб йиғлаётган хоиннинг оху зорларига кулоқ солмади, қарорини ўзгартирмади. Ахир, бунақа сотқин ва ёлланган қотилларнинг бу ерга биринчи келиши эмасди. Аскарларнинг генералга бўлган садоқати ва ҳушёрлиги сабабли улар қўлга тушиб, ўз ниятларига етолмай шарманда бўлиб, қатл этиларди. Чўтир рўпарасида турган одамнинг авзойини кўриб, қалбида раҳм-шафқат ҳиссини уйғотолмаслигини тушунди. Йигитлар Чўтирнинг қўлтигидан олиб, ташқарига судрашди. У охириги имкониятини ишга солди:

- Мени қўйиб юборинг, ахир ҳамма гапни рўйи-рост айтдим-ку. Сўзларимга шубҳа қилаётган бўлсангиз, ўзимни оқлайдиган далилим бор! - деди боягидан баландроқ бақариб.

- Яна қандай далилинг бор? - Ризо Аҳмад қизиқиб унга боқди.

Чўтир ҳар ишга тайёр эди. Далилини кўрсатса, омон қоладигандек эди.

- Қўлимни қўйиб юборинглар! - деди соқчиларга.

Ризо Аҳмаднинг ишораси билан унинг қўлларини бўшатишди. Чўтир шимини ечди. Ризо Аҳмад унинг олати ўрнида қорайиб турган чандиқни кўрди. Юрагида уни қийнашган, деган ишонч уйгонди.

- Мен аввалига Эргашбойнинг шартига кўнмадим. Абдурашид Дўстум ўзимизнинг одам, унга ёмонлик қилмайлик, иложи бўлса ёрдам берайлик, дедим. Улар гапимга қулоқ солишмади. «Сен ҳали Дўстумга ёрдам бермоқчимисан, унинг аскарларига қўшилиб, бизга қарши жанг қилмоқчимисан», деб дўппослашди. Мен сўзимдан қайтмадим. Охири олатимни кесиб ташлашди. Яна рози бўлмасанг, тириклай кўмиб юборамиз, деб кўрқитишди. Кўзимга жоним кўриниб, таклифларига рози бўлдим.

Ризо Аҳмад дилдираб турган бу одамни ўлдириш ҳайф эканлигини тушунди. Кўрқоқ ва юраксиз одамларни отган билан наф топармиди? У йигитларига юзланди.

- Буни қандай жазолашганини кўрдиларингми?

Йигитлар кулишди.

- Сен ўз бошлигинга бориб, Абдурашид Дўстумнинг одамлари ҳийламингни сезиб қолишди, деб айтгин. Бундан кейин ҳузуримизга олати кесилмаган йигитларини жўнатсин. Биз уларни қандай кутиб олишни яхши биламиз! - деди кўнгли бироз юмшаган Ризо Аҳмад.

Чўтир унинг бу сўзидан жони омон қолишини ва лагерга қайтариб юборишларини тушунди. Юрагида умид уйгонди.

- Биз сени жазосиз Эргашбойнинг ҳузурига қайтаролмаймиз, акс ҳолда бошлигинг олдимизга келга-

Исҳоқжон НИШОНОВ

нингга ишонмайди! - деди Ризо Аҳмад.

Чўтир индамади.

Аскарлар жосуснинг икки қулоғини кесиб, йўлни кўрсатиб, ҳайдаб юборишди. Чўтир ерга юз тубан чўзилиб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Эргашбойга қўшилганига минг бор лаънатлар ўқиди. Тонг ғира-ширасида ўрнидан туриб, оёқларини зўрга судраб лагерга жўнади.

- Уни қўйиб юборганимиз чакки бўлди, - деди йигитлар Ризо Аҳмадга.

- Аксинча, биз тўғри иш қилдик. Эргашбой бизнинг қўлимизга тушганини, сири фош бўлганини тушунади ва Чўтирни жазолайди.

ПОКИСТОН

Париж-Тошкент-Бангкок йўналиши бўйича парвоз қилаётган «Боинг-776» самолёти қарачида тўхтаб, сўнг яна кўкка кўтарилди. Бу ерда саноқли йўловчилар тушди. Учта аёл бошқалардан ажраб турарди. Улар Тошкентдан чиқишганди. Барно ўзининг янги дугоналари билан самолётда танишди. Уччаласи ҳам бир ўриндиққа ўтиришганди. Уларни кузатиб келаётган икки нотаниш кимса азобекат ичига кирмади. Эшик олдида ўзига таниш одам билан кўз уриштириб, ташқарига чиқиб кетди. Аёллар ичкарида бўш ўриндиқларга ўтиришди. Уларни кутиб оладиган одам олдиларига келиши тушунтирилганди. Ташқарига шом қоронғулиги чўкарди. Аёлларнинг хавотирли кўзлари атроф-теваракка жовдираб боқар, келиши кутилаётган одамни излашарди. Ниҳоят, ҳижобга ўралган аёл пайдо бўлди.

- Сизлар Тошкентданми? - сўради у.

- Шундай, - жавоб қилишди учалалари бараварига.

- Ортимдан юринглар!

Ташқарига чиқиб, машинага ўтиришди. Кўчалар қоронгу эди. Машина шаҳар томон кетди. Бир соат йўл босиб, кўримсиз бино олдида тўхтади. Ҳижобли аёл

меҳмонларни ичкарига бошлади. Уй тор эди, ёқимсиз хид анқирди.

- Бугундан бошлаб шу ерда яшайсизлар! - деди у меҳмонларга. Озиқ-овқатни ўзим келтириб бераман! Менга паспортларингни беринглар, қайтишларингга чипта олиб кўяман!

Уч аёл шоша-пиша ёнларидан ҳужжатларини олиб, аёлнинг қўлига тутқазишди.

- Мен эртага келаман!

Аёл паспортларни сумкасига жойлаб, хонадан чиқиб кетди. Меҳмонларнинг юрагига ғулғула тушди.

- Қаерга келиб қолдик, нега бизни ёлғиз ташлаб кетди? - деди улардан бири.

- Назаримда, бизни тижорат ишига жўнатишмаган кўринади, - деди Барно юраги титраб.

- Ёмон ниятда олиб келишганда, бизга бошпана беришармиди? - деди иккинчи аёл. Унинг исми Кифоят эди.

- Кўнглим сезиб турибди, бизни бошқа мақсадда жўнатишган!

- Балки қайтиб кетармиз? - маслаҳат солди Барно.

- Қаёққа? Паспортибизни олиб қўйди-ку, анови жодугар! Чиптамыз ҳам йўқ!

- Сабр қилайлик, эртага олдимизга келади. Ёқмасе кетамиз! - бу ўзини Сарвиноз деб таништирган аёлнинг сўзи эди.

- Қайдан ҳам келдим, - пушаймон бўлди Барно.

- Хавотирланманг, опаси, ҳаммаси яхши бўлади. Бизни жўнатган акаларимиз катта-катта пулларни ваъда қилишган. Наридан бир ой турамыз. Ўзимизга қолса бир чамадон пул билан ҳам бу ерга келолмасдик! - деди Кифоят.

Шериклари индамади.

Эрталаб бегона аёл келди. Юзи эркак кишиникига ўхшарди. Овози йўғон эди. У ўзини меҳмонларга Гули, деб таништирди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Мен бир ой давомида сизлар билан бирга бўламан,
- деди Гули меҳмонларга. - Суҳбатлашамиз, маслаҳат-
лашамиз, дардлашамиз!

- Бир ой? - ҳайрон бўлди Барно. - Бир ойгача бу ерда
нима қиламиз?

- Нима қилишни бугундан ўргатаман! - деди Гули
қошларини чимириб.

- Кўчага чиқмаймизми?

- Муслмон аёлнинг кўчага чиқиши ношаръийдир.
Бу ернинг аёллари кўчага чиқмайди! Юзларини номаҳ-
рам эркакларга кўрсатишмайди.

Шундан сўнг Гули қизларнинг ҳаётлари, яшашлари
тўғрисида сўраб-суриштирди. Эртаси куни қишлоқла-
ри, учинчи куни эса таниш-билишлари, яқинлари
тўғрисида сўради. Кейин эса уларга муслмон аёллар-
нинг бурчи, ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида ваъз ўқиди.

- Дунёни динсизлар, меҳр-оқибатсиз, қаҳри қаттиқ
инсонлар босиб кетяпти! Бу хатарнинг олдини олиш
сиздек аёлларнинг бурчидир. Эркакларимизни, бузуқ
ва бетавфиқ аёлларни йўлдан қайтариш учун сизлар
фидоийлик кўрсатишларинг, лозим бўлса ўз жонларинг-
ни қурбон қилишларинг зарур. Бу ишда Тангри-таоло
сизларни қўллаб-қувватлагувчидир. Кимки шарм-ҳаё
кўтарилаётган замонда бир динсизни йўлга солса, уни
куфр йўлдан қайтарса, мақсади йўлида жонини фидо
қилса, билингларки, беҳисоб ҳамду саноларга сазовор
бўлади. Шу пайтгача қилган гуноҳлари тўкилади. Ўзи
ва яқинлари учун жаннат эшикларини очад! Қиёмат
кунига қадар роҳат-фароғатда яшамогингиз, жаннат-
нинг энг гўзал гўшаларидан жой олмогингиз учун
сизларга фурсат келди. Зероки, сизлар жиҳод йўлида
шаҳид кетсангиз Тангрининг раҳматига мушарраф бў-
ласизлар! Шу кунга қадар шармсиз, беҳаё ишлар билан
шуғуллангансиз, шайтон сизларни йўлдан оздирган ва
сочингизнинг толасигача гуноҳлар балчиғига ботган-
сиз. Кимки жиҳод йўлидан бўйин товласа, қилган

гуноҳларини қиёматгача юволмайди. Мен кўзларингиздан сезиб турибман, сизлар ҳам шу кунга қадар билиб-билмай кўп гуноҳ ишларга қўл ургансизлар. Фақш ишлар билан шуғуллангансиз! Ҳозир шу гуноҳлардан соқит бўлишни ўйлаясизлар. Буни ўйлашнинг ўзи қалбингизда имоннинг тирилишидан далолат беради. Эс-ҳушингизни йиғинг! Дўзахни, жисми жонингиз оташда ёнишини, минг азобларда қийналишингизни кўз олдингизга келтиринг! Сезаяпман, ўпкангиз тўлиб кетяпти. Билиб-билмай қилган гуноҳларингизнинг юки елкангиздан босиб турибди. Юрагингизни мижғилаяпти, азобляпти. Йиғлагингиз келди, йиғланг, юрагингизни бўшатинг!

Гулининг сўзлари аёлларнинг кўз олдига дўзах азобуқубатларини келтирди. Юракларини кўзга кўринмас одамнинг қўли мижғиларди, азобларди. Гулининг сўзидан сўнг уч аёл ўкириб-ўкириб йиғлашди. Йиғлаган сайин ичларига нур киргандай кўнгиллари ёришарди. Ўзларини қуш мисоли енгил ҳис этишарди. Гули яна уларни юпатди. Бир меъёрда сўзида давом этди.

- Гуноҳларингизни ювишга, ўзингиз учун жаннат эшигини очишга сизда имконият бор. Бунинг учун жиҳод йўлини ихтиёр этинг. Ҳидоятга мушарраф бўлинг! Сизлар жиҳодга бел боғлашга аҳд қилиб, қасам ичган кунингизданоқ фаришталар омин дейди. Осмону фалақдан устингизга ҳамду сано нурлари ёғилади. Сизлар кўрқувни, ваҳимани ўйламанг! Улар сизга яқинлашмайди. Одамларга, болаларга меҳр қўйманг, билингки, улар йўлдан озган, адашган, шайтон гапига кириб кетган бандалардир. Покланган қалбингиздан иблисга жой берманг. У оздиргувчи! Йўлдан ургувчидир! Ичингизга кириб, аҳдингиздан қайтармоқчи бўлади. Душманларингизга раҳм-шафқат ва ачиниш ҳиссини уйғотади. «Бу ишинг гуноҳ», деб сизни кўрқитади. Кўз олдингизга азобларни, қийноқларни келтириб қўяди. Уни ҳайданг, покланган қалбингиздан жой берманг!

Исҳоқжон НИШОНОВ

Сиз фақат жиҳодни ва қиёмат кунига қадар роҳат-фарогатда яшашингиз мумкин бўлган жаннат шоҳсупасини ўйланг!

- Биз ўша жаннат висолига етишмоғимиз учун қандай ишларни бажармоғимиз керак? - сўради аёлнинг сўзлари таъсирига берилиб ўтирган Кифоят.

- Жиҳод камарини белга боғлайсизлар! Бизнинг ашаддий душманларимиз, ғанимларимиз тўпланган жойларда уни ишга соласизлар!

- Биз ҳам ўлиб кетамизми? - юрагини ваҳима босган Сарвиноз чўчиб тушди.

- Буни ўлим дсб билманг! - тушунтирарди Гули. - Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бахт! Кечириб бўлмайдиган гуноҳларингизни ювиш учун берилган имконият. Жаннатнинг эшикларига йўл очувчи бахт калити! Бир лаҳзалик азобдан сўнг руҳингиз жаннатнинг сўлим гўшаларига кириб боради! Қиёмат-қойим-гача малаклар, ҳуру гилмонлар хизматингизда бўлади!

- Муқаддас китобларда ўз жонига қасд қилган одамга жаноза ўқилмайди, деб айтилган, - яна савол ташлади Кифоят.

- Сиз жонингизга қасд қилмаяпсиз! - биров аччиқланган Гули Кифоятга хўмрайиб қараб қўйди. - Ғанимларингиздан, динсизлардан қасос олиш мақсадида ширин жонингизни муқаддас динимиз йўлида, жиҳод йўлида беряпсиз!

- Жиҳод - бу ўлимми?! - сўради Барно.

- Жиҳод бу боқий дунёга элтувчи ёруғ йўлдир. Бир дақиқалик азобни, жисмим йўқ бўлиб кетади, деган ваҳимани хаёлингиздан қувинг! Бундай ўйни миян-гизга шайтон жойлаб қўйган! Кўз олдингизга чин дунё, жаннат боғларини, атрофингизда хизмат қиладиган чўриларни, малакларни, роҳату-фарогатни келтиринг! Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлади.

Бу аёл бир ой давомида, деярли ҳар куни шу сўзларни такрорлаб, ўз ғоясини уч аёлнинг миясига қўроғошин-

дек қуйиб қўйди. Улар ҳар қадамда кўнгилларига ёпирилиб келаётган фикрларга қарши «Жиход - бу жаннатга элтувчи йўлдир», деган сўзни тилларидан қўймасдилар. Охир-оқибат юракларини ваҳима ва кўрқув тарк этди. Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган ҳамда чўчимайдиган бўлишди. Одамларга нисбатан заррача меҳр уйгонса, бу шайтоннинг иши, деб билишди. Ҳар бир одам, ҳатто гўдаклар ҳам уларнинг кўзига динсиз, имонсиз бўлиб кўринарди. Агар Гули «Белларингга жиҳод камарини боғлаб, ўзларингни одамлар орасига уриб, портлатиб юборинглар», деса асло иккиланиб ўтирмайдиган ҳолга келишганди. Гулида уларга нисбатан ишонч ҳосил бўлгач, аёлларга юртларига қайтишларига ижозат берди.

С А М А Н Г А Н

Чўтир хавф-хатарни ва ўлимни ортда қолдириб, юраги ғам-ғуссаларга тўлиб лагерга қайтди. Эргашбой унинг турқи-таравотини кўриб, нақ бўлмаса ҳушидан кетаёзди. Чўтирнинг қулоқсиз юзига кўзи тушганда юрагида тиг санчилгандай оғриқ турди.

- Нима гап? Қулоқларингни ким кесди? - Эргашбой қалтирарди.

- Мен алдандим! - Чўтир юзини чангаллаб йиғлаб юборди.

- Кимлар? Нега алдандинг? - Эргашбойнинг юрагини баттар ваҳима босди.

Чўтир гапиролмади. Ўзини тўхтатолмай йиғларди. Тўдабоши унинг қўлга тушганини, сир очилганини тушунди.

- Мени алдашди, хўжайин! - бояги сўзни такрорлади Чўтир. - Тўрт йигит ўзларини Дўстумнинг душманларимиз, деб таништиришди. Мен аҳмоқ уларнинг сўзига ишониб, оғзимдан гуллаб қўйибман. Улар менинг оёқ-қўлларимни боғлаб, Дўстумнинг хузурига

Исҳоқжон НИШОНОВ

олиб боришди.

- Уни кўрдингми? - Эргашбой оёғи куйган товукдек типирчиларди.

- Йўқ...

- Унда сени кимнинг олдига олиб боришди, қанжиқ?!

- Ёрдамчисининг кўлига топширишди. Кулоқларимни кесиб, жўнатиб юборишди.

- Демак, сирни фош қилибсан-да, итвачча! - Эргашбой Чўтирнинг юзига тупурди. - Дўстум энди бизни бу ердан ҳайдайди. Бир кечадаёқ лагернинг кулини кўкка совуради!

- Амирим, - деди Чўтир лаблари титраб. - Сизнинг одамнингиз эканлигимни айтмадим.

- Унда ўзингни кимман, деб таништирдинг, қон қусгур?! - ўшқирди Эргашбой. - Улар қулогингни бекорга кссиб жўнатишмаган. Бошлиқларига сабоқ бўлсин, сенларнинг кимлигингни биламиз, деган мақсадда шундай қилишган! Олдимга тирик қайтгандан кўра, ўлигинг келганда бу қадар эзилмасдим, ҳаромдан бўлган! Сен муқаддас қасамимизни буздинг, сиримизни ганимларга сотдинг! Энди жазонинг ўлим!

Чўтир тиз чўкиб, ўкириб йиғлади.

- Амирим, бир қошиқ қонимдан кечинг! Қасам ичиб айтаман, ўзимни оқлайман, ўша душманингни бари бир ўлдираман, қонини ичаман!

Эргашбой елкаси оша юзларини чангаллаб йиғлаётган Чўтирга қаради. Унга тикилиб, бир пайтлар гуруҳ учун катта ишлар қилганлигини эслади. Эркаклигидан жудо қилишди, қулогини кесишди, энди унинг учун яшашнинг маъноси қолдими? Булар унга бериладиган жазодан камми? У тирик бўлиб тирик эмас, ўлик бўлиб ўликлар сафида эмас. Яшашдан мақсади борми? Бугун бўлмаса эртага ўз бошини ўзи дорга илади. Энди кимга ҳам керак? Ўрнида бошқа эркак бўлганда аллақачон ўзини отган бўларди. Эргашбой тиз чўкиб йиғлаётган Чўтирга боқиб хаёлидан шуларни ўтказди. Уни ўлди-

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

риб, бирор фойдага эришолмаслигини тушунди.

- Кўзимга кўринма, ҳаромм! - жеркиб берди тўдабоши.

Чўтир ўрнидан турди. Қўрқувдан қонсизланган юзига қизиллик югурди.

* * *

Мирюнус ташқарига чиққанда ҳамма унга қаради. Бошлиқ уни бекорга ичкарига таклиф қилмаганини билишарди. Аммо у кўзларини ўғ мисоли қадаб турган йигитларга аҳамият бермади. Дастлаб тўқнашган жангариға:

- Тезда зиндондан Червон хонимнинг жасадини олиб чиқиб, жарга ташлаб келинглар! - деди. Кейин ёгочга боғланган Воҳиднинг олдига келди. Унинг ҳоли хароб эди. Пешонасига томаётган совуқ сув тинка-мадорини қуритганди. Асабларини шу қадар қақшатгандики, у ўлимига ҳам рози эди.

- Сора жарга йиқилиб тушгани ростми? - сўради Мирюнус юзлари ва эгнидаги кийимлари шалаббо бўлиб кетган бандининг иягидан кўтариб. Воҳиднинг назарида Мирюнус уни қийноқдан қутқариш мақсадида келгандек туюлди. Боя бошлиғиға айтган гапини такрорлади.

- Қулаб тушди, ушлаб қололмадим!

Мирюнус кулди.

- Алдаяпсан, ҳароми!!

- Энам хотиним...

- Қасам ичма, даюс! Гапинг ёлғон бўлса, энангни қайдан топаман? Ё ўзинг билан ётаманми?! - Мирюнус хандон отиб кулди. Атрофда турган йигитлар ҳам унга қўшилишди.

- Йиқилган жойини айт?

- Довондан тушишда, кекса арчанинг олдидаги жарда!

- Алдамаяпсанми?

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бориб кўринг...
- Айтмасанг ҳам бориб кўраман!
- Мени кутқаринг ака, бу аҳволда ўлиб қоламан!
- Кутқарсам ҳам барибир ўласан!
- Хизматингизни қиламан...
- Менинг хизматимни фақат хотинлар қилиши мумкин...

Мирюнус кулди. Уч-тўрт йигитни олиб, тоққа жўнади. У кетиши билан зиндонбон Червон хонимнинг жасадини тепага олди.

Хоним ўзини қора қурт чаққанини, заҳарли бу жониворни Мирюнус ташлаганини ҳам биларди. Таклифини рад этгани боис шу ишни атайин уюштирганини оғриқлар азобида эслаганди. Хушдан кетаётганда яна бир бор Яратганга тавалло айлади. Мағфират қилишини чин дилдан сўради.

- Ўзинг асрагин, омонатингни шу юртфурушлар қўлида олмагин. Ўлимим олдидан Ватанимни бир бор кўрай, муқаддас тупроғини ялай, ирмоқларидан ҳовучимни тўлдириб сувини ичай, кейин жонимни олсанг, жисмимни дўзах ўтида куйдирсанг армоним йўқ!

Шу сўзларни айтиб, калимасини ўгираётганда хушдан айрилди. Хонимнинг томирларидаги хайрул умрининг суви ҳали тўхтамаганди. У билинар-билиномас оқарди. Хаста юраги зўрга тепарди. Белига арқон боғлаб, тепага тортишаётганда, танаси тошга текканда оғриқни ҳис этди. Бироқ кўзларини очолмади. Қулоғига элас-элас одамларнинг овози чалинади. Тириклигини изҳор айлашга, нам қочган, тарашадек қотиб қолган лабларини қимирлатишга куч тополмасди.

- Қаерга кўмамиз?
- Жарга ташлаймиз!
- Сасиб кетади!
- Яхшиси кўмайлик!
- Қабрни ким қазийди?

- Бу ерда қабр қазиш ҳам азоб!
- Устига тошларни бостириб кетамиз!

Жангариларнинг гаплари узук-юлуқ хонимнинг кулоқларига жуда ҳам олисдан келаётгандай эшитилар, ўзининг тириклигини билдиргиси келар, аммо на қўлларини, на лабини қимирлатишга мадори етмасди. Индамаса, ўзининг тириклигидан белги бермаса, устига тошларни бостириб кетишлари мумкин. Червон хоним бутун диққатини бир нуқтага жамлади. Ёпишиб қолгандек туюлган киприкларини кўтаришга уринди. Тепасида турган одамлар булут мисоли, кўкда сузиб юришаётгандек эди. Унга ҳеч ким аҳмият бермади, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Хонимнинг биринчи кўрган ва таниган одами Воҳид бўлди. У шундоқ ёнида ёғочга боғлаб ташланган ҳолда бошини осилтириб турарди. Пақирдан томаётган томчилар пешонасига чакиллаб тушарди, сўнг ялпоқ юзини босган соқоли ичига сингиб кетар, сиғмай кўкрагига тушарди.

- Сизга не бўлди?.. - хоним юрагининг тубидан чиқаётган бу сўзни овоз чиқариб айтишга ҳар нечук уринмасин, бари бир қуруқшаб қолган лабларини қимирлатишга ўзида мадор тополмади. Шу он қаердан-дир етиб келган икки йигит аёлнинг қўлларидан ушлаб, судраб кетишди. Хонимнинг кўйлаклари тошларга илиниб, йиртилиб, баданлари очилиб, шилиниб кетди. Чодир олдига етганда ўзга биров деди:

- Жарга ташланглар, бўрилар еб кетсин!
- Тишини қоқиб оламиз! Шунча тилла увол кетадими?
- Ярми меники!

Тепасига кимдир келди. Жағидан ушлаб, оғзини йириб очди. Хоним ўзининг тириклигини билдириш мақсадида танасидаги бутун кучни тўплади. Тилла тишларини суғираётган йигитнинг бармогини тишлади. Йигит қўрқиб, ўзини орқага ташлади.

- Тирик! Тирик эқан! - у арвоҳга дуч келгандай.

Исҳоқжон НИШОНОВ

бақириб қочди.

Қолганлар ҳам унинг изидан қочишди...

Жалол бошлиқнинг хонасига кирди. Хонимнинг ўлмаганлигини маълум қилди. Айни чоғда тўдабошининг юрагида Мирюнусга нисбатан шубҳа уйғотишга уринди.

- Ўрталарида сиз билмаган бир сир борки, уни тириклай кўмдиришга буйруқ берган! - деди.

- Гапингда жон бор, - қувватлади тўдабоши.

- Эшитишимча, бир ҳафтадан бери унга нон-суб бермабди.

- Хоним очликдан бу аҳволга тушмаган, - деди Жалол. - Мен унинг баданида кўкарган ва шишган жойларни кўрдим.

- Калтаклабдими?

- Асло, уни қорақуртга чақтирган! - паст овозда деди Жалол.

- Итдан тарқаган ҳароми! Ҳали менинг рухсатимсиз шундай қилибдими?

- Ўрталарида бир гап бор, хўжайин. Хоним ҳушига келганда сўраб билайлик!

Жалол кўпдан бери Мирюнуснинг ўрнига кўз тикиб юрганди. Уни йўқотиш пайида эди. Уч олиш мавриди келганди.

- Хонимнинг қўлида бир жуфт тилла узуги бўларди, ўша ҳам йўқ, хўжайин!

- А?!

- Кеча тунда зиндонга тушган, ўз кўзим билан кўрганман!

- Ўша ифлос келиши билан мени хабардор қил!

Жалол кўлини кўксига қўйди.

- Хонимни нима қилай, зиндонга ташлайми?

- Алоҳида чодирга ётқизинглар! Табибга айт, парвариш қилсин! Ўзига келса ҳамма гапни суриштириб биламиз!

* * *

Бу пайтда Мирюнус ортидан шерикларини эргаштириб, Сора қулаган жар томон шошиб борарди. У нима қилиб бўлса-да, жасадни топиб, ўлим сабабини ўрганишга ошиқарди. Ишни қанчалик тез ва соз уддаласа, Эргашбойнинг марҳаматига муяссар бўлиб, ишончига киришга умид боғларди. Қўлларини орқасига қайириб, ёғочга тангиб боғланган Воҳиднинг тақдирини ҳал этиши лозим эди. Шу мақсадда тинимсиз ва шошқалоқлик билан йўл босарди. Ортидаги шериклари унинг изидан зўрга етиб борарди. Сўқмоқ йўлда юриш оғир ва азоб эди. Чўққилардаги кумуш қорлар эриб, сув бўлиб, жилғаларни тўлдириб оқарди. Улар гоҳи оёқлари тойиб, гоҳида сирпаниб кетишарди. Лекин бунга аҳамият беришмасди. Муҳими тўдабошининг ишончини қозониш эди.

Ниҳоят, айтилган жойга етиб келишди. Арча атрофини айланиб, ҳар бир нарсани синчиклаб кўздан кечиришди. Бу ердан одам иси келарди. Мирюнус оч қашқирдек атроф-теваракка боқди. Биронта далилий ашё топиш илинжида тошлар орасини титди. Воҳиднинг изларини қидирди. Кўзлари арча ёнидаги тош орасида қолган бир парча латтага тушди. Шошиб уни қўлига олди. Латтада қон доғлари қотиб қолганди. Мирюнус бу латта кимга тегишли эканини ва қон Соранинг жароҳатидан томганлигини билди. Шериклари қизнинг жасадини қидиришарди. Мирюнус топилмани шишадек авайлаб қўйнига солди. Атроф-теваракда жасад кўзга ташланмасди. Улар сўқмоқдан четга чиқишди, қирғоққа келиб, бўйинларини чўзишиб, пастга қарашди. Бу ерда ҳам жасад кўринмади. Шундан кейин Мирюнус шериклари билан маслаҳатлашиб, «Соранинг ўлигини йиртқич ҳайвонлар еб кетган, хўжайинга шундай деймиз, муҳими қўлимизда Воҳиднинг қотиллигини фош қиладиган далил бор», деб ортага қайтишди. Ўн қадам юришганда йигитлардан

Исҳоқжон НИШОНОВ

бири кекса арча шохига илиниб қолган оқ матони кўриб қолди.

- Бу ёққа келинлар! - шерикларини чақирди у. - Мана бу ерда ётибди қиз!

Мирюнус шерикларини бошлаб ортга қайтди. Ҳам-малари шохда осилиб турган матога қарашди.

- Уликми, тирикми?

- Тирик экан! - қичқирди пастдаги жангари Мирю-нусга қараб - Бадани иссиқ!

- Секин кўтариб, бизга узат.

- Битталаринг тушинлар, ўзим қийналаман!

Яна бир жангари пастга тушди. Икки кишилашиб ҳушсиз ётган Сорани бир амаллаб тепага олишди. Сочлари тўзғиб кетган қизнинг рангида қон қолмаган-ди, оқариб кетганди.

- Шохлардан замбил ясанлар! - буюрди Мирюнус ёрдамчиларига.

Улар шох кесиш мақсадида арчазор томон кетишди. Мирюнус қизнинг юзига тикилиб турди. У ухлаётганга ўхшарди. Худди парилардек гўзал ва лобар эди. «Воҳид бекорга сенинг номусингга тегмаган», деган ўй кўн-гидан кечди. Тириклигини билиш мақсадида кўйлаги йиртилиб, очилиб қолган олпоқ кўкрагига қулоғини босди. Юзи текканда бадани жимирлаб кетди. Қизнинг танаси аста-секин исиб борарди. Юрагининг уриши тезлашарди. Мирюнус соқол босган юзини олпоқ сий-нага ишқали, ўпди, роҳатланди. Ўзининг қаерда турга-нини, йигирма қалам нарида арча кесаётган шерикла-рини унутди. Гўдакдай яйраб кетди. Кўзларини юмиб, «оҳ» деб энтикди. Эҳтиросга берилди. Ташна одамдек лаблари қизнинг сийнасидан бўйни остига, ундан яноқ-ларига югурарди. Қанча вақт бу иш билан шуғулланди, қанча вақт бўса олди, қанчалар энтикиб, оҳлар урди - буни билмайди. Кўзи беихтиёр тепасида бақрайиб турган Нозимга тушганда худди ўқ еган одамдай қотиб қолди...

«АФФОН ШАМОЛИ» - 4

- Нимани кўрдинг? - ранги оқариб кетган Мирюнуснинг овозида газаб, қаҳр, айти пайтда илтижо борлигини Нозим сезди. Мақсадини тушунди.

- Ҳеч нарса кўрмадим, хўжайин, - дея кўрқа-писа жавоб қайтарди.

Мирюнус чўнтагини кавлади. Зиндонга тушганда хонимнинг бармоғидан ечиб олган узукнинг бир донасини Нозимга узатди.

- Бировга кўрсатма!

Нозим узукни олди. Тилла тақинчоқларнинг нархидан яхшигина хабардор эди. Юраги патиллади. «Бир миллион сўмлик». Бу сўзни овоз чиқариб айтганини ўзи пайқамди.

- Менам бир ўпай, хўжайин! - деди кўзлари билан ерда чўзилиб ётган Сорага ишора қилиб.

Бу сўз Мирюнуснинг хаёлига йигитнинг тилини қисишни келтирди. «Ўпса, бировга айтмайди», деб ўйлади.

- Фақат тишлама! - Мирюнус ўрнидан турди. Хаёлида ҳамон узук эди, уни қайтариб олишни ўйлари. Кўзи тубсиз жарга тушди. Нияти бузилди. Орқасига қайрилди.

- Бери кел! - амр қилди Мирюнус.

Нозим ўрнидан туриб бошлиғининг олдига борди. Мирюнус қўлини йигитнинг елкасига қўйди, жарлик томон етаклади.

- Иккимиз ҳам бирдай айбдормиз, - деди Нозимни қандай қилиб жарга итариб юборишни ўйлар экан, - Хўжайин билса, иккимизни ҳам қозиққа ўтқазди.

- Биламан ака, ишонинг, оғзимдан гулламайман!

- Ишонаман, лекин...

- Замбил тайёр! - орқа томондан келган овоз Мирюнуснинг нафақат сўзини, балки амалга оширмақчи бўлган ишини ҳам поёнига етказди.

Жангарилар ҳушсиз ётган Сорани замбилга солиб, лагерга қайтишди. Мирюнус ҳам шод эди, ҳам хавотир-

Исҳоқжон НИШОНОВ

дан юраги беҳаловат эди. Нозим Сорани ўпганлигини айтмаслигига ишонса-да, ичи қоронғу эди. Хурсандчилиги шунда эди-ки, Воҳиднинг айбини фош қиладиган латтани эмас, ўлди деб жарга улоқтириб ташлаган қизни тирик топди. Хўжайиннинг қанчалар қувонишини кўз олдига келтирди. У лагерга келгандан бери Эргашбойнинг кўнглини олишга, ўзини яхши кўрса-тишга, ишончини қозонишга қанчалар уринмади. Ненене жангариларнинг сир-синоатидан уни воқиф қилмади. Ёмон кўрган одамларини пичоқнинг домига рўпара қилди. Хўжайиннинг огзидан гап чиқмасдан нима дейишини биларди ва ҳамиша унинг қошида қўлларини кўксига босиб, буйругини бажаришга ҳозир у нозир турарди. Ёшига ярашмаган бачкана қилиқлари билан ташқаридан боққан одамнинг ғашини келтирарди. У фақат ўзининг мўлтонилиги билан яшарди. Амал ва мансабдан айрилиб қолмаслик мақсадида ҳар қандай қабиҳ ишларни бажаришга тайёр турарди. Мана шу ҳаракатлари билан назарга тушди, шу садоқати билан ўнбоши бўлди. Эргашбойга ҳам шундай тилёғламачи, ўзгаларнинг сир-синоатидан огоҳ қилиб турадиган кимсалар ҳаводек зарур эди-да. Уларни «садоқатли одамим», деб биларди. Бирор кенгаш уларнинг иштирокисиз ўтмасди.

Соранинг тирик топилиши Мирюнус учун омад эди. Бу янгиликдан бошлиқни хабардор қилиш мақсадида шерикларини йўлда қолдириб, оёғини қўлига олиб, лагерга чопди. У етиб келганда Сорани кўтариб келаётган шериклари йўлнинг ярмини босиб ўтишмаганди. Лагерда ўзини нималар кутаётганини, бошига қандай савдолар тушишини ҳали билмасди.

РОССИЯ

«Гўштингни тимсоҳларингга едирмасам эркак эмасман», деб қасам ичган Гофур бир ҳафта ўрмон ичида

беркиниб юрди. Вадим Вольфовичнинг югурдаклари шаҳарнинг ҳамма томонида уни излашаётганини биларди. Улар Гофурни кетган, деган қарорга келишлари учун бир ҳафта тентирашига тўғри келди. Ҳафсалалари пир бўлганини сезган Гофур ичган қасамини ижро этиш мақсадида ўрмондан чиқди. Ярим тунда меҳмонхонага қайтди. Абдусамат унинг аҳволини кўриб, ҳайрон қолди. Нима бўлганини сўраб суриштирмоқчи эди, ваъдаси ёдига тушиб, тилини тишлади. Гофур ўрмонда бўлган ишлар ҳақида унга гапиришни истамди. Ювиниш хонасига ўтиб, чўмилди, соқолини олди. Бинойдик қиёфада чиқди. Лекин ётмади. Тонг ёришиб қолганди. Ойна олдига ўтириб, сочларига, юзкўзларига ишлов берди, қиёфасини ўзгартирди.

- Бошқа меҳмонхонага кўчамиз, - деди Абдусаматга.
- Буюмларни йигиштира!
- Шу ер яхши эди-ку, хўжайин!
- Бир жойда узоқ туриб бўлмайди! Анови ўриснинг лайчалари изимизга тушган.
- Бошқа шаҳарга кета қолайлик!
- Ундан ўч олмагунча мен ҳеч қаёққа силжимаيمان!

Абдусамат ноилож буюмларни юк халтага жойлади. Улар тезда меҳмонхонани тарк этишди. Шаҳарнинг четидан жой олишди. Вадим Вольфовичнинг қароргоҳи бу ердан олис эмасди. Гофур куни билан Вадим Вольфовичдан қасос олишнинг турли вариантларини ишлаб чиқди. Тайёргарликни кўриб, ярим тунда Абдусаматни эргаштириб, мафия отасининг уйига жўнади. Барча хоналар унга беш бармоғидек аён эди. Соқчилар ухлашмаганди. Эшик ёнида икки қоровул қарта ўйнаб ўтиришарди. Атроф темир панжара билан ўралган. Вольфович дам оладиган хонанинг чироғи ўчганди. Панжарадан ошиб ўтиш хатарли эди. Сигнализация ўрнатилганди. Гофур соқчиларнинг ухлашини кутди. Ярим соат ўтиб, улар пинакка кетишди. Дарвоза эшиги қулфланганди. Гофур чўнтагидан сим олиб, қулфга

солди. Қулфларни очиш сирини яхши биларди. Темир эшикни очиб, ичкарига кирди. Абдусамат ортидан юрди. Фофур дастрўмолга ҳушдан кетказадиган дори сепди-да, соқчилардан бирининг оғиз-бурнига босди. Соқчи бир-икки типирчилаб, тинчиди. Шериги уйгонди. Фофур унинг кўкрагига тепди. Кучли зарбадан соқчи стол остига кириб кетди. Абдусамат унинг устига ўзини ташлади. Фофур чўнтагидан дори сўрдирилган иккита шприц олди.

- Буларнинг қўл-оёғини богла! Мен ярим соатда қайтиб чиқаман!

Фофур ичкарига кириб кетди. Эшик ёнида баҳайбат ит ётарди. У бегона одамнинг исини олди. Ҳуришга улгурмади. Ўрнидан тураётганда Фофур отган ханжар сопиғача унинг пешонасига санчилди. У гингшиб-гингшиб йиқилди. Фофур ханжарни суғуриб олди-да, тепага кўтарилди. Эшик ичкаридан беркитилганди. Қулфга сим солди.

Вадим Вольфович ўйнаши билан тўшакда ухлаб ётарди. Фофур уни туртиб уйғотди. Мафия отасининг уйқусираган кўзлари тепасида кекирдлагига ханжар тираб турган қасоскорга тушди. Ҳушидан оғиб қолаёзди.

- Нега келдинг?!
- Ичган қасамимни ижро этиш учун!
- Нима керак бўлса сўра?
- Сўрайдиганим кўкрагинг остидаги хиёнаткор юрагинг!
- Юрагимнинг баҳосини сўра?
- Сендан ҳам пул чиқаркан-да! - истеҳзоли жилмайди Фофур.
- Бир миллион доллар етадимми?
- Жонинг чумолиникидан ҳам арзон экан!
- Сенга жон керакми ё пул керакми?
- Ҳар иккиси ҳам керак!
- Улдирганинг билан ҳеч нарсага эришолмайсан!

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

Яхшиси пулни ол-да, бу ердан қорангни ўчир!

- Эргашбойнинг хатини ким олиб келганди?
- Саволингга жавоб олишинг шартми?
- Тирик қолишни истасанг айтасан!

Вадим Вольфович уни ошкор қилишни истамеди.

Гофур ханжарни уй эгасининг кекирдагига тиради.

- Учгача санайман, билиб қўй бу ерда ўлганинг билан, барибир гўштингни тимсоҳларингга едираман!

Вадим Вольфович қасоскорнинг қўлидан омон чиқмаслигини билди. Териси шилиниб, қони чойшабга оқиб тушарди.

- Яхши, - деди зўрға ютиниб, - пичоғингни ол.
- Хўш, хатни ким олиб келди?
- Ҳикмат!
- У қачон келади?
- Шу ойнинг охирида!
- Аниқроғи?
- Ойнинг охирги ҳафтасида...
- «Дори» олиб келадими?
- Бошқа нимага ҳам келарди?
- Энди ўрнингдан тур, - Гофур мафия отасининг кийимларини олдига ташлади.

Вадим Вольфовичнинг қучоғида ётган аёл ўртадаги гап-сўзлардан уйгонган, бироқ кўзларини юмиб ётарди. Қария кийинди.

- Кетдик!
 - Қаёққа?
 - Қонингга ташна бўлиб ётган тимсоҳларингнинг олдига!
 - Ростдан мени ўлдирмоқчимисан?
 - Тирик қолишни хаёлингга келтирма!
 - Инжил ҳурмати қасам ичиб айтаманки, истаган пулингни бераман! Одамларим сенга тегишмайди.
 - Қасамни тимсоҳларнинг огзида ичасан!
- Аёл ўзининг уйғоқлигини сездириб қўйди.
- Қани турингчи, хоним! - Гофур унинг биллагидан

Исҳоқжон НИШОНОВ

ушлаб ўрнидан турғазди. Шунда у дод солди.

- Оғзингни юм!

Ғофур унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Сўнг билагига игна санчди. Қўл-оёғини боғлади. Оғзига латта тикди.

- Бир-икки кунга ўлиб қолмайсан, типирчиламай ёт! Аёл шу заҳоти ухлади.

Ғофур қарияни ташқарига судради. Соқчилар ҳамон чўзилиб ётишарди. Вадим Вольфовичнинг машинаси-га ўтиришди.

- Қўлга олиб борадиган йўлни ўзинг кўрсатасан, чол!

- деди Ғофур унинг иягидан чангаллаб. - Бирор қадам ножўя боссанг, ўша заҳоти каллангни узиб ташлайман! Тимсоҳлар ўлган одам гўштидан жирканмайди.

Вадим Вольфович Эргашбойнинг одамларини айтганини қиладиган каллакесарлар, деб эшитганди. Ғофурни алдашдан, йўлдан адаштиришдан кўрқди. Қўлга олиб борадиган йўлни кўрсатди. Машина соҳилга келиб тўхтаганда тонг ёришаётганди. Абдусамат Вадим Вольфовични машинадан судраб туширди. Шунда қариянинг кўзига жони кўринди. Ўлиб кетишни истамасди. Оёқларини тираб, йиғлади, ялинди.

- Мени кечир, Гафурчик, Эргашбойнинг одамлари йўлдан оздирди. Рози бўлсанг шу ерда мен билан бирга ишлайсан. Англияга ўзинг қатнайсан, ҳисоб-китоб ишларимни юритасан! Тоғганим тенг арра!

Ғофур унинг сўзларига эътибор бермади. Эшитмаган одамдай қўлидан маҳкам ушлаб, қўл томон судраб келди. Машинанинг чироқларидан таралган ёғду сувдан бошини чиқариб олган тимсоҳнинг терисини ёритиб турарди.

- Сўраган пулинггни бераман! - қария оғзини очиб, тишлари ялтираб турган тимсоҳларни кўриб баттар кўрқиб кетди. - Ўн миллион доллар етадимми?

Бу катта пул эди. Ғофур қария омон қолиш учун оғзига келган суммани айтаётган бўлиши мумкин, деб

шубҳаланди. Қолаверса, ўрмонда, кўл бўйида пул нима ҳам қиларди?

- Ўн миллион доллар, бошланиши чакки эмас. Мана, энди қадрингга етаяпсан, чол. Аслида бу пул жонинг олдида сариқ чақа, шундайми?!

Вадим Вольфович бошини силкитиб қўйди.

- Қўл-оёғингни боглашимнинг ҳожати йўқ, тимсоҳга қара, худди бир ойдан буён овқат емагандай оғзини очиб турибди.

- Раҳминг келсин, мен қари чолни ўлдириб, ҳузур топармидинг?

- Нима, ёшлар-чи, улар тимсоҳнинг оғзига кириб кетаверсинми? Ўша куни нега раҳм қилмадинг менга?!

- Кечир, - Вадим Вольфович ерга ўтириб олди. - Яна беш миллион қўшдим.

- Катта пулни ваъда қилаётганингни унутма, чол!

- Сўзимга жавоб бераман!

- Жавоб беролмасанг ҳеч қандай тавба-тазаррулар жонингга оро киролмайди!

- Аввал мени ўлдирмасликка сўз бер!

- Ўша пуллар қаерда? Орқага қайтишимиз керакми?

- Шу ерда, агар ваъда берсанг, ҳақингни шу ерда оласан!

Фофур ишонмади.

- Ўрмонда пул заводинг борми? Ё тимсоҳнинг баҳоси ўн беш миллионми?

- Қўлимни еч!

Абдусамат бошлигининг ишораси билан қўйнидан пичоқни олиб, арқонни кесди.

Вольфович соҳилга яқинлашди. Ўтлар орасини титиб, қилдек симни топиб тортди. Шарсимон целлофан қоп сув юзига чиқди. Фофур уни ханжар билан тилди. Бир қучоқ пул атрофга сочилди.

- Бекорга тимсоҳларни кўлда боқмас экансан, Вольфович, - деди қарияга қараб.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Инсофни ўзингга берсин, айтганимни санаб ол!
Қопда камида юз миллион доллар бор эди. Ғофур
ундан ўзига тегишлисини ажратди.

- Роппа-роса ўн беш миллион, ишонмасанг сана! -
деди қарияга.

Мафия отаси пулнинг бирор сўм ортиқ эмаслигини
кўзлари билан чамалаганди.

- Ишондим, - деди бош ирғаб.

Ғофур долларларни Абдусаматга узатди.

- Машинага ташлаб кел!

- Энди мен озодманми?

- Берган пулингга рози бўл, қария. Унутма, қасоскор
ҳеч қачон ўз қасамига хиёнат қилмайди! Мен уни
буздим. Жонингни қайтариб бердим. Эслатиб қўяй,
сен билан қайтиб учрашишни истамайман, изимдан
итларингни қўйма, хитланиб қолсам, бу пулларинг
бошингни омон қолишига етмайди. Тимсоҳингдан
ҳам даҳшатли махлуқлар ичига ташлаб юбораман.
Ҳозирча шу ерда хайрлашамиз. Кучукларинг ҳали
замон етиб келишади. Яна айтаман, изимга тушириш-
ни хаёлингга келтирма!

- Мафия отаси шу пайтгача битта гапирган, одамла-
рим сени қидиришмайди, хавотирланма! Талабим,
ҳозироқ шаҳардан чиқиб кет!

- Оғир талаб қўйяпсан, қадрдоним! Мени бу ерда
қиладиган ишларим бор.

- Унда менинг ҳам бир гапимни қулоғингга қуйиб
ол. Башарангни қайтиб кўрсам, асабларимни жилов-
лай олмайман!

- Ташвишланма, мен бир сўзли одамман, сув ости-
даги пулингга ҳам хиёнат қилмайман!

Ғофур машина томон юрди. Вадим Вольфович ун-
дан кўзини узмай, хўмрайганча қараб турди. Омон
қолгани учун Худога шукур қилди. Машина жойидан
силжиди-ю, яна тўхтади. Абдусамат тушиб, қария-
нинг олдига келди. «Бу нимаси, мени ўлдирмоқчимми?»

Наҳот ваъдасини бузган бўлса?»

Абдусамат кўйлагининг тугмасини ечди. Қария тўппонча олаётган бўлса керак, деб ўйлади ва бақириб юбораёзди. Абдусамат ўзи билан олиб келган икки-уч килограмм «дори»ни белига боғлаб олганди. Уни Вольфовичнинг оёғи остига ташлади.

- Тозасидан, бир кунингга асқотиб қолар!

Абдусамат бурилиб кетди. Вольфович унинг ортидан қараб қолар экан, бирдан ўн беш миллиондан ажраганига чидаёлмади. У ерни муштлиди, ўт-майсаларни чангаллаб дод солиб, машина ортидан қичқирди.

- Босмачи! Инжил номи билан қасам ичаман, пулларимни ўз қўлинг билан шу ерга келтириб беришга мажбур бўласан! Оёгим остига тиз чўктирмасам, бошимга рўмол ўрайман!

Ю Р Т Д А

Шариф чўлга келган дастлабки йили беш гектар майдонни боғ қилмоқчи бўлганди. Бироқ одамлар ернинг шўрлигини, кўчатлар саратоннинг иссиғида сувсизликдан, қишнинг қаҳратонида совуқдан қуриб қолишини айтишди. Шариф кўчат экмоччи бўлган ернинг тепасига келиб узоқ мулоҳаза қилди. Ерни оппоқ шўр босганди. Кўлингга бир сиқим олсанг чўғни ушлагандай куйдирарди. Шариф тупроқнинг таркибини ўрганди. Ерга қайтадан ишлов бериб, кўчат экишга қарор қилди. Паст-баландликларни текислатди. Сув оқизиб, шўр ювдирди. Сирдарё бўйларидаги эски тупроқлардан олиб келиб тўктирди. Гектар бошига юз тоннадан маҳаллий ўғит солдирди. Ернинг ҳолати ўзгарди. Эрта кўкламда беш минг туп мевали кўчат олиб келиб ўтқазди. Ниҳоллар илдиз отиб, беҳато кўкарди. Одамлар яшил рангга кираётган кўчатларни кўриб ҳайратда қолишди. Бироқ уларни жазирама

иссиқдан ва қишнинг совуғидан асраб қолиш ташвиши турарди. Ёзда анҳорнинг суви қурийди. Шунда сувни қасрдан олиб келиш керак, деган муаммо ҳаманинг бошини қотирарди.

Шариф бир чақирим нарида сунъий кўл барпо қилди. Бу ерга балиқ ташлади. Кўлдан сув келтириш мақсадида ариқ қазиди. Кечалари кўлига кетмон олиб, бир ўзи ишлади. Қишнинг чилласида ҳам тиним билмади. Ниҳоят, ариқ битди. Кўл сувга тўлди. Кўчатлар кун сайин барг ёзиб, кўкка бўй чўзиб, яшил рангга кириб бораётган кунларнинг бирида шамол турди. У қумларни тўзғитиб, осмону фалакни чангу тўзонга тўлдириб, одамнинг юрагига ваҳима солиб увилларди. Кўпчилик яқин орада бундай кучли шамол турганини эслай олмасди. У қутургандан қутурарди, ёш ниҳолларни қайириб, илдизи билан кўпориб, учириб кетди. Икки ой давомида қазилган ариқ яна қумга тўлди. Шамол туни билан оч бўридай увиллаб чиқди ва ниҳоят, эрталаб шаштидан тушди. У ўзидан одамнинг юрагини ваҳимага соладиган из қолдирганди. Йўл бўйларидаги дарахтларнинг кўпини белидан синдириб кетганди. Айримлари қум остида қолганди. Шариф кетмон билан қумни кавлаб, кўчатларнинг қаддини ростлади. Бўш уяларни тўлдириш мақсадида фаргоналик боғбонлардан ниҳол олиб келиб қайтадан экди.

Ўша кунлари чигит экиш бошлаб юборилганди. Кундуз кунлари дала тепасида бўлса, кечалари боққа кслиб, қум тўлган ариқни қазирди. Кўчатларнинг танасига сув югурди. Қайтадан куртак чиқариб, барг ёзди. Ёзнинг бошларида яна ҳавонинг туси ўзгарди. Осмонга қуюндай қоп-қора булут чиқди. Айнан боғ тепасида айланиб қолди. Ҳаш-паш дегунча челақлаб ёмғир қуйди. Кейин жалага айланди. Ёғаётган дўлни кўриб одамнинг юраги титрарди. Анҳорнинг суви ўзанига сифмай дақиқа сайин кўтариларди. Шариф

сувнинг важоҳатидан кўрқиб кетди. Дамбани уриб кетса, кўз қорачигидай асраб-авайлаётган кўчатларини оқизиб кетиши ҳеч гап эмасди. Қолаверса, сув боғ ичида тўпланиб, халқоб бўлиб, ниҳолларнинг илдизига жиддий зарар етказиши ва қуришиб қўйиши мумкин эди. Нима қилиш керак? Устидаги кийимлари жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолган Шариф ҳам совуқдан, ҳам асаби бузилганидан дир-дир қалтираб, икки оёғи ерга ёпишгандай боши қотиб, қўллари икки ёнга осилганча туриб қолди. Капада элликта қоп борлиги бирдан ёдига тушиб, қоронгу дилини ёритиб юборди. У қапага чопди. Қопларни олиб келди. Ерга тиз чўкиб, лойга айланган қумни қўллари билан суриб қопларни тўлдирди. Ёмғир тобора шиддатли тус оларди. Анҳорнинг суви кўтарилиб, қиргоққа бош уриб пишқирарди. Шариф қум солинган қопларни гоҳ елкасида, гоҳ кўкрагида кўтариб, тепаликка тирмашиб чиқар, сув тошиши мумкин бўлган жойларга уларни босарди. Лойга айланган қум устида юриш гўр азоби эди. Сирпанчиқда гоҳ тойиб, гоҳ ўмбалоқ ошиб пастга юмаларди. Шунда ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келарди. Жиққа ҳўл бўлган кийимларига, юз-қўлларига қум ёпишарди. Ҳолсизланиб, танасидан мадор кетиб, юраги гурсиллаб, нафаси кўксига сиғмай ҳансираса-да, ишлади. Ҳафас ростлаб олишга имкон йўқ эди. Қутираётган сув дамбани уриб кетиш хавфи кучаярди. Ёмғир тобора шиддатли тус оларди. Момақалди роқ гумбурлаб, чақин чақарди. Еру само ларзага келарди.

Ниҳоят, кутилмаган жойдан дамбани сув уриб кетди. Шовуллаб тушаётган оқим тупроқни ялаб, ўпириб, ўзанини кенгайтириб борарди. Шошилиш чора кўрилмаса, сув пастликка - боғ ичига бурилиб кетиши тайин эди. Шариф ўқдай пастга отилди. Бир неча дақиқада олтига қопни тепага олиб чиқди. Кейин ўзи анҳорга тушди. Сув совуқ эди. Игнадай баданига

Исҳоқжон НИШОНОВ

санчилди. Аммо буни ўйлаб ўтириш мавриди эмасди. Қоплардап бирини даст кўтариб, сув остига шўнғиди. Тошқиннинг олдини олиш учун ягона йўл қопларни пастдан бостириб чиқиш эди. Оқим кучли. Шарифни тортқиларди. У дастлабки қопни кўндалангига қўйди. Иккинчисини унинг устига бостирди. Навбатлаги қопни қучоғига олиб шўнғиганда оёқлари тойиб йиқилди. Қоп кўкрагидан босиб қолди. Шариф саксон килограмми юкнинг остидан чиқишига кучи етмасди. У ҳориб-толиганди. Қуввати қолмаганди. Кўкрагида қаттиқ оғриқ турди. Нафаси қайтди, бўгила бошлади. Йигитга ёрдам берадиган куч йўқ эди. Жон олиб, жон бериб типирчиларди. Ва ниҳоят танасидан дармон кетди. Қўл-оёқлари бўшашиб, ҳолсизланиб қимирламай қолди. Шунда ўлимни эслади. Яратган боғлари, бепоён далалари, обод қилаётган қишлоқлари, қурилаётган кичик цехлар кўзига кўринди. Ҳали улгурмаган ишларини ўйлади. «Наҳотки, орзуларим ушалмай ўлиб кетсам», деган ўй яшин тезлигида кўнглидан кечди. У яна типирчилади, бироқ кўкрагидан босиб турган юкни улоқтириб ташлашга кучи етмади. Бу унинг сўнги уриниши, сўнги ҳаракати эди. Ҳаёт билан ўлим оралиғида қолган пайтда Эргашбойнинг соқол босган афти-ангори кўз олдида жонланди. Назарида тўдабоши унинг устидан босиб тургандай эди.

«Мендан қочдинг, барибир қўлимга тушдинг, энди чангалимдан сени ҳеч ким қутқаролмайди. Мен ғалаба қозондим, тантана қилдим».

Тўдабоши Шарифнинг кўкрагидан маҳкамроқ босар, бўғар, масҳара қиларди. Шарифнинг хира тортиб бораётган фикрлари бирдан тиниқлашди.

«Йўқ, сен ғалаба қозонолмайсан, сенинг қон ҳиди келаётган ёвуз ниятинг бу юртда тантана қилолмайди. Ҳаром қадамингни яратган боғларимга, адоқсиз пахтазору ғаллазорларимга бостирмайман».

«Мен ҳаммасини вайрон қиламан, остин-устун қила-

ман.. Боғларингни аввалги ҳолига келтираман. Менинг нималарга қодирлигимним шунда биласан».

«Барибир мени таслим қилолмайсан! Ўлаётган чоғимда ҳам сенга қараб, сенинг устингга йиқиламан ».

Шарифнинг вужудида ноаён куч уйғонди. У бирдан қони қотиб, музлаб бораётган қўл-оёғини ҳаракатга келтириб, кўкрагидан босиб, томоғидан бўғиб турган Эргашбой билан олиша кетди. Тўдабоши ҳам бўш келмасди. Уни остидан чиқармаслик мақсадида жонжаҳди билан маҳкамроқ босар, бор кучи ила бўғзидан бўғарди. Сув остида эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, зулмат билан нур олишарди. Шариф бўш келмади. Эргашбойни кўтариб, улоқтириб ташлади. Худди биров остидан кўтаргандай сув юзига қалқиб чиқди. Оғзини катта очиб ҳаво симирди. Кўзларига зулмат босган олам бирдан ёришиб кетгандай кўринди. Дамба устидан шу томон чопиб келаётган бешолти одамни кўрди.

ҚИРҒИЗИСТОН

Прокурорнинг жонини олиб, ташқарига чиққан қотиллар олдиндан ваъда қилинганидек Қорасув томонга кетишлари лозим эди. Зудлик билан чегарадан ўтиш тайинланганди. Тонг оқариб келарди. Ҳали замон кўёш чиқади. Маъсуд эшикни очиқ қолдиришганини эслаб қолди. Унинг юраги хавотирдан ҳаприқарди.

- Имилламай тезроқ юринглар - деди ортидаги шерикларига. - Тонг ёришгунча чегарадан ўтиб олайлик.

Шериклари кадамларини илдамлатишди. Улар изларига снайпер тушганини, соядек эргашиб келаётганини ҳали билишмасди. У эҳтиёткорлик билан кузатиб келарди. Қотиллар йўлда бирон ноҳўя ҳаракат қилишмаган, бегона одам билан учрашмаган бўлишсада,

уларнинг пешонасига уч дона кўргошин жойлаштириш фикрида эди. Қотилларни сойдан ўтказиб, ортига қайтиб кетиши ва бошлиғига йўлда ҳеч қандай ноҳўя ҳаракат бўлмаганлигини айтиши ҳам мумкин эди. Отиши шарт эмасди. Бироқ унинг кўнглига шайтон кирганди. Қамбар уларнинг ҳар бирига ўн минг доллардан берганини кўрганди. Шу пулларни уларнинг чўнтагидан олиш истаги унинг кўнглига ёмон ният олиб кирганди. Ахир Қамбар ҳам, тўдабоши ҳам у билан бундан кейин учрашмайди. Шундай бўлгач уларнинг энди кимга кераги бор? Шунча пулни четга олиб ўтиб кетишлари керакми?

Қотиллар Қорасувга етиб келишди. Атроф-теварақда одам зоти кўринмасди. Сойнинг суви шовуллаб, нурлари хира тортиб қолган ой ёруғида кўргошин рангда товланиб оқарди. Улар пойабзалларини ечиб, биринкетин сувга тушишди. Шунда снайпер қўлидаги қутини очди. Милтиқни олиб, магазинга беш дона ўқ жойлади. Учовлон бир-бирларининг қўлларидан ушлаб сувдан кечиб ўтишарди. Снайпер олдинда бораётган Маъсудни нишонга олди. Биринчи бўлиб уни «тинчитиш» керак. Қолганлар сойнинг у томонини яхши билишмайди. Дурбин нишонга олинган одамни снайпернинг шундоққина кўз олдига келтириб қўйди. Бир қадам нарида тургандай эди. Тепкини босса тамом, миясига қадалган кўргошин уни қайта ўрнидан туришга имкон бермайди. Сув билан бирга оқиб кетади. Снайпер тепкини босди. Ўқ бўлжалга тегди. Маъсуд тошдек сув тубига шўнғиб кетди. Шериклари унга нима бўлганини билишолмади ҳам. Снайпер уларнинг қочиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олганди-ю, аммо муҳим бир нарсага эътибор бермаганди. Маъсуд фарқ бўлган жойда сув қизил рангга бўялди. Шунда шериклари уни орқадан кимдир отганини пайқаб қолишди. Бироқ ўқ қайси томондан учиб келганини аниқлаша олмади. Бу орада снайпер мил-

тиқнинг учини иккинчи қотилга тўғрилади. Ўқ нишонга беҳато тегди. Ортиқнинг хаёлига сув остига яшириниш фикри келди. Шундай ҳам қилди. У шошиб сувга шўнгиди. Снайпер учинчи қотилни нишондан йўқотди. Уни тирик қолдириш мумкин эмасди. Ўридан турди ва соҳил томон чопди. У ҳаллослаб қиргоққа етиб келди. Бироқ Ортиқ кўринмасди. Оқин икки мурдани гоҳ сув юзига чиқариб, гоҳ остига тортиб, тошларга зарб билан уриб оқизиб борарди. Снайпер соҳил бўйлаб гоҳ у томон, гоҳ бу томон чопди. Учунчиси қаерда? Қаёққа ғойиб бўлди, билолмасди. Снайпер ҳолдан кетиб, нима қилишини билмай туриб қолди. У милтигини бағрига босганча тош устига ўтириб хаёлга толди. Мурдалар аллақачон оқиб кетганди. Ортиқни излаб, икки мурданинг чўнтагидаги пулни ололмаганидан афсусланди. Энди нима қилиш керак?

Тун пардаси кўтарилиб тонг ёришиб борарди. Снайпер ортида нимадир қирсиллаганини эшитиб қолди. Рўпарасида коптокдек тошни кўтариб турган одамга кўзи тушди. Шошиб милтигини олмоқчи бўлди. Ортиқ уни тепиб юборди. Милтиқ сувга тушди. Снайпер тепасида дилдираб турган кимсани таниди.

- Ортиқ! - У бошига тушиши мумкин бўлган зарбадан қўрқиб ўзини четга олди.

- Изимизга тушган экансан-да, хунаса?!

- Айб менда эмас, Қамбар буюрди!

- Сен итвачча, пул дардида ортимиздан қувгансан!

- Пул хаёлимга келган бўлса, ўлай агар...

Снайпер секин-аста тошлар устидан силжиб, икки оёғини кериб, одамнинг калласидан каттароқ тошни кўтариб, дилдираб турган Ортиқнинг ёнига кўз илғамас ҳаракатлар билан силжиб борарди. Оёғи етиб қолса бас, тепиб йиқитишга ишонарди. Бунинг учун гапга солиш, юрагидаги газабни босадиган сўзларни топиб айтиш лозим эди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Агар рози бўлсанг иккимиз бирга жўнаймиз...
- Бирга жўнаймиз? Қаёққа?!
- Биламан, сен шаҳарда қолишинг мумкин эмас. Бу ердан кетишинг керак...Менда пул керагича топилади!

Пулнинг дарагини эшитган Ортиқ бироз шаштидан тушди. Таранг тортилган қўлларининг пайи сусайди. Боши узра кўтариб турган тош оз бўлсада, пастга тушди.

Снайпер мўлжаллаган жойига яқин келиб қолганди. Оёгини чўзса бас, Ортиқ ўмбалоқ ошиб, сувга қулайди.

- Пулинг бошингдан қолсин! - У тош билан снайпернинг калласига урди. Калла қовоқдек ёрилиб, қон билан оқ суюқлик атрофга сачради. Снайпер юмалаб пастга йиқилди. Жон беришда кўп қийналди. Оёқ-қўлларини тинимсиз типирчилатиб ётган жойида айланди. Кўзлари косасига сиғмай кетди. «Хиқ-хиқ» деган товуш чиқарди. Қўлларини гоҳ тушириб, гоҳ кўтарди. Озгин гавдаси икки-уч бор ердан кўтарилиб тушди ва кейин тинчиди. Бу унинг ҳаёт билан видолашиши эмасди. Фақат ҳолсизланиб қолганди. Одам боласининг жон бериши бу қадар қийин кечишини Ортиқ шунда билди. У снайперни шу ҳолда ташлаб кетолмасди. Ҳали замон бу ердан одамлар ўтишади. У жони чиқмаган жасадни оёқлари билан тепиб, қирғоққа келтирди. Чўктириб юборишдан аввал чўнтақларини титди. Ҳамёни қуруқ эди. Шундан кейин уни сувга тушириб юборди. Қорасув қип-қизил қонга беланган жасадни бағрига олди ва оқизиб кетди.

Ортиқ қаёққа юришни билмай ўйланиб қолди. Худди эртақларгаддек уч йўл бошида турган одамга ўхшарди. Ортга қайтай деса ўлим кутмоқда, Қирғизистонга ўтай деса, бегона давлат - хатар. Биргина йўл Помир тоғлари ортидаги гумашталари томонга кетиш. У шу йўлни танлади.

С А М А Н Г А Н

Хонимнинг хушига келганини эшитган Эргашбой ундан хабар олиш мақсадида чодирга кирди. Червон хоним уни таниди.

- Сизга нима бўлди, опажон? Хайрият, тирик экансиз! - тилёғламалик билан сўради тўдабоши.

- Минг бор шукроналар бўлсинки, Яратган эгам жонимни қайтариб берди, - паст овозда шивирлади хоним. - Улимдан эмас, ўзга юрт гупрогида жасадим қолиб кетишидан ёмон кўрққандим.

- Сизни Қобулга - касалхонага жўнатаман, ўша ерда даволаниб келасиз!

- Менинг касалимга ҳеч бир табиб шифо тополмайди. Яхшиси, она юртимга, туғилиб ўсган қишлоғимга жўнатиб. Сиздан сўнгги илтимосим шу. Бутун гуноҳларингизни ўз бўйнимга оламан. Майли, сиз учун дўзах оташида ёнай, фақат менинг сўнгги илтимосимни адо этсангиз бас...

Бу сўзни бошқа одам сўйлаганда Эргашбой унинг тишини тўкиб, тилини сугуриб олган, бошини найзага илган бўларди. Бироқ хаста аёлнинг илтимосини у бошқа маънода қабул қилди.

- Мендан ўпкалашга ҳақлисиз, опажон. Сизни шу аҳволга тушиб қолишингизга айбдорман. Бироқ сиз тўғри тушунинг, одамларимга ишончим қолмаяпти. Улар менга панд беришяпти, хиёнат қилишмоқда. Сорани олиб келиш учун Воҳидни жўнатгандим, аблаҳ, йўлда қиз қорда сирпаниб, жарга йиқилиб тушиб ўлди, деб хабар келтирди. Текширгани Мирюнусни жўнатдим. Сизни очикда қолдириш хатарли эди. Йигитларим аёл зотини кўрмаганига анча йиллар бўлди. Ҳаммасининг кўзига қон тўлган. Мендан яширинча баччавозлик қилишмоқда. Улардан пана қилиш мақсадида сизни зиндонга ташлатгандим.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Зиндонга ташлатганингиз яхши бўлган экан, оппоғим! Ақлим кирди. Ўша ерда ётиб, Худони танидим. Ватан нималигини англаб етдим. Қилган гуноҳларимни эслаб, виждон азобларида тўлғоқ тутган аёлдан баттар қийналдим. Яратганга тавба-тазаррулар қилдим... Юртга қайтишни, одамлардан кечирим сўрашни, жоним чиққунга қадар Ватанга хизмат қилишга аҳду паймон қилдим....

- Ваъда бераман, бундан кейинги ҳаётингиз яхши бўлади.

- Мен сиздан эмас, ўзимдан хафаман, оппоғим. Ўтмишимни эслаб, ўзимни ўзим кечиролмаяпман!

- Кечаги кунларни эсламанг, энди бу дунёнинг эгаси бизмиз! Уни биз бошқарамиз! Азалдан дунёнинг жиловини зўрлар ўз қўлларида тутиб келишган. Замон зўрники! Одам боласи зўрларнинг ортидан эргашган, уларнинг этагини тутган. Ким зўрликка қарши турса, демак, у душманимиздир. Бизга итоат этмайдиганларнинг уруғини ер юзидан қуритамиз! Куч қўлимизда эканми, демак, ҳокимият ҳам измимиздадир! Ҳоким бўлсанг, улар сенга эргашади, мансаб ва амаллар, куч-қудрат олдида қўлларини кўксига қўйиб таъзимда туришади. Оқни қора десанг, ҳақни сўзладингиз дейишади. Ҳаммадан кўра бераҳм, ҳаммадан кўра шафқатсизроқ кимсани кўкларга кўтаришади. Ахир тарихдан маълумки, инсон қонини дарё-дарё оқизган саркардаларнинг номларини кўкларга кўтаришган, улар билан фахрланишган. Вақти келиб менинг ҳам арзимас ютуғимни одамлар оғиз кўпиртириб мақташади, қўшиқ қилиб куйга солишади. Авлодлардан авлодларга номим қолади. Мен қилган жиноятлар оқланади, зарурат эди, деб тушунтиришади. Амиримиз бор бўлсин, тарих бундай адолатли ҳокимни кўрмаган, деб овоза қилишади.

- Лекин, оппоғим, хилқатлар гултожи бўлмиш инсониятнинг қонини тўкиб, бегоналар юртида туриб,

Ўзгаларнинг қутқуси билан ватан ва халқнинг тинч-лигига, осойишталигига раҳна солишни ҳеч ким ҳеч қачон оқламаса ксрак? Бундай одамлар азал-азалдан тавқи-лаънатга дучор бўлишган! Тарих уларнинг номларини ўз саҳифасига қора ёзувлар билан битган. Инсоният шу кунга қадар бундай кимсаларга лаънат тошларини отмоқда. Келажак авлод ҳам ана шу тошларни отишда давом этади.

- Сиз адашдингиз, хоним, - деди тўдабоши қовоқ-тумшуғи осилиб. - Коммунистик ғоялар сизнинг онгингизни заҳарлагани билиниб турибди. Инсон ҳамisha ўз маңфаатларини қондириш учун интилади, курашади. Ўзгаларга ўз ҳукмронлигини ўтказиш, улар устидан раҳбарлик қилиш ниятида диёнат ва адолат овозини бўғади. Ахир, тўкилган қонларни ювиш учун ер куррасида сон-саноқсиз баҳоналар қоришиб ётибди-ку. Ёмонликка қарши ёмонлик билан жавоб беришга мажбур бўлдим, дейди. Шундай қилмасам мени қатл этишарди, дейди.

- Сизнинг бу қадар ўзингизга бино қўйишингиз ва такаббурлик қилишингиз зўравонлик ҳамда зулм кўрсатишга нима ундаётганини ўйлаб кўрдингизми, оппоғим? Қўлингизни инсоният қонига ботириб, юртни эгаллаганингиз билан авлод-аждодларимиз сизни кечирмайди!

- Мен сизни тушунмай қолдим, хоним. Нечук бу қадар одамзодга ачинасиз? Ахир, кечагина улардан жабр ва зулм кўрганингиз ёдингиздан кўтарилдимми? Куни кеча улар сизни кўрганда хохолаб қотиб-қотиб устингиздан кулишмаганмиди? Бузуқ деб, масхара қилишмаганмиди?

- Сиз ҳақсиз, дўмбоғим. Қани энди ҳаммамиз ҳам кеч бўлса-да, ўз айбимизни тушуниб етсак, қилаётган ишимизнинг оқибатини ўйласак. Аллоҳга тавба қилсак, истиғфор айласак, ўзимизни ҳаром ишлардан тийсак, Тангри таоло берган умрнинг ҳар лаҳзасини

савоб ва ҳидоят ишларига, Ватаннинг гуллаб-яшнашига, фаровонлигига бахшида этсак, бу билан Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлардик. Сиз айтгандек, мен ҳаётимнинг кўп қисмини гуноҳ ишлар билан ўтказдим. Шайтон қалбимга кириб, эзгуликни зулмат пардасига ўраб ташлаган экан. Зиндонда ётганимда кун-у тунлар ухламадим. Парвардигор оху-зорларимни эшитган бўлса ажаб эмас! У мени очликдан, ташналикдан халос этди. Фаришталар қуриб қолган оғзимни оби замзам билан намлаб турди. Кўксимдаги зулмат пардаларини кўтариб ташлади. Қалбимдаги иймон гўё қаҳратон қишнинг қалин қорлари остида қолиб, баҳор офтобининг тафтани эмиб, ер бетига чиққан майсалардек куртак ёйиб, дилим яхшилик ҳамда эзгуликларга, инсониятга меҳр-муҳаббат билан лиммолим тўлди. Шунда мен яшашнинг маънисини англадим. Ўша умримнинг қолган онларини Аллоҳга тоатибодатда, инсониятга эзгулик ва яхшиликда, юртимга ва халқимга ҳалол ва виждонан хизмат қилиш ила ўтказишни ихтиёр қилдим. Кўзимни очиб, ҳушимга келганимдан бери мана шу олижаноб ниятларимни амалга ошириш йўлларини ўйлаяпман. Ҳаётимда бирдан-бир қиладиган улуг иш - бу адашган одамларни йўлдан қайтариш!

- Бошқа ниятингиз йўқми? - ўзини зўрға босиб, хонимнинг ниятини билиш мақсадида муғомбирлик билан сўради Эргашбой.

- Ниятим кўп, жуда катта мақсадларим бор, оппогим! Юртимга қайтишга ижозат берсангиз, шу ердан токи киндик қоним томган жойгача емаклаб, тупроқни ялаб борардим. Йўлимда учраган ҳар бир одамга, «Эй, мўминлар! Сизу бизни Тангри жаннатда яратган экан. Юртни севинг, ардоқланг, алданманг, хиёнат қилманг», деган бўлардим.

- Демак, имонингиз покланибди-да? - заҳархандалик билан яна сўради Эргашбой.

- Иншооллоҳ, айтганингиз келсин!

Хоним шу сўзларни айтиб, ўйга толди. Фикрларини жамлаб бошини кўтарди ва тўдабошининг синиққан юзига тикилиб, тилга кирди;

- Имони бўлмаган ёки имони заиф кимсалар таназзулга юз тутади. Охират кунида ҳамма одамлар қайта тирилиб, бу дунёда қилган яхши-ёмон амалларининг зарра-заррачасигача мукофот ёки жазо олишади. Имони йўқ кимсадан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Агар унинг миясида «Одам ўлгандан кейин чириб йўқ бўлади, қайта тирилмайди», деган фикр ҳукмронлик қилса, ер юзида кучлилар кучсизларни еб битирарди. Золим зулмига жавоб бермаса, ёлғончи, фирибгар ўз ёлғони ва фирибига жавоб бермаса, ўғри айшини суриб, золим қиличини яланғочлаб юраверса, бу фоний дунё матоҳи учун ҳар қандай ёмонликдан, зулмдан, ифлосликдан қайтмаса, туғилиб ўсган, вояга етказган она-Ватанини севмаса, уни ёвлардан асраманса, гуллатиб яшнатмаса, обод қилмаса, ўзи ғаним бўлиб, қиличини яланғочлаб бостириб кирса, бу дунё қандай дунё бўлади? Кучсизларнинг, мазлумларнинг, бечораларнинг ҳоли не кечади? Одамлар Ватансиз қолиб кетмайдими? Ҳаёт кечириш ўз-ўзидан азобга айланиб, жамиятда ноумидликлар кўпаймайдими? Ёмонликларни қилмаслик, олам гултожи ҳисобланмиш инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, Ватанни севиш, асраш, обод қилиш Аллоҳга имон келтириш эмасми? Сизнинг ва одамларингизнинг катта хатоси «Аллоҳ мени кўриб турибди», деган ишончнинг йўқлигидадир.

- Бас! - қичқириб юборди қўли мушт бўлиб тугилган Эргашбой.-Индамасам ҳаддингдан ошяпсан! Кимнинг қўлида, қаерда турганингни унутма, кампир!

Эргашбой эшикни оёғи билан тепиб, чодирдан чиқиб кетди. Унинг ортидан қараб қолган хоним чуқур хўрсинди...

* * *

Мирюнус лагерга қайтганда Воҳид ҳамон ёғочга боғланганча боши кўкрагига осилиб турарди. Томчи-лаб тушаётган сув кийимларини шалаббо қилганди. Унинг асаблари адо бўлганди. Ҳолсизланиб қолганди. Билинар-билинемас нафас олар экан, ёнида Мирюнус пайдо бўлганини ҳам сезмади. У бандининг иягидан чангаллаб, бошини орқага қайириб, кўзларига тикилди. Шунда Воҳид нур кетиб бораётган кўзларини базўр очди.

- Энди онангни топиб келишинга тўғри келади, даюс! - деди Мирюнус иршайиб.

Воҳид огирлашиб қолган бошини зўрға кўтариб, киртайган кўзларини Мирюнусга тикди. У туман ичида, жуда ҳам йироқларда тургандек кўринди. Мирюнус қонли латтани тутқуннинг кўзига яқин келтирди.

- Танидингни? Қаерда тушириб қолдирганингни эсладингни? Бу кимнинг қони?

Воҳид унинг сўзларини эшитди-ю бироқ латтани кўрмади. Унинг охириги умиди ҳам сўнгганди. Боши яна шилқ этиб кўкрагига осилиб тушди.

- Бахтинга Сора ўлмабди, ҳозир йигитларим олиб келишади! - деди Мирюнус тутқуннинг пешонасига мушт уриб.

Шундан кейин у Эргашбойнинг чодирига йўл олди. Эшик ёнида турган соқчилар тўдабошини касаллар ётган чодирга кириб кетганини айтишди.

- Тинчликми, кимнинг ўлгиси келибди? - сўради Мирюнус ҳайрон бўлиб.

- Червон хоним тирик экан, уни чодирга ётқизишди.

Мирюнус биров устидан совуқ сув куйгандай сесканди. «Хоним бор гапни Эргашбойга айтса, мени соғ қўймайди», деган қўрқинчли ўй миясига мих қоққандай таъсир қилди. Зиндонга тушиб, узугини олгани,

бир кеча кучоғимда ётасан, деб мажбурлагани, қолаберса, қорақуртга чақтириб ўлдирмоқчи бўлганини айтса, тўдабоши ҳамманинг олдида бошига итнинг кунини солади. Нозим қўрққанидан узукни кўрсатиб, Сорани ўпганини ҳам айтиб қўяди. Қўрқувдан юраги титраётган Мирюнус шошиб ортига қайтди. Шитоб билан тоғ томон чопди. Энди Эргашбойнинг кўзига кўринмаслиги, кўринса, ўлдиришини биларди.

Мирюнус ярим тунгача йўл юрди. Ортидан биров қувиб келмаганига, келганда ҳам уни тополмаслигига ишониб, ҳориб-толиган оёқларига ором бериш мақсадида тош устига чўкди. У терлаб-пишиб кетганди. Бошидан, юзидан тер оқарди. Салласи билан юзларини артди. Аллақанча масофани ортда қолдирганди. Бироқ бу йўл уни қаерга элтади, буни билмасди. Инчунин ўзининг қаерга боришини, бундан кейинги ҳаёти қаерда, кимлар орасида ўтишини ҳам билмасди. Ватанга қайтай деса, аёлини ўлдирган, жангариларга қўшилиб кўплаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканини халқ биледи. Уни кўришлари биланоқ тутиб, қамашади. Қайтмай деса, бошпанаси йўқ. Умри шу тоғу тошлар орасида, горлар ичида, худди йиртқич ҳайвонлар каби ҳаёт кечириб ўтади. Бундан ўзга макон йўқ! Бундан ўзга нажот йўқ! Мирюнус аламдан ҳўнграб йиғлади, бошини тошларга уриб йиғлади. Ўз-ўзидан нафратланиб йиғлади. Адашганидан, алданганидан, қилган айбу гуноҳларидан пушаймон чекиб йиғлади. Олисларда қолган, киндик қони томган, отабоболари севиб ардоқлаган Ватанни соғиниб йиғлади. Энди уни ҳеч қачон кўролмаслигини билиб, юраги тутдай тўкилиб ҳўнграб юборди. Алдаганларга, жаннатда туриб жаннатни ваъда қилганлар шанига лаънат тошларини отди. Ўзини овутишга, садпора қалбига таскину тасалли берадиган бирор баҳона-ю-сабаб топилмади. Ва ниҳоят кўз ёшлари қуриди. Шунда қулоғига олис-олислардан увиллаётган бўрининг алам-

ли ва дардли овози эшитилди. Унинг товуши Мирюнусга таниш эди. Бу ўз маконидан айрилган кулранг бўри эди. Уни лагерга янги келган пайтлари учратганди. Ушанда қайсидир қишлоқдан қайтаётганди. Жар бўйида бир зум нафас ростлаб, ҳориган оёқларига ором бериш мақсадида тўхтади, ҳаддан ташқари чарчаганди.

Бошини совуқ тошларга қўйиб ётар экан, ҳорғин кўзлари икки тош орасидан калласини чиқариб турган бўрига тушди. У ҳайбатли бошини оёқлари устига қўйганча ўзидан икки қулоч нарида турган одамга тикилиб ётарди. Йиртқичнинг катта-катта кўзлари чўғ мисоли ёнарди. Мирюнуснинг эсхонаси чиқиб кетаёзди. Қўлидаги автоматни тўғрилашга ҳам кўрқди. Қимирласа, устига ташланиб, ғажиб ташлайдигандек туюлди. Бироқ у қуролини ишга солмади. Бўрига қарамасликка ҳаракат қилди. Вужуди титраб ўрнидан туриб, оҳиста пастликка тушиб кетди. Кулранг қишқир уни таъқиб қилмади. Лоақал одам ўрнидан тураётганда ириллаб ҳам қўймади. Ушанда унинг қайғу ва ғамга ботган, қовоқлари ичига кириб кетган кўзлари бир умрга хотирасида муҳрланиб қолганди. Шундан кейин Мирюнус бўрини яна икки бор учратди. Аниқроғи, у билан юзма-юз келди. Негадир у одамга ҳамла қилмади. Оч бўлса-да, сўйлоқ тишларини шақиллатмади. Ўзининг тугилиб ўсган кулбаси томонга тикилганча увларди. Жангарининг назарида кулранг бўри нимадандир азоб чекаётгандек, қийналаётгандек туюлди. Бироқ унинг ноласини, қалбини ўз ошёнини кўришга бўлган иштиёқ, соғинч азоблаётганини Мирюнус қаердан билсин? Яқинлашиб қолган ўлими олди-дан ота-боболари яшаган ва киндик қони томган, илк бор кўз очиб оламни таниган кулбасига сўнгги бор бош суқиб, бир кеча оёқ узатиб, кун сайин хотирасидан узоклашиб бораётган болалигини эслаб ётгиси келаётганини ва шу ниятда фарёд чекаётганлигини юрт қадрини билмаган юртфуруш қаёқдан ҳам ҳис этсин?

Унинг назарида Ватанга, юртга бўлган меҳр, соғинч, интилиш йиртқичларга хос бўлмаган туйғу эди.

Ҳа, юрак-бағри садпора бўлган, вужуди хирмонини аламли изтироблар ёққан, нола-ю афғон чекиб, уввос солиб йиғлаётган кулранг бўрининг қалбини ўз инини кўришга бўлган соғинч ўртарди. У қор босган сарбаланд тоғлар чўққисидан пастга тушиб, тугилган ошёнини кўмсаб, соғиниб келарди. Бу ердан одамлар кетган бўлса керак, деган умидда, қадрдон инини кўриш иштиёқида келмоқда эди. Унинг аламли ва дардли овози тоғларнинг ўлик сукунат чўккан тошларига урилиб садо таратарди.

-Уввв!.. - фарёд унинг музтар кўкрагидан отилиб чиқарди.

Мирюнуснинг назарида қутурган бўри шу томон келаётгандек туюлди. У лагердан қуролсиз чиққанлигини, кимсасиз тоғларда ўзини ҳимоя қиладиган ҳеч нарсаи йўқлигини англади. Юрагини кўрқув эгаллади. Мирюнус тепалик сари тирмашмоқчи бўлди. Тепада ўн беш кунлик ой балқиб, қор босган икки чўққининг орасидан мўралаб, паст-баланд кенгликлар узра нурини сочиб турарди. Бирдан унинг қулоғига гувиллаган товуш чалинди. Мирюнус кўрқиб кетди. Худди бомба портлагандек эди. Шунда у тепадан тушиб келаётган қор кўчкларини кўриб қолди. Ҳайбатли қор парчалари тўлқин мисоли кўпириб, қаршисида учраган тошу дарахтларни хасдек учириб, шовқин-сурон солиб пастликка тушиб келарди. Мирюнус нима қилишини билмай кўрқувдан қичқириб юборди. Бу ерда уни ҳимоя қиладиган, паноҳига оладиган бирон бошпана йўқ эди.

Ю Р Т Д А

Эргашбой ёнидан ханжарни суғуриб, тўсинга санчган пайтда, Қамбар ҳам ён дафтарчасини варақлаб

бирдан ўттизгача ёзилган рақамларни кўздан кечириб, йигирманчи сонни ўчирганди. Ўн кундан сўнг ваъдасининг устидан чиқиши, Шарифнинг «ақлли» бошини Эргашбойнинг оёғи остига юмалатиши шарт. Акс ҳолда қасамга хиёнат бўлади. Ваъдасини бузса, тўдабоши қиёматда ҳам уни кечирмайди. У қасоскор одам, йигитларини жўнатиб, бошини уздириб кетишдан қайтмайди. Кунлар оқар сувдай ўтаётганидан Қамбар яна бир бор пушаймон бўлди. Ҳамдам каллани чақириб фурувати келганди. «Ўзим чақираман», деб чўнтагига пул солиб, уйига қайтариб юборганига бугун ўн бир кун бўлди. Эртагаёқ йўлга чиқиши ксрак. Ҳашпаш дегунча уч-тўрт кун ҳам ўтади кетади.

Қамбар Ҳамдам каллага қўнгироқ қилди. Зудлик билан етиб келишини тайинлади. У кечки пайт бораман, деб сўз берди. Қамбар жони омонат кимсанинг газетадан қирқиб олинган суратларини бир четга яшириб қўйганди. Ҳаммасини топди. Ҳамдам калла келганда шу суратларни унинг қўлига топширди.

- Яхшилаб таниб ол! Қулогининг ортида нўхотдек холи бор. Ўзингни асло бизга алоқадорлигингни сездирма. Эргашбой ҳақида ҳам, унинг ўтмиши ҳақида ҳам огиз очма. Кўпчиликнинг кўзига ташланма. Хитланиб қолса, сени йўқ қилади.

- Бошини узиб келишим шартми? - чўчинқираб сўради Ҳамдам калла.

- Шарт! Хўжайин унинг калласини кўрмаса, топшириқ бажарилганига ишонмайди! - чўрт кесиб деди Қамбар.

- Қалтис иш, бой бола! Шу ёшга кириб одамнинг бошини кўтариб юрмаганман!

- Шунинг учун ҳам айтган пулингни беряпманда акоси!

- Озгина қўшасан? - эркалангандек деди Ҳамдам калла.

- Нафсинг ёмон, чол! - пўписа қилган бўлди Қамбар.

Қамбар ёнидан беш минг доллар олиб, Ҳамдам калланинг қўлига тутқазди. У пулларни санаб, ҳамёнига жойлар экан, шундай деди:

- Пул юракнинг қуввати, бой бола! Қачон йўлга чиқаман?

- Эртага азонда жўна!

Ҳамдам калла ёши олтмишдан ўтиб қолган бўлса-да, чаққон, абжир одам эди. Ойлаб соч-соқолига тиг теккизмасди. Кўрган одам уни етмиш ёшлардаги чол, деб ўйларди. Қария айтилган пайтда йўлга чиқди. Кечки пайт Шариф яъзаётган қишлоққа етиб борди. Одамлар унга аҳамият беришмади. Устидаги кийимлари ва юриш-туришидан шу ернинг одами, деб ўйлашарди, ёнидан бепарво ўтиб кетишарди. Ҳамдам калла фермани сўроқлаб топиб борди. Шариф ишдан қайтганди. Яқинда фермага четдан зотли моллар келтирилганди. Сутни қайта ишлайдиган ихчамгина цех ишга тушганидан кейин соғувчиларнинг иши энгиллашиб қолганди. Бу ерда чиқарилаётган қаймоқ, қатиқ, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотларига бўлган талаб ортганди. Шаҳарлик мижозлар олдиндан буюртма бериб кетишарди. Буларнинг ҳаммаси чорвадан олинадиган даромадни икки ҳиссага кўпайтирганди. Колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга шартнома асосида гўшт етказиб бериларди. Бўрдоқига боқилаётган қорамолларнинг сони бир йил ичида беш баробарга кўпайганди. Деҳқончиликдан, қишлоқдаги ўндан ортиқ корхоналардан келаётган даромад эвазига Шариф қўшни давлатлардан зотли қорамолларни сотиб оларди. Хўжалигида наслдор ҳайвонлар сонини кўпайтиришга эътибор қаратди. Шу тариқа чорвачилик гуркираб ривожланарди. Фермер хўжаликда ишлаш иштиёқида кўплаб ёшлар келарди. Уларга нафақат туманда, балки вилоятда ҳам энг юқори иш ҳақи тўланарди.

Шом қоронғусида кириб келган мўйсафидни Ша-

Исҳоқжон НИШОНОВ

рифнинг ўзи кутиб олди. Бу Ҳамдам калла эди. Улар бирон маротаба учрашмаган, ҳатто исмларини ҳам эшитишмаганди.

- Олислан келдим, ўғлим, бир кеча тунаб кетсам, жой берсанг! - деди қария атроф-теваракка кўз ташлаб.

- Мусофирга нафақат жой, балки иссиқ овқатимиз ҳам бор! - деди Шариф қарияни ичкарига таклиф қилиб.

- Умрингдан барака топ, сен бизни ҳурмат қилсанг, Аллоҳ сени иззат қилсин! - деди ва адашмадимми, дегандек йигитнинг қулоғи ортига кўз ташлади. Нўхотдек холини кўриб, кўнгли жойига тушди.

Шариф меҳмон учун овқат буюрди. Бир товоқ гўшти ни қовуриб, қариянинг олдига қўйишди.

- Бу жойлар сеникими, ўғлим? - сўради Ҳамдам калла кўрадаги молларга ишора қилиб.

- Ҳукуматимиз фермер хўжаликларини йўлга қўйиш тўғрисида қарор чиқаргандан кейин шу ерда чорвачилик фермасини ташкил этдим.

- Бир ўзинг қилдингми шу ишларни?

- Ҳамқишлоқларим билан!

- Дуруст...

Улар анча вақт суҳбатлашишди. Шариф ишчиларига жавоб берди. Улар яна гурунглашиб ўтиришди. Ётиш олдидан Шариф молхонани айланиб чиқди. Кўнгли хотиржам бўлиб, қайтиб келганда қария ёстиққа бош қўйиб, хаёл суриб ётарди.

- Давлатимиз раҳбарининг бутун умиди биз ёшлардан. Ватан тараққиёти ва фаровонлигига қанчалик кўп ҳисса қўшсак, юртимиз бундан-да обод ва кўркем бўлади. Мен бутун куч-ғайратимни униб-ўстирган, тарбиялаган она-юртимнинг гуллаб яшнашига, халқимнинг дастурхони тўкин-сочин бўлишига, ҳеч бир юртдан кам бўлмаган озод, обод Ватанни барпо этишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Шу пайтгача чет давлатларга ҳавас қилардик. Энди улар юртимизга ҳавас

қилишмоқда, халқимизнинг нималарга қодир эканлигини кўриб, қойил қолишмоқда! Бу ерлар икки йил аввал қумлоқ ва қамишзорлардан иборат эди. Давлатдан катта миқдорда қарз олдим. Ўн йил муддатга! Фермерларга берилаётган бундай имконият биронта давлатда бўлмаган. Олган маблағимни нафақат чорвачилик ва пахтачилиқни ривожлантиришга, балки ишлаб чиқариш корхоналарини қуришга сарфладим. Янги технологияларни олиб келиб, ишчи ўринларини кенгайтирмоқдаман. Ҳозир қўлимда юздан ортиқ ишчи бор. Ҳаммасининг уйига кирсангиз ҳавасингиз келади. Турар-жой бинолари замонавий типда қурилган. Ўзимизнинг заводимизда ишлаб чиқарилган, ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган, хорижникидан ўтадиган гиштлар билан қурилган. Бундай гиштлар йигирма йилдан кўп таъмирсиз рангини йўқотмайди. Ишчиларнинг болалари фермер хўжалиги қошида ташкил этилган боғчада тарбияланмоқда. Уларга уч маҳал иссиқ овқат бепул берилаяпти. Қумлоқ ерда боғ яратдик. Келгуси йили ҳосилга киради. Мевасини ўзимизнинг қишлоқ болаларига тортиқ қиламиз. Икки-уч йилдан кейин бегона одамга бу ерлар чўл бўлгани, атрофи қум тепаликлардан иборат эди, десангиз ишонмайди. Одамларимизнинг кайфияти яхши. Колхоз-совхоз йўқ бўлиб кетса, иш излаб қайга борамиз, деб ваҳима қилганлар ҳозир шу фермер хўжалигида ишлаб, колхоздан беш-ўн барабар кўп ҳақ олишмоқда. Яқинда бугдой ўрдик. Ҳар гектар майдондан саксон икки центнердан ҳосил кўтардик. Режадан ортигини ишчиларга тақсимлаб бердим. Биласизми ота, битта ишчининг уйига камида икки ярим тоннадан ортиқ ғалла кирди. Бу дегани ишчи бир йиллик нон билан ўз оиласини ўзи таъминлади, дегани. Мақтанаяпти деманг, ҳар куни бошим ёстиққа текканда ўзимга бир саволни бераман, «юртимга, халқимга қандай нафим теги, бугун нима қилиб бердим, ўтган кунимдан

Ўзим, қилган ишимдан Ватаним, халқим розими?» Назаримда, мен қилаётган ишлар камдек, кўп нарсаларга улгурмаётгандек бўламан. Ахир ҳукуратимиз бизларга ишлаш, меҳнат қилиш учун яратиб берган бундай шароит ва имконият қайси юртда, қайси давлатда бор?! Шундай пайтларда билиб-билмай қилган хатоларим кўз олдимдан ўтади.. Ўзимдан ўзим нафратланиб кетаман!

- Қандай хато қилгансан, ўғлим? - атайин сўради Ҳамдам калла йигитнинг сўзини бўлиб.

- Сиз сўраманг, мен айтмай, бир-иккита нияти бузуқларга эргашиб, Ватандан чиқиб кетгандим. Хорзорликда умрим ўтди. Бир амаллаб қочиб ўтдим. - Шариф ўзи тўғрисида кўп гапиришни истамади.

- Шунча ишларни қилибсан, армонинг ҳам қолмагандир, болам?!

- Армонларим кўп, - деди Шариф ширин энтикиб. - Юртбошимизнинг «Фермер бугунги жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб қолмай, балки жонкуяри ҳамдир», деб айтган муборак сўзлари мени ишлашга, халқим ва юртимга кўпроқ нафим тегишига даъват этмоқда.

Мен диёримни дунё осмонида қанот қоқиб, тинчлик ва эзгуликни, қут-барака олиб юрган кабутарга ўхшатаман. Собиқ иттифоқ республикаларининг бирортаси бизнинг давлатимиз мисоли қисқа муддат ичида оламга танилиб, машҳур бўлмади. Уйлаб қаранг, Шўро даврида Ўзбекистонданман, десангиз, биров бу қанақа юрт, деб бош қашларди. Бугун Ватанимизнинг байроғи Африкада ҳилпираб турибди, мадҳиямиз Японияда айтиляпти. Америкадаёқ давлат тилимизни ўрганяпти. Мана-ман деган мамлакатларнинг вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида юртимизга оқиб келишмоқда. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон қисқа фурсат ичида дунёнинг тараққий топган давлатлари қаторидан ўрин олди. Ўзимизда қурилиб ишга туширилган ўнлаб завод

ва фабрикаларимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз, енгил автомашиналаримиз, автобусларимиз билан дунёни лол қолдирдик. Шундай юртда тугилиб-ўсган, вояга етган инсон бекор туришга ҳақлими? Шу Ватан доврўғини дунёга танитишда мен ҳам ўзимнинг озми-кўпми, ҳиссамни қўшгим келади, ота! Фермер хўжалигим маҳсулотларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган белги қўйиб, дунё бозорларини эгаллашни хоҳлайман! Яқин кунларда албатта, бунга эришаман ҳам!

- Бой бўлмоқчи экансанда, ўғлим, - деди Ҳамдам калла чуқур хўрсиниб.

- Йўқ, мен бой бўлишни эмас, мулкдор бўлишни истайман! - деди ишонч билан Шариф.

Ҳамдам калла бошқа сўз айтмади. У бошини ёстиққа қўйди-ю бироқ кўзига уйқу келмади. Шарифнинг сўзларини эслаб ётди. Вақт эса ярим тундан оғиб қолганди. Ишни бажариб кетадиган фурсат келганди. У қўлини тез-тез қўйнига солиб, олмос тигли ханжарнинг совуқ дастасидан ушлаб қўярди. Уни суғуриб, ёнида пишиллаб ухлаётган йигитнинг кекиртагига санчса, сўнг бошини узиб, хуржунга солиб, жўнаб кетса ким кўриб ўтирибди? Эрталабгача борадиган жойига етиб боради. Бошни Қамбарнинг оёғи остига ташласа, нақ йигирма минг доллар чўнтагига киради. Бунча пулни топиш осонми? Кексайганда, бели букчайиб, кучдан қолганда бу пуллар унинг жонига оро кирмайдими? Белини баққуват қиладиган нарса ҳам шу пул-ку!

Ҳамдам калла ханжарни чангаллаб ётар экан, ўрнидан туришга шошилмади. Нимадир унинг бошини кўтаришга йўл қўймасди. Яқин атрофда хўроз қичқирди. Энди туриш керак, ишни бажариб, тезда жўнаш керак. Ҳали замон соғувчилар, ишчилар келишади. Биронтасининг кўзи тушиб қолиши мумкин.

Ҳамдам калла ханжарни қўйнидан олиб, ўрнидан

турди. Уй эгасининг бош томонига ўтиб, тиз чўкди. Овоз чиқармай калимасини ўгирди. Шариф бошини болишга ташлаб ётарди. Чарчаганидан қотиб ухларди. Ҳамдам йигитнинг калласини орқага қайириб, бўйнига пичоқ солиб, тортиб юборса бас, Эргашбой кутаётган бош кўлида. У Шариф томон бурилди. Шунда кимнингдир иссиқ, аммо кўзга кўринмас қўллари унинг билагидан тутди. Ҳамдам калла ҳолсизланиб, пичоқни кўлидан тушириб юборди. Юрагида алланарса уйғонди. «Нега, нега сен унинг калласини олишинг керак? Ўз юрти ва элининг эртанги порлоқ куни учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаётгани учунми? Бир пайтлар ким эди? Эргашбойга илакишиб, юртни ташлаб чиқиб кетган, жиноят кўчасига кириб одамларнинг тинчини бузган бу йигит ўз хатосини тушуниб, Ватан ва халқи олдидаги инсоний бурчини англаб, чўлда кўзига қум тўлиб, чанг ютиб ишлаётгани учун бошини олиш керакми? Бу бош Эргашбойга нима учун керак бўлиб қолди? Ҳа, ғаламислар уни кўролмаётган, адашиб сафига қўшилганлар Шарифга эргашишини истамаётган. Шунинг учун ҳам Эргашбойга унинг боши керак бўлган. Бир пайтлар мен ҳам адашиб, алданиб унинг этагидан тутдим. Одамларнинг гуноҳи борми, йўқми, суриштирмай калтакладим. Лекин нима топдим? Одамларда ҳам, давлатда ҳам инсоф бор экан. «Сен бир пайтлар беғуноҳ одамларни савалагандинг», деб ҳеч ким юзимга солмади, жабрланганлар шикоят қилиб, мелисага боришмади. Кечиришди. Юртимга, халқимга қандай нафим тегди? Мен бугун уларга нима қилиб бермоқдаман?! Эргашбой унутмабди, яна ўзининг ифлос ишларида фойдаланмоқчи, ўз хатосини тушуниб, юрт ва элига жонини фидо қилаётган бир ватанпарвар йигитни менинг пичогим билан ўлдирмоқчимми? Унинг калласини ўз йигитларига кўрсатиб, «кўриб қўйинглар, мен нималарга қодирман, юртдаги одамларим истаган топши-

риғимни бажаришади», деб ўзини кўрсатмоқчимиз?»

Ҳамдам калла аҳдидан қайтди. «Агар одамнинг қонини тўкиб, Ватанга хиёнат қилиб жаннатга кирадиган бўлсам ўша жаннатдан юзимни ўгирдим. Охи-ратгача дўзах ўтида ёнай! Мен сенларни эмас, юрти ва элининг эртанги порлоқ кунини ўйлаб, шу чўлда меҳнат қилаётган йигитнинг этагини тутаман. Сен қашқирлар қанчадан-қанча одамларни йўлдан оздирдинг, ўз юрти ва элига душман қилиб қўйдинг! Аслида сенларнинг бошингни олиш керак! Худо ажалга омонлик берса, Қамбарни ҳам, Эргашни ҳам қалласини узаман! Энди сенларнинг кунинг битди. Бу азиз ва муқаррам Ватан тупроғига ҳаром оёғингни бостирсам, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлай!».

Ҳамдам калла сўнгги сўзларини овоз чиқариб айтиб юборганини ўзи кеч билди.

Шариф кўзини очиб, тепасида турган меҳмонни кўрди. Унинг ёноқларидан оқаётган ёшлар эндигина уйғонаётган қуёшнинг шуъласида шабнамдай ялтирарди.

- Мени кечир, ўғлим! - Ҳамдам калла шундай деди-ю йиғлаб юборди.

* * *

Эргашбой Исмоилнинг тўйига совға жўнатишни унутмаганди. У ҳақда ўйлаганда ҳудди игна устида ўтиргандай бўларди. Тожикистонда юрганида Исмоил тўгрисида газеталарда босилган мақолаларни ўқиб борди. Бир неча бор телевизорда кўрди. «Наҳот шу Исмоил бўлса», деб хаёли ҳар томонга кетди. Камбагалгина йигит эди. Мустақилликдан сўнг тадбиркорлик билан шуғулланди. Укалари билан тунукасозлик цехини очди. Икромбой пақир, тоғора ва бошқа рўзгорбоп буюмлар ишлаб чиқариб қишлоқда обрў қозониб, эл ҳурматини қозонди. Исмоилнинг ўзи қўшни тумандаги тўхтаб қолган нон ва макарон цехини ишга

Исҳоқжон НИШОНОВ

туширди. Элликка яқин қиз-йигитларни иш билан таъминлади. Ҳоким юрагида ўти бор, ташаббускор йигитларни хуш кўрарди. Исмоилга имкониётлар яратиб берди. Эргашбой учар йигитларини жўнатди.

- Ойига беш юз доллардан узатиб турасиз, бу хўжайиннинг буйруғи! - деди улар.

- Мени кўчада қолган пулим йўқ, ҳар бир тийинини пешона тери билан топяпман! - деб очиқ айтди.

- Ҳўнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганлар. Бу сўзларингиз Эргашбойнинг қулогига етиб борса, нима бўлишини биласизми?

- Хўш, нима бўлади?

- Нима бўлади, деганингиз нимаси? Бир кечада жонингизни суғуриб олади!

- Азроилмиди, жонимни суғуриб олса?

- Азроил эмас-у, аммо Азроилдан шафқатсиз! Сизга ўхшаган оғзи полвонларнинг кўпини белини букиб қўйган!

- Мен фақат Худодан кўрқаман. Бориб Исмоил бизга берадиган пулини хайрли ишларга сарф қиларкан, деб айтинлар!

- Шундайми?

- Шундай!

Тўдабошининг одамлари унга ўқрайиб қарашди-да:

- Кейин пушаймон смасангиз бўлди, - деб чиқиб кетишди.

Исмоилнинг бу гапини ўша пайтнинг ўзидаёқ Эргашбойнинг қулогига етказишди. Тўдабоши тиф еган одамдай ингради. Алам ўтида юраги ёнди. Уч олишни дилига тугди. Изига кўп тушди-ю аммо мавридини тополмади.

«Аждар гор»да Қамбардан Исмоилнинг катта мулкдор бўлганини эшитиб, юрагида ёнаётган алам чўғига яна мой сепилди. Одамлари тўй бошлаганини хабар қилишганда ўша аланга баттар гуриллади. Ўйламай-нетмай уларга буйруқ берди.

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

- Тўй куни уйига «гулдаста» кўйинглари! Мендан совға бўлсин!

Ўша кунлари Исмоил катта ўғли Анваржонни уйлантириш тараддудида елиб-югурарди. Яқин-йироқдаги таниш-билишларига таклифномалар жўнатарди. Тўй кунлари кўча бошида милиционерлар пайдо бўлиб қолди. Нотаниш эди улар.

- Хужжатингизни кўрсатсангиз? - илтимос қилди милиционерлардан бири ўзини таништириб.

- Мен шу маҳаллада яшайман, - Исмоил аччиқланди. - қишлоқда мени ҳамма танийди!

- Айбга буюрмайсиз ака, хизматчилик! - деди милиционерлар.

Шу пайтгача Исмоилдан биров хужжат сўрамаганди. Асабийлашиб уйига кириб келди.

- Тинчликми, кўча бошида милиционерлар турибди? Бирорта одамнинг уйини ўғри урдими? Ўтгандан ҳам, кетгандан ҳам хужжат сўрашяпти, - деди аёлига.

- Нимасини айтасиз, уйга ҳам келишди, - Зулфия норози бўлиб деди. - Ҳаммамизнинг паспортимизни кўриб, бегона одам яшамайдими, деб сўрашди.

- Булар маҳалла-кўйга ишонишмаяптими?! - тўнғиллади Исмоил. - Ҳозиргача қишлоғимиздан бирорта ўғри, безори чиққанини билмайман.

Эртаси куни ҳам милиционерлар кўчада айланиб юришди. Тўй кунлари уларни атрофда юришганидан Исмоил бағтар аччиқланди. Кўни-кўшнилари ҳам норозидек эди.

- Худого шукур, шу пайтгача маҳалламиздан бирорта безори, ўғри чиқмаган. Мелисалар нимага бу ерда пайдо бўлиб қолишди, ҳайронман, - деди кўшнилари билан бири.

- Нимасини айтасиз, Эгамберди, иккита мелиса уйимизга кириб, оғилимизни кўриб, бегона одам яшамайдими, деб сўрабди.

- Эсимни танибманки, биров мендан бошпит сўра-

Исҳоқжон НИШОНОВ

маган! Уйимизга киришганда ҳужжатимни тополмай хўп қийналдим.

- Тўйга узоқ-яқиндан меҳмонларни таклиф қилганман. Уларни кўча бошида тўсиб, паспортинг қани, деб сўрашса, юрт «Исмоил кўчасининг бошига мелиса қўйиб, тўйга келган меҳмонларнинг ҳужжатини текшириб киритаяпти», дейишмайдами? - деди қарияларнинг суҳбатини тинглаб.

Тўй куни Абдуллаев чидамай, милиционерларнинг олдига борди.

- Бугун тўй, меҳмонларнинг олдида мени хижолатга қўйяпсизлар?

- Диққат бўлманг ака, юқоридан буйруқ бўлган, тадбир ўтказилмоқда, - деди милиционерлардан бири.

- Тадбирни бошқа кунга қолдирса бўлмайдами?

- Буни бошлиқлар ҳал қилади, биз буйруқ бажарувчимиз!

- Менга ўша бошлиқларингни кўрсатинглар!

- У кишининг ўзлари келиб қолсалар керак!.

Базм бошланди. Тўйхонага одам сигмасди. Таниқли хонанда ўртада кўшиқ айтарди. Ёш-яланглар рақс тушарди. Одамнинг қучоги етмайдиган гулдаста кўтариб кирган икки одамга ҳеч ким аҳамият бермади. Уни саҳнанинг ўртасига қўйиб кетишди. Гулдаста чиройли, нозик дид билан безатилганди. Қараб одамнинг кўзи қувонарди. Беш дақиқа ўтиб яна икки нотаниш киши гулдаста кўтариб кирди. Улар бояги гулларни идиши билан кўтариб чиқиб кетишди. Бунга ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Тўй охирлаб қолганда милиционерлардан бири Исмоилни қўшни ҳовлига таклиф қилди. Ичкарида тўрт-бешта оддий кийимдаги одамлар ўтиришарди.

- Аввало сизни безовта қилганимиз учун узр, ака, - деди уларнинг бошлиғи. - Эргашбой тўйингизга «совга» жўнатмоқчи бўлганлиги тўғрисида маълумот олгандик.

«АФФОН ШАМОЛИ» - 4

- Қайси Эргашбой?
- Эски танишингиз Эргашбой Одилов!
- Мен унинг совғасига муҳтож эмасман!
- Биламиз, аммо ўша «совға»ни сиздан берухсат биз тўйхонадан олиб чиқиб кетдик.

- Гапингизга тушунмадим!

- Буни идорага борганингизда тушунасиз.

Исмоилни милиция бўлимига олиб кетишди. Бошлиқнинг хонасида қўлига кишан солинган иккита бегона одам ўтирарди.

- Тўйингизга «совға»ни шулар олиб келишган. Буларни танийсизми? - деди бошлиқ.

- Биринчи кўришим. Эргашбойнинг мендан қарзи йўқ эди. Қанақа совға олиб келдиларинг? - қизиқди Исмоил.

Бошлиқ устига мато ташланган бомбани кўрсатди.

- Булар тўй авжига чиққанда қўлбола бомбани ишга солишмоқчи бўлишган. Агар у портлаганда тўйхонангизда бирорта тирик жон қолмасди. Нафақат сизнинг, қўни-қўшниларнинг уйи теп-текис майдон бўларди.

Исмоил олов ичида қолгандай вужуди қизиб кетди. Стол устида турган кулдонни қандай қўлига олганини ва нотаниш одамларга улоқтирганини сезмади. Кулдон деворга тегди. Милиция бошлиғи уни ушлаб қолди.

- Ўзингизни босинг, ака! Қонун уларнинг жазосини беради, - деди.

Исмоил уйга қайтиб, Зулфияга шу сўзларни айтди:

- Эртага эллик кишилик дастурхон тайёрла!

- Тинчликми? Яна меҳмонингиз борми?

- Тўйни қайтадан ўтказмоқчиман. Туман мелисаларининг ҳаммасини зиёфатга таклиф қилишни унутган эканман!

- Тушунтириброқ гапиринг, ахир кеча ҳамма мелисалардан хафа бўлиб юргандингиз!

Исмоил аёлига Эргашбойнинг одамлари бомба қўйишмоқчи бўлганини, мелисалар уларни ушлаб олиш-

Исҳоқжон НИШОНОВ

ганини гапириб берди.

- Хужжат сўрашганидан хафа бўлибмиз-а? Яхшиям уларнинг бори. Бўлмаса, бу огзингдан қонинг келгурлар бутун маҳаллани дўзахга айлантиришаркан! Дада-си, бирорта мелиса қолмасин, ҳаммасини таклиф қилинг, уйимизнинг тўри шуларники! Анови Аҳмаджонни ҳам айтишни унутманг. Бечоралар қишлоғимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаб, тун-у кун ухламай чиқишади.

- Мен Наби қассобнинг олдига кетаяпман, қора кўчқорни сўйдираман, мелисалар билан бир отамлашман-да, хотин!

САМАНГАН

Эргашбойнинг уйқусиз тунлари бошланганди. Тўшакка чўзилди дегунча ваҳимали ва қўрқинчли ўйлар ёпирилиб, хаёлига келарди. Назарида кимдир жонига қасд қилиш пайида кўзининг юмилишини пойлаб, остона ортида ханжарини қайраб тургандек туюларди. Йигитларининг кун сайин норози бўлаётгани, қочишга уринаётгани дилини зимистон айлаганди. Ишонган ва суянган одамларимдан бири деб билган Червон хонимнинг «рухсат беринг, юртимга кетай», деб айтган сўзини эшитгандан бери ўзини қўярга жой тополмай қолди. «О, тентак аёл, сен ўзингни кимлигингни биласанми? Қандай гуноҳлар қилганингни ўйлаб кўрдингми? Ахир сенинг айбларинг сочингни толасидан ҳам кўп-ку? Уларни қон билан ҳам ювиб, поклай олмайсан! Юрагингга кириб олган шайтон Ватанга чорлаётганига ишонма. У ерда сени ит азоблари, қийноқлар кутаётганини унутма, Ватанни юрагингдан юлиб ташла! Қўлингга пулинг бўлса, кошона уйларинг бўлса, ўша ер сенга Ватан! Ўйлайсан-ки, борсам юртдошларим мени кучоқ очиб, гул билан кутиб олишади деб. Адашасан, ақлини еган шум кампир! Улар сенинг барча кирдикорларинг-

дан хабардор! Кимларни ўлдирганингни, қандай жиноят қилганингни, биз жўнатган ўқ-дориларни кимларнинг қўлига топширганингни, кимларни алдаганингни яхши билишади! Улар оч қашқирдек тишларини шақиллатиб, қачон келаркин, деб йўлингни пойлаб туришибди, қорангни кўришлари биланоқ сени тутиб беришади, турмага тиқишади. Сўроқ-савол қилишади. Ит азобларини бошингга солишганда мени эслайсан. Олдимдан кетганингга минг бор пушаймон бўласан. Қон йиглайсан».

Азалдан аёл кишига ишонмайдиган Эргашбой Червон хонимга ишониб хато қилганини бугун англади. Зеро, у бу ердан кетар бўлса, албатта, ўз ихтиёри билан тергов идораларига боришдан ҳам қайтмайди. Бош эгиб борган аёл, албатта, унинг барча кирдикорларини фош этади. Кимлар Ватанга бориб келаётганини, кимларнинг қўлида қурол-аслаҳа борлигини, қолаверса, Эргашбойнинг ёлғизланиб қолаётганини, жангарилар қийналиб, ундан норози бўлишаётганини сўзлаб беради. Уни қўйиб юборса, ўзига душман орттиради. Хонимнинг кетиши жангарилар қалбида унутилиб бораётган Ватан соғинчига мой сепмайдими? Бошқаларнинг қочишига сабаб бўлмайдими? Кейинги бир йил ичида бирорта одам сафига келиб қўшилмади. Кўпчилик хасталанди, айримлар юртни кўмсаб, юрак-багрилари тутдай тўкилиб, эзилиб ўлиб кетди. Хоин, деган тавқилаънатни пешоналарига ёзишни истамай, ўзини отганлар ҳам, осганлар ҳам бўлди. Шарифга ўхшаганлар яна давлатнинг ишончига кирди. Фермер бўлиб, юртга, элга, дунёга танилмоқда.

Эргашбойнинг Воҳидга ишончи баланд эди. Содиқ йигитларимдан, деб биларди. Охир-оқибат у ҳам панд берди. Икки йилдан бери қутаётган қизининг номусига тегди. Юзинг борми, кўзинг борми, демади. Балои нафснинг гапига кирди. Бу ҳам бўлса унинг Эргашбойдан ҳайиқмаганлигининг белгиси. Тўдабоши уни айби-

Исҳоқжон НИШОНОВ

га муносиб жазолади, бироқ кўпчилик бу жазони аза ўрнида қабул қилди. Одамлари ўртасида ўзига бўлган ишончни йўқотди. Мирюнуснинг қочиб кетиши тўдабошини ларзага солди. Нега у қочди? Буни тушунмади. Эргашбой Мирюнуснинг юртга қайтиб боролмаслигини биларди. Шу атрофда дайдиб юрган, қачондир қайтади, деб ўйлади.

«Менга деса йигитларнинг ҳаммаси қирилиб, ер остига кириб кетмайдими? Фақат шу ерда ўлишсин, шу ерда суяклари чириб, тупроққа қоришиб кетсин! Юртни эсламаса, унга талпинмаса, шарманда қилмаса бас», деб ўйларди. Муҳими, қўллаб турган ҳомийлари қўлини ювиб, қўлтигига уриб кетмасин. Афсуслар бўлсинки, кейинги бир ой ичида улар жим бўлиб қолишди. На озик-овқат жўнатишади, на кўнгироқ қилиб, ҳол сўрашади. Нима бўлди уларга?

Эргашбой Қобулга тушишга, раҳнамолари билан кенгашиб келишга қарор қилди. Жўнаш олдидан ҳузурига Жалолни чақиртирди.

- Бу ердаги ишлардан кўз-қулоқ бўлиб турасан, йигитларга ҳушёр бўл! Қочишга уринганларни аяб ўтирма, ҳамманинг кўз олдида отиб ташла! Менга деса битта қолмай қирилиб кетсин! Сора ётган чодирга ишончли соқчиларни қўй, бирортаси ҳазил қилиб юрмасин!

- Хотиржам бўлинг, хўжайин! - деди Жалол лагерни бошқариш чекига тушганидан хурсанд бўлиб. - Мен бор эканман, бирорта тирик жон бу ердан қочолмайди!

- Сенга ишонганимдан кетяпман! - Тўдабоши уни қувватлади.

- Хўжайин... - деди ялтоқланиб Жалол паст овозда.

- Нима дейсан? - Эргашбой муҳим гап айтмоқчилигини сўзидан билди.

- Нозимнинг сизга айтадиган гапи бор экан, олдингизга кирмоқчи.

- Нима гап экан, сўрадингми?

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

- Ўзларига айтаман, дейди.

- Чақир!

Жалол Нозимни бошлаб кирди.

- Нима демоқчисан? - хушламайгина сўради тўдабоши.

Нозим чўнтагидан Мирюнус берган узукни олиб Эргашбойга узатди.

- Ким берди? - Эргашбой узукнинг қимматбаҳолигини билди ва айти дамда кўзига таниш кўринди.

- Мирюнус берувди, - деди овози титраб.

- Нимага сенга берди?

Эргашбойнинг саволи Нозимни довдиратиб қўйди.

- Унинг гуноҳ иш қилганини кўриб қолувдим. Хўжайинга айтмагин, деб шу узукни берувди.

- Нима гуноҳ қилган экан? - тўдабошининг ҳайрати ошди. Кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Нозим гап тополмай жим қолди.

- Гапир! - ўшқирди Эргашбой.

- Ҳалиги... хўжайин... тоғда қолиб кетган қизни ўпаётганди.

Эргашбой қутуриб кетди ва жон-жаҳди билан Нозимнинг ёқасидан олди.

- Нима дединг? Ўпаётганди?!

- Шундай, амирим! Айтмагин деб, шу узукни берувди.

Эргашбой бошини чангаллаб ўқ еган одамдай инграб юборди.

* * *

Чўтир Червон хоним ётган чодир атрофида айланиб юрарди. Эргашбой чиқиб кетгач ичкарига кирди. Хоним кўзларини юмиб, зўрга нафас олиб ётарди.

- Опажон, - кўрқа-писа деди Чўтир. - Опажон, мен келдим!

- Азизим, бу сизми? - хоним кўзларини очди. Чўтирни овозидан таниди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Ҳа, менман, опажон!
- Қачон қайтдингиз?
- Яқинда, сизга нима бўлди, опажон?
- Сўраманг, азизим! Дардим айтсам тошлар ёнади!
Хоним бошини кўтарди. Тепасида қулоқлари кесилган Чўтирни кўриб, қўрқиб кетди.
- Вой, ўлмасам! Не бўлди сизга, азизим, ким сизни бу аҳволга солди?
Чўтирнинг хўрлиги тутди, йиғлаб юборди.
- Мени адо қилишди, опажон! Бу кунимдан ўлганим яхши эди!
Хоним мадорсиз қўлларини чўзиб, унинг юзини силади.
- Йиғламанг, азизим! Жонингизнинг омон қолганига шукр қилинг! Сизни шу аҳволга солганларга Аллоҳнинг жазоси бордир. Бу дунёда бирор ёмонлик жазосиз қолмайди!
- Шукр, опажон!
- Мен амиримиздан уйга жавоб беришларини сўрадим.
- Нима дедилар? Рози бўлдиларми?
- Рози бўлдилар! Сизни ҳам олиб кетаман!
Чўтир хўрсинди.
- Мен юртга қайтолмайман, опажон, - деди юраги ачишиб.
- Нечук бундай сўзлайсиз?
- Юзим қаро!
- Менинг ҳам юзим қаро!
- Гуноҳларим оғир! Гўдакнинг қорнига пичоқ санчанман!
- Иккимиз Аллоҳдан гуноҳларимизнинг кечирешини сўраймиз!
- Тавба билан гуноҳни ювиб бўлармикин, опажон?
- Элдан кечирим сўраймиз?
- Сизни-ку, афв этишар, бироқ мени тилсиз гиёҳлар ҳам кечирмайди.

«АФФОН ШАМОЛИ» - 4

- Дунёда кечирилмайдиган айб йўқ, иним!
- Бобом раҳматликдан эшитгандим, Ватанга қилинган хиёнатни Аллоҳнинг ўзи ҳам афв этмасмиш!
- Яхши ният қилинг, азизим, ҳали ёшсиз, адашгансиз! Ўзингиз каби адашган дўстларингизга юртга қайтиш кераклигини тушунтиринг. Ватанга қилинган хиёнатни Аллоҳ ҳам кечирмаслигини тарғиб қилинг! Уларни қайтишга, элу юртдан кечирим сўрашга даъват этинг!
- О, опажоним, панду насихат, маслаҳатга муҳтож бўлмаган бу одамлар орасида яхшилиқни, эзуликни тарғиб қилиб бўлармиди? Жиноят кўчасига кирган, пул, бойлик йиғиш, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида юрган ватангадолар менинг ваъзимга зормидилар? Тақдирларини нури томонга буриш, юракларида Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотиш иштиёқида ёнганинг билан уларнинг неча пуллик ишлари бор? Ёмонлик яхшилиқдан устун бўлолмаганлигини уларга тушунтириб бўлармиди?!
- Унда иккимиз тушунтирамиз! Биз юртга қайтаётганимизни ҳаммага айтамыз! Ортимиздан уларни ҳам эргаштирамиз. Барчамиз шундай қарорга келсак, Эргашбойнинг қўлидан ҳеч иш келмайди. Зора у ҳам бизга қўшилса!
- Ватанга қайтиб борганим билан одамларнинг юзига қандай қарайман? Қайси тил билан уларга гапираман? Менинг қулоқларимни кесгунча тилимни сугуриб, кўзларимни ўйиб олишганда минг бор рози эдим, опажон! Мен тугадим, адо бўлдим, бу дунёда яшашнинг маънисини қолмади. Юртдан ҳайдалдим, элдан ажралдим, эркаклигимдан жудо бўлдим. Хоин бўлиб, қулоқларим кесилди. Биттагина дард-аламларга тўлган хаста юрагим қолди. Ватанга қайтсангиз мендек юртфуруш укангизни ёдга олиб, бир ҳовуч тупроқни кўзларингизга суртиб қўйинг! Қани эди, бир бор юртнинг хидини искаб ўлсам. Қани эди, азиз тупроғига бошим-

Исҳоқжон НИШОНОВ

ни қўйиб жон берсам! Дунёда армоним қолмасди. Кечириб бўлмас хатога йўл қўйганимни, янглишганимни энди тушундим. Бу ўйинда Эргашбой ютди. Унинг қора иши тантана қилди.

- Йўқ, ҳали у тантана қилмади! Биз ўзимизни оқлашимиз керак, иним! Вақт бор, имконият бор!

- Йўл кўрсатинг! - Чўтир Червон хонимнинг қонсиз юзига тикилди.

- Қасос, - бу сўз хонимнинг қуруқшаб қолган лабларини зўрға ёриб чиқди.

Чўтир қўлларини мушт қилиб, кўкрагига урди, биллақларини тишлаб ташлади, юзларини тирнади. Охири чидамай фарёд кўтарди, унинг фиғони кўкдан ошди. Кўзларидан аламли ёшлар қонли жала бўлиб оқди.

- Онажоним, меҳрибоним, бошимга тушган бу аччиқ савдолардан хабардормисиз? Ў, юртни ҳимоя қиладиган ўғил топдим, деб қувониб, элга ош берган отажоним! Сизларнинг юзларингизни қаро қилдим! Маҳалла-кўй олдида бошларингизни эгдиро! Одамлар сафидан чиқариб қўйдим. Эй, Парвардигор, мени қийнамай жонимни олсанг розиман!

Бу пайтда жангарилар ухлашмаганди. Эргашбой Сора билан суҳбатлашарди. Қиз Воҳид қўрқитиб, қийнаб, номусига текканидан сўнг, жар ёқасига келтириб, тепиб, пастга тушириб юборганини, бахтли тасодиф туфайли дарахт шоҳига қўйлаги илиниб, осилиб қолганини сўзлаб берди.

Эргашбой яқин орада бу қадар қутурмаганди. Маст туядек бўкириб юборди. Узига инъом этилган бокира қизнинг номусига тажовуз қилганлиги учун Воҳидни осиб ўлдириш фикридан қайтди. У соқчиларига ҳамма йигитларни тўплашни буюрди ва ўзи ташқарига чиқди. Унинг ишораси билан Воҳидни олиб келишди. Тутқун Эргашбойнинг оёғига йиқилди. Тик туришга ҳоли қолмаганди. Қўрбошининг югурдақларидан иккитаси келиб, Воҳиднинг қўлтиғидан олиб, ўрнидан турға-

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

зишди ва бошини қайириб, юзини тўдабошига қаратишди. Эргашбой унинг юзига тупурди.

- Итдан тарқаган ҳароми, тузимни ичиб, тузлиғимга тупурибсан-да!

- Амирим, мени афву этинг, шайтон йўлдан оздирди. Нима қилганимни ўзим ҳам билмай қолдим! Гуноҳимни ювман! - зўрға тилга кирди Воҳид.

- Гуноҳингни ҳеч нарса билан юволмайсан, ит! Менга қилган хиёнатинг бир умрга мана бу юрагимда тошдек қотиб қолади! - тўдабоши алам билан кафтини яланғоч кўкрагига уриб бақирди. - Сени шундай азоблайки, эркак бўлиб дунёга келганингга минг бор пушаймон бўласан! Билиб қўй, ўлигингни ҳам тинч қўймайман! Каллангни уздириб, қозонда қовуриб, миянгни чаногиди шароб ичмасам, Эргаш отимни бошқа кўяман!

Эргашбой ўт чақнаган кўзларини йигитларига қадаб, шундай амр қилди:

- Бу ифлос билан кўнгилларинг тусаган ишни қилинглар! Аяманглар! Раҳм-шафқат қилманглар! Ўлими олдидан терисини шилинглар, бошини узинглар, қозонда қайнатинглар!

Бемазаликка кўнгли мойил йигитлар қичқириб юборишди. Наша чекиб, маст бўлган беш-олти баччавоз югуриб келди-да, Воҳидни кўтариб, жарлик томон судраб кетишди.

Аламзада Эргашбой чодирга киришга улгурмагани, ортидан айғоқчиларидан бири кирди.

- Нима гап?

- Амирим, Чўтир билан Червон хонимнинг суҳбатини эшитдим.

- Нима ҳақда гаплашишди? - Эргашбойнинг қулоғи динг бўлди.

Айғоқчи улар ўртасида бўлиб ўтган гапларни айтди.

- Иккиси бир бўлиб одамларни сизга қарши кўзғолон кўтаришга даъват этишмоқчи. Ҳаммани юртга олиб

Исҳоқжон НИШОНОВ

кетишмоқчи!

Тўдабошининг сочлари тикка бўлди.

- Аблах, менинг одамларимни йўлдан урмоқчи бўлибдими? - Эргашбойнинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

- Шундай, амирим!

- Жалол! - қичқирди амир.

Бадбашара, узун бўйли Жалол худди ер остидан чиққандай тўдабошининг ёнида пайдо бўлди.

- Буюринг, амирим? - деди қўлларини кўксига босиб.

- Чўтир Ватанни согинибди, анови қанжиқ одамларимизни бизга қарши исён кўтаришга даъват этмоқчи бўлибди. Чўтирнинг миясидан Ватан деган тушунчани чиқармагунча дарра билан савала! Этини нимта-нимта қилиб бўлақларга бўлиб ташла!

- Бир огиз сўзингиз, амирим! Агар изн берсангиз, тилини кесиб ташлайман.

Амир Жалолга ўгирилди.

- Тилини кесиб олсанг, у қандай кечирим сўрайди, тентак?

Жалол хо-холаб кулди ва қўлини кўксига қўйганча тўдабошидан узоқлашди. Эргашбой хуфияга буюрди.

- Қанжиққа кўз-қулоқ бўлиб тур. Олдига кимлар кирганини аниқла! Бу ердан қочадиган бўлса, орқангга қозиқ тиқаман!

Жалол тўдабоши амрини бажариш учун шу заҳотиёқ икки йигитга Чўтирни тутиб келишни буюрди. Бу пайтда у хонимнинг олдидан чиқиб келаётганди. Жангарилар унга яқин келдилар-да, қўлларини қайириб, бири бошига мушт уриб, иккинчиси орқасига телиб Жалолнинг олдига судраб келишди. Елкасидан босиб тиз чўктиришди. Жалол кирза этигидаги оёқларини кериб, тутқунга меровланиб қаради. У олатдагидек бадқовоқ ва ҳаддан ташқари мудҳиш кўринарди. Ниҳоят, тутқунга тиржайиб боқди ва ёрдамчиларига амр қилди.

- Қўлини маҳкам боғладиларингми, ечилиб кетса шайтонлаган буқадай ҳамманинг расвосини чиқариб ташлайди. Ҳой, Тоштемир, қайдасан, падарингга лаънат, тезда чодирдан чилвирни олиб кел, бу арқон чириб қолган, узилиб кетиши мумкин. Ҳошим, қон қусгур, сен тепага чиқ, оёғи ердан узилгунча кўтариб турасан, Шермат, нега оғзингни очиб турибсан, ушламайсанми, бадбахт?

Азалдан буйруқ беришни ёқтирадиган Жалол оғзидан тупук сачратиб одамларига кўрсатма берарди.

Зерикиб қолган жангарилар Чўтирни қандай қийнашларини томоша қилиш мақсадида уларнинг атрофини ўраб олишди. Улар кийимлари йиртилиб кетган, юзлари қонга беланган Чўтирни қўллари билан ниқтаб қотиб-қотиб кулишарди. Чўтир ҳайрон эди, қаршилиқ кўрсатишга ўзида куч тополмасди. Қулоқларидаги яра шилиниб кетганди. Сизиб чиққан қон юзига оқиб тушарди. Йигитлар уни нима учун жазолашаётганидан беҳабар эдилар. Бироқ ҳеч ким унга ачинмади. «Бизнинг сиримизни фош қилганлиги учун хўжайин уни жазолаётган», деб ўйлашарди. Жалол ёғочга боғлаб ташланган, боши кўксига осилиб тушган, юзлари қонга беланган Чўтирнинг тепасига келди.

- Сен ҳароми, ҳали Ватанга қайтмоқчи, одамларимизни бизга қарши кўзғолон кўтаришга даъват этмоқчи бўлибсанми? Ватанни соғиниб қолдингми? Бизни ташлаб бир ўзинг кетмоқчимисан? Сени қулоғингни адашиб кесишган экан! Аслида Ватанни соғинган юрагингни суғуриб олиш керак эди!!

Жалол қўлидаги резина таёқ билан қўллари тепага осилиб, оёқлари ерга тегиб-тегмай турган Чўтирнинг яланғоч баданига ура бошлади.

- Тавба қил! Бугундан бошлаб юртни эсламайман де, уни юрагингдан суғуриб ташла, унутдим де! Ўзбекистон Ватаним эмас де!! Мана шу ер мен учун Ватан, деб айт!! Юртимнинг номини яна тилга олсам забонимни

кесиб ташласанглар розиман де! Гапир, итдан тарқаган! Нега соқовдек жим турибсан? Оғзингга тош солганми-сан? Тилингни тишлаб олдингми?! Ёки бирортасидан кўрқаяпсанми, қанжиқ?!

Жалол уни аёвсиз калтакларди. Қўллари огриб кетди, кейин оёғи билан тепди. Бироқ Чўтирдан садо чиқмади. «Илгари айтсам ҳам энди айтмайман. Сенларнинг кимлигингни билдим. Ватандан тонсам, нимама қолади?!», дея дилидан ўтказарди.

Унинг сукут сақлаши Жалолнинг қаҳр-ғазабини баттар оширди. Қўлидаги резина таёққа эрк берди. Куч билан Чўтирни савай кетди. Тутқуннинг баданлари ёрилиб, қонга беланди. Атрофни ўраб олган жангарилар ҳамон қотиб-қотиб кулишарди.

- Жонинг темирданми, тавба қилсанг-чи, аҳмоқ?!
- Бунақада ўлиб қоласан-ку, тентак!
- Тилинг узилганми, унутдим де!
- Мана шу ер менга юрт дея қол!
- Амиримизга сизинг, у кишини Ватан деб бил!

Бироқ бу сўзлар Чўтирнинг қонга ботган қулоқларига кирмасди. У фақат Яратгандан мадал сўрарди.

«Менга куч ато этгин, оғзи қон, нияти бузуқ юрт-фурушларнинг қўлида ўлиб кетишдан ўзинг асрагин, бегона юртда жасадим қолиб кетмасин! Ватанимга ва халқимга қилган хиёнатимни кечиргин, Аллоҳим!»!

Жалол эллик даррани уриб бўлди. Бироқ Чўтирдан садо чиқмади. Кўпчилик уни ҳушдан айрилган, шу сабабли гапиролмаяпти, деб ўйлаганди. Жалол ёнидаги ёрдамчисининг қулогига паст овозда нимадир деди. У қиндан ханжарини сугурди. Тўпланганлар бир-бирларига қарашди. Энди уни сўйиб ташлашади, деб ўйлашди. Ёрдамчи Чўтирнинг ёнига келди. Қонга беланган юзларига, ёшлар оқиб тушаётган кўзларига боқди. Чўтир шу тошлар орасида, шу бегона юрт тупроғида, шу ватанфурушлар даврасида ҳаёт шами сўнишига амин бўлди. Жаллод қошида ўлимдан кўрқаётганини, қалти-

раётган оёқларидаги титроқни сездирмаслик мақсадида қадини тик тутишга ҳаракат қилди. Иккиси кўзларини бир-бирларига тикканча туриб қолишди. Атрофдагилар нафасларини ичларига ютиб, шериклари шўрлик сўроқ қилингувчининг қаерига пичоқ уришини кутишарди. Ёрдамчи ханжарини кўтарганда айримлар юзларини терс буриб олишди. Бироқ у Чўтирнинг бўғзига санчилмади, қўлларидаги чандиб боғланган арқонни кесди. Шунда банди оёгида туролмай гурсиллаб йиқилди.

Жалол Эргашбойнинг ҳузурига кирди.

- Айтилган даррани урдим, хўжайин, - деди ҳар доимгидек қўлларини кўксига босиб.

- Хўш, тавба қилдими, кечирим сўрадимми?

- Индамади, баттол...

- Индамади? - Эргашбой игна устида ўтиргандай сапчиб ўрнидан турди. - Нега индамайди?!

- Жони темирдан қаттиқ экан, амирим!

- Сен ҳароми, гапиртиришни билмагансан ёки дарра уришни эпллмагансан!

- Баданини моматалоқ қилиб ташладим, амирим, териси шилиниб кетди. Урнида бошқа одам бўлганда ўлиб қоларди.

- Бор, ит! Ўша яраларга туз сеп, ишқала, мушукдай мижғила! Жони қийналсин, азоблансин, дод солсин! Овозини эшитиб манови ўт бўлиб ёнаётган юрагим таскин олсин, хуморим босилсин! - қўлларини мушт қилиб бақирди тўдабоши.

- Бош устига, амирим, - қўрқа-писа зўрга тили калимага келган Жалол хонадан чиқиб кетди.

Йиқилган жойида тўнтарилиб ётган Чўтирнинг бадани ҳақиқатан ҳам ёрилиб, моматалоқ бўлиб қонга беланганди. Ҳеч нарсани сезмасди. Вужудига азоб бераётган оғриқдан эшитилар-эшитилмас инграрди. Атрофда бақириб - чақираётган жангариларнинг овози ўчганди. Бу орада Тоштемир Чўтирнинг қулогига ши-

Исҳоқжон НИШОНОВ

вирлади:

- Бир оғиз гапни айта қол. Ватандан кечдим, мен учун амиримиз Ватан дея қол. Бунақада сени ўлдириб қўйишади!

Чўтир кўзларини аранг очди. Бир оғиз сўз айтишга зўрға куч топди.

- Кечир мени, Ватан...

- Шермат, - қичқирди Жалол нарироқда турган ёрдамчисига. - Қайда юрибсан хунаса, ёнимга ке!

Шермат чоғиб келди.

- Нима дейсан?

- Ошпаздан бир коса туз оп ке!

Шермат туз келтирди.

- Манови итваччанинг юзини ерга қаратиб ётқиз!

Тарқаб кетган жангариларнинг баъзилари яна тўпла-нишди. Улар Жалол ўйлаб топган жазони кўриш ишти-ёқида эдилар.

- Баракалла, - деди Жалол тутқунни ётқизган Шер-матга. - Кийимларини еч!

Шермат Чўтирни ечинтирди.

- Энди косадаги тузни бу баттолнинг ёрилган жойла-рига сеғиб ишқала!

Буйруқ бажаравериб, бунақа ишларга ўрганиб қолган Шермат ҳовучини тузга тўлдирди-да, Чўтирнинг қон оқаётган баданига сеғиб ишқай бошлади. У бироз ўзига келганди. Ёрилган жойларига туз кириб, шу қадар ачиштирди-ки, ётган жойида сапчиб тушди. Жангари-лар унинг типирчилашини кўриб, қотиб-қотиб кулиш-ди. Тоштемир йиғлаб юборди.

- Ҳа, қалайсан, жонинг ширин эканми? Мана шу-нақа, биз одамнинг жони қаердалигини, гапиртириш усулларини яхши биламиз! Ҳеч кимнинг хаёлига кел-тирмаган жазоларни ўйлаб топамиз. Боя тилинг айлан-маганди. Энди эсинг киргандир, а? Қани, бўла қол! Ҳамманинг олдида кечирим сўра!

Чўтир бошини чайқади. Жалол унинг нима демоқчи

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

бўлганини тушунди. Чўтирнинг юзига мушт туширди.

- Хе онангни!.. Барибир сен хунагани гапиртираман!
Гапирмасанг ўлдираман!

Тоштемирнинг ҳам сабри чидамади.

- Бир оғиз сўзни айтсанг ўлиб қоласанми!

- Гапир! - яна бир жангарининг овози эшитилди.

- Ватандан тондим, у менга бегона, шу ерни Ватаним де!
Амиримизнинг кечирешларини илтимос қил!

Чўтир қулоғига чалинаётган бу гапларни эшитарди. Тилга келиб, бир оғиз сўз айтишга ҳам қурби етарди. Аммо индамади. Яраларига сепилган туз унинг жонини шу даражада азоблар эди-ки, додлаб юборишдан ўзини зўрга тиярди. Жалолнинг яна шумлиги тутганди: Йигирмадан ортиқ шерикларининг олдида аллақачонлар одам сафидан чиқариб қўйилган бир кимсани гапиртиролмаса, нима деган одам бўлади? Шериклари унинг устидан калака қилиб, кулиб юришмайдимми? Эргашбой-чи? У қўлидан иш келмайдиганларни ёқтирмайди. Бир одамни гапиртиролмадинг, деб ўзидан четлатиб, эгаллаб турган мансабидан ҳайдаб юбориши мумкин! Амал ва мансабсиз ким бўлиб-ди у? Кимга гапи ўтарди? Жангарилар олдида сариқ чақачалик қадр-қиммати қолмайди! Амалдан айрилиш хаёлига келганда у жазавага тушиб, қутурган буқадай бўкириб, қонига халқоб бўлиб ётган Чўтирнинг тспасида пайдо бўлди. Эркини қўлидаги қамчига берди. Боши узра доира ясаб, чийиллаган овоз чиқарган қамчи Чўтирнинг яланғоч баданига тарсиллаб урилди. Ўрнидан қонталаш излар чиқиб, худди пичоқ билан тилгандай ёриқ пайдо бўлди. Шу заҳотиёқ қон отилиб чиқди. Жалол алам ва газаб билан уни саваларди. Душманини аяб ўтирмасди. Нима қилиб бўлса-да, уни гапиртиришни, ҳамманинг олдида ва ҳамма эшитадиган овозда «тавба қилдим, мени кечиринглар, Ватаннинг номини тилга олсам ўлимимга розиман», деган сўзни айтишини кутарди. Бироқ у ломим демасди. Жалолнинг қўллари толиқди, қонли

қамчини улоқтириб, инграб ётган Чўтирнинг тепасига келди. Қўли билан сочини чангаллаб, юзини ўзига қаратди. Уни эс-хуш ҳали тарк этмаганди. Қаҳр-ғазаб учқунлари ялтираб, косасидан ирғиб чиққудек катта-катта бўлиб кетган кўзлар билан зулм, зўрлик, калтаклар азобидан ёшга тўлган кўзлар учрашди.

- Гапирасанми, йўқми, итдан тарқаган?! Ватанни тилга олсам Аллоҳнинг ғазабига учрай де, хунаса! Бўла қол!!! Ҳе онангни... нега кўзларингни бақрайтириб турибсан! Еган калтакларинг камми?! Ё гапиришни истамайсанми?! Билиб қўй, агар сени гапиртиролма-сам, тавба қилдирмасам, Ватандан тондирмасам энам хотиним бўлсин!

(О, боғлари болга тўлган, чўллари чаман бўлган, мағрибдан машриққа довруги кетган, алвон байроқлари осмонни тўлдирган, мадҳияси дунёни тутган Ватаним! Муқаддас тупроғингда киндик қони тўкилиб, жаннатдай гўзал боғларингда улгайиб, камол топган баъзи кимсалар сени шарафлаш, улуглаш ўрнига сенга қарши тиф қўтарсалар, қучоғингга талпинган, азиз тупроғингни кўзларига тўтиё қилган, муборак номинг учун курашган ўғлонларинг бўйнига тиф тирасалар. Сендан айирмоқчи, тондирмоқчи бўлсалар?! Ахир бу не бедодлик, не кўргилик, не шармандалик).

Чўтир ёрилиб, қонга ботган бошини зўрға қўтарди. Атрофини ўраб олган, аллақачон ўлди, деб ўйлашган жангариларга шишиб кетган қовоқлари остидаги ёшли кўзларини тикди. Шунда ҳамманинг нафаси ичига тушди. У вужудидаги кучни тўплаб, суяклари зирқираб оғриётган қўлларига тиралиб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо ҳолсиз қўллар унинг гавдасини кўтаролмади, йиқилди. Яна турмоқчи бўлди. Туролмади. Бир амаллаб бошини баланд қўтарди. Атрофдагиларга бирма-бир қаради. Ҳамма унинг ниманидир айтишини кутарди. Нафасларини ичларига ютишганди. Жалол бироз кўкрагини кериб, «Кўриб қўйинглар, охири тан олдирдим-

ми, Ватандан тонишга рози қилдимми», дегандек шерикларига мағрур боқди. Ҳаммининг қойил қолдиришни истаётгани билиниб турарди. Шунда... шунда ҳеч ким кутмаган ва ўйламаган ҳодиса содир бўлди. Чўтир юзини юрт томонга бурди. Тилини ўткир тишлари орасига олиб, худди этни чайнагандай зарб билан тишлаб, узиб ташлади. Лахта-лахта қон билан бир парча гўштни Жалолнинг юзига қарата тупурди. Жангарилар ҳайкалдай қотиб қолишди. Ҳозиргина табассумдан ёришган юзларга мунг чўкканди. Жангарилардан бири бу ҳолатга чидаёлмади. Олдинга отилиб чиқди-да, Жалолнинг ёқасидан тутди.

- Қотиллар! Ватанфурушлар! Бир одамни юртидан тондириш учун шу қадар азоблайсанларми?! Шунчалар қийнайсанларми?! Сенлар одам қиёфасидаги йиртқичсанлар! Махлуқдан беш баттарсанлар!! Сенларни инсон тугмаган! Она сут бериб боқмаган! Ҳамманг итдай хор-зорликда ўласанлар!! Минг лаънат сенларга!!

Жазавага тушиб, овозининг борича қичқириб йиғлаётган йигитнинг фарёди Эргашбойнинг қулоғига ҳам етиб борди. Бу пайтда у ўз чодирда ўйга толиб ўтирарди. Қулоғига чалинган овоздан чўчиб, ўрнидан турди. Туйнукдан ташқарига боқди. Бақираётган йигитни таниди. Икки йил муқаддам мардикор бозоридан олиб келишганди. «Ҳамманг итдай хор-зорликда ўласанлар», деган сўзлари унинг қулоғига момоқалдироқнинг гумбурлашидек ваҳимали эшитилди. Вужуди қалтираб кетди. Жаҳл ила қўйнидан револьверни суғурди. Титраётган лабларидан шундай сўзлар чиқди. «Итдан тарқаган ҳароми, қазисан, қартасан, наслингга тортасан, бари-бир сен бизга эл бўлмайсан!»

Револьвердан отилган ўқ нишонга беҳато текканди. Йигит кўксини чангаллаб, Чўтирнинг олдига йиқилди...

* * *

Кексайиб қолган кулранг бўрининг юрагига ўзи туғилиб ўсган, ота-онасининг иси тошларда ўрнашиб қолган уясига қайтиш орзуси тинчлик бермасди. Соғинч уни йўлга соларди. Туну кунлар тоғлар этагидаги ўнгирага тортарди. У сўниб бораётган ва ўз интиҳоси сари яқинлашиб қолган умрининг охириги дамларини дунё юзини кўрган, болалиги кечган охир-оқибат одамлар томонидан қувиб ҳайдалган горда ўтказишга қарор қилганди. У мадорсиз оёқларини судраб туғилган ошённи сари келарди. Юраги кулбасига қайтиш ишқида ёнган бўри тоғларнинг баланд-паст чўққиларидан ошиб, товонларига чақир тиканаклар ботиб, кулбасига яқин келиб қолганди. Йўлда бирор хавф-хатарга йўлиқмаганидан мамнун эди. Чўққидан туриб, хаста юрагининг ҳаяжондан дукиллаб уришига қулоқ тутиб, болалиги кечган дала-даштарга боқди. Салқин сабо унинг димоғига ўрнашиб қолган таниш ҳидни олиб келиб урарди. Қашқир мадорсиз оёқларига ором бериш мақсадида дам олмоқни истади. У тепалик устида, сувсизликдан қуриб-қовжираб қолган майсалар устига думини тўшаб ўтирди-да, нур кетиб, хира тортган кўзларини пастга қадади. Тун пардаси кўтарилаётган дала, яйлов қучоғидаги таниш чодирлар, милтиқ кўтарган кимсаларни кўрди. Уларнинг кетмаганлигидан афсусланди. Юрагини изтироблар ўртади, кўзларидан оққан соғинч ёшлари юзини ювиб тушди. Аламдан не қиларини билмай, қояларга бағрини бериб, хира тортиб қолган ёшли кўзларини кулбасига тикиб, соғинчдан садпора бўлган юрагини тиглаб, ўкириб-ўкириб йиғлади. «Ў, тоғлар, ў тошлар, айтинг, одамлар менинг оҳу-нолаларимни эшитишаяптимикин?! Эшитсалар, менинг тилимни тушунсалар, лоақал бир кунга, киндик қоним томган ошёнимни кўришга изн берсинлар! Бир кеча оёқ-қўлимни узатиб, отамнинг тошларда қолган исла-

рини искаб, онамнинг бағрида ётгандай юмалаб, бола-лигимни, хотирамдан кўтарилиб бораётган ака-сингилларимни эслаб, сўниб бораётган ҳаёт шамининг сўнгги онларини кулбамда ўтказишга изн берсинлар! Ахир, мен ота-боболарим каби ўлимим олдидан бу ерга қайтиб келишга, ўз кулбамда жон беришга онт ичганман. Ошёнимдан ўзга жойда жасадим қолиб кетмасин!»

Бўри жасади ёт жойларда қолиб, кузгун-у зоғларга ем бўлиб кетишидан қўрқарди. О, бу икки оёқли махлуқлар унинг юрагини азоблаётган Ватан соғинчини тушунишармикин, англаб етишармикин? Қани энди улар пажмурда, шўридийда кекса бўрининг қалбидаги истакларини тушуниб етишса? Қани энди уни кўрганда қуролларининг учини ерга қаратиб, бақириб-чақирмай, ўз қўналгасига тушишига, бир кеча ўз инида оёқ-қўлларини узатиб ётишига имкон беришса!

Кулранг бўри ғам ва ташвишлардан оғирлашиб бораётган бошини бир парча совуқ тошга қўйганча қўзларига элас-элас чалинаётган инига тикиб ётар экан, одамларнинг гала-говуридан чўчиб тушди. Бошини кўтариб, қулоқларини чимириб уларга разм солди. Одамлар ярим яланғоч Воҳидни судраб, улоқни тортгандай тортқилаб келишарди. Улар гоҳ қўллари билан, гоҳ оёқлари билан беҳуш кимсани юмшоқ жойига телиб, маст одамдай қийқириб кулишарди. бақирешарди. Одамлардан безган она бўри ўрнидан гуриб, уларнинг кўзига чалинмаслик учун бу ердан кетмоқчи бўлди. Бироқ унинг ҳолсизланиб қолган юраги ўзига қадрдон бўлиб қолган бу жойларни тарк этишни сира истамасди. Туғилиб ўсган, қони томган заминга бўлган меҳр-муҳаббат уни ётган жойига миҳлаб қўйганди. Ҳатто юрагидаги кўркувни кўтарганди. Соғинч кўркувдан устун келганди. Бу пайтда одамлар Воҳидни тошлар устига ётқизишди. Эғнидаги йиртилиб, нам бўлиб кетган кийимини счиб ташлашди. Қип-яланғоч

Исҳоқжон НИШОНОВ

одам тош устида ўликдек чўзилиб ётарди. Кулранг бўрининг мустар юраги худди паншаха билан ғижимланаётгандай сим-сим оғриди. Икки оёқли махлуқларнинг уятли ва шармандали ишидан кўзини юмди. Лабини тишлаб, бошини орқага ташлаб ингради ва бу шармандали воқеани кўрмаслик учун ўрнидан туриб, бароқ думини четининг орасига қисиб, тоғ томон йўл олди.

Баччавозлар муродига етиб, ҳирслари қониб бўлгандан кейингина тўдабошининг топшириғини эслаб қолишди. Улардан бири ханжарини қинидан суғуриб, беҳуш ётган Воҳиднинг тепасига келди. У ҳеч нарсани билмасди ва ҳис этмасди. Ханжар тутган жаллод кўкка тикилди, қуруқшаб қолган лаблари пичирлаб ўзича нимадир деди. Кейин Воҳиднинг сочларидан чангаллаб, бошини орқага қайириб, кекиртаги остига тиг солди. Зарб билан бошни узиб ташлади. Вишиллаб атрофга қон отилди. Тошлар қизил рангга бўялди. Жаллод сочлардан чангаллаб, чак-чак қон оқаётган бошни кўтариб, чодирга қайтди. Ортдан шериклари эргашди. Ҳочоққа қозон осиб, остига олов ёқиб, қизиб турган ёққа каллани ташлашди. Кўзлар очиқ эди, тилинган юзлар қон эди. Шу заҳотиёқ калла қорайиб кетди, сочлар тўкилиб тушди. Бу томошани кўришга ҳеч ким келмади. Ҳамма чодирга кириб кетганди. Ҳавони одам этининг ҳиди тутганди. Каллани узоқ вақт қовуришди. Эт титилиб, суякдан ажраб чиқди. Мовий кўзлар косасидан иргиб чиқди. Шермат бош суякни сопол идишга солиб, тўдабошининг хузурига кирди.

- Амирим, буйруғингиз бажарилди! - деди таъзим билан.

- Ароқни келтир! - Эргашбой товоқдаги калла суякка қарамай амр қилди.

Соқчи бир шиша ароқ келтирди. Тўдабоши суяк ичига ичимликни қўйди.

- Ич! - буюрди Шерматга.
- Амирим..
- Ич! - боягидан қаттиқроқ ўшқирди тўдабоши.
- Сиз... сиз ичаман, деб қасам ичувдингиз, - тили зўрға айланди Шерматни.

- Ич! - тўдабоши қутурди.

Шерматнинг қўли қалтираб, суякни ерга тушириб юборай деди. Ноилож уни лабига келтирди. Кўзларини юмиб, қултумлаб ароқни ичди.

- Чиқ! - буюрди тўдабоши.

Шермат қўлидагини курсига қўймоқчи эди, Эргашбой жеркиб берди.

- Ҳар куни шунда ароқ ичасан! Билиб қўй, йўқотсанг, бошингни уздириб, ўзим ароқ ичаман!

Шермат ташқарига чиқди. Атрофда одам кўринмасди. Ҳеч ким йўқдай, ҳамма қочиб кетгандай эди. Қаёққа боришни билмасди. Каллани ташлаб юборай деса, Эргашбойдан кўрқарди. Эртага яна сўрайди, деб ўйларди. Ўз чодирига кирмади. Титраётган оёқлари уни жар томон судради. Бир шиша ароқни ичган бўлса-да, кайф қилмаганиди. Миясида ваҳимали ўйлар ари уясидай гувилларди. Ҳаёлини турли томонларга олиб кетарди. Кўзига турли шарпалар кўринарди. Шермат суякни тошлар орасига беркитди. Орқасига қайтди. Икки қадам босмай, кўзига Эргашбойнинг алам тўнгиган юзи кўринди. «Бош қани?», деб сўради. Шермат қайтиб бориб, суякни олди. Олди-ю, Воҳид кўз олдига келди. У қайсидир тошнинг орасидан шу гапни айтди. «Бошимни қаёққа олиб кетяпсан?». Кўрқиб кетган Шермат суякни ерга тушириб юборишига оз қолди. Кулоғига кўзга кўринмас жойда турган Эргашбойнинг овози чалинди. «Бош йўқолса, ўзингнинг каллангда ароқ ичаман». Шермат суякни бағрига босди. Бир ёнда тўдабошининг захил юзи, иккинчи томонда Воҳиднинг руҳи уни тинч қўймасди. Шермат қаёққа боришни билмай қолди. Оёгини ердан узиб қочолмасди. Тиз

Исҳоқжон НИШОНОВ

чўкиб, харсанг тошга суяниб ўтирди. Суякни ўзи сезмаган ҳолда маҳкамроқ ушлар, биров тортиб оладигандек бағрига босар, намсиз лаблари титраб, дилидаги сўзларни ўзи сезмаган ҳолда тилига чиқарарди. «Хўжайин, Воҳиднинг бошида шароб ичаман, деб эдингиз, мана, олиб келдим».

Эрталаб жангарилардан бири тўдабошининг олдига кириб;

- Амирим, анови Шермат ақлдан озган кўринади. Бош суякни бағрига босиб, «Хўжайин Воҳиднинг бошида шароб ичаман, деб эдингиз, мана олиб келдим», деган сўзни тилидан қўймай такролрляпти, - деди.

Эргашбой бу янгиликдан таажжубга тушмади.

- Унинг ақлдан озганини энди билдингми? - деди. - Соқчиларга айт, менинг кулбамга яқин келтиришмасин!

Қ О Р А Т Е Г И Н

Жаҳонгир излаган одамани Қирғизистондан топишга қарор қилди. Эртаси куни Боткентга жўнади. Маҳаллий чўпонлар билан гаплашиб, «Аждар гор»нинг қаерда жойлашганини аниқлади. Бир ҳафта тоғ-тошлар орасида юриб, излаган жойини топди. «Аждар гор» икки тоғнинг оралиғида, ит топмас жойда эди. Жаҳонгир тошларга тирмашиб, горга чиқиб борди. Лекин тирик жонни учратолмади. Тепага чиқаётганда арча дарахтининг шоҳига илиниб қолган одамнинг жасадига кўзи тушди. Унинг кимлигини таниб бўлмасди. Қонга ботган юзи мажақланганди. Юзларини, баданларини кушлар чўкиб кетганди. Жаҳонгир мурданинг кийимларини титиб, учта паспорт топди. Бири Ўзбекистонники, иккинчиси Қирғизистонники, учинчиси эса Афғонистонники. Бу ҳужжатлар Қамбарга тегишли эди. Жаҳонгир излаб келган одамнинг мурдасини кўриб, боши қотди. Юрагида қасос ўти ҳамон аланга оларди. «Бари-

бир уларни топаман», деб аҳд қилди. Афғонистонга ўтиш фикридан қайтмади. Ота-онаси ва фарзандининг қабри тепасида ичган қасамини бузолмасди. Ортга қайтадиган йўл беркилганди. Сарбаланд Помир тоғларини кўзлаб йўлда давом этди.

Жаҳонгир йўлларни яхши билмасди. Бир амаллаб сўқмоқни топди. Зўрға довондан ошиб ўтди. Азоб-уқубатлар чекиб Афғонистонга етиб келди. Энди Эргашбойнинг лагерини топишни ўйларди. Жаҳонгир тоғу тошлар орасида ўзига макон топди. Бир ҳафта яшади. Ичкарига киришнинг иложи йўқ эди. Ҳамма томонни соқчилар ўраб олишганди. Қасоскор ичкаридан кимнидир чиқишини, уни тутиб гап олишни ўйлади. Олтинчи куни лагердан бир жангари чиқиб, ғор томон кела бошлади. Жаҳонгир ўзини панага тортди. Яқинлашганда жангарининг оғзини беркитиб, ғор ичига судраб кирди. У ёшгина йигит эди.

- Кимсиз? - кекиртагига ханжар тираб турган одамни танимади.

- Ўзинг кимсан? - Жаҳонгир ханжарни йигитнинг бўйнига ботирди.

- Мен... мен Бурҳоннинг одамиман? - зўрға тилга кирди тутқин.

- Қайси Бурҳоннинг? - сўради Жаҳонгир.

- Танимайсизми?

- Кимлигини айт?

- Бошлиғимиз!

- Менга Эргаш керак!

- Қайси Эргаш?

- Ўзини Худо деб, дунёга устун бўлмоқчи бўлган Эргаш!

- Адашибсиз ака, у бу ерда яшамайди.

- Яшайдиган жойини айт? - Ханжарнинг тиғи йигитнинг терисини шилиб юборганди.

- Илтимос, пичоғингизни олинг..

- Гапир, қаерда яшайди?

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Аввал Тавилдарада яшарди!
- Ҳозирчи?
- Эшитишимча, бошқа жойга кўчиб кетганмиш!
- Анигини айт?
- Худо хайрингизни берсин, пичогингизни олинг...
- Саволимга жавоб бер!
- Худо урсин, билмайман, ака.
- Билиб қўй, алдасанг, бошингни узиб ташлайман!
- Ёлғон гапираётган бўлсам, Худонинг газабига уч-рай, ака!
- Бошлигинг қаерда?
- Қайсидир давлатга йигилишга кетган!
- Қачон қайтади?
- Бир ҳафтада қайтса керак...
- Унгача сенга топшириқ - шерикларинг билан гап-лаш, Эргашнинг қаердалигини бил! Гапим тушунарлими?
- Узоқдан кимнингдир овози келди.
«Хайрулло...оо!!
- Мени чақирисяпти ака, - деди жангари. - қўйиб юборинг, бормасам ўзингизга қийин бўлади...
- Мен сени шу форда кутаман! Сотадиган бўлсанг, омон қўймайман!
- Хайрулло кетди. Жаҳонгирнинг юрагига хавотир тушди. «Шерикларини бошлаб келса, нима қиламан», деган ўй кўнглидан ўтди. Бироқ у ортга чекинишга, юрагидан кўркув ва ваҳимага жой беришга ҳаққи йўқ эди. Форда тунаб қолди. Эртаси куни Хайрулло келди.
- Яқин танишларим билан гаплашдим. Эргашбойнинг қаерга кўчганини улар ҳам билишмас экан...
- Ичкарига киришим керак, - деди Жаҳонгир бироз ўйланиб. - Бирор йўлини топ!
- Иложи йўқ. Соқчилар бегона одамни дарров танишади. Кейин сизни кимсан, нимага келдинг, деб қийнашади.
- Унда бошлигинг келадиган кунни аниқлаб бер!

- Мен олдингизга қайтиб келолмайман. Соқчилар шубҳаланиб қолиши мумкин. Сизга маслаҳатим бу ердан тезроқ кстинг!

Соқчилар Хайруллонинг иккинчи бор ташқарига чиққанидан шубҳаланишганди. Ўзига сездирмай изига тушишганди. Форга кириб кетганини кўриб, шерикларини чақиришди. Ўн нафар кўролли жангари етиб келди. Бир пайтда ҳаммалари ичкарига бостириб киришди. Жаҳонгир қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканлигини тушунди. Жангарилар унинг қўлларини ва кўзини боғлаб лагерга ҳайдаб кетишди. Аввал Хайруллони сўроқ қилишди:

- Бу одам ким, нима мақсадда у билан учрашардинг? Сенга қанақа топшириқлар берганди?

Хайрулло ҳамма гапни тўғри айтди.

- Бу одамни биринчи кўришим...

- Сенга қандай топшириқ берди?

- Эргашбойнинг лагерини сўради...

- Алдаяпсан, итвачча! - соқчилар Хайруллонинг ичган қасамларига ишонишмади. - У билан мунтазам учрашиб, биз тўғримизда маълумот бериб тургансан. Сен қасамёдингга хиёнат қилдинг! Жазоинг ўлим!

Хайрулло ўзини оқлашга сўз тополмади. Кўз ёшлари бағри тошга айланиб кетган соқчиларнинг кўнглини юмшатмади. Жангарилар унинг бошига қоп кийдириб, дор остига олиб келишди. Ўлиги бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда тўрт кун осилганча турди. Мурда сасиб-бижиб кетгач, кўмиб келишди.

Жаҳонгирни эса Бурҳоннинг ўзи сўроқ қилади, деб зиндонга ташлашди. У бу ерда ёлғиз эмаслигини билди. Ёнида бир одам гужанак бўлиб ётарди. У икки соатлардан кейин уйғонди. Тиккадан огиб қолган куёшнинг бир чимдим нури ичкарини ғира-шира ёритиб турарди. Улар бир-бирларига қараб туриб қолишди. Жаҳонгир нотаниш кимсанинг кўзларига тикилиб, беихтиёр «ғилай», деб юборди.

САМАНГАН

Сора тузалиб, ўзига келганидан кейин Эргашбой уни ўз чодирига олиб кирди. Бир ҳафтача тўшагида олиб ётди. Қиз ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Эргашбой унинг қоп-қора сочларини силаб, анордай диркиллаб турган сийнасига бошини қўйиб ётди. Лекин дилдан гаплашмади, эркаламади ҳам. Томирларидаги қонни жунбушга келтирган ёввойи ҳирсни қондириш мақсадида тунларни бедор ўтказди. Шўрлик қизни ҳоли-жонига қўймай хорижнинг шармсиз видеоларида кўрганларини қиларди. Сора дастлабки кечада раъйини қайтарди.

- Бундай ношаръий ишларга мени мажбур қилманг, - деди йиғлаб.

- Мен нимани истасам шу бўлади!

Сора ялинди. Эргашбой итдай қутурди. Ўрнидан дик этиб турди-да, қизнинг юзига шапалоқ тортди.

- Яна бир бор айтганимни қилишдан бош тортсанг, йигитларимга қўшиб қўяман! Улар сени улоқдаги қўзидай тортқилаб, дунёга келганингга пушаймон едиришади!

Сора ноилож тўдабошининг айтганини бажарарди. Наша чекиб, маёт бўлган Эргашбой тонг ёришгунча қизни ҳоли-жонига қўймасди. Ниҳоят, ҳолдан кетиб, огзининг суви келиб, ўлиқдай чўзилиб ухлаб қоларди. Ўзига келганда, юрагини ёндирган ҳирс сўнганда хаёлига Воҳид келарди. Тиржайиб турган совуқ юзи намоён бўларди. Назарида тўдабошининг устидан кулаётгандай, масхаралаётгандай бўларди. Шунда Эргашбойнинг юрагида огриқ турар, қучоғида ётган Сора кўзига илондай кўринарди. Унга нафрат билан қарарди. Қиз буни сезарди, кунларнинг бирида ёрилди.

- Биламан, мени ёқтирмайсиз, - деди кўз ёшларини тиёлмай, - рухсат берсангиз, уйимга кетсам!

- Уйингга кетмоқчимсан? - жаҳлини зўрға босиб

сўради кўрбоши. - Энди сенинг уйинг шу ер! Кетишни ўйлама! Кетиш тўғрисида гапирадиган бўлсанг тилингни суғуриб оламан!

- Унда нега мен билан гаплашмайсиз?

- Нимани гаплашишим керак? Бу ерда сен билан гап ўйнаб ўтиргани вақтим йўқ!

- Одамга ўхшаб эркаламайсиз?

- Сендан ўлган итнинг иси келяпти!

Эргашбой бу сўзи билан нимага ишора қилаётганини киз тушунмасди. Яна кўз ёш тўкарди.

Тўдабоши хаёлидан Воҳидни кувишга қанчалик чиранмасин, бунинг чорасини тополмасди. Қўйнида Сора эмас, Воҳид ётгандай бўлар, бирдан кўз олдини зулмат босар, юраги хапқириб, ғазаб-нафрати бўғзига қадалар, ўзини тутолмай, Соранинг бўйнидан бўғиб қаҳрини сочарди.

- Нима қиялпсиз? - ранги оқариб, кўрқувдан дағ-дағ титраётган Сора жон ҳолатда унинг қўлларини гирибонидан бўшатишга ҳаракат қиларди.

- Ўлдираман, сен қанжиқ менга хиёнат қилдинг! - жазавага тушган Эргашбой қутурган итдай оғзидан кўпик сачратиб бақирарди. Сора минг азоб билан унинг чангалидан чиқиб, ўрнидан туриб эшик олдига бориб қолар, бироқ ташқарига чиқишга юраги чопмас, ялонгоч тиззаларини кучоқлаганча ерни муштлаб бўкираётган Эргашбойга ёшли кўзларини тикканча туриб қоларди. Тўдабоши анчадан кейин ўзига келиб ухлаб қоларди. Эрталаб уйғонганда эшик олдида ўтирган Сорага қайрилиб ҳам қарамасди ва бир сўз айтмай, оёғи билан туртиб ташқарига чиқиб кетарди.

Ўша куни Воҳид тушига кирди. Сорани кучогидан суғуриб олаётган эмиш. Эргашбой ўтда ёнаётган одамдай сапчиб ўрнидан турди. Юраги кўксини ёриб чиқадигандек гурсиллаб тепарди. Ёнида пишиллаб ухлаётган Сорага нафратли нигоҳ ташлади. Бошига уриб уйғотгиси келди-ю, негадир аҳдидан қайтди. Аламини

Исҳоқжон НИШОНОВ

ичига ютиб ташқарига чиқди. Ҳамма ухлаганди. Соқчилар елкасига чакмон ташлаган хўжайинни кўриб ўринларидан кўзғалишди. Тўдабоши улар билан гаплашмади. Жар томон юрди. Тош устига чўнқайиб ўтирди. Кўзини жарнинг ой нури тушмаган қоронгу тубига тикканча яна Воҳидни эслади. У зулмат қаъридан чиқиб келаётгандай туюлди. «Ярамас, итдан тарқаган ҳароми! Яхшилигимни билмадинг, берган тузимни оқламадинг, аслида сени бошқача йўл билан жазолашим керак экан», деган сўзларни дилидан ўтказди. Воҳид гўё унинг сўзларини эшитмагандай зулмат қаъридан чиқиб келар, қорайган, ялпоқ юзи тўдабошига аниқ-тиниқ кўринарди. «Хўжайин, Сорахон бизники, уни қайтариб беринг, шунча пайт қучоғингизда олиб ётдингиз, етар», деяётгандай бўлди. Эргашбойнинг юрагини оғриқ азоблади. Ўрнидан туриб кетди. Осмонга тикилди. Бироқ рақибининг кулиб турган башараси кўз олдидан кетмади. Қай томонга боқса, ўша ёндан Воҳид кўринаверди. Масхара қилаверди. Охири чидамади. Хонасига қайтди. Сорани тепиб уйготди.

- Тур қанжиқ, ўрнингдан! - алам билан қичқирди тўдабоши.

Сора чўчиб уйғонди.

- Қаёққа? - уйқусираган қизнинг оғзидан шу сўз чиқди. Эргашбой ярим ялангоч ҳолда уни сочидан судраб ташқарига олиб чиқди.

- Қаёққа? - яна сўради кўрқиб кетган Сора.

- Энангникига! - бақирди тўдабоши.

Сора бу гапни чин билди.

- Кийиниб олай!

- Кийинишинга ҳожат йўқ!

Сора баттар кўрқди. Эргашбой уни жар томон судраб кетарди. Ортдан соқчилар соядек эргашиб борарди. Улар жар ёқасига келишди. Жарнинг туби кўринмасди.

- Мени нима қилмоқчисиз? - қизнинг тили зўрға айланди.

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

- Сен қанжиқ бир мишиқидан ўзингни ҳимоя қилолмадинг! Номусингни сақлай олмадинг! Қучоғимга бокира бўлиб кирмадинг! Шунинг учун жазоламоқчиман!

Сора тўдабошининг мақсадини фаҳмлади. Йиғлади.

- Мени ўлдирманг ака, раҳм қилинг, сизни деб шу ерларга келдим!

- Мени деб келдингми? Мени деб келганинда покиза бўлиб келардинг, қанжиқ!! Воҳидга кўзингни сузмаганинда, у сени тагига босиб ётмасди, манжалақи!!

- Мажбурлади. Ўлдираман деди! Бўриларга едираман, деди амирим!

- Қўрқдингми? Номусдан ўлимни устун қўйдингми, искирт?! Уят ўлимдан қаттиқмасми?!

- Бундай қилманг, яхшиси қўйиб юборинг, мана шу тоғу тошларга чиқиб кетай, бўриларга ем бўлсам ҳам майли. Фақат ўлдирманг, амирим. Сизнинг қўлингизда ўлишни истамайман!

Сора ерга ўтириб, ўкириб йиғларди. Унинг овози жар тубидан акс садо бериб қайтарди.

Эргашбой белига қистирилган тўппончасини олди. Унинг учини Соранинг киндиги остига тўғрилади. Тепкини босди. Варанглаб отилган ўқ тунги жимжитликни бузди. Ўн қадам нарида турган соқчилар хўжайин нега қизни отганини тушунишмай бир-бирларига қарашди. Ўқ мўлжалга текканди. Сора оғир зарба егандай гандираклаб кетди. Ўқ тешган жойни қўллари билан чангаллади. Ҳам қўрқувдан, ҳам оғриқдан долларди. Оғзидан узук-юлуқ сўзлар чиқарди.

- Мени.. мен..

Қўрбоши яна тепкини босди. Ўқ қизнинг кафтини тешиб, бояги жойга тегди. Сора букчайиб ўтириб қолди. Аммо кўзлари Эргашбойда эди. Тўдабоши қизнинг қўрқувдан катта-катта бўлиб кетган ёшли кўзларига қарай олмади. Учинчи ўқни узишни эса истамади. Қорнини чангаллаб, тошлар устига ўтириб қолган Со-

Исҳоқжон НИШОНОВ

ранинг тепасига келди.

- Бу дунёда қилган хиёнатинг учун мендан насибангни олдинг! Нариги дунёда жазоингни Худо берсин!

Соранинг ортида жар турарди. Бирдан тўдабошининг кўзига яна Воҳиднинг совуқ афти кўринди. Кутуриб кетди. Оёғи билан Сорани тепиб, суриб, жар ёқасига келтирди. У Эргашбойнинг оёқларидан маҳкам қучоқлаб олганди. Оғриқни унутганди. Ўлишни истамасди.

- Ўлдирманг ака, уволимга қоласиз! - илтижо қиларди Сора.

- Сенинг жойинг жаҳаннамда, энди тошларни қучоқлаб яшайсан! Менга хиёнат қилганларнинг жазоси шу!

Эргашбой Сорани тиззалари билан туртиб жар бўйига келтирди. Бирдан қиз ўзи билан уни ҳам жар остига тортиб кетиши мумкинлигини эслаб қолди. Қуролини Соранинг пешонасига тўғрилади.

- Оёқларимни қўйиб юбор, акс ҳолда пешонангдан отиб ташлайман! - дўқ урди тўдабоши.

- Мени ўлдирманг ака, айтганингизни қиламан! - ялинарди кўз- ёшлари юзини ювиб тушаётган шўрлик қиз.

- Майли, розиман, - деди Эргашбой хаёлига келган ўйдан қоронғу дили ёришиб. - Қани, тур ўрнингдан!

Соранинг ярасидан қон оқарди, ҳолсизланиб борарди. Юрагида умид уйгонгач, қўлларини Эргашбойнинг оёқларидан бўшатди. Совуқ тошларни чангаллаб ўрнингдан турди. Шунда тўдабошининг оёқлари ҳаракатга келди. Соранинг кўкрагига тепди. Қиз гандираклаб кетди-ю, аммо ўзини ўнглаб олишга, жар ёқасидан қочишга уринди. Эргашбой бунга имкон бермади. Бу гал қизнинг пешонасини мўлжаллаб тепди. Сора ёнбошига йиқилди. Боши тошга тегди. Оёқлари пастликка тушиб кетди. Жон-жаҳди ила тошларни чангаллади. Биров ёрдам бермаса, тепага чиқолмаслигини билиб додлади.

- Ака, акажон, қўлларимдан тортинг! Ўлиб кетсам

онажонимга қийин бўлади!!

Эргашбой унинг юзига оёғини қўйди. Худди қоғозни мижгилагандай товонини айлантириб, кейин тепди. Соранинг қўллари тошдан чиқиб кетди. Чархпалакдай айланиб-айланиб жар тубига шўнғиди. Эргашбой ортга қайтмоқчи бўлди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, қаршисида Шермат турарди. Қўлида одамнинг бош суяги.

- Хўжайин, сўраган эдингиз, шароб ичаман, деб эдингиз, Воҳиднинг бошини олиб келдим, - деди суякни Эргашбойга узатиб.

Тўдабoshi қўрқиб кетди. Шерматнинг ақлдан озганини эшитган бўлсада, кўпдан бери ўзини кўрмаганди. Узун соч-соқоллари, қорайиб кетган башараси, устидаги йиртилиб кетган кийимлари уни даҳшатга солди. Орқаси билан юриб қичқирди:

- Йўқотинглар буни, кўзимга кўринмасин! - деди.

Соқчилар жиннини қўлтиғидан тутиб, олиб кетишди. Ўзи кетса-да, овози Эргашбойнинг қулоғи остида қолди.

«Хўжайин, Воҳиднинг бошида ароқ ичаман, деб қасам ичувдингиз, олиб келдим»!!

Эргашбой қўллари билан қулоқларини беркитди ва чодир томон чопиб кетди.

Қ О Б У Л

Зебо ҳомиладор эди. Бир оёгим лагерда, иккинчиси уйда. Ҳамон сув ташиш билан банд эдим. Кейинги пайтларда мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмаё қолганди. Ортимдан тушган айгоқчилар айбимни тополмай, қўлларини силтаб қўйишганди. Зебонинг ой-куни яқинлашиб қолгани сабабли унинг олдида кўпроқ бўлишимга тўғри келарди. Аёлимнинг ранг-рўйи олинганди. Уй ишларини бажаришга ҳам ҳоли қолмаганди. Қони кам бўлганлиги сабабли кучли таомларни истеъ-

мол қилиши лозим эди. Бу ҳолда кўз ёриши кўнгилсизликка олиб келиши мумкинлигини билиб, юрагимга муз тушиб, бошим қотганди. Тўйимли овқат сотиб олиш учун ёнимда сариқ чақа ҳам қолмаганди. Крамаренко берган пулларни аллақачон ишлатиб бўлгандим. Эргашбой эса ҳақимни бермасди. Келганимга икки йилдан ошган бўлса-да, ваъда қилинган ҳақни мендан бошқа шерикларим ҳам олишолмасди. Пул топиш тўғрисида қанчалик бош қотирмай хаёлимга бирор фикр келмади. Учакишгандек Валий ҳам ишлагани қайсидир шаҳарга кетиб, икки ойдан бери қорасини кўрсатмасди. Қарз кўтарай дессам, танишим йўқ. Кутилмаганда хаёлимга Қобулдаги хазина келди. Бу ердаги ишлар ва ташвишлар билан бўлиб унутаёзгандим. Ягона умидим ўшандан эди.

Эргашбой уйланганимдан хабар топганди. Аёлимнинг оғироёқлигини айтсам, бир-икки кунга рухсат берар, мабодо рози бўлса, Қобулга тушаман, хазинани олиб, изимга қайтаман. Тилло буюмлар бўлса, бирортасини сотиб, пулини озиқ-овқатга ишлатаман. Бу гуноҳим учун Крамаренконинг руҳи кечирар, деб ўйладим.

Хаёлимга келган бу фикрни Эргашбойга айтишга қарор қилдим. Ўша куни сувни келтириб, унинг ҳузурига кирдим. Тўдабоши чодирдан чиқиб келаётган экан. Эшик олдида тўқнашдик.

- Икки кунга рухсат берсангиз, аёлим бетоб, Мозори Шарифга тушиб, дори-дармон олиб келсам, - дедим.

Эргашбойнинг қошлари чимирилди. Унинг кўзларида ўзимга нисбатан ёмонлик сезмадим. Кўнгли нимадандир хуш эди.

- Ўрнингга кимни қолдирмоқчисан?

- Бирорта ёрдамчи топилиб қолар, - дедим.

- Илгари сен билан ким ишлаганди?

- Шокир!

- У билан гаплаш, от-аравани топшир!

- Раҳмат!

- Узоқ қолиб кетмагин!
- Икки кунда қайтаман.

Эргашбой менга тикилиб турар экан, бирдан нимадир ёдига тушгандек ҳамёнини ковледи.

- Қайтишингда менга иккита кўйлак, турсик, пайпоқ олиб келгин! - у қўлимга икки юз доллар тутқазди.

Тўдабошининг кайфияти яхшилигидан фойдаланиб қолишим лозим эди.

- Бир илтимосим бор, - дедим. - Озгина пулдан ёрдам қилсангиз.

Эргашбой келганимдан бери ҳақ олмаганимни яхши биларди. У менга хўмрайиб боқди-да, ҳамёнидан ўн минг афғоний олиб, қўлимга тутқазди.

- Бўлар-бўлмасга сарф қилмагин.

У берган пулга ярим қадоқ гўшт ҳам келмасди. Йўлкирага ишлатарман, деб ўйладим.

Қобулга кетаётганимни Зсбодан яширмадим. Мен қайтгунча кўчага чиқмаслигини тайинладим. Вақтдан ютиш мақсадида ўша куниеқ йўлга тушдим. Боримдан айрилиб, Эргашбойнинг пулларини ҳам ишлатиб пойтахтга етиб келдим. Ҳар қадамда одамнинг юрагига гулгула солиб турадиган вайрона бинолар худди ҳозир қулаб тушадигандек хўмрайиб турарди. Таниш кўчадан банк биноси томонга юрдим. Умримнинг икки йили шу ерда ўтган. Кўзимни боғлашган тақдирда ҳам атрофдаги барча йўлақларни топаман. Мен хизмат қилган йиллар бу жойлар одамлар билан гавжум бўларди. Олти ой муқаддам Чўтирни олиб келганимизда ҳам одамлар бугунгидан кўпроқ эди. Ўтган ойлар давомида шаҳар бир неча бор гоҳ толибонлар, гоҳ уларга қарши кучлар қўлига ўтиб турди. Минглаб одамлар ҳокимият, амал ва мансаб учун бўлган мақсадсиз урушнинг қурбонига айланди. Миналар, снарядлар, автоматлардан отилган ўқлар шаҳарни яксон қилиб, тупроқ билан тенг қилиб ташлаганди. Шаҳарликлар ўзларининг тинчини кўзлаб, тоғларга кетиб қолишганди. Шу сабабли пой-

тахт ҳувиллаб қолганди. Ер билан битта бўлиб ётган банк биносининг олдида пайдо бўлдим. Атрофга боқдим, кўзимга ҳеч ким кўринмади, жимжитлик.

Назаримда, кимдир мени кузатиб тургандек туюларди. Ҳазимни эркин тутишга, ҳаяжонланмасликка, қадимимни ўйлаб босишга ҳаракат қилардим. Яна бир неча соатдан сўнг қўлга киритишим мумкин бўлган қимматбаҳо хазинага эгалик қилиш ҳисси мени ҳаяжонга соларди. Юрагим кўкрагимни ёриб чиққудек гурсиллаб урарди. Кўзим атрофга жовдираб боқар, қулоқларим тиқ этган товушни илғашга шай турарди. Оёқларим ўзимга итоат этмасди. Улар танамдан илгарилаб кетарди. «Шошилма, ўзингни бос», деган ички нидо юрагим тубидан отилиб чиқарди. Вужудимни қамраб олган ҳаяжонни босишга қанчалик уринмай барибир у устун келди. Оёқларим мени пастга судрарди, тезроқ чуқурга тушишга ундарди. Олти ой бурун узоқдан хазина яширилган бинони томоша қилаётиб, таниш одамни учратганимни эсладим. Қарда у? Шу атрофда юрганмикин? У бу ерга бежиз келмаган. Мен қайтиб бормаганим учун Крамаренко уни жўнатган бўлиши мумкин. Яна ким билсин, балки у хазинани олиб кетгандир? Унда минг азобда йўл босиб келганим ҳавога учиб кетадими?

Крамаренко чизиб кўрсатган ер ости йўлини топдим. У тупроқ ва гишт синиқлари остида кўмилиб қолганди. Бир амаллаб ичкари кирдим. Қоронғу ва зах хонани туйнукдан тушаётган қуёш нури ёритиб турарди. Икшаклидаги темир тўсиқдан ошиб ўтдим. Ундан нарида хазина ётибди. Ҳазим билан курак олиб келмаганимдан афсусландим. Ёнимдаги ханжарни олиб, қотиб қолган ва гишт синиқлари қоришиб кетган тупроқни ковлай бошладим. Ишим унмасди. Игна билан қудуқ қазиётганга ўхшардим. Икки соатдан кўпроқ ишладим, аммо темир сандиқ кўринмасди. Жон-жаҳдим билан қазишда давом этдим. Ўпкам томоғимга тигилгудек ҳанси-рардим. Пичоқнинг учи қаттиқ жисмга текканда қуво-

ниб, йиғлаб юбораёзим.

Ўз ишимга шу қадар берилиб кетганим боис, атроф-теваракка қарашни унутгандим. Ҳансирашим, тупроқ ва гишт бўлақларининг овози ўзга товушларни ютиб юборганди. Нафас ростлаб олиш мақсадида қўлларим ҳаракатдан тўхтади. Юрагимнинг дукиллаши босилмаганди. Шунда қулоғимга вишиллаган овоз чалинди. Товуш ортимдан келаётганди. Ўтирган жойимда қотиб қолдим. Яна ўша товуш эшитилди. Бу тинчи бузилган, қаҳри кўзиган илоннинг овози эди. У менга жуда яқин турганини ҳис этдим. Одатда илонлар асабийлашганда ёки рақибига ҳужум қилишдан олдин шундай овоз чиқаришади. Бу ерда одамлар учун хавfli бўлган заҳарли илонлар яшайди. Гарчи ортимдаги илонни кўрмаган бўлсам-да, заҳарини сочишга шай турганлигини ҳис этдим. Қимирласам хазина олдида ўлигим қолиб кетади. Унинг қаҳридан қутулишнинг иложи йўқ. Оёқларимнинг ярми тупроқ остида қолганди. Фақат аниқ ҳаракат қилиш билан ҳаётимни сақлаб қолишим мумкин эди. Шошқалоқлик мени дорилбақога жўнатарди. Диққат-этиборимни илон заҳридан омон қолишга қаратдим. Қимирламаган ҳолда қўлимга бир парча гишт олдим. Крамаренко «чекистнинг ортида ҳам кўзи бўлиши керак», деган гапни кўп такрорларди. Шу сўз ёдимга тушди. Хаёлан ортимда турган илонни кўз олдимга келтирдим. Масофанинг ҳисобини олдим. У мендан ўттиз сантиметр нарида, ердан бир қарич баландда бошини кўтарган ҳолда турарди. Овозидан кўзойнакли илон эканини сездим. Яшин тезлигида ҳаракат қилдим. Гишт илоннинг бошига текканди. Бироқ у узун эди. Бир қулоч нарига учиб кетган бўлса-да, думи жойида турарди. Илон абжирлик билан ўзини ўнглаб олди. Коптоқдек сапчиб, жойига келди-ю, аммо бошига теккан зарбадан бир муддат ўзини ўнглай олмай турди. У боягидан қаттиқроқ вишиллаб бошини кўтарди. Типирчиладим,

тупроқлар орасидан оёғимни тортиб ололмадим. Қўларим илондан тезроқ ҳаракат қилди. Иккинчи гишт билан яна унинг бошига солдим.

Душманимдан қутулгач, ўз ишимга шўнғиб кетдим. Пичоқнинг учи қандайдир қаттиқ жисмга тегди. Хайрият, хазина жойида экан. Қувончдан чарчоқни ҳам унутгандим. Ҳовучлаб тупроқни олиб ташладим. Яшиқнинг қопқоғи кўринди. Ер остида узоқ қолиб кетганлиги сабабли чирий бошлаганди. Бир амаллаб уни тепага тортиб чиқардим. Юрагим кўкрагимни ёриб чиққудек гурсиллаб урарди. Наҳотки, мен хазинани қўлга киритган бўлсам, деб ишонгим келмасди. Кўзларимдан дув-дув ёш оқиб тушарди. Бироқ унинг ичида қандай бойликлар борикин? Қалтираган қўлларим билан қопқоғини зўрға кўтардим. Ичидаги олтин, ёқут ва бриллиантларга кўзим тушганда бошим айланиб кетди. Мен хазинани тасвирлаб беришга ожизман. Уларни қўлимга олиб кўрганимда қиймати Крамаренко айтган суммадан бир неча ўн баробар баланд эканлигини тушундим. Қўлимга ёнғоқдек олмосни олиб, уни томоша қилдим. У ним қоронгу хонада ўзидан бир неча хил ранг таратарди. Мактабда ўқиб юрган кезларим тарих ўқитувчимиз Бобур Мирзо «Кўҳи пур», деб номланувчи бебаҳо ёқутни йўғотиб қўйганлигини сўзлаб берганди. Олмосни томоша қилаётиб, шу ҳикоя ёдимга тушди. Мен ўша бойликни топиб олгандим. Қутидаги бошқа хазиналарни томоша қилиб бўлгач, унинг қопқоғини маҳкам беркитдим. Тезроқ бу срдан кетиш тўғрисида ўйладим. Бундай ҳолатда кўтариб кетиб бўлмасди. Кўрган одамларнинг эътиборини тортмаслик учун бирорта эскироқ латтага ўраб олиш керак. Лекин ўша латта йўқ. Қутини кўтариб ўрнимдан турдим. Шу пайт оёқларини осилтириб турган одамга кўзим тушди. Уни кўриб, қўлимдаги қути ерга тундиб кетаёзди. У қаердан ва қачон пайдо бўлди? Билолмайдим. Нотаниш кимса қўлидаги револьвернинг барабани

нини айлантириб, менга тикилиб турарди.

- Биз ҳам шерикмиз биродар, ахир келишингни бир неча ойдан бери кутиб ўтирибман-а! - деди жилмайиб.

Уни танимадим. Гарчи рус тилида гапирган бўлсада, талаффузи бошқа миллат вакили эканлигини ошкор қиларди. Ким у? Менинг бу ерга келишимни кимдан эшитган? Наҳотки, Крамаренко бу ҳақда унга айтган бўлса? Йўқ, менинг назаримда генерал унга хазина тўгрисида индамаган. Хабардор бўлганда аллақачон олиб кетган бўларди.

- Сиз кимсиз? - сўрадим ундан.

- Сенга ўхшаган хазина излаб келган одамман! - деди у.

- Бу ерда хазина борлигини ким айтди сизга?

Нотаниш кимсанинг кимлигини билишни истардим. У гапирганда сўзларига аҳамият бердим ва инглиз миллатига мансублигини сездим.

Менинг саволим унга ёқмади чоғи, жавоб беришни истамади, аксинча жаҳли чиқди.

- Қутини оёгим остига қўй! - буюрди нотаниш кимса қўлидаги револьвернинг учини менга тўғри-лаб. У қутини олгач, албатта мени отиб ташлашига кўзим етди. Миямга ярқ этиб урилган фикр жонимга оро кириши мумкин эди. Нега у қутини оёгим остига ташла, деяпти? Пастга тушишга қўрқаяптими? Мен у томон борар эканман, оёғига назар ташладим. Чап болдирини мато билан боғлаб олганди. Демак, оёги лат еган, пастга тушолмайди, тушса тепага чиқишга қийналади. Унинг буйруғини бажариш ўзимга ўлим тилаб олиш билан баробар эди. Бундай пайтда ҳийла ишлатиш ва душманнинг кўзини чалғитиб, яшин тезлигида ҳаркат қилиш лозимлигини биламан. Мен ўзимни бепарво тутиб, нигоҳимни бошқа томонга қаратдим. Ўртамиздаги масофа ярим кулоч қолганди. Қуролли одам бошим баробар тепада турарди. Ора-миздаги масофа янада қисқарди. Юрагимнинг гур-

силлашини ўзим эшитиб турардим. Унинг оёғи остига қутини қўйишим биланоқ барабандаги ўқлардан бирини пешонамга жойлашга шай эди. Гавдамни бурдим. Шундай қилсам ўққа чап беришим осон бўларди. Рақибим иккинчи ўқни узгунча қуролини тортиб олишим шарт эди. Қутини узатаётиб, бошимни чап томонга ташладим. Уни ерга қўймасимданоқ яшин тезлигида ўнг қўлимни ишга солдим. Зарб билан пастга тортдим, рақибим оёғим остига тушди. Бироқ тепкини босишга улгурганди. Ўқ қулогим ёнидан ўтиб кетди. Қайта ўқ узиш имкони қолмаганди. У оёғим остида чўзилиб ётарди. Револьвер қути олинган ўрага тушганди. Хазина излаб келган одам ўрнидан туриб, қаршилиқ кўрсатишга ожиз эди. Оқсоқ оёғи бунга имкон бермасди. Мен уни қуролсизлантириб, бойликни олиб бу ердан чиқиб кетсам ҳам бўлаверарди. Бироқ у билан суҳбатлашгим келди.

Нотаниш одам тупроққа беланиб, ярадор оёғидаги оғриқдан афти-ангори бужмайиб, тушган жойида чўзилиб ётар экан, олдига яқин борганимдан кўрқиб кетди.

- Ўлдирма, - деди у кўзларимга мўлтираб боқар экан. - Менда айб йўқ!

- Бу ерда хазина борлигини сенга ким айтганди? - сўрадим унинг тепасига келиб.

- Сени жўнатган одамлар! - жавоб қилди нотаниш кимса.

- Ёлғон, улар аллақачон ўлиб кетишган. Қолаверса, улар сенга айтишлари мумкин эмасди. Агар тирик қолишни истасанг, тўғриси гапир!

- Ўрнимдан турсам майлими?

Мен бир қадам ортга чекидим.

Нотаниш одам ерга ўтириб олди. Оёғидаги оғриқ босилмагани афтидан сезилиб турарди.

- Мен Ефим Егоровичнинг аёли билан танишиб қолдим. Аниқроғи, бизнинг Москвадаги офисимиз-

да хизмат қиладиган жияни учраштирди. Турмуш ўртоғи ўлимидан аввал унга васият қилган экан. Аёл хазина яширилган харитани кўрсатди. Сени икки йил аввал кетганлигингни ва бедарак йўқолганлигингни ҳам айтди. Менинг ваколатим тугаганди. Бир ойдан сўнг ватанимга жўнашим лозим эди. Аввалига аёлнинг таклифига рози бўлмадим. Хазинанинг қиймати катта эканлигини, агар таклифига кўниб, уни олиб ўтсам бойликнинг ярмини беришга сўз бергач рози бўлдим. Ишдан бўшаган кунимоқ ватанимга жўнаб кетдим. Бир ой дам олиб, сўнгра Афғонистонга келдим. Бу ерни қийинчилик билан топдим. Харитадаги чизгилар хотирамдан кўтарилганди. Бинони топдиму, хазина яширилган жойни тополмай қийналдим. Атроф-теваракни кўздан кечириб, яқин ўртада ҳеч ким келмаганини тушундим. Айтмоқчи, бу ерни кўздан кечираётганимда бир рус йигити билан танишиб қолдим. Нима сабабдан бу ерга келганини айтмаса-да, мақсадини тушундим. Уни йўқотиш лозим эди. Гарчи бир-биримиздан мақсадимизни яширсакда, ҳаракатларимиз буни ошкор қилиб турарди. Уни «тинчителиш» тўғрисида бош қотирдим. Ярим тунда қуролимни ишга солмоқчи бўлдим. У ухлаб ётарди. Тепасига келганимни сезиб қолди. Энди ўқ узаман деганимда уйғониб кетди. Рус йигити анча чаққон ва абжир эди. Қўлимдаги қуролни бир тепиб тегиб, қайрилиб қолди. Ўшанда оғриқ унчалик сезилмаганди. Бир амаллаб қуролимни қўлимга олдим ва уни отиб ташладим. Сени қачондир бу ерга келишингни билардим. Сен келмасанг бошқа биров келади, деган умидда яшай бошладим.

- Сенга қанча ваъда қилишганди?
- Бир миллион доллар!
- Хазинанинг тахминий нархини айтишганмиди?
- Йўқ! Сен ҳам бир миллион долларга рози бўлган

экансан-ку?

- Сен бунга ишондингми?

- Ишонгандим!

- Ҳозир мен сенга уни кўрсатаман, - дедим ва яшиқни кўйган жойимдан олиб келиб, қопқоғини кўтардим. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. - Сенингча бу ердаги олтинларни ва мана бу олмоснинг нархи қанча?

- Олтинларни-ку билмадим, аммо қўлингдаги олмос юз миллион доллардан қимматроқ!

- Нега бўлса керак деяпсан?

- Чунки бу буюмнинг баҳоси тенгсиз!

- Булар менинг халқимга ва Ватанимга тегишли. Мен буларни ўз юртимга жўнатмоқчиман!

- Жиннимасмисан?! - деди у оғзидаги тупукни тупуриб. - Шунча бойликни давлатга топшириб жиннимисан! Яхшиси иккига бўламиз. Сени ўзим билан бирга юртимга олиб кетаман. Кошоналар сотиб оламиз. Умримиз роҳат-фароғатда ўтади.

- Буларсиз ҳам роҳат-фароғатда яшайман. Жаннатдай ҳур, обод Ватаним бор. Шунинг ўзи менга битмас-туганмас бойлик!

- Фирт аҳмоқ экансан!

- Кечир, сени шу ерга ташлаб кетишга мажбурман, - дедим хайрлашиш юлдидан.

Рақибим менга тикилиб турарди. Кейинги гапимдан у жонлангандек бўлди.

- Раҳминг келмайдими?

- Ҳаётингни қайтариб бердим-ку. Ҳаракат қилсанг бу ердан чиқиб, юртингга кетишини мумкин!

- Мени масмара қилгансанми? - сўхафта бўлди у. Хазинадан умидини узмагандлигини кўзлари ошқор қиларди.

- Нима, сен бунга бойлик ҳаётиндан азизми?

- Бу ерда неча ойдан бери оч-наҳор, инанг ютиб ётганимни биласанми? - деди у эҳвоқ-тумшугини

осилтириб. - Бир оёғимдан айрилаёздим.

- Муҳими тириксан, шунисига шукр қил!

Мен тепага тирмашдим. Темирга осилган эдим, қулогим остидан визиллаб ўтган овоз мени пастга тушишга мажбур қилди. Рақибим отган фишт мўлжалга тегмаганди.

- Барибир чаёнлигингни қилдинг! - дедим унга ўқрайиб. - Мен эса сенга ёмонликни раво кўрмагандим.

Рақибим важоҳатимдан кўрқиб кетди. Отиб ташла-са керак, деб ўйлаганди. Лекин жазоси ўзи билан. Бу ердан осонликча чиқиб кетолмаслигига ақлим етарди. Ортиқча зулмга не ҳожат!

- Билиб қўй, мен қўлимни қон қилишни истамайман! Сенинг бу қилмишинг учун ҳаётнинг ўзи жазолайди, - дедим ва бошқа сўз айтмай темирга тирмашиб тепага кўтарилдим. Ташқарига чиққанимда қуёш ботиб, атрофга қоронғулик чўкканди. Осмонга юлдузлар чиққанди. Шу пайт шаҳар томондан гумбурлаган ўқ овозлари қулогимга чалинди. Бу шунчаки отишма эмасди, гуруҳлар ўртасидаги урушнинг бошланиши эди. Чор тараф очик бўлганлиги сабабли дайди ўққа нишон бўлишим ҳеч гап эмасди, аммо ўқлардан яширинадиган жойим йўқ. Зудлик билан бу ердан гойиб бўлишим даркор. Пастлик томон югурдим. Тўғрига юриш хатарли эди, бир-бирини отаётган гуруҳлар орасига тушиб қолишим эҳтимолдан узоқ эмасди. Қўлимдаги қутини худди юрагимни кўтариб кетаётгандек эҳтиётлаб, бағримга босиб чопардим. Аждодларимнинг жонимдан азиз бўлган мероси қўлимда. Уни кўз қорачиғидек асраб Ватанимга етказишим лозим. Мана шу бурч мени эҳтиёткорликка, ҳушёрликка даъват этарди. Ярим йўлга етганимда отишма авжига чиқди. Ўқлар гоҳида бошим устидан учиб ўтарди.

Рўпарамдан ариқ чиқиб қолди. Унинг суви қури-

ганди. Ирғиб пастга тушдим ва ариқ ичидан тоғ томон чопдим. Кутини биронта латтага ўраб олмаганимдан, бу кетишда бегона одамнинг кўзи тушиб қолиши, шубҳаланиб қўлимдан тортиб олиши мумкинлиги ёдимга тушди. Кутилмаганда ерга йиқилиб тушдим. Юзим майда-чуйда тошларга урилди. Тиззамнинг кўзи ачишиб, шундай оғрирдик, азобдан инграб юбордим. Қоқилиб тушдим, деб ўйлагандим, аммо кимдир мени чалиб йиқитганди. Ўрнимдан турмасимданоқ ўша одам устимга миниб олди. Қўрқиб кетдим. Ертўладаги одамнинг қуролини олмаганимдан афсусландим. Ахир бу ўлкада қуролсиз юриш мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Елкамдан босиб турган одам бақувват эканлиги унинг вазнидан билиниб турарди. Ҳамон олисларда отишма, одамларнинг бақир-чақирини эшитилиб турарди. Тепамда турган ким бўлди? Қайсидир гуруҳнинг аъзоларидан бирими? Ишқилиб улар кўпчилик бўлмасинда, деган совуқ ўй миямга урилди. Вужудимни қақшатган оғриқни унутгандим. Мени йиқитган одамнинг чангалидан чиқишим зарур эди. Ахир ўлишга асло ҳаққим йўқ.

- Кимсан? - тепамда турган одамнинг дастлабки сўзи шу бўлди.

- Ўзинг кимсан? - дедим мен ҳам бўш келмай. Ўзимни қўрқувга тушган одам қиёфасида кўрсатишга уриндим. Миям яшин тезлигида ишларди. «Кимсан» деган сўзнинг қайси қабила шеvasига мансублигини ўйладим. Буни билиш рақибим билан тиллашиш имконини берарди. Бироз зардали оҳангда айтган сўзим унинг кўнглида инсоф ҳиссини уйготди чоғи, бўғиб турган кўлларини бўйнимдан бўшатди. Кутини бағримга босганча ётар эканман, унинг қопгоги очилиб кетмаганидан хурсанд бўлдим.

- Лаънатилар кўпчилик эканми? - деди бояги одам ўрнимдан туриб.

- Сен нега қочдинг? - сўрадим унинг сўзидан

хулоса чиқариб. Мен мужоҳидлардан озор чекканини тушундим.

- Нима, ўлиб кетишим керакмиди?
- Ҳамманинг жони ўзига ширин-да!
- Аҳмоқ ҳам яшашни хоҳлайди.
- Энди нима қиламиз?
- Бу ерни мен яхши билмайман, сен йўл бошла!
- Шаҳардан тезроқ чиқиб кетиш керак! - дедим нотаниш шеригимнинг юзига тикилиб.
- Тонг ёришса, барибир бизни тутиб олишади.
- Тоққа қочамиз!

Мўъжиза рўй бериб, гапларимиз бир жойдан чиққанидан хурсанд бўлдим. Биз тоғ томон юрдик. Шеригимда шубҳа ва гумон уйғотмаслик чорасини излардим. Кутининг ичидаги буюмлар билан қизиқиб қолишидан чўчирдим. Шунинг учун унинг ҳар бир ҳаракатига шай туришим лозим эди. Ортиқча гапириш ўринсиз эди. Тилимдан илинсам, ўлиб-тирилиб топган хазинадан ажраб қоламан.

Биз эрталабгача йўл юрдик. Пойтахт ортда қолди. Энди қулоқларимизга ўқ овозлари эшитилмасди. Аммо бу хавфдан қутулдик, дегани эмасди. Энг катта хатар ёнимда эди.

- Сен қаёққа бормоқчисан? - сўраб қолди шеригим.
 - Уйга, - дедим.
 - Уйинг қаерда?
 - Мозори Шарифда! - мен ўзим яшайдиган манзилни айтиб хато қилгандим.
 - Мен эса Жалолободда тураман.
 - Йўлимиз бошқа эканда.
 - Шунақага ўхшайди.
 - Шу ерда ажралишамиз.
 - Яхши қол! - мен бошқа сўз айтмадим, тезроқ ундан узоқлашишни хоҳлардим. Бироқ шеригим негадир кетолмасди, турган жойида туриб қолди.
- ¹⁶П Тўхта! - деди у кутилмаганда мен томонга юриб.

Рангим ўчиб кетди. Аммо ўзимни йўқотмасликка, қўлимда турган хазинага нисбатан шубҳа уйғотмасликка ҳаракат қилдим.

- Нима дейсан?!

- Қўлингдаги қутида нима бор? - сўраб қолди у. Кутилган савол ниҳоят берилди.

- Буюмларим! - ўзимни эркин тутишга уриниб, жавоб қилдим.

- Нега темир қутига солиб олдинг?

- Отишма пайтида шошиб қолдим.

- Сендан илтимос, кийимларингдан биронтасини қарзга бериб тур, бу аҳволда қишлоққа қандай кириб бораман. Кўрганлар мени ўгри дейишлари мумкин!

Нима дейишни билмай қолдим.

Ҳақиқатан ҳам шеригимнинг устидаги кўйлаги йиртилиб, бадани кўриниб турарди. Қўлимдаги қутини ерга қўйдим-да, устимдаги кўйлагимни ечдим. Қутини ерга қўйиб хато қилган эканман, шеригимнинг қизиқиши ортдими ёки унинг ичидаги янги кийимлардан кийишни истаб қолдими, ҳар қалай кўйлагимни ечаётганимда, у қопқоқни кўтаришга улгурганди. Олтин буюмларни кўриб, тахтадек қотиб қолди.

- Ўғирладингми? - деди кўзлари ёниб.

Нима дейишни билмасдим. Сукут сақлаш айбимни тан олиш билан баравар эди. Тезда тилимга келган сўзни айтдим:

- Йўқ, бобомдан қолган мерос, шуни уйимга олиб кетаяпман!

- Шунча бойлик қайси бобонгдан қолган ёки бирорта шоҳнинг боласимисан?

Шеригим сўзимга ишонмади. У ҳамон олтин буюмларга тикилиб, қалтираб турарди. Афтининг бу қадар ўзгариб кетишини тасаввуримга сиғдиролмадим. У хазинани тортиб олиш учун қўлини қонга ботиришга ҳам тайёр эди.

- Буларни бўламиз, - деди кутилмаганда шеригим.
- Ярмини менга ташлаб кетасан. Рози бўлмасанг ўзингдан кўр! Бунга иккимиздан биримиз эгалик қилишимиз шарт! Икки-уч йилдан бери толибонларга эргашиб, уйга қуруқ кўл билан киришни истамайман!

Шеригимни муросага келтириш мақсадида босиқлик билан дедим:

- Боя айтдим-ку, булар бобомдан қолган мерос, уни сенга беришга ҳаққим йўқ!

- Яхшилэйкка кўнмадинг, энди ўзингдан кўр! - деди рақибим ва ердаги қутини олиш учун пастга энкайди. Мен ундан чаққонроқ ҳаракат қилдим. Шеригим фирромлик қилди ва кўкрагимдан итариб юборди. Гандираклаб, хазинадан нарироққа бориб қолдим. Шу бойлик деб, бу ерга келдим, икки йилдан кўпроқ жангарилар ичида яшадим, бир неча бор ўлимларни доғда қолдирдим ва ниҳоят аждоларимдан қолган меросни кўлга киритиб, уни ўз юртимга олиб ўтиш мавриди келганда, наҳотки, бир безорига топшириб кўйсам?! Аждоларим руҳи, келажак авлод олдида мен тавқи лаънатларга учрамайманми?

Шеригим ханжарни қорнимга суқиб олмоқчи бўлиб, олдинга ташланганда, ундан чаққонроқ ҳаракат қилиб, зарбага чап бердим. Қайта зарба бериш учун у ортга қайрилиши лозим эди. Бунга имкон бермадим ва белига тепиб юбордим. Рақибимнинг қўлидаги ханжар ерга тушди. У бақувват эди. Менинг зарбам пашша чаққанчалик таъсир қилмади. Тезда ўзини ўнглаб олди. Оёғи билан юзимга тепди, йиқилиб тушишимга оз қолди. Йиқилиш мен учун маглубият эди. У қутининг олдида турарди. Қўлига олиб, қочиб кетиши ҳам мумкин эди. Бироқ йиқилмадим. Яна унга ташланмоқчи бўлдим. Рақибим юзимни мўлжалга олиб оёғини кўтарди. Тезда ерга ўтирдим. Зарба ҳавони кесиб ўтди. Муштим билан қовугига урдим.

Исҳоқжон НИШОНОВ

Нишонни хато олмаган эканман, йигит ерга ўтириб қолди. Иккинчи зарбани бериш имкони туғилди. Келиштириб бўйни аралаш юзига тепдим. У йиқилди. Бошидаги салласи ариқ ичига тушди. Ўзига келиши учун бир муддат вақт керак эди. Ҳар эҳтимолга қарши яна қорнини мўлжаллаб тепдим. Лекин зарбам унинг оёғига тегди. Мен кўйлагимни кийдим. Бу ердан зудлик билан гойиб бўлишим лозим. Кетаётиб ариқ ичидан саллани ҳам олдим. У ортимдан жон ҳолатда қичқирди:

- Салламни ташлаб кет! У менинг кафанлигим!

Йигитнинг бақиршига қулоқ солмадим. Овози анча жойгача ортимдан эшитилиб турди. Чопиб борар эканман, тезроқ унинг кўзидан гойиб бўлишга шошилардим. Ҳамроҳим изимдан қувиб келишидан чўчирдим. Бир муддат йўл босгач, ортимга қарадим. Не кўз билан боқмай, у оқсоқланиб келарди. Овози тошларга урилиб, акс-садо таратарди.

- Салламни ташлаб кет!!!

Ниҳоят, катта бир қишлоқдан чиқдим. Шу ердан киракаш машинани ёллаб, Мозори Шарифга етиб оламан, деган фикр хаёлимга келди. Бугун охириги муддат эди. Эрталаб лагерда бўлишим шарт, акс ҳолда Эргашбойнинг газабига дучор бўлишим аниқ. Аммо чарчагандим. Оёқларимни кўтаришга мадорим қолмаганди. Бир зум нафас ростлаб олиш мақсадида қовжираб қолган дарахт остига ўтирдим. Тинимсиз чопганимдан терга ботгандим. Кутини бағримга босиб, тошлар устига чўзилдим. Кўзим илиниб, қанча ухлаганимни билмайман, тошларнинг овозидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, овоз келган томонга қарадим. Не кўз билан кўрайки, мен салласини олиб қочган йигит яқинлашиб қолганди. Лекин кўзлари бошқа томонда эди. Қўлида каттагина таёқ. Турқитароватини кўрган одам кўрқиб кетади. Ўрнимдан тургудек бўлсам сезиб қолиши мумкин.

Ётган жойимдан қимирламадим. Қўлимга муштдек тошни олиб кузатдим. У оқсоқланиб довон ортига ўтиб кетгач, ўрнимдан турдим.

Бир амаллаб одамлар яшайдиган жойга етиб келдим. Бу ерда қутини қўлтиқлаб юриш хатарли эди, хазинани саллага жойлаб, белимга ўраб олмоқчи бўлдим. Салла мен кўрган ва билган оддий саллалардан эмасди. Унинг атрофи ип билан тикилганди. Қалин ипларни узиб ташладим. Салланинг ичидан чиққан пулларни кўриб қотиб қолдим. Ўн боғлам доллар. Бу - юз минг дегани. Шунча пули бор одам бадавлат киши ҳисобланади. Пулларни чўнтагимга солдим. Олтинларни матога ўраб, белимга боғладим. Юрагимдаги хавф кўтарилганди.

Қишлоққа кириб келганимда бир тўда одамларга дуч келдим. Улар гала-ғовур кўтариб, кимнидир сўқар, кимнидир лаънатлашарди. Аёллар дод солиб йиғларди. Мен уларга яқин бордим. Ўртада беш-олти нафар қуроли одамлар ўн ёшлар чамасидаги иккита болани ушлаб турарди. Кўркувдан ранглари оқариб кетган болалар безгак тутгандек дилдирашар, каттакатта бўлиб кетган кўзлари билан атрофдагиларга жовдираб боқишарди.

- Аҳмад сардорнинг қотили кимлигини айтмасаларинг, билиб қўйларинг, мана шу болаларни оловга ташлаб, ёқиб юбораман! - бақирарди қуроли одамлардан бири.- Сенларга ўн дақиқа муҳлат!

- Раҳм қилинг, Саидбек, биз сардорни ким ўлдирганидан беҳабармиз! Билганимизда ўзимиз сизнинг олдингизга бориб айтардик! - деди орқароқда турган оқсоқоллардан бири.

- Сенлар шу гапга мени ишонади, деб ўйлайсанларда, а?! Мени алдамаларинг, сенлар ҳаммасини биласан, қотилни яшираяпсанлар! - маст туядек бўқирарди Саидбек.

- Аллоҳнинг номи билан қасам ичамиз, Саидбек,

Исҳоқжон НИШОНОВ

биз ростдан ҳам беҳабармиз!

- Болаларимизни қийнаманг, уларга раҳмингиз келсин, жаноб Саидбек!

- Она сути огзидан кетмаган бу норасидаларнинг гуноҳи не, қасдингиз бўлса, мана биздан олинг!

Одамларнинг ялиниб-ёлборишлари Саидбекнинг юрагидаги қаҳр музини эритмади.

- Ҳа, болаларингга ачинапсанларми? - деди у иршайиб. - Биз эса Аҳмад сардорга ачинапмиз! У бизнинг яқин маслаҳатгўйимиз эди. Сенлар уни ўлдирдиларинг!

Саидбек ўз одамларига юзланди.

- Гулханни ёқларинг!

Қуролли одамлардан иккитаси гулханга ўт қўйишди. Аланга кўкка ўрлади. Аёллар дод солишди. Саидбек болалардан бирининг қўлидан тутди ва уни олов томон судради. Қариялардан бири олдинга чиқиб, унинг йўлини тўсди.

- Бошқа шартинг бўлса айт, бажарайлик, лекин болаларни ўтга ташлама! Халқ сени бир умр лаънатлайди!

Бу сўз Саидбекни ўйлантириб қўйди чоғи, у қариянинг юзига тикилиб шундай деди:

- Унда йўлбошчимизнинг хуни учун юз миллион афғоний тўлайсанлар!

- Биз бундай катта пулни қаердан топамиз, бек! Инсофинг борми? - деди орқароқда турган одамлардан бири.

- Бу сенинг муаммоинг, менга айтилган пулни тўлайсанлар, акс ҳолда болаларни гулханда ёқиб кул қиламан!

Аёллар йиғлашарди. Болалар додлашарди. Оналари томон талпинишарди. Саидбекни аҳдидан қайтариб бўлмасди. Айтилган талаби бажарилмаса, у болаларни оловга ташлаб юборишдан тап тортмасди. Қўлларим ҳамёнимдаги пулларга югурди. Болаларни озод қилиш

учун Саидбекнинг олдига борсам, мендан шубҳаланиши мумкин. Ёнимдаги оқсоқолга пулларни узатдим.

- Болаларни қутқариб олинг!

Қария худди хизр бувага дуч келгандек менга боқди. Қўлимдан пулни олди. Сўнгра Саидбек томон юрди. Мен одамлар орасидан чиқиб, тезроқ бу ердан гойиб бўлиш мақсадида жўнаб қолдим. Киракаш машиналардан бирини ёллаб Мозори Шарифга жўнадим. Барча хавфу-хатарни ортда қолдириб, уйимга кетаётганимдан бахтиёр эдим. Қўлим ўзимга итоат этмасди, тез-тез белимдаги хазинани ушлаб қўярдим. Уни Тошкентга жўнатиш тўғрисида ўйлардим. Шаҳарга келиб, Зебо учун озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олдим. Эргашбойнинг илтимосини ҳам унутмадим. Бозор дарвозасига етганимда, деворга суяниб турган йигит эътиборимни тортиб қолди. Бу ўша - мён салласини олиб қочган ва ортимдан таъқиб қилаётган танишим эди. У ғазаб чақнаган кўзларини жовдиратиб, атрофга олазарак боқарди. Ҳар бир одамга нигоҳини ўқдек қадарди. Ортга қайтишнинг иложи қолмаганди. Ягона йўл унинг ёнидан ўтиб кетиш эди. Санокли қадамларгина орамизни ажратиб турарди. Ўзимни қўлга олдим. «Мен унинг олдидан ўтиб кетаман», деб ўзимни ўзим ишонтирдим. Диққатимни бир нуқтага жамладим. Ўзимни бегона одам қиёфасида кўрсатишга бутун вужудим билан ҳаракат қилдим. Эмин-эркин қадам ташлаб, бошимни баланд кўтариб, шундоқ ёнидан ўтиб кетдим. У мени кўрдими ёки кўрмадими, билолмадим. Энди белимдаги хазинадан хавотир олмасам ҳам бўларди. Бу ерда уни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Бугуноқ Тошкентга хабар қиламан, эрта-индин олиб кетишади. Ширин ўйлар гирдобида уйга кириб келдим. Ҳовлида Зебо кўринмасди. Кейинги кунда уйдан ташқарига чиқмай қўйганди. Остонага қадам босишим билан ичка-

ридан инграган товуш қулоғимга чалинди. Эшикни очиб ичкари кирдим, серрайиб туриб қолдим. Тўшакнинг устида чалқанча тушган Зебо тўлғоқ азобида туғолмай қийналиб ётарди. Уни кўрибоқ эсхонам кетди. «Зебо!» деб унга ташландим. Аёлим анчадан бери қийналаётган бўлса керак, кўзлари катта-катта бўлиб кетганди. Оёғини ушлаганимда, билчиллаб қонга ботган тўшак билагимга урилди. У юзлари кўкариб, кўзлари олайиб, нафас ололмай ҳиқиллаб менга тикилди. Назаримда кўп қон йўқотганди. Нима қилишимни билмасдим. Бундай пайтда фақат унинг жонига дўхтир оро кириши мумкин эди.

Кўчага чопиб чиқдим. Қўшни уйнинг деразасини тақиллатдим.

Уй эгаси чиқди. «Опажон, уйга юринг, Зебонинг аҳволи чатоқ», деб уни уйга бошлаб кирдим. У Зебога чой ичирди. Қалт-қалт этиб, тиши тишига тегмай аранг ичди. Унинг афтини кўриб аёл ҳам қўрқиб кетди. «Мана ҳозир ўтиб кетади, бир зум чидаб тур», деб тасалли берди. Кейин менга юзланиб, - шаҳарга олиб бориш керак, аёлингиз кўп қон йўқотибди, деди.

Нимада олиб бориш керак? Қишлоқда машина бўлмаса, дедим. Қўшни аёл ҳеч бўлмаса арава топиб келинг, деб мени чиқариб юборди. Бир амаллаб арава топиб келдим. Аравага кўрпа-тўшак солиб, ёстиқ қўйиб, уч кишилашиб Зебони зўрга кўтариб ётқиздик. Бу орада аёлимнинг тўлғоғи қайта хуруж қилганди, беш букилиб-беш ёзилиб, устидаги ёпинчиқларини ирғитиб, одам чидай олмайдиган товуш билан чинқирарди. Аравакаш тинимсиз отини қамчиларди. Қани энди йўл текис бўлса, қани энди арава тезроқ юрса. Филдираклар катта-катта тошларга урилиб, худди бўронда қолган кемадай чайқалиб борарди. Зебонинг бошини тиззасига қўйиб олган қўшни аёл унга тинимсиз тасалли берарди. «Жоним, бироз сабр қил,

ҳозир етиб борамиз. Худо хоҳласа, ҳеч нарса кўрма-
гандек бўлиб кетасан». Зебо оғриққа чидамай қич-
қиради. Мен гилдиракка яқин жойда арава билан
теппа-тенг чопиб борардим. Бағрим эзилиб, вужудим
оғриқдан зирқираб аравакашга ялинардим. «Тезроқ
ҳайданг, Худо хайрингизни берсин». Аравакаш йигит
мендан анча ёш эди. У ҳолимни тушуниб турарди.
Оғзидан «чу» деган сўз тушмасди. Қўлидаги қамчи
тинимсиз отнинг сагрисига тушарди. Ориқ ва нимжон
от олдинга интиларди. Бу пайтда Зебо чалқанча ётиб,
кучаниб, қорни яна сиқила бошлади. «О, бегим, қани-
сиз, берироқ келинг». Тўлгоқ азобида қора терга ботиб
кетган Зебонинг аламли овози қулоқларимга чалинди.
«Мен шу ердаман, азизам, ёнингдаман, хавотир олма,
ҳаммаси ўтиб кетади. Худо хоҳласа, дарддан фориг
бўласан, фақат бироз сабр қилгин», дея ўзимча уни
юпатган бўлдим. «Бегим, ичим куйиб-ёнаяпти, қўлин-
гизни беринг. Аравани бирпас тўхтатинг. Сизга айтар
икки оғиз сўзим бор. Илтимос, аравани тўхтатинг,
ўлаяпман, тирик қолмайман», дея йиғлаб, энтикиб
илтижо қиларди Зебо. Кўшни аёлнинг ишораси билан
аравани тўхтатдик. Аёл уни кўтариб, қорнини босди.
Кейин менга юзланди.

- Аравага чиқинг!

Мен дик этиб аравага чиқдим. Бу пайтда боланинг
қўли чиқиб қолганди. «Уялманг, боланинг қўлидан
тортинг», буюрди аёл. Ўзи эса Зебонинг қўлтигидан
кўтариб, қорнини босди. Қон ва суюқлик тинимсиз
оқиб турарди. Мен боланинг қўлчасидан тутиб торт-
дим. «Инга» деган овоз тун билан тонг учрашаётган
бир пайтда олис-олисларга таралиб кетгандек бўлди.
Кувонганимдан ўзимни қўярга жой тополмасдим.
Зебонинг соғ-саломат қутулиб олганидан ўзимда йўқ
хурсанд эдим. Аёл болани қўлимдан олди. Ҳаво совуқ
эди, чақалоқни йссиқроқ буюмга ўраш керак, акс
ҳолда шамоллаб қолиши мумкин. Аёл иккимиз бола

билан андармон бўлиб қолгандик. «Ўғил экан», - деди кўшни аёл боламни бағрига босиб. Шодлигим кўксимга сигмасди. Шунда бу хабарни аёлимга айтиш мақсадида унга юзландим. Зебонинг афтига қарасам, юзи оппоқ бўлиб, дунёнинг яхши-ёмонига рози бўлгандек тинчиб, кўзи юмилган экан. Унинг музлаб қолган оёқларини ушлаб йиглаб юбордим.

Ю Р Т Д А

Тижоратчилар Покистондан қайтишди. Уларнинг қиёфалари ўзгармаган бўлса-да, дунёқарашлари, фикрлари бошқача эди. Аёлларни аэропортда Қамбарнинг одамлари кутиб олди. Уларни ўз уйларига, қишлоқларига, хатто одамлар орасига кўшиш мумкин эмасди. Хорижда олган «сабоқ»лари остин-устун бўлиб, ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келарди. Бир ой давомида мияларига қўрғошиндек қуйилган гоёлар таъсири сўниб, берилган топшириқни бажаришдан воз кечишлари мумкин. Улар ҳақиқатни англаб етмасдан, ўзликларига қайтмасдан режани амалга ошириш шарт эди. Қамбарнинг одамлари аёлларни аввалдан тайёрлаб қўйилган шаҳар марказидаги уйлардан бирига олиб келишди. Бу ерда улар учун ҳамма нарса муҳайё эди. Эртаси куни Қамбар келди.

- Энди сизлар Аллоҳ йўлида жиҳодга киришларинг зарур, бединлар, шарм-ҳаёсиз одамларни орамиздан йўқ қилишларинг шарт. Бу ишларингиз билан фоний дунё азобларидан қутулиб, охиратнинг роҳат-фароғатларига киришларинг учун жаннат эшикларини очган бўласизлар!

- Биз жаннат висолига етишмогимиз учун қачон жиҳод камарини белимизга боғлаймиз? - сўради наша таъсирида боши айланиб ўтирган Кифоят.

- Жиҳод камарини белга боғлайдиган қутлуғ кунга оз қолди, синглим! - худди телбалардек қўлини мушт

қилиб ваъз ўқирди Қамбар.- Бизнинг ашаддий душманларимиз, ганимларимиз тўпланган жойларда ана шу камарни ишга соласизлар!

Аёлларнинг кўзига Қамбар айтаётган чин дунё роҳат-фароғатлари кўриниб кетди. Овқатга қўшиб берилган дори таъсирини кўрсатганди. Юракларида қандайдир бир ҳис уйғониб, уларни одамлар гавжум жойларга боришга ундарди. Кўз олдиларида ўз жонлари эмас, балки Гули таърифлаган жаннатнинг сўлим гўшалари намоеън бўларди. Улар ўзларини ўша жаннат боғларида юргандек ҳис этишарди. Бу дунё уларнинг кўзига шафқатсиз, азоб-уқубатли кўринарди.

- Менинг сабрим чидамаяпти, тезроқ жаннат боғларида юргим келяпти? - деди Кифоят бетоқатланиб.

- Баракалло, синглим, бу гапларингиз мақтовга лойиқ! Сизнинг жиҳодга ошиқаётганингиз қалбингиздан шайтони лаъинни қувиб солганингиздан, имонингиз покланганидан, охиратга элтувчи одил йўлни кўра билганингиздан далолат бераётир. Билингки, имони пок, мақсад йўлида курашга чоғланган банданинг барча эзгу-тилакларига фаришталар омин дейишади. Бошингиз узра кўкдан раҳмат нурлари ёғилади. Сиз Тангрининг мукофотига сазовор бўлдингиз. Маляклар дилингизга нур олиб киргани бизга аён. Сиз ёмон ўй-хаёлларни, кўрқув ва қийноқларни, азобларни, ўткинчи дунёнинг ҳою-ҳавасларини унутгансиз, қалбингизни шайтон тарк этган. Шу пайтга қадар у сизни йўлдан оздирганди, эзгу ишларингиздан қайтаришга уринганди. Энди «мен жиҳод жангида шаҳид бўламан, Тангри йўлида бу курашга тайёрман», деган сўзни тилингиздан қўйманг! Унутманг, бўш ва заиф қалбга шайтон киради, сизни муқаддас ишингиздан қайтармоқчи бўлади.

Қамбар берилиб, жон куйдириб, аёлларни худди сеҳргардек авраб ташлади. Улар юраклари юмшаб,

кўзларига ёш олиб, унинг сўзларини жон кулоқлари билан тинглашарди. Ҳар бир гап аёллар қалбига кириб борар ва мияларига қўрғошиндек қуюларди. Мазмунан ўхшаш бундай гаплар уларнинг кўз олдига бир неча минг чақирим олисда қолиб кетган Гулининг қиёфасини келтириб қўярди. «Мен жиҳод жангида шаҳид бўламан, бу курашга тайёрман», деган гапни тилларига олганларини ўзлари билмай қолишарди. Гўёки бу калимани унутиб қўйишса, елкаларини битмас-туганмас даҳшатли гуноҳ юклари босаётганга ўхшарди. Шайтон бизни йўлдан оздирмоқда, деб ўйлашарди. Шоша-пиша ўзларини ўнглаб олишарди.

Нотиқ маърузасини тугатиши биланоқ, хонага йўриқчи кирди. «Жиҳод камари»ни қандай тақиш ва ишлатиш, лозим бўлган пайтда мосламани ишга тушириш тўғрисида тушунча берди. Токи аёллар хатога йўл қўйишмасин, деган мақсадда бир неча бор такрорлаб, тушунтирди.

Ниҳоят, уч аёл «жиҳод камари»ни белга боғлайдиган кун ҳам етиб келди. Ўша куни ҳаво очиқ эди. Йўриқчи эрталаб уларнинг белига мосламаларни боғлади. Кифоят ориқ эди. Мослама кўриниб қолмасин, деб қалин кийинтиришди. Уч аёл кўчага чиқишди. Уларнинг ортидан кузатувчи ва суратга олувчи одамлар қўйилганди. Кифоят бозорнинг ичига кириши, Сарвиноз шаҳар ички ишлар бошқармасига бориши, Барно эса истироҳат боғини портлатиши лозим эди. Оралиқ масофа яқин бўлганлиги учун Барно истироҳат боғига вақтлироқ келди. Дам олиш куни бўлганидан ота-оналар фарзандларини бу жойга олиб келишганди. Болалар тўп-тўп бўлиб ўйнашарди. Уларнинг қий-чуви, ўйин-кулгуси еру кўкни тутганди. Яқин орада боғ бугунгидек болалар билан гавжум бўлмаганди. Барно бўш ўриндиққа ўтирди.

Аёзда қолган одамдек қалин кийиниб олган Кифоят йўлакчадан бозор томон кетиб борарди. Ортидан одам-

лар унга ҳайрат ила қарашарди. У бозор дарвозасига стиб келганда тўхтаб, ортига ўгирилди. Таниш чехрани учратмади. Йўлида давом этди. Одамлар шу қадар гавжум эдики, ҳатто юриш учун йўл топилмасди. У бозорнинг истаган жойида шундоққина қорнидаги ипни тортиб юборса бас, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади. Лекин унга мосламани роппа-роса соат ўн бирда ишга тушириш тайинланган. Бунга эса ярим соатдан мўлроқ вақт бор. Кифоят ичкарига кириб борди. Мослама қаттиқ боғлангани сабабли белини оғритар, бу эса юришини қийинлаштирарди. Кифоят четга чиқиб, камарни бироз бўшатишга қарор қилди. Шунда ортидан келаётган одамга кўзи тушди. Унинг қиёфаси таниш туюлди. Шу заҳотиёқ у одамлар орасида кўздан йўқолди. Аёлнинг қўрқув ва хавотир акс этган кўзлари ўзига тикилиб турган милиционернинг нигоҳи билан учрашди.

- Опажон! - милиционер аёл томон юрди. Кифоят кўрқиб кетди.- Мазангиз қочдимми, бирор ёрдам керакми?

Кифоятнинг тили қотиб қолди. У терга ботганди. Бир ойдан бери қулоғига «душман» деб тушунтирилган формали йигитнинг ширин сўзи, меҳрибонлиги кўнглида илиқлик уйғотди.

- Бошим оғрияпти, - тилига келган сўзни тезда айта қолди аёл.

- Унда юринг, хонамга кирайлик, дўхтир чақираман!

Милиционер унинг қўлидан ушлади. Кифоят беихтиёр унга эргашди. Икки қадам босганда тўхтади.

- Керак эмас, ҳозир ўтиб кетади! - деди.

- Рангингиз оқариб кетибди, опажон, дўхтиргга кўринмасангиз бўлмайди!

Милиционер аёлнинг қўлини қўйиб юбормай хонасига бошлади. Кифоятни кузатиб келаётган кимсалар шубҳаланиб, зудлик билан орқага қайтишди.

Сарвиноз ички ишлар бўлимига етиб келганда формали зобит икки-уч одам билан гаплашарди. Улардан нарироқда яна бир милиционер турарди. Сарвиноз соатига қаради. Яна ўн дақиқа бор. У вақтли келганидан нима қилишни билмасди. Бир четда туриб, кўз қири билан зобитни кузатди. У ёнидаги одамлар билан суҳбатлашиб, ўзидан йигирма қадам нарида, белига бомба боғлаган аёлга аҳамият бермади. Сарвинознинг ичини ит тирнарди. Ахир хорижда ҳам, Қамбарнинг ўзи ҳам унга милиционерлар тўғрисида қанчадан-қанча ёмон гапларни қулоғига қуйганди. Нега одамлар зобитнинг олдига келиб, ўзларининг яқинларидек салом-алик қилиб кетишмоқда. Ҳатто уларнинг «Ўғил муборак, Фарҳоджон», деган гаплари ҳам қулоғига чалиниб турарди. Уч қиздан сўнг ниҳоят ўғил кўрган Фарҳоднинг қувончини тушунган Сарвиноз дилидан шу сўзларни ўтказди. «Хурсанд бўлмай қўяқол, яна ўн дақиқалардан сўнг тупроқ билан битта бўлиб кетасан. Дўзах алангасида ёнасан!».

Барно атрофида ўйнаб-қулаётган болаларни кузатиб ўтирар экан, бирдан ўзининг ёшлик чоғларини эслаб қолди. У ҳам ҳув анови жингалак сочли қизалоқдай шўх ва ўйинқароқ эди. Эсида, беш ёки олти ёшларда эди. Нимадир сабаб бўлиб, ярим тунда уйлари ёниб кетди. Отаси қаёққадир кетганди. У онасининг бағрида қолганди. Кўзини очганда ўзини қоп-қоронғу тутун ичида кўрди. Дод солиб, онасини чақирди. Бироқ она кўринмасди. Ташқарида қизил тилини чўзиб, осмонга аланга ўрларди. Осмон ёришиб кетганди. Одамларнинг бақир-чақирлари, гуриллаб ёнаётган тўсин ҳамда хашакларнинг чирсиллаган овозига кўшилиб кетган қизчанинг додини ҳеч ким эшитмасди. Барно ўзини қаёққа уришни билмасди, ҳар томондан ўраб келаётган аланга уни исқанжасига оларди. Қизча иссиққа бардош беролмай юзини қўллари билан тўсиб, чинқириб, дод соларди. Олов ичига

юрак ютиб кирадиган одам топилмасди. Ўт ўчирувчилар етиб келишди. Кимдир уларга уй ичида ёшгина қизча қолганини айтди. Ўт ўчирувчи йигит ўзини оловга урди. Ичкари тутун эди. Кўз бир қадам нарини кўрмасди. Тепадан хашак, тўсинлар ёниб тушарди. Қаерга бош уришни билмаган олов узун тиллари билан ўт ўчирувчининг юз-кўзига игна мисоли санчилди. Лекин у ортга қайтмади. Қўлларини чўзиб, қизчани ахтарарди. Тепадан тушган ва чўяндек қизиб кетган тўсинни ушлаб қолди. Шунда йигитнинг бармоқлари куйиб, эти шилиниб, қип-қизил гўшти чиқиб кетди. Олов унинг юзида бир неча пўрсилдоқлар ҳосил қилди. Йигитнинг кўзи кўрмасди. Қўллари билан атрофни пайпаслаб, қизни ахтарарди. Барнонинг чинқиригини гуриллаб ёнаётган оловнинг товуши ютиб юборганди. Ниҳоят, йигитнинг қулогига овоз эшитилди. У тандирдай қизиб кетган Барнони кучоқлаб орқага қайтди. Эшикка етмасдан ёнаётган тўсинлардан бири йигитнинг елкаси аралаш бошига тушди. У йиқилди. Иккинчи ўт ўчирувчи буни кўриб қолди ва шериги томон чопди. Ўт ўчирувчи қизни бағрига олиб, илондай вишиллаб тилини чўзиб келаётган оловдан ҳимоя қилиб ётарди. Шериги қизчани олиб, ҳамкасбини ташқарига судради. Барно эртаси куни касалхонада ўзига келди. Ўша кундан бошлаб ҳаётини сақлаб қолган ўт ўчирувчини унутолмай юрди. Қаттиқ тан жароҳати олган ўт ўчирувчи касалхонада вафот этганди.

Одамлар унинг жасоратини унутишмади. Маҳаллага номини беришди. Фуқаролар йигини идораси олди-га бюстини ўрнатишди. Барно ёши улғайиб, эсини танигандан кейингина бу йигитнинг исми Икромжон эканлигини билди. Маҳалла аҳолиси ҳар байрамда ҳайкал пойига гуллар кўярди. Ҳурмат билан номини тилга олишарди. Барно ҳам бир-икки бор бюст остига гулдаста кўйиб кетганини эслайди. Ўша йигитни би-

ров мажбур қилмаганди. Уйнинг ёниб тугаганини, тўсинлар қулаб тушаётганини, том босиб қолишини била туриб ўзини ичкарига урди. Унинг мақсади қизчанинг ҳаётини сақлаб қолиш бўлганди. Ичкарига киришга буйруқ берилмаганди. Бироқ ўзбскона инсонгарчилик, виждон уни шунга ундаганди. Ҳозир ҳам Барно ўт ўчирувчининг алангадан териси шилиниб, пўрсилдоқ босган, қорайиб кетган юзини кўз олдидан кетказолмайди. Бундай одамларни оқибатсиз, динсиз, имонсиз дейиш мумкинми? Наҳотки уларнинг жойлари дўзахда бўлса?

Ўшандай мард йигитларнинг жасоратини нега покистонлик аёл, ўзимизнинг заминда туғилган Қамбар билмайди?! Нечук уларнинг жасорати тўғрисида гапирмайди? Улар кофирми? Дўзахда ёнадими?.

Барно Покистонга борган куни бир манзаранинг шоҳиди бўлганди. У шаҳар кўчаларидан бирида шундоқ йўлнинг ёқасида олти-етти ёшли ярим ялангоч, очликдан қовурғалари саналиб, пашшаларга таланиб ётган болани кўрганди. Ўтган-кетган йўловчилар унга қайрилиб ҳам қарашмасди. Ўшанда Барнонинг ичи ачиб, болага раҳми келганди. Ким уни бундай аҳволга ташлаб қўйди? Ота-онаси қаерда, деб ўйлаганди. Шу болани бағрига олган, бир бурда нон берган одам жаннатга тушмайдами? Буни улар билишмайдами?

Барнонинг хаёли бўлинди. Атрофида бир-бирларини қувлашиб, ўйноқлаб юрган болаларни кўриб, кўзлари ёшланди. Уларнинг бахтиёрлигини белига жиҳод камарини боғлаган кимсалар билишармикин? Ҳеч бўлмаса бу юртнинг бахтиёр болаларини бир бор кўришдимикин? Бизда қайси бола ота-онасининг қаровисиз қолган, қайси гўдак очликдан шишиб кетган? Нега энди мен буларнинг жонига ҳасд қилишим керак? Жаннатга киришим учун шу норасида гўдакларнинг қонини тўкишим шартми? Жаннат агар улар таърифлагандек боғи эрам бўлса, нега ўша покистон-

лик аёл ёки Қамбар у жойга киришга ошиқишмаяпти? Барно ота-оналаридан кўп эшитган: «Бировга зарар келтирган, бир инсоннинг қонини тўккан кимса ҳеч қачон Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлмайди». Барча муқаддас китобларда қон тўкиш қораланмаганми? Қайси дин қотилликни шарафлаган? Қайси дин Аллоҳ яратган инсонни ўлдиришни тарғиб қилган? Қолаверса Барно шу юрtdа туғилиб, шу ёшга кириб бирор, кимсадан ёмонлик кўрдими? Ёнғинда қолганда, ўлим чанг солганда етти ёт бегона бир йигит ширин жони кўзига кўринмай уни қутқарди. Отаси бетоб бўлганда давлат ўз газна­сидан пул сарфлаб, хорижда даволатди. Онаси вафот этганда шу инсонлар «жигарим»лаб йиглашди, тобутни елкаларида кўтариб, қабрстонга элтишди. Шуларга қарши энди у жиҳодга кирадими? Ота-инисидек бўлиб кетган одамларнинг қонини тўкиб, қун сайин обод бўлиб бораётган юртнинг тинчини бузиб, жаннатга кирмоқчими?

Барнонинг бошига келаётган фикрлар унинг мақсаду ниятларини остин-устун қилиб ташлади. Ўша юзига ҳижоб тортган покистонлик аёл ҳам, Қамбар ҳам унинг учун қўлида қилич яланғочлаган жаллод киёфасида гавдаланди. «Йўқ, - деди қиз ўзига, - Мен сенлар айтган йўлдан бормайман. Юртдошларимнинг қонини тўкмайман. Юртимнинг тинчилигини, осойишталигини бузмайман. Сенларнинг кимлигини энди тушундим. Билиб қўй, менга ўз халқимнинг қонини тўкиб, тинчилигини бузиб кирадиган жаннат керак эмас. Қўлимни қон қилиб жаннатга кирадиган бўлсам дўзахда ёниб, азоб чекканим афзал».

«Қасам! қасам ичгансан-ку, нобакор!! Бунинг учун нариги дунёда жавоб берасан». Гулининг овози қулоқлари остида жанрлагандек бўлди.

«Қасам?! Мен қасамни сендай юртфуруш, халқнинг тинчини бузадиган, ватан хоинларидан қасос олиш учун ичганман!»

«Дўзахда ёнасан!!»

«Одамларни ўлдирган эмас, балки Ватан йўлида жонини фидо қилган жаннатидир».

- Биздан олган пулларингни қайтарасан...?

- Пулинг бошингдан ордона қолсин...!

Барно ўрnidан турди. У Қамбарнинг хонаси томон кетди. Бу пайтда соат бешта кам ўн бир бўлганди. Яна санокли дақиқалардан кейин шаҳарнинг уч жойида қиёмат қойим бошланишини кутиб турган Қамбар ўз шериклари билан соатига қараб ўтирарди. У Барнонинг қайтиб келганидан ҳайрон бўлди. Мослама ишдан чиқдимикин, деб хаёл қилди. Шу пайтда Кифоятнинг изига тушган икки нотаниш кимса ҳам кириб келишди. Улар Қамбарга шундай дейишди.

- Кифоят қўлга тушди. Уни милиция хонасига олиб кириб кетди!

Қамбар аланга ичида қолгандай типирчилади.

- Қанжик, қўлга тушдими?! Бизни сотдими?! Унинг изига тушинглар. Мелиса хонадан чиқиши биланок ўлдириб ташланглар!

- Энди нима қиламиз?

- Сарвиноз қаерда?

- Биргина умидимиз ўшандан!

- Тезда бу ердан кетишимиз керак! - деди учинчи одам.

Қамбар Барнога ғазабдан буришган юзини бурди.

- Сен нега топшириқни бажармадинг?!

- Мен топшириқни бажаргани келдим, - деди Барно.

- Сен муттаҳамнинг ниятини энди билдим. Ёлгон гапларинг билан бизни илондай аврадинг! Бегуноҳ юртдошларимнинг қонини тўқтирмақчи, тинчлигимизни бузмақчи, обод ватанимизни вайрон қилмақчи, шу йўл билан ўзингни, мана бу ювуқсиз ғаламис келгиндиларни ғараз мақсадига эриштирамақчи бўлдинг! Аслида Ватан инсон учун жаннат! Билсанг биз мустақилликка эришган кунимиздан бошлабоқ жан-

натда яшамоқдамиз! Сендай юртфуруш, қонхўрлар, хоинлар жаннатмакон юртимни дўзахга айлантирмоқчи бўлгансанлар! Ичи қора, халқимизнинг яқдиллигини кўролмайдиган, бойликларимизга кўз олайтирган мана бу ифлос келгиндилар учун Ватанни сотмоқчи бўлгансанлар! Сенларнинг жазонг менинг қўлимда! Шундай жазолайки, токи ер юзида сенга ўхшаган бирорта ғаламис қолмасин! Сен қаби ватанфурушларни итдай ўлдирган, жисмингни ёндириб кул қилган одам ҳақиқий жаннат эгасидир!

Барнонинг кўзлари чўғдай ёнарди. Важоҳатини кўрган одам уни ҳеч нарсадан қайтмаслигини билиши қийин эмасди. Қамбар деворга суяниб, оҳиста юриб, дераза ёнига яқинлашиб келарди. Деразанинг илгаги солинмаган, хиёл очиқ турарди. Хориждан келган уч келгинди ҳайкалдек қотиб қолганди. Портловчи мосламаларни олиб келган кимса ҳам худди ақли-хушидан айрилган одамдай қалтирарди. Ҳеч ким, ҳеч қандай куч ва ваъдалар аёлни аҳдидан қайтаролмасди.

- Сенларнинг жазонг ўлим!

Бу сўз ҳамманинг қулоқлари остида қайта-қайта жаранглади. Бирдан қаттиқ уйқудан уйғонган одамдай ўзларига келишди. Жонлари қаршиларида турган қизнинг қўлида эканлигини тушунишди. У ҳеч нарсадан тап тортмаслигини, белидаги «жиҳод камари»ни ишга солиб юбориши мумкинлигини сезишди. Хорижликлардан бири ўзини ерга ташлади. Иккинчиси чўнтагидан бир чангал пулни олиб, Барнонинг оёғи остига улоқтирди. Учинчиси эса бўйнидаги қимматбаҳо олтин тақинчоқни ташлади.

- Ақлингни йиғ, буларнинг ҳаммаси сенга! Ол! Тортинма, олавер! Камлик қилса яна берамиз! Фақат белингдаги чилвирни торта кўрма! Биз ҳозир чиқиб кетамиз!

Уччалалари оғзига келган сўзларни айтиб, ердан оёқларини узиб, аста эшик томон силжишарди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

Барно ўзининг ҳукмини ўқиди.

- Сен келгиндиларнинг жазоси ўлим!

Қиз кийимининг орасидан чиқиб турган портловчи мосламанинг ипини ушлаганда Қамбар ўзини деразадан ташлади. Оёғи ерга текканда гумбурлаган овоз уйнинг деворини бузиб, гиштларини учириб, томини кўчириб юборганди.

САМАНГАН

Зебони дафн этиб, унинг маъракаларини ўтказиб, лагерга қайтдим. Эргашбой бошимга тушган савдодан огоҳ экан (Буни сув ташиётган аравакаш йигит айтганига ишонардим). Мени ўн кун ғойиб бўлганим учун койимади. Тасалли берган бўлди. Ишимни давом эттирдим. Белимга боглаб олган хазинани тезроқ юртга жўнатишни ўйлардим. Уни ёнимда олиб юриш хатарли эди. Ахир, лагерда нималар бўлмайди? Булоққа келган кунимоқ Тошкентга хабар бердим. Зудлик билан учрашиш лозимлигини Зокирга айтдим. У икки кун ичида етиб келишини маълум қилди. Икки кунни ўтказиш қанчалик оғир кечганини сўз билан изоҳлаб беролмайман. Юрагим сиқилиб, ўзимни қаерга қўйишни билмай, маст одамдек бошим гангиб юрардим. Бир ёнда Зебонинг вафоти, иккинчи ёнда Ватан соғинчи, боламнинг тақдири ич-этимни кемирарди. Ўғилчамни қўшни аёл парвариш қиларди. Унинг учун сут топиш ҳам муаммо эди. Ёнимда қолган пулларнинг ҳаммасини қўшни аёлнинг эрига бериб қўйгандим. У қишлоқ кезиб, янги соғилган эчки сутини топиб келарди. Бошимда ташвишлар ари уяси-дек гувилларди. Ниҳоят, биз учрашадиган кун етиб келди. Бир ҳисобдан олганда мен Афғонистонда ўз ишимни бажариб бўлгандим. Излаб келган хазинани топдим. Эргашбойнинг Ватандаги ҳамтовоқларини, қурол-аслаҳаларини фoш этдим. Энди юртимга қайт-

сам ҳам бўлаверар, дсб ўйлардим. Бирок...

Эргашбой қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қонини тўкди, кўплаб ёшларни алдаб, бу ерга олиб ўтди. Уларни Ватанга қарши қуроли исёнга тайёрлади. Бу қилмишлари учун эл олдида, қонун олдида жавоб бермас экан, у барибир ўзи танлаган йўлдан қайтмайди. Чаён яқиндами, йироқдами қачондир нишини санчиш пайида юради. У ҳам мисоли бир чаён. Даф қилинмаса, барибир юрагидаги туғилиб ўсган она юртига, халқига бўлган душманлик ҳисси уни тинч қўймайди. Пайт пойлаб халқимизнинг тинчини бузади, тараққиёт чўққиси сари одимлаб бораётган Ватанимиздаги ўзгаришларни издан чиқармоқчи бўлади. Чаённи ниш санчишига имкон қолдирмаслигим даркор. Бирор иложини топиб, юртга қайтариш ёки шу ерда одамларини бирбирига душман қилиб тарқатиб юборишим лозим. Мен шу тўғрида ўйлардим. Зокир бубан учрашганда бу ҳақда маслаҳатлашиб олишни дилимга тугиб қўйдим.

Белгиланган соатдан аввалроқ булоққа етиб келдим. Отни аравадан бўшатиб, чўмилтирдим. Филдиракларни созладим. Вақт бу қадар имиллаб ўтишидан юрагим таре ёрилиб кетаёзди.

Ва ниҳоят мен кутган одам келди. Биз анчадан бери кўришмагандик. Бир-биримизни бағримизга босиб, тик турган жойимизда омонлашдик. Бир неча йил ўзга юрт тупрогида яшаб, бугунгидек Ватан соғинчини ҳис этмагандим. Димоғимга она юртнинг ҳиди урилгандек бўлди. Жисми жоним эриб, юрагим сув мисоли оқиб кетди.

- Юртни соғиндингми? - сўради Зокир елкамга қўлини қўйиб. - Сабр қил, насиб қилса, бир-икки ой ичида Ватанда кўришамиз.

У бу гапни нимагадир ишониб айтаётганига амин эдим. Шу сабабли ортиқча саволлар бергим келмади.

- Яқинда Қобулга бориб келдим, - дедим кўришиб

бўлганимиздан сўнг.

- Ҳазина жойида турган эканми? - Зокир мени нима мақсадда борганимни биларди.

- Ҳазина-ку жойида, аммо мендан бошқа излаётганлар ҳам бор экан, - дедим ва бошимдан ўтган воқеаларни унга сўзлаб бердим.

- Худонинг ўзи асрабди, - Зокир ҳикоямни тинглаб бўлгач, бошини чайқаб қўйди. Зебонинг ўлганини эшитиб қайғурди. Шундан сўнг белимдаги бойликларни шеригимга кўрсатдим. Зокир офтоб нури тушиб, ялтираб-товланиб турган тилла тақинчоқларни кўриб, ҳайратдан лол қолди.

- Командиринг бекорга сени бу ерга жўнатмаган экан. Ҳайронман, нега улар бундай қимматбаҳо буюмни ўзлари билан бирга олиб кетишмадийкин?

- Балки қўлга тушиб қолишдан кўрқишгандир! - дедим.

- Бўлиши мумкин!

Зокир тарихдан яхшигина хабардор экан, буюмлар ҳақиқатан ҳам Бобур Мирзога тегишли эканлигини гапириб берди.

Мен ўз режаларим тўғрисида уни хабардор қилдим.

- Ўзингни эҳтиёт қил. Сен бу ерда ёлғизсан. Эргашбойнинг одамлари кўп. Салгина шубҳаланиб қолса, аяб ўтирмайди. Эшитишимга қараганда, ундан ҳомийларининг ҳафсаласи пир бўлганга ўхшайди.

- Худди шундай, бир ойдан бери олдига ҳеч ким келмай қўйди. Лагерда озиқ-овқат тугаган. Жангарилар очликдан азоб чекишмоқда. Кўпчилик касал.

- Бу ҳолат давом этадиган бўлса, Эргашбой йигитларини ташлаб, ўзи қочиб қолиши мумкин!

- Кейинги кунларда жангарилар ўртасида Эргашбойга нисбатан норозилик кучаймоқда. Мирюнус қочиб кетди, бесоқолбоз кимсалар Воҳид исмли йигитни қийнаб ўлдиришди.

- Чўтир нима қиляпти?

- Дўстумни ўлдириш учун борганди, сири фош бўлиб, қулоғини кесиб орқага қайтариб юборишибди. Ватанга қайтмоқчи бўлганди, Эргашбой уни дарра билан калтаклатди. Ўз тилини ўзи узиб ташлади. Червон хоним ҳам шу ерда! Эшитишимча, у юртга ўтиб кетмоқчи. Эргашбой рози эмиш!

- Буларнинг ҳаммаси унинг найранги, бирорта одам ўз ихтиёри билан Ватанга қайтмоқчи бўлса, ўлдирмай қўймайди.

- Эргашбойнинг бу ерда юриши хатарли. Агар хоржлик ҳамтовоқлари билан муносабати узилмас экан, Ватанимизнинг хавфсизлигига таҳдид солиши аниқ!

- Сен берган маълумот тасдиқланди. Етимхонадан қиз олган Эргашбойнинг одами ундан камикадзе тайёрлагани фош бўлди. Юртимизга ўтган ўн беш нафар жангари горда қўлга олинди. Аммо уч-тўрт нафар милиция ходимларини ўлдиришгани ёмон бўлди.

- Бу ишларнинг барчаси Эргашбойнинг раҳнамолари томонидан олдиндан ўйлаб, режалаштирилганди. Режа амалга ошмагач, уларнинг хафсалалари пир бўлиб, қўлларини силтишга мажбур бўлишди.

- Лекин бефарқ бўлмаслик керак. Улар яна бошқа мақсадларини амалга оширишни ўйлаб топишади. Яна Эргашбойнинг қўйнига илондай кириб аврашади. Раҳнамоларининг ҳар қандай топшириғини бажаришга мажбур. Акс ҳолда оч қолади.

Сухбатимиз узоқ давом этиб, қош қорайиб қолганини сезмабмиз. Зокир кетиш олдидан мени бағрига босиб шу гапларни айтди:

- Сенга подполковник унвонини беришди, табриклайман...

- Бутун кучимни, иқтидоримни Мустақил она-Ватанимнинг барқарорлиги, осойишталиги, фаровонлиги, кўп миллатли халқимнинг тинчлиги йўлида сарф қиламан! Унинг ички ва ташқи душманларига

қарши сўнгги қоним қолгунча курашаман!

Бу қалбимда қайнаб-тошаётган қасамёдим эди.

Мен лагерга қайтдим. Етиб келганимда гира-шира қоронғу тугаганди. Чодирга яқинлашганимда, чуқур ичида судралиб юрган одамга кўзим тушди. Яқин борганимда танидим. Бу - Чўтир эди. Отнинг тизгинини тортиб, аравани тўхтатдим. У қўли билан аравани кўрсатиб ғўнғиллади. Сув сўраётганини тушундим. Ҳамиша ўзим билан олиб юрадиган идишдаги сувдан ичирдим. Бир неча кундан бери туз тотмагани юз-кўзларидан билиниб турарди. Кўйнимдаги нонни олиб, ёнига қўйдим. Чўтир менинг меҳрибонлигимдан уялдими ёки бир пайтлар устимдан кулиб, масхаралаб юрганини эсладими, ҳар қалай кўзларини ерга қадаб турарди. Шериклари уни эслан чиқаришганди. Тирик-лигини билишса-да, ҳолидан хабар олишни, бир тиш-лам нон беришни ўйлашмасди. Мен уни азобларга чидамай, ўлиб қолса керак, деб ўйлагандим, бироқ қулоғи, тили ва олати кесилган бу йигит ҳаммани ҳайрону лол қолдириб тошлар орасида, одамлардан йироқда яшарди. Лекин нега бу ердан кетмаяпти? Буни билмасдим...

Лагерга кириб келганимда соқчилардан бири олдимга келиб, тўдабоши сўраётганини, зудлик билан ҳузурига киришимни маълум қилди. Нима учун Эргашбойга керак бўлиб қолганимни билмасдим. У ҳар доимгидан бошқачароқ тарзда мени кутиб олди.

- Тайёргарлигингни кўр, сени Башир сўраяпти, - деди.

- Тинчликми?

- Тўғриси мен ҳам ҳеч нарсани билмайман..

- Қачон жўнашим керак?

- Одамлари келиб, олиб кетишади. Унгача аравани ёрдамчингга топшир!

Эргашбойнинг нимадандир хавотирланаётганини сезиб қолдим. Чиқиб кетмоқчи бўлганимда у мени тўх-

татди.

- Билиб бўлмайти, у лагердаги аҳвол тўғрисида сўраб қолиши мумкин. Сендан илтимос, бу ердаги ишлар ҳақида ёмон фикрларни билдирмагин!

Юрагимни ўзим тушунмаган хавотир чулғаб ташқарига чиқиб кетдим...

* * *

Жалол Эргашбойнинг олдига кирди.

- Червон хонимни нима қиламиз, амирим?

Эргашбой бошини кўтарди, қизариб кетган кўзларини Жалолга тикди.

- Тузалиб кетдимми?

- Ўзи ташқарига юриб чиқяпти.

- Гаплашдингми?

- Сиздан берухсат олдига кирганим йўқ, амирим!

- Юрагига қўл сол, мақсадини бил, ҳали ҳам юртга қайтиш фикрида бўлса, ўзинг кузатиб қўясан.

- Нима, унга рухсат бердингизми?

- Тентак, гапимни тушунмадингми?

Жалол мийигида кулди.

- Тушундим, амирим.

- Лекин ўзи хитланмасин!

Жалол хаёлига келган фикрни айтди.

- Амирим, сиздан бир нарсага изн сўрамоқчиман.

- Нима дейсан?

Жалол ийманиб, юзини буриб деди:

- Шу, хоним ёшлигида жа гўзал бўлган бўлса керак, а?

- Юрагингдан уриб қолдимми?

- Энди, нима десам экан, ахир бу ерга келганимдан буён аёл киши ҳидини димогим ҳам унутганга ўхшайди. Изн берсангиз бир кеча ёнида ётсам.

- Нафсинг қурсин, тўнғиз, ахир энанг тенги аёл-ку, уял!

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Нима бўпти, каттами-кичикми барибир аёл-да.
- Билганингни қил. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл. Чўтирининг кунни бошингга тушиб қолмасин.

Ташқаридан йигитларнинг қийқириқлари эшитилди. Жалол туйнук олдига борди.

- Нима гап, тинчликми? - сўради тўдабоши.

Жалол ортига қайтиб, Эргашбойнинг ёнига ўтирди.

- Хоним ташқарига чиққан экан, шунга йигитларингиз бақиринишпти.

- Ҳаммасининг кўзига қон тўлган. Қўйиб берсам хонимни нимта-нимта қилиб ташлашади.

- Фар қариса отин бўлади, деганлари рост экан, амирим. Бошига рўмол ташлаб, юзини йигитлардан яшириб олибди.

- Кўз-қулоқ бўлиб тур, яна бирор кори ҳол содир бўлмасин!

Жалол кўлини кўксига босиб, ташқарига чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб унинг ороми бузилганди. Тўдабошининг амрини кутарди. Хонимни кўрганда юраги ёниб кетгудек бўларди. Ўзини қўярга жой тополмасди. Вужудидаги эрлик ҳирсини жиловлай олмасди. Телбанома бўлиб, хоним ётган чодир ёнига бориб қолганини ўзи ҳам пайқамасди. Балои нафс барибир устун келди. Хонимнинг ҳузурига кирди.

- Опа, қачон юртга қайтасиз? - деб сўради.

Аёл рўмолининг учи билан юзини тўсиб олди. «Юртга қачон қайтасиз?», деган сўз қалбида ўлиб бораётган Ватан соғинчини уйғотиб юборди. Демак, Эргашбой уни алдамабди, рози бўлибди. У Жалолга бу ҳақда айтган. Ёмон ниятда бўлганда оғиз очмасди.

- Бу хабарни кимдан эшитдингиз, эй, яхши одам?

- Амиримиз айтдилар, хоним?

- Аллоҳ у кишининг қалбларига меҳр солибди-да?

- Сизни чегарадан ўтказиб қўйишни каминага топширдилар!

- Аллоҳ муродингизга етказсин, эй яхши одам. Қачон йўлга чиқишни ихтиёр айладингиз?

- Бу сизга боғлиқ, опагон.

- Ундай бўлса, мен ҳозироқ сафарга тайёрман, иним.

- Йўлга ярайсизми, қийналиб қолмайсизми?

- Хавотир олманг, эй Аллоҳнинг яхши бандаси! Танграмдан куч-қувват сўрайман, мадад берса, йўл азобидан қийналмасмиз.

- Унда сизнинг розилигингизни амиримга етказай!

- Шундай қилинг, эй яхши одам.

Жалол хонимнинг ширин сўзларидан кулиб юбормаслик учун лабини тишлаб турди. Ташқарига чиқдию, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Шерикларига унинг сўзларини айтиб берди. Бундан кулмаган одам қолмади. Эртаси куни Жалол Эргашбойнинг олдига кириб, хонимнинг сафарга тайёрлигини билдирди.

- Яхши, тушдан кейин йўлга чиқасанлар. Тоққа чиқишларинг билан тубсиз жарларга дуч келасизлар. Бирортасига итариб юборгин-да, тезда изингга қайт.

- Бир оғиз буйруғингиз, амирим. Топшириғингизни сиз айтгандан зиёда қилиб бажараман.

- Ўзингга ҳушёр бўлгин, у ўлгудек тулки, муғомбир, нафсингнинг тапига кириб, бошингга кулфат тушмасин!

Жалол кулди, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфладию, бироқ айтмади. Тушдан сўнг яна хонимнинг хонасига кирди.

- Тайёрмисиз, опагон? - деди мулойимлик билан.

- Қани, йўл бошланг, иним! - деди Червон хоним ҳозиржавоблик билан.

Ташқарига чиқишлари билан атрофда юрган йигитлар бўкиришиб, қичқириб юборишди. Хоним уларнинг сўзларига аҳамият бермади. Қулоғини қар қилиб, қаддини илдамлатди.

- Эргашбой билан хайрлашмадик, иним, - деди хоним чодирдан узоқлашгач олдинда кетаётган Жалол-

Исҳоқжон НИШОНОВ

га.

- У киши ҳозир лагерда эмаслар, муҳим иш билан қасргадир кетганлар, - ёлғондан жавоб қилди Жалол.

- Мендан гина-кудурат қилмасмикинлар?

- Ўзлари изн бердилар-ку, опагон, хотиржам бўлинг, узрингизни етказиб қўяман.

Хоним тоғ йўлини яхши билмасди. Шу сабабли Жалол бошлаган сўқмоқдан юришга мажбур эди. Улар чўққиларини қор босган тоғ томон боришарди. Жалолнинг юрагига ўрнашиб олган шайтон қутуртириб юборганди. Бироқ бунинг учун лагердан узоқлашиш, тезроқ анови довоннинг ортига ўтиб олиш зарур эди. Акс ҳолда хоним ортга қайтиши, шаллақилик қилиб, талабини қондирмаслиги мумкин...

Улар тоғ-тошни оралаб, тепаликка тирмашиб, довондан ошишди. Тоғнинг совуқ ҳавоси баданларини жунжиктирди. Аёлнинг эгнидаги кийими юпқа эди.

- Чарчамадингизми, опагон! - сўради Жалол ортидан келаётган хонимга ўгирилиб.

- Чарчасам иложим қанча, иним. Чидайман-да! Ахир, мен Ватанга кетяпман-ку! Назаримда юрт мени ўзига оҳанграбодек тортмоқда. Шу сабабли чарчоқни ҳам ҳис этмаётирман. Бутун фикри-зикрим она юрт тупроғини тавоф қилишда! Ўтган кунлар ичида юртимни қанчалик соғинганимни сўз билан тушунтириб беролмайман. Сизга маслаҳатим, мен билан юртга қайтинг. Иккимиз халқимиздан, ҳукуратимиздан узр сўрайлик. Қилган гуноҳларимизга тавба-тазарру қилайлик!

- Болаларча хаёл сурасиз-да, опагон, - истехзоли жилмайди Жалол. - Ўйлайсизки, ҳукурат бизни кечиради деб. Адашасиз, улар бизни тутиб олишган заҳотиёқ товонимизга мих қоқади. Электр курсига ўтказиб, сўроқ қилишади. Ватан бизга эрк бермайди!

- Ватанга тил теккизманг! - хоним Жалолнинг сўзини кесди. - Дунёда ҳеч ким Эргашбойдек одамларни ўз юртига ва халқига қарши қуролли исёнга тайёрламаган.

Отани болага, болани эса отага қарши қўймаган. Одамларни алдаб, уларнинг қўлига қурол тутқазмаган. Юрт бессаранжом бўлса, одамларнинг қони тўкилса, у шунчалик кўп қувонади. Роҳатланади! Шармандали ишлари билан оламнинг азал тартиботини бузмоқчи, инсониятнинг ёруғ кунини тунга айлантирмоқчи бўлади. Ҳозир айшини суради, охирада кулфатини тортади!

Бу сўзларни эшитиб, Жалолнинг гаши келди. Аммо бошиқлик билан шундай жавоб қилди;

- Сиз нечук бизга қозилик қиляпсиз? Биз нима қилишни, қандай яшашни ўзимиз яхши биламиз!

- Сиз мени тушунмадингиз, балки тушунишни ҳам истамагандирсиз. Мен фақат...

- Нима фақат, - Жалол хонимнинг беадаблиги учун ҳозироқ жазолашга тайёр эди, бироқ ўзининг нафсини қондирмагунча ранжитмасликка қарор қилди.

- Фақат ҳаммамизнинг бошимизда, қалбимизда раҳмшафқатнинг олий ҳаками - Худо борлигини унутмаслигимиз лозим. Унинг қаҳрини кўзгатишдан кўрқишимиз керак.

- Бу гапларингиз билан менинг кулгимни қистатяпсиз, опагон. Ахир, сиз қачондан бери Худони таниб қолдингиз? Қачондан бери Аллоҳнинг номини тилга олиб, одамларга ваъз ўқийдиган бўлдингиз?

- Сизга гап уқтириш мушкул экан. Маслаҳатим, бу йўлингиздан қайтинг, тавба қилинг. Инсонни инсонга қарши гиж-гижламанг, уларнинг қўлига қурол тутқазманг. Ватанидан айирманг! Тўкилаётган ҳар бир томчи қон учун ҳам вақти келиб жавоб берасизлар. Қонли қўл билан эгаллаган салтанатларинг ҳеч қачон сизларга вафо қилмайди. қалбингизга Аллоҳни, унинг муқаддас каломини, юртга бўлган адоқсиз муҳаббатини жо қилинг. Ўлкага қайтиб, унинг хокини кўзларингизга суртинг. Шунда яратган Тангри-таоло ҳам, Ватан ҳам, эл ҳам сизлардан рози бўлади!

- Хоним, - деди алам билан Жалол. - Сиз кеча ким

эдингиз? Сохта пулларни чиқариб, давлатни алдаб, халқни лақиллатиб юрмаганмидингиз? Биз жўнатган пулларни давлатга қарши ғояларни тарғиб қилиш ишларига сарфламаганмидингиз? Шуларни ҳеч эслайсизми? Бу ерга келиб ақлингиз кириб қолдимми?

Жалол аччиқ-аччиқ гаплар билан Червон хонимни узиб олмоқчи эди. Аммо хонимнинг жаҳли чиқмади. У бироз жим қолди. Кейин тўхтаб, Жалолга юзланди.

- Мусофир бўлмагунча одам Ватан қадрини билмас экан. Шу ерга келиб мен ўзимнинг кимлигимни, нима ишлар қилганимни узоқ ўйладим. Қилган хатоларимга минг бора надоматлар чекдим. Ҳечдан кўра кеч деганларидек ақлим кирди. Қолган умримни инсонларга яхшилик қилиш, мени камолга етказган Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун сарф қилмоқчиман!

- Яна Ватан дейсиз-а, опа, - кинояли жилмайди Жалол. - Сиз борадиган Ватан яқин кунларда бизнинг кўлимизга ўтади. Унга биз эгалик қиламиз! Яна сиз бизга хизмат қиласиз, шундайми?!

- Асло! Ватан халқники! Сизлар ҳеч қачон халқ бўлолмайсизлар. Билиб қўйинг, халқимиз шу пайтгача бировга қарам бўлмаган, бош эгмаган, бундан кейин ҳам мағрурлигича қолади. Ўзбекнинг қонида Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби юраги ватан ишқида ёнган халқнинг бахти, эрки учун курашган мард инсонларнинг қони оқмоқда. Ўзига бек бўлган бундай мағрур халқни енгиб бўлади-ми?

Улар анча йўл босиб қўйишганди. Жалол айтилган манзилдан узоқлашиб кетганини сизди.

- Шу жойда бироз дам олайлик, оёқларим толиқди, вужудимда мадор қолмади, - деди атрофга аланглаб.

Жалол тош устига ўтирди. Бу пайтда қорайиб кўринган қир ортидан ой балқиб, юлдузлар чақнаб, осмон чарақлаб турарди. Изғирин яхлаб қолган қорларни ялаб, қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланларнинг қақдини

букиб, ҳуштак чалиб, телба бошини қаерга уришни билмай изғирди.

Кулранг бўри икки оёқли махлуқларнинг ўша кунги ишидан надоматлар чекиб, алами ортиб, жазавага тушиб, яна сарбаланд тоғлар бағрига қайтишга мажбур бўлганди. У афтодаҳол, боши оққан томонга кетиб борарди. Жалол кулранг бўрининг овозини эшитганда уни шу атрофда увиллаётганини билди. Қолаверса, ҳозир бўрини эслашни, ҳатто ундан ўзини эҳтиёт қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Бутун диққат-эйтибори ёнида ўтирган аёлда эди. Кўнглини олишни, юрагига тинчлик бермаётган нафсини қондиришни ўйларди. У олдиндан белгиланган жойга етиб келганди, хонимнинг ҳаёт шамини шу ерда сўндириши лозим эди. Ёнида тубсиз жар қорайиб кўринарди. Бирор нарсани баҳона қилиб, итариб юборса бас, хоним чарх-палакдек пилдираб тушиб кетади. Ҳеч қачон бу ўрадан қайтиб чиқолмайди, суяклари парча-парча бўлиб, жасадди қурт-қумурсқаларга ем бўлади. Шуларни хаёлидан ўтказганда Жалол бир хонимга, бир жарга боқиб қўйди. Ортиқ йўл босишга унинг тоқати ҳам, хоҳиши ҳам қолмаганди. Тезроқ ҳирсини қондириб, изига қайтиши даркор. Акс ҳолда хўжайиндан дакки-дашном эшитиши тайин.

- Опажон, менинг тобим қочган кўринади, оёқларим қалтирамоқда, шу ерда тунаб қолсак, тонг ёришса, йўлда давом этсак.

- Бу ер совуқ, музлаб қоламиз, иним. Яхшиси, йўл юрганимиз дуруст.

- Мен совқотяпман, - нимани баҳона қилишни билмай, оғзига келган гапни тилига чиқарди Жалол. - Кейин чарчаганман.

- Худодан куч сўранг иним, шайтоннинг гапига кирманг. Эшгитяпсизми, яқин атрофда бўрининг увиллагани эшитиляпти.

- Нима, бўридан қўрқасизми?

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Ҳар қалай йиртқич ҳайвон, одамга дўст бўлармиди?
- Кўрқманг, ёнингизда мен борман, - Жалол шу баҳона хонимнинг ёнига сурилди. Унинг силлиқ ва юмшоқ баданига суйкалди. Хоним ўзини тортди.

- Нега ўзингизни олиб қочасиз, опагон? Мен бўримидим-ки, сизни еб қўйсам.

- Бўри бўлмасангиз ҳам номаҳрамсиз, иним.

- Номаҳрамдан кўрқасизми? - Жалол хонимнинг сонига кафтини босди. Аёл яна сурилмоқчи эди, орқаси тошга тегди.

Жалол қўлларини хонимнинг белидан ўтказди ва уни ўзи томон тортди.

- Нима қилиясиз, Жалолиддин? Наридекин. Уялмайсизми?

- Иситиб қўйинг, опагон.

- Наридекин! - расмана жеркиб берди аёл ва ўрнидан турди. - Уялмайсизми, ўзингиздан катта ёшдаги аёлга тегажўқлик қилгани?

- Нега уялай, бу ерда иккимиздан бошқа одам бормидики, уялсам. Келинг, бирпас шакаргуфторлик қилайлик, кейин йўлга отланамиз.

Червон хоним индамади, тепалик сари йўл олди.

- Ҳой, тўхтанг!

Хоним ортига қарамай йўлида давом этди.

- Бир ўзингиз кстмоқчимисиз? Бўриларга дуч келиб қолманг, улар раҳм-шафқат қилишмайди, суяқларингизни гажиб ташлашади.

Хоним Жалолнинг сўзларига аҳамият бермади, йўлида давом этди.

Ноилож қолган Жалол ўрнидан турди. Чопқиллаб, хонимнинг ортидан етиб борди ва унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

- Мени ташлаб, бир ўзинг қажўққа кетяпсан, кампир! - у хонимни сенсираб юборганини ўзи сезмади. - Билиб қўй, таклифимга рози бўлсанг, бу ердан саломат кетишинг мумкин, акс ҳолда жасадинг шу тошлар ичида

қолиб кетади.

- Бир бошга бир ўлим! Пешонамга ёзилганини кўраман, сенинг сассиқ кучогинга кириб, омон қолгандан кўра, гўштим бўриларга ем бўлгани афзал.

- Аҳмоқ кампир! Ахир сен туғилиб ўсган юртингга кетяпсан-ку! Сенинг бирдан-бир орзуинг Ватанга қайтиш эмасмиди?

- Шундай!

- Негга унда ўзингни бўрининг ихтиёрига топширмоқчи бўляпсан?!

- Номус ўлимдан кучли. Ватанга талпиниб ўлиш бахт!

- Ў, шоирона гапларни қаердан ўргандинг, кампир! Яхшиликча рози бўлмадингми, ўзингдан кўр! - бақирди Жалол. - Сен бошингга ўзинг ўлим соясини солдинг!

- Аллоҳ неники пешонамга ёзган бўлса, шуни кўраман. Ахир тақдирдан ким ҳам қочиб кутулибди!

- Доғулилик қилма, кунинг битди! Сен учун ўлим яхшими ёки кайфу-сафо қилиб дам олишми? Ҳой, тентак кампир, атрофга боқ, бу ерда жонингга оро кирадиган ҳеч зоғ йўқ. Сенинг ҳаётинг кўлимда. Мен истаган нарса бўлмас экан, бу жойдан бир қадам нарига силжиёлмайсан! Ўлигинг бўриларга ем бўлади. Ёки ўлимдан кўрқмайсанми? Бу дунёда яшашни истамайсанми?

- Яшагим келади, ўлимдан ҳам кўрқаман, фақат менга озор берма. Мен билан қовушишни хаёлингга келтирма. Ахир биз номаҳрам одамлармиз, Аллоҳнинг қаҳр-ғазабига дучор бўламиз. Охиратимиз куйиб кетади. Яхшиси, юрагингдаги раҳиму раҳмонни ҳайдама, лаъиннинг сўзларига алданма. Калимангни ўтир. Зора шайтон қалбингдан чиқиб кетса.

- Ҳадеб шайтонни, Худони ўртага солаверма. Уларни тинч қўй. Ахир бу ерда фақат иккимиз турибмиз, иккимиз бир-биримизга талпинсак, биз қиладиган иш гуноҳ ҳисобланмайди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бекор қияпсан эй, яхши одам, - бошини сарак-сарак қилди хоним. - Нафс гапига қулоқ солма. Кейин пушаймон бўласан!

Улар бир зум жим қолишди. Кулранг бўрининг увланган овози яна бир бор тоғларнинг совуқ сукунат чўккан ўлик тошларига урилиб садо таратди. Ув.. ув!!!

- Ўйлаб кўр кампир, балки аҳдингдан қайтарсан. Талабимга кўнарсан. Ахир сен юртга боришни, одамларга яхшилик қилишни, гуноҳларинг учун тавба-тазарру истасанг, очликдан фарёд чекаётган қашқирга ем бўлишни хоҳламасанг, бу тоғлардан соғ-саломат ўтиб кетмоқчи ихтиёр қилган бўлсанг, талабимни рад этма. Беш дақиқага бағримга кир, бир-биримизни маҳкам кучоқлаб, совуб қолган вужудимизни ишқ-муҳаббатнинг ҳарорати ила иситайлик. Ахир, мени ҳам тушунгинда, беш йилдан бери Эргашбойнинг изидан итдай эргашиб, чўлу саҳрода аёл зотини кўрмадим! Сенинг қора ўтмишингни бошқалардан кўра мен яхшироқ биламан. Не-не йигитларни йўлдан ургансан. Ҳатто ўзингдан ёшларни ҳам тўшагингга тортгансан. Энди мендан ҳазар қияпсанми? Энди отинбуви бўлиб, жаннатга киринг келиб, бизларга ваъз ўқияпсанми? Худонинг номи билан кўрқитмоқчимисан, эй нодон кампир!

- Ҳақ гапни сўзладинг, Аллоҳнинг бандаси. Тонмайман. Қилган гуноҳларимга икрорман. Бироқ зиндонда ётган кунларим Яратган эгамга чин дилдан истиффор айладим, тавба-тазарру қилдим. Унинг яктолигига имон келтирдим. Ўшанда қолган умримни елкамдаги гуноҳлар юкидан халос бўлгунча одамларга савоб ва хайрли ишлар қилишга, зино йўлига кирмасликка онт ичдим. Ўзимдаги гуноҳларни Аллоҳ мағфират қилишини тилаб, унга йиғлаб-сигинганимдан буён виждоним ҳам ором топди. Руҳим енгил!

- Шундай улуг ниятлар қилибсанми, демак, ҳеч иккиланмай бағримга ўзингни ташла, қовушайлик, сен

озод, ҳур бўласан! - масхараомуз тиржайиб деди Жалол.

- Тилингга олган сўз учун тавба қил, эй шайтонни ўзига ҳамроҳ билган банда. Уткинчи дунёнинг ҳою-ҳавасларига, шайтон томирингдаги қонни жунбушга келтирган оний ҳирсларга берилма. Юрагинга уя қурган шайтонни қалбингдан қувиб сол. Раҳмон ўз маконида султонлик қилсин. Ният ва мақсадларинг эзгуликка йўгрисин. Шунда иллатларга тўлган юрагинг инсон боласига меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим бўлади. Шунда сен Тангри таолонинг даргоҳига пок ният, пок қалб, пок имон билан борасан!

Жалол хонимни яхши гап билан йўлга сололмаслигини тушунди. Вақт эса ўтиб борарди. Хўжайин уни кутиб ўтиргандир. «Ахир, тезроқ ишни битириб орқанга қайтгин», деб тайинлаганди-ку!

- Афсус, сен билан шу ерда ажралишга мажбурман! - деди ҳафсаласи пир бўлган Жалол. - Яхши гапга кирмадинг, ўзингдан кўр. Хўжайин сени шу ергача кузатиб қўйишимни буюрганди. Унинг топширигини бажариш мен учун қонун.

Жалол қўйнидан ханжарни олди. Унинг тиги ой нурида ялтиради. Хонимнинг кўзлари кўрқувдан катта-катта бўлиб кетди.

- Нима, мени ўлдирмоқчимисан? - сўради. овози титраб.

- Шундай, кампир!

- Мен ожизанинг бир қошиқ қонини тўкиб не фойда кўрасан?

- Мен фойда кўрмайман, бироқ амиримизнинг буйруғини бажаришга мажбурман!

- Аҳдинг қатъийми?

- Қатъий!

- Унда бир оз сабр қил, эй, яхши одам. Хуфтон намози бўлди. Шунга ўқиб олай, дилимдаги сўнгги сўзларимни Парвардигоримга муножот айлай, унга етказай, сўнг жонимни олсанг розиман!

- Яна вақтни чўзиб ўтирмагин. Ортиқ кутишга тоқатим йўқ! - ҳафсаласи пир бўлган Жалол тўнғиллади. - Ахир ўлимнинг яқин қолди-ку, кампир! Худога нола қилганинг билан жонингни сақлаб қолармиди!

Хоним қўлтиғига қистириб олган жойнамозни ерга тўшади.

Бетоқат бўлган Жалол аёлнинг тезроқ тоат-ибодатини яқунлашини кутарди. Шу ерда шайтон яна унинг мудроқ қалбига ғулғула солди. «Намоз ўқиб бўлишини кутиб ўтирасанми, у вақтни чўзиш учун атайлаб шундай қилмоқда. Ўлимини билган одам намоз ўқиб нимага эришарди? Бўйнини узиб, жарга улоқтиргинда, ортингга қайт. Ахир, Эргашбой сенинг йўлингга кўзларини тўрт қилиб ўтирибди. «Балки бу манжалақи ханжарни бўйнига тирасам, қўрқиб талабимга рози бўлар».

Жалол юрагини қитиқлаётган шайтоннинг топшириғини бажариш учун ўрнидан туришга хезланди, шу пайт болалигида ота-онасидан эшитган бир сўз ёдига тушиб, ўша шайтонга ҳай берди. «Намоз ўқиётган одамга халақит бериб бўлмайди».

Жалол ортида нимадир шитирлаганини эшитди. Кулранг бўри одам ҳидини олиб, шу ерга келиб қолганди. У Жалолнинг шундоқ ортида турарди. Уларнинг кўзлари учрашди. Шунда кулранг бўри одамнинг қўрқувдан қотиб қолган кўзларига тикилди. Инидан қувиб солган бу кимсани таниди, ҳасос олиш иштиёқи устун келганди. Уни ҳеч нарса аҳдидан қайтаролмасди. Ўқ мисоли учиб келди-да, Жалолнинг кекиртагини узиб ташлади. Бақаришга ҳам, лоақал қўлидаги ханжарни ишга солишга ҳам улгуролмади. Кулранг бўри одам ерга йиқилганда қон отилиб чиқаётган бўғзидан ўткир тишларини суғуриб олди. Ўзидан икки қадам нарида тоат-ибодат қилаётган Червон хонимнинг ёнидан ўтиб кетди. Негадир унга қайрилиб ҳам боқмади...

Червон хоним довон ошиб ўтганда тоғлар ортидан заминни олтин рангга бўяб, бобо қуёш кўтариларди.

Осмон шу қадар тиниқ, шу қадар беғубор эди-ки, табиат унинг жамолини илк бор кўрсатаётгандай эди. Яйловлар, кенгликлар, боғу роғлар, пахтазору ғаллазорлар этагидаги осмонўпар бинолар кўзга ташланарди. Ўзбекистон байроғи эпкинда ҳилпираб турарди. Червон хоним кўзи илғаган жойлар она юрти эканлигини ҳис этди. У соғ-омон Ватан остонасига етиб келганидан, унинг жамолини кўраётганидан бахтиёр эди.

- Ўзингга шукр Аллоҳим, юртимнинг жамолини кўрсатганинга шукр! Энди жонимни олсанг розиман! - деган сўзларни ҳар қадамда тақрорлаб борарди. Юраги шодлигу қувончдан гурсиллаб тепарди. Кўзларидан оқиб тушаётган севинч ёшлари юзини ювиб тушарди. Бирдан юрагининг туб-тубидан нимадир кўтарилиб, бўғзига қадалди. Овозининг борича йиғлаб юборди. Кўлларини икки томонга ёйиб, дўзах азобидан қутулиб, жаннат сари талпинаётган инсондек Ватан томон чопди...

Қ И Р Ғ И З И С Т О Н

Деразадан сакраб тушган Қамбар тўлқиннинг зарбидан учиб кетди. Унга жиддий зиён етмаганди. Тезда ўрнидан туриб, ўзини дарахтзор ичига урди. Итдай югуриб, ҳолдан кетиб орқасига қараганда уйдан қопқора тутун бурқсиб осмонга кўтариларди. «Ҳаммаси тамом, энди бу ерда қолмаслигим керак», деб ўйлади. У яна чопди. Кўчаларда одамлар йўқ эди. Биров кўрмаганидап хурсанд бўлди. Кўча бошига етганда ўт ўчириш машиналари сигнал чалиб, ёнғин кўтарилган уй томонга ўтиб кетди. Қамбар яширинадиган жой топишни ўйлади. Тог ошиб, Эргашбойнинг олдига ўтгани билан, қабул қилмайди. «Ишни расво қилдинг, одамларимизни ўлдирдинг», деб бошини янчиб ташлайди. Учрашганига бугун йигирма саккизинчи кун, яна икки кундан кейин Шарифнинг боши унинг чодирда бўлиши ке-

рак. Ваъдага вафо қилинмади. Ҳамдам калланинг кетганига беш кун бўлди. На хабар бор, на дарак! Қўлга тушган бўлса, шармандалик устига шармандагарчилик. Қамбарнинг боши қотди. Қаёққа боришни билмасди. Борадиган жойлари кўзига худди тузоқ қўйилган ҳандаққа ўхшарди. Хаёлига «Аждар ғор» келди. Жонига оро кирадиган паноҳ ўша ер. «Ғорга бораман, мени унутишгунча ўша ерда яшайман», деб ўйлади. Қолаверса, Эргашбойнинг одамлари ғорга келиб туради, Ҳикмат нашани ўша ердан олиб кетадиган бўлган. Борди-келди бўлиб турса, очдан ўлиб қолмайди. Худо хўжайиннинг юрагидаги қаҳр ва нафрат музини эритса, гуноҳидан кечар, олдига чақирар!

Қамбар Қирғизистонга жўнади. Икки кунда ит азобида ғорга етиб борди. Кўзига кўринган одам борки, изидан қувиб келаётгандай туюлди. Ғорда яшаса-да, юрагини ваҳима тарк этмади. Кечани бедор ўтказди. Атрофда кимдир изгиб юргандек туюлаверди. Кундуз кунлари ҳам шундай бўлди. Ғорнинг ичига киришга юраги чопмади. Бешинчи куни киртайиб қолган кўзларига шу томон келаётган одам кўринди. Қамбар ўзини панага тортди. Яқинлашганда таниди. Бу Жакбар эди. У шу ернинг эгаси. Эргашбойнинг яқинларидан бири. Тўдабошига муҳим маълумотларни етказиб турадиган одам. Қамбар у билан икки йил аввал танишган. Бошлиқнинг топшириқларини шу йигитдан оларди.

Қамбар панадан чиқди. Жакбар уни қўриб, ҳайрон қолди. Қамбар бўлиб ўтган ишларни айтиб берди.

- Хўжайин сени кечирмайди, - деди Жакбар унинг ҳасратини тинглаб. - Биласан, у ваъдасида турмаган одамни ёқтирмайди. Яхшиси, унга рўпара бўлма, бошинг оққан, кўнглинг буюрган томонларга кет. Балки ўша портлаш пайтида сени ўлиб кетган, деб эсидан чиқарар.

- Мен қаёққа ҳам бораман, бошим сиғадиган, тинч яшайдиган бошпанам йўқ.

- Сенга маслаҳат беролмайман, нима қилсанг ўзинг бил!

- Балки, бориб хўжайинга айтарсан! Гуноҳимни кечирар, бағрига олар. Ахир унинг ҳамма топшириқларини бажардим! Беш йилдан буён хизматидаман!

- Мени бу ишларга аралаштирма!

Қамбар унинг сўзларига қулоқ солишни истамади. Яна ялинди.

- Сендан ўтиниб сўрайман, хўжайинга менинг илтимосларимни етказ!

Улар хайрлашдилар. Қамбар яна танҳо қолди. Уй-қусиз тунлар давом этди. Кундуз кунлари егулик ўт-ўланларни излаб топар, шу йўл билан тирикчилик қилиб, очлик азобини енгарди. Жакбарнинг хушхабар олиб қайтишини жуда-жуда истарди.

Барно ўзини шерикларига қўшиб портлатиб юборганини Эргашбой эшитганди. Бу унга қаттиқ алам қилганди. Жакбар хузурига кириб борганда тўдабоши бир ҳафта аввал бўлиб ўтган ўша воқеани эсдан чиқармай, ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирганди.

- Қамбар тирик қолибди, - деди Жакбар ўша кунги воқеа ҳақида билганларини айтар экан. - Бир амаллаб ўзини деразадан ташлашга улгурибди. Ҳозир горда яшаяпти. Олдингизга келаётганимни эшитиб, хўжайин бир қошиқ қонимдан кечсин, хузурига борай, деб сиздан изн сўраяпти.

- Баттол, унинг танасида гуноҳидан кечадиган қон қолмаган! Қилғиликни қилиб, ўзи горда писиб ётибдими? Менинг газабимдан силлиққина қутулмоқчимми? Барно ўлдирган одамларимизнинг хунини тўлайди. Айтган ваъдасининг уддасидан чиқмади. Шарифнинг боши беш кун бурун келиши керак эди, келмади. Ёлғон-яшиқ гаплари билан ўзини оқлай олмайди. Қон ўрнига қон олмасам хуморим босилмайди!

- Қилган ишларидан қаттиқ пушаймон, амирим, - ўзининг мулоийм гапи билан тўдабошини инсофга

чақирмоқчи бўлди Жакбар.

- Бу ерга кела кўрмасин! Турқини кўришни истамайман. Менинг тирналган кўнглим бир нарсани кўрса ором топади.

- Айтинг, амирим?

Эргашбой Жакбарга юзланди.

- Сен ичган тузингни оқладинг, ишончли йигитларимдансан. Ишларингдан мен ҳам, бошлиқларимиз ҳам хурсанд. Яна бир хайрли ишинг билан бизларнинг дилимизни хуш этасан, деган умиддаман!

- Буйруғингизга жоним қурбон бўлсин, амирим!

- Ўша итнинг калласини узиб, шу ерга келтирасан!

Жакбарнинг дами ичига тушиб кетди. Унинг сукут сақлаши Эргашбойга ёқмади.

- Кўрқаяпсанми? Ўша сотқин бизнинг бешта йигитимизнинг ўлимига сабабчи бўлди. Керак бўлса эртага сенинг бошингни узади. Сотқинларга раҳм қилма! Уларга ўлим! - деди ғазаб билан.

- Тушундим, амирим.

- Тушунган бўлсанг, эрталаб орқангга қайт, топшириқни бажар. Яна тўрт кундан кейин сен билан шу хонада учрашамиз. - Эргашбой қўйнидан дандон сопли ханжарни олиб, стол устига санчди. Жангариларнинг қонунига биноан қиндан чиққан ханжар, албатта айтилган одамнинг қонини тўкиши шарт. Ханжарни олган одам топшириқни бажаришга мажбур эди. Лекин Жакбар ханжарни олмади. Қўйнидан ўзининг пичоғини олиб, столга санчди. Эргашбой унга маъноли қараб қўйди-ю, юрагида шубҳа уйғонди. Жакбар орқаси билан юриб, чодирдан чиқиб кетди. Бу ерга шарпасиз келганди, шарпасиз қайтди. Икки кун йўл юриб, «Аждар гор»га етиб борди. Қамбар уни гор озгида кутиб олди.

- Хўжайин нима дедилар, рози бўлдиларми? - сўради.

Жакбар унинг қорайган юзига тикилиб, қўйнидан

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

ханжарни олди-да, оёги остига ташлади. Бу унинг бир қошиқ қонингдан кечдим, дегани эди.

- Бу срлардан кет! - деди паст овозда.

- Қаёққа бораман! - вужудини совуқ тер босган Қамбарнинг юраги тиф санчилгандай оғриди. - Бу дунёда мени бағрига оладиган бошпана йўқ! Ортга қайтай десам, халқимнинг юзига қарай олмайман, Эргашбойга борай десам қонимга ташна, айт қасққа борай?! Кимнинг оёғига бош урай! Тирик бўлиб яшай олмасанг, ўлай десанг қабр тополмасанг! Наҳотки, юртга қилинган хиёнатнинг гуноҳи шу қадар вазмин бўлса?!

- Бу тоғлар ҳам сени бағрига сигдирмайди, бугун бўлмаса эртага Эргашбойнинг одамлари келиб бошингни узиб кетишади. Унга жун босган калланг керак! - Жакбар шу сўзларни айтиб пастликка тушиб кетди.

- Қаёққа?! - ортидан қичқирди Қамбар!

- Қишлоққа! Одамлар орасига, эски ишимни давом эттирмоқчиман! Пода боқиб, тинчгина ҳаёт кечирмоқчиман!

- Эргашбойга нима дейсан?!

- Яратган эгамдан у қонхўрнинг юзини бошқа кўрсатмасликни сўрайман!

Қамбарнинг танасини чирмовуқдай кўрқув ўради. У ваҳимага тушди. Юраги патилларди, ичи ёнарди. Кимдир қулоқларига «бу ердан тезроқ даф бўл», деяётганга ўшарди. Жакбар кетиб борарди. Олди-ортига қарамасди. Қамбар гор оғзида туриб қолди. Қоронгулик тушган сайин юрагини ваҳима босарди. У тепаликка тирмашди. Қиррали тошлар бармоқларини тилиб-шилиб, қонли панжа изларини муҳр каби тошларга босиб, чўққи сари эмаклаб, тирмашиб борарди. Чўққига чиқса, инсон зоти кўрмайдигандай, ҳеч ким тутолмайдигандай, бир неча кундан бери соядай эргашиб юрган шарпалар ортидан етолмайдигандай тую-

лаверди. Оёқлари толиқса-да, қўллари тошлар тилса-да, йўл босди. Ниҳоят, ўша чўққига чиқиб борди. Хурсанд бўлиб атрофга қаради. Пастдаги дарахтлар, қоялар, ирмоқлар кўзига гугурт чўпидай кўринди. «Бу ерга ҳеч ким чиқолмайди», деди ўзига ўзи. Ҳақиқатдан ҳам биров чиқолмасди. Ўзи қандай чиқиб келганига ҳайрон эди. Қамбар чарчади. Дам олмоқчи бўлди. Кўзини юмиши билан унутилган ваҳима ва кўрқув, шарпалар яна пайдо бўлди. Қамбар аввалгидан кучлироқ кўрқди. Бундан-да юксак чўққининг устига чиққиси келди. Забт этилмаган қояга икки қулоч қолганди. Усти найзанинг учини эслатарди. Қамбар тирмашди, бир амаллаб чиқди. Бироқ унинг изидан таъқиб этиб келаётган кўрқув, ваҳима ҳамда шарпалар пастда қолмади. Улар Қамбар билан бирга тепаликка кўтарилганди. Чўққида бир кун яшади. Совуқ эпкин баданини тарашадек қотириб ташлади. Бир чимдим иссиққа зор бўлиб ўтирди. Пастга тушмоқчи эди, лекин тушолмади. Тушса, тишини қайраб, қўлларида ханжар тутган Эргашбойнинг йигитлари кутиб тургандек туюлди. Кўрқув ва ваҳима Қамбарни ақдан оздирганди. Чўққидан ҳамма нарса кўринарди. Бир ёнда гулга бурканган Ватан, иккинчи ёнда тошлар қиёфасидаги қўли қон одамлар. Қамбар арқон устидаги дорбозга ўхшарди. На ўнгга, на сўлга юриш мумкин.

- Сенлар қувиб келдингми мени?! - овозининг борича қичқирди кўзига одам қиёфасида кўринаётган тошларга, дов-дарахтларга қараб. - Мени тутолмайсанлар, мени ўлдиролмайсанлар! Ҳаммангни қираман! Битга қўймай портлатаман! Белимга «жиҳод камари»ни боғлаганман! Ўзимни ташласам ҳамманг ер тишлайсан, битга қолмай қирилиб кетасан!

Қамбар оёқлари остидаги тошлардан териб, қўйини тўлдирди. Пастдаги дов-дарахтларга қараб муштини кўрсатди.

- Худони ўртага қўйиб қасам ичаман! Энди сенлар ўлдинг! Уйингга ўт кетди!

Қамбар парвозга шайланган бургутдек қўлларини ёйиб, ўзини қоядан пастга улоқтирди. У чархпалак мисоли, айланиб-айланиб тушарди. Дилидан кечаётган сўзларни тилига чиқаролмасди. «Ҳамманг ўласан, ҳозир портлайсан, сенларни ўлдириш учун мен белимга «жиҳод камари»ни боғладим».

Қамбар тошга боши билан тушди. Тош уни улоқтириб ташлади. Яна пастга шўнғиди. Энди у ҳеч нарсани сезмас ва ҳис этмасди.

РОССИЯ

Ғофур Москвада туриш хатарли эканлигини, ўн беш миллион доллардан айрилган Вадим Вольфович қасамини бузиб, қасос олиш мақсадида одамларини ишга солишини билса-да, шу ерда қолишга қарор қилди. Ҳар икки кунда яшаётган жойини ўзгартириб турди. Ғофурнинг мақсади Ҳикмат олиб келадиган катта миқдордаги «мол»ни тортиб олиш эди. Унинг ҳисобкитобига қараганда баҳоси юз миллион доллардан тепада эди. Шу сабабли туну кун йўл пойларди. Вадим Вольфович «мол»ни фақат дала ҳовлисида қабул қилишини Ғофур яхши биларди. У илгарилари бу ерга беш-олти маротаба «мол» олиб келганди. Йўлларни яхши эслаб қолганди. Бешта йўл дарвозага яқин жойда бирлашарди. Ғофур шу жойда Ҳикматни кутарди. «Нега келмаяпти, Мирсодиқнинг ўлимидан шубҳаланиб қолишдими ёки учрашув жойини ўзгартиришдими», деб ташвишланарди.

Унинг икки кўзи йўлда, вужуди қулоққа айланган ҳолда бағрини ўт-ўланларга бериб ётар экан, ортида шитирлаган товушни эшитмади. Энсасига совуқ, аммо огир нарса ботганда, қўлга тушганини билди. У бундай ҳоллардан чиқиб кетиш йўлини яхши биларди. Одам-

Исҳоқжон НИШОНОВ

ни қуролсизлантириш мақсадида оёқларини чўзди. Ортига қарамади. Гофурда кишини ҳайратга солади-ган, ўн мингдан бир одамда учрайдиган ноёб хусусият мавжуд эди. Одамни нафас олишидан танирди. «Эргаш ортимдан қонхўрни жўнатибди», деб ўйлади.

- Бош учун қанча ваъда қилди, Рустам? - сўради ортига қарамай.

- Сенга нима? Ё ваъда қилганидан кўпроқ тўламоқ-чимисан?

- Аввал айт, билай, арзмаган пулга бошимга ўқ жойлагани келмагандирсан?

- Ҳисоб-китоб қиладиган бўп қопсанми?

- Икки пулга қиммат дунёда жонингнинг қиймати-ни билиб яшаганинг яхши-да!

- Сени жонинг Эргашбой учун қиммат тураркан. Абдуллоҳ бошинга бир миллион тикди.

- Чакки эмас, қадримдан бошимнинг қимматлиги-ни билганимда эҳтиёт бўлардим!

- Энди ўрнингдан тур!

- Қаёққа?

- Қонинг тўкиладиган хилват жойга.

- Қонимни тўкиб нима қиласан, оладиганингни сўра?! Балки мен улардан кўпроқ тўларман!

- Айтганимни берасанми?

- Аввал сўра.

- Икки миллион доллар!

- Яхши, беш миллион етадимми?

- Ҳазилни жиним суймайди. Фашимни келтирмай нақдини айт!

- Гапимга шубҳа қилдингми?

- Икки миллион билан ҳазиллашяпсанми?

- Сенга лафз қилдимми, жавобини бераман!

- Қасам ич!

- Сўзимда турмасам хотиним талоқ бўлсин!

- Одам ишонадиган қасам ич! Хотининг аллақачон талоқ бўлган!

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

- Унда сен ўргат, мен айтай.
- Худонинг газабига учрай, де!
- Ҳай, Худонинг газабига учрай!
- Ишонмаяпман, бу гап юрагингдан чиқмади.
- Рустам, мен эркакман. Тўғриси, менга ёрдамнинг керак!

- Қандай ёрдамим?
- Аввал ишон, кейин айтай!
- Ишондим, - деди юрагида умид уйғонган Рустам.
- Унда қуролнингни тушир! Миямни тешиб юбораёзди.

- Эслатиб қўяй, ножўя бир қадам боссанг ўқдондаги ҳамма қўргошинни каллангга жойлайман!

Ғофур ортидаги душманни оёқлари билан чалиб, ерга йиқитиши, қуролсизлантириши мумкин эди, бироқ бундай қилишни истамади. Гаплашиб, сир олмоқчи бўлди.

Ғофур ўрнидан турди. Улар меҳмонхонага қайтишди. Абдусамат икки миллион долларни Рустамнинг олдига ташлади.

- Бунча пулни қайдан топдинг?
- Одамларда шубҳа уйготмай десанг, ўзгаларнинг ишига тумшугингни суқма!

- Балки шерик қиларсан мени?
- Пулни қайтаришингга тўғри келади.

Рустам Ғофурнинг бойиб кетганига ҳаваси келди. «Унга қўшилсам қўлимга бундан кўпроқ пул тушар», деб ўйлади.

- Розиман!

- Ўйлаб кўр, балки пулларни олиб, Эргашбойнинг олдига қайтганинг маъқулдир? - деди Ғофур уни синаш мақсадида.

- Бети курсин тўнғизни, яқинларини битта-битта ўлдирипти. Тез орада навбат менга келади.

- Ҳикмат қачон йўлга чиқади?

- Мендан олдин жўнаганди. Нега сўраяпсан?

Исҳоқжон НИШОНОВ

- У шу ерга келиши керак, бир ҳафтадан бери йўлини пойлайман.

- Мен самолётда келганман! У посздда келади.

- Қанча «мол» олиб келишини биласанми?

- Абдуллоҳ жаноблари эллик килограмм дори бериб юборган, шуни олиб келса керак-да!

- Бу қанча пул бўлади, биласанми?

- «Дори» билан шуғулланмаганман!

- Юз миллион доллар!

Рустам тарашадек қотиб қолди.

- Юз миллион - бу катта пул!

- Ҳикматни Вадим Вольфовичнинг дала ҳовлисига киритмаслик керак. Қўлидаги «дори»ни тортиб олсак, фойда учга тақсимланади. Кипрга кетамиз. Ҳар биримизга дала ҳовли сотиб оламиз. Ҳаётимиз роҳат-фароғатда ўтади.

- Нима қилишим керак? - маслаҳат сўради Рустам.

- Сен темир йўл вокзалини назорат қиласан! Мен Вольфовичнинг уйи атрофида тураман. Абдусамат ўрмондаги қароргоҳни пойлайди. Ҳикмат кўриниши билан бир-биримизни хабардор қиламиз.

Муҳтарам ўқувчи, шу жойда ҳикоямизнинг давоми-ни кейинги бобларимизга қолдириб, Қоратегиндаги қаҳрамонимизнинг ҳолидан хабар олсак.

Қ О Р А Т Е Г И Н

Ортиқ совуқ тоғларнинг баланд чўққиларидан ошиб ўтди. У йўлдан адашганди. Бироқ бораётган йўлида қачонлардир ўтган одамларнинг излари қолганди. Шу сабаб ортига қайтмади. Кўзига қор босган тоғлардан ўзга нарса кўринмасди. Тўртинчи кун олисларда ялтираб турган чироқларни кўриб қолди. Пастликка тушиб борди. Тун ярмидан оққанда чироқлар нур сочиб турган жойга етиб келди. Одамларнинг юришидан, қулогига чалинаётган узуқ-юлуқ сўзларидан адаш-

маганини билди. Юрагига андак ёруғлик кирди. Бироз юрди. Пастга тушганда тўрт томонидан қуролли одамлар уни халқалек ўраб олишди. Тезда қўл-оёғини боглаб, чодирлар тикилган томонга судраб кетишди. Уни сўроқ-савол қилишмади. Башарасидан, эғнидаги кийимларидан ўз одамлари эмаслигини билишганди.

- Мени бошлиқларинг олдига олиб киришлар! - деди Ортиқ соқчиларга. - Унга айтадиган муҳим гапим бор!

- Бошлиқ сени қабул қилмайди, ҳозир у бу ерда эмас! Бошлиқ келгунча биз тайёрлаб қўйган жойда ором олиб ётасан!

Ортиқни зиндонга ташлашди. У бир неча кундан бери оч-наҳор эди. Тинимсиз йўл босиб толиққанди. Зиндонга тушган заҳоти ухлаб қолди. Уйғонганда ёнида бегона одамни кўрди. Бу - Жаҳонгир эди. У Ортиқнинг кўзларига тикилиб турди-да, бсихтиёр оғзидан «ғилай», деган сўз чиқиб кетди.

«Мени қаердан таниди?» Ортиқнинг кўнглидан шундай ўй келди. Рўпарасида турган йигитнинг ўткир нигоҳларига қарашга ботинолмади.

- Сени танимадим, кимсан? - деди сабри чидамай.

Қасоскор адашмаганини сизди ва...

- Сенинг исминг Ортиқми? - деб сўради.

- Шундай, ўзинг кимсан?

Жаҳонгир ўзини зўрга босди. У бир ҳамла билан қашқир янглиқ Ортиққа ташланиб, уни ғажиб ташламоқчи бўлди. Бироқ зиндондан чиқиб кетишни, қаршисида турган қонхўрнинг сир-синоатидан огоҳ бўлишни ўйлаб қолди.

- Нега сени зиндонга ташлашди? - деди аламини ичига ютиб. - Ахир сен Эргашбойнинг яқин одамларидансан-ку!

- Сўрама, - деди Ортиқ қўл силтаб. - Мен йўлдан адашиб Бурҳоннинг лагерига келиб қолибман. У келгунча шу ерда ётадиганга ўхшайман. Сен-чи? Сен нега

бу ерда ётибсан?

- Мени ҳам Бурҳон келгунча шу ерда сақлаб турадиган бўлишди.

Жаҳонгир уни гапга солди. Ортиқ бошидан ўтганларини сўзлади. Прокурорни ўлдиришга ким топшириқ берганини, унинг уйига қандай бостириб киришганини ҳамда қийнаб ўлдиришганини гапириб берди.

- Мен аёлининг қулоғига сим тикдим. Шундай қилсам у бақиролмаслигини, қийналиб ўлишини билардим. Шеригим Гулнозанинг пешонасига симни санчди. Прокурорни Маъсуднинг ўзи ўлдирди. Қисталоқ мард одам экан, хотини билан қизини ўлдираётганимизда ҳам аҳдидан қайтмади. Қонун доирасида иш кўрганман, деб туриб олди.

- Шерикларинг кимлар эди, улар қаерда қолишди? - сўради Жаҳонгир ўзини зўрга қўлга олиб.

- Қамбар номардлик қилди, изимиздан одам қўйган экан. Қорасувдан кечиб ўтаётганимизда шерикларимни отиб ўлдирди. Мен сув остига шўнгиб, омон қолдим. Бир амаллаб қирғоққа чиқдим. Шерикларимни отиб ўлдирган одамни кўриб қолдим. Тошларни пана қилиб унинг олдига бордим. Тўпдай келадиган тош билан бошига солиб, ўлдирдим. Кейин шу томонга келавердим... Сен нима ишлар қилгансан? Гуруҳга қандай қилиб қўшилдинг, кимларнинг жонини олдинг? Шулар тўғрисида гапириб бер! - сўради Ортиқ.

- Мен қасоскорман! - ўрнидан туриб деди Жаҳонгир. Унинг важоҳати кўрқинчли эди.

- Қасоскорман?! Кимдан қасос олмоқчисан? - юрагига гулгула тушган Ортиқнинг оғзидан чиққан бу сўзлардан уни кўрқувга тушганини билиш мумкин эди.

- Сен ўлдирган одамлар менинг ота-онам ва фарзандим бўлади. Мен сенларни қидириб бу ерга келдим! Тополмайманми, деб кўрққандим, ўзинг чангалимга тушдинг!

- Ҳазиллашма, - зўрга тилга кирди ғилай. У ўтирган жойида оёқларини ҳаракатга келтириб ортига тисарилди. Жаҳонгир унинг юзига қараб тепди. Оғиз-бурнидан қон келган Ортиқ юзини чангаллаб ерга ётиб олди. Жаҳонгир унинг бўйнидан ушлаб, ўрнидан турғазди.

- Менда айб йўқ, мени мажбурлашганди, пул берамиз, деб алдашганди, - оғзига келган сўзлар билан Жаҳонгирдан шафқат кутарди Ортиқ. - Улдирма! Бегона юртда жасадим қолиб кетмасин! Қасдинг бўлса, юртда ол!

- Сен менинг отамни, онамни, фарзандимнинг оху зорларига қулоқ солганмидинг? Уларнинг кўз ёшига раҳминг келганмиди? Сенлар инсон эмас, махлуқсанлар! Махлуқдай ўлишинг керак! - Жаҳонгир ғилайнинг ингичка бўйнидан тутди ва жон-жаҳди билан бўға бошлади. У қасоскорнинг тсмирдай қўлларини бўйнидан олиб ташлашга бир неча бор уринди, бироқ ожизлик қилди. Кўзлари косасидан иргиб чиқди. Юзи кўкарди. Нафаси ичига тушди. Бир-икки ҳиқиллади. Оғзидан оқ кўпик чиқди. Кейин кўзларини бақрайтирганча қотиб қолди.

И С Т А Н Б У Л

Истанбулга эрталаб етиб келдик. Такси бизни Техрон кўчасидаги икки қаватли бино ёнида қолдирди. Эшик тепасига лотин ҳарфларида «Офис», деб ёзиб қўйилганди. Қўриқчи ҳамроҳлигида иккинчи қаватга кўтарилдик. Ҳашаматли залда олтмиш ёшлардан ўтган, соч-соқолига оқ оралаган киши бизни кутиб олди.

- Хуш келибсиз, муҳтарам Эргашбой! - нотаниш кимса тўдабошини бағрига босиб омонлашди. - Сизни Истанбулда жўрганимдан бахтиёрман!

- Хушвақт бўлинг Мэхмед оға! - жавоб қилди Эргашбой.

Бу одам ҳақида эшитгандим. Халқаро террорчилар

Исҳоқжон НИШОНОВ

гуруҳининг етакчиларидан бири Мэхмед Чегсчи эди. Эшик очилиб, ичкаридан қомати келишган, фаришта-сифат аёл чиқди. Эргашбойнинг юзи табассумдан ёришди.

- Туркан хоним! - деди аёл томон кучоғини очиб бораркан. - Ўнгимми, тушимми?

Хоним бир қўлини Эргашбойнинг елкасига ташлаб, юзига лабини босиб саломлашди.

- Келишингизни эшитиб Олмониядан учоқда келдим, жоним!

- Дийдорингизни кўрсатганига шукр! Қанчалар соғинганимни билсангиз эди...

Эргашбой аёлнинг қўлидан, кейин юзидан ўпди.

- Йўлга чиққан кунимдан бери фикру хаёлимдасиз! Бироқ сизни бу ерда кўраман, деб сира ўйламагандим.

- Фаришталар ҳар иккимизнинг дилимиздаги яхши ниятларимизни оминига олган, жоним!

Кўзларимга ишонмаяпман! Тўдабоши аёлнинг қўларини юрагининг устига қўйди. Улар бир-бирларига шу қадар яқин туришар эдики, олаётган нафаслари юзларига урилиб турарди. Бизни унутишганди, гўё атроф-теваракда ўзларидан бошқа одам йўқдай. Мен кўз қирида Туркан хонимни кузатардим. Унинг чиройли ва латофатли юзида эсда қоларли белгилар тополмадим.

- Кенгаш оёқлангач, шу ерда қоласиз, жоним. Меҳмоним бўласиз!

- Бундай олижаноб таклифни рад этсам Яратганинг қаҳрига учрайман, асалим!

Хоним тўдабошининг юзидан ўпиб қўйди. Улар ёнма-ён ўтиришди. Аёл оппоқ сонларини Эргашбойнинг оёқларига теккизиб ўтирарди. Улар менга қиё ҳам боқишмади.

Абдуллоҳ ва Башир ўзлари билан нотаниш одамни бошлаб киришди.

- Сизларга айтган йигитим шу, исми Бўрон! - деди

Эргашбой мени уларга таништириб. Ўтирганлар менга қарашди.

- Афғонистоннинг қайси шахридансан? - қисик кўзларини ўқдек қадаб сўради Абдуллоҳ.

- Қобулданман!

- Пойтахтданман де?

- Шундай!

- Уйингдан чиққанингда қанча бўлди?

- Уч йилдан бери Эргашбой жанобларининг хизматидаман!

Абдуллоҳ мени ўзининг қонли пичоғи устида чиғирикдан ўтказаётганини сездим. Унинг илмоқли саволларига дадил жавоб қайтаришга уриндим. Ҳамма-нинг кўзи менда эди. Уларнинг олдида айтаётган ҳар бир сўзимни ўйлаб гапиришим, хатога йўл қўймаслигим лозимлигини яхши тушунардим. Хато ортга қайтадиган йўлимни жаҳаннамга айлантларди. Ўзимни қўлга олдим. Вужудимдаги ҳаяжонни босишга уриндим.

- Нажиб Аҳмадни танийсанми?

- Мен таниган Нажиб Аҳмадан учта, қайси бирини сўраяпсиз тақсир?

Бу саволни фикримни жамлаш мақсадида бердим. Абдуллоҳ айтган одам Қобулнинг зодагонларидан эканлигини ўйладим.

- Судхўр Нажиб Аҳмадни сўраяпман-да!

Судхўр ва бойларнинг боши толибонларнинг эмас, оддий ўғриларнинг пичоғидан ўтгани ҳаммага аён эди.

- Нажиб Аҳмаднинг калласини узиб кетишган! - дедим унинг мурдасини кўрган одамдай.

- Қайси элатдансан?

- Балужларданман!

- Унда нега тилингда адабий сўзлар бисёр?

- Форсий китобларни кўп мутолаа қилганман, тақсир!

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Мулломан де? - кулди Мэхмед Чегечи.

- Чала!

- Бола-чақанг борми?

- Яқинда уйландим.

Улар бири олиб, иккинчиси савол ташларди.

Эшик очилди. Етмиш ёшлардаги озгин киши кириб келди. Ҳамма ўрнидан турди.

- Марҳабо, Амирий хазратлари! - Абдуллоҳ қучоғи-ни очиб у томонга юрди. Меҳмон ҳаммани бағрига босиб кўришди.

Чегечи ўтирганларга юзланди.

- Ҳамма йиғилди, кенгаш ишини бошласак ҳам бўлаверади!

- Албатта!

Башир менга қараб қўйди.

- Бўронни сафимизга қўшмоқчимиз, нима дейсизлар? У уч йилдан бери Эргашбой жанобларига сидқидилдан хизмат қилаётганидан мен хабардорман!

- Ёмон йигитга ўхшамайди, - деди Чегечи. - Бироқ, яна оз муддат синаб кўрсакмикин?

- Уч йилдан бери синалгани етмайдими? - асабийлашди Башир.

- Сафимизнинг кенгайиши, бу албатта, ишимизнинг яхшиланишига хизмат қилади, - гап қўшди ёнимдаги нотаниш йигит.

- Эргашбой жаноблари топган йигит ўйлайманки, ҳаммамизнинг ишончимизни оқлайди! - деди Абдуллоҳ.

- Шундай! - дея бош ирғади Туркан хоним.

- Бўронни аъзоликка қабул қилишни овозга қўяман! қабул қилинсин, деганлар қўл кўтарсин!

Баширдан бошқа ҳамма қўл кўтарди. Туркан хоним икки бармоғини кўтариб, ўзининг розилигини билдирди.

- Қаршилигингиз сабабини бизга тушунтириб берарсиз, мухтарам Башир? - Мэхмед Чегечи унга шун-

дай савол ташлади.

- Бўрон менинг ватандошим, истасам ҳам, истама-сам ҳам қўллайманда!

Ҳаммалари кулишди.

Абдуллоҳ яна менга қаради.

- Гуруҳимизга киришдан аввал қасамёд қиласан, бўтам!

Мен уларнинг қисқа муддатли синовидан ўтганимни тушундим.

Мэхмед Чегечи қўлимга икки тигли ханжар тутқазди.

- Нима десам шуни такрорлайсан! - деди Абдуллоҳ кўзларимга тикилиб. - Бугундан бошлаб кенгашга аъзо бўлиб кирар эканман, ўзимни сизлар билан бир сафда эканлигимни ва менга ишонч билан қарашларингни сўрайман! - Мен унинг сўзларини такрорладим. - Кенгаш сирларини, аъзоларнинг исмини ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ошкор қилмасликка онт ичаман. Агар қасамёдимни бузсам, берилган топширотларини бажармасам, кенгашнинг махфий маълумотларини фош қилсам, ўзимдан юқори мартабали бошлиқларимнинг буйруғини бажаришдан бўйин товласам ҳар қандай жазога лойиқман.

Қасамёд қилиб бўлгач, ханжарни ўпдим. Лабимни тигга теккизаётган пайтимда дилимдан шу сўзлар кечди. «Дунё тинчини бузаётган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкаётган сендек кимсаларнинг жонини олмасам, ўз Ватанимга ва халқимга муносиб фарзанд эмасман».

Кенгаш аъзолари мени бағриларига босиб, қутлашди.

- Тасанно!

- Баракалло!

- Сиздан шуни кутгандик!

- Мана, энди оға-инимиз! Бир мақсад йўлида курашамиз, - дейишди.

Абдуллоҳ олдимда ўтирган бақалоқ кимсага ўгирилди.

- Хўш, мулла Бурҳон, Қоратегин водийсида не гаплар? Одамларимизнинг кайфияти қандай?

- Йигитларимнинг кайфияти ёмон эмас, топширингизни кутишмоқда, тақсир!

- Мен жўнатган совгаларни қабул қилдингизми?

- Ҳаққингизга дуодамиз, тақсир!

- Тожикистондаги базамиз ўз ўрнида қоладими? - гап ташлади Бурҳон.

- Ҳозир базамизни ташлаб чиқсак ҳукумат буни мағлубият, деб қабул қилади. Шу сабабли ўз жойимизда туриб, сўнгги қонимиз қолгунча ҳукумат қўшинларига қарши жанг қиламиз!

- Менимча, жанг қилиб, қон тўкиш ўрнига ҳукумат тепасига келган янги раҳбар билан хўжакўрсинга яраш шартномасини тузишимизга тўғри келар!

- Афсуски, янги раҳбар билан сулҳ тузиш осон кечмайдиган кўринади. У одамларимизни битта қўймай ҳибса оляпти. Тоғлардаги ғорларга яширинган юзлаб аскарларимизни ўлдирди!

- Кўнмаса ўздан кўрсин, - Абдуллоҳ қўл силтади. - Биз унга ҳам ўзимизни нималарга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўямиз! Истасам бугуноқ Душанбенинг ҳар бир кўчасига юзтадан «гул» ўтқазаман. Уни одам боласи танимайдиган вайронага айлантираман!

- Ҳақ гапни айтдингиз, муҳтарам Абдуллоҳ, яна бир нарсага сиз кенгаш аъзоларининг эътиборини қаратишни истардим. - Мэхмед Чегечи қандайдир муҳим гапни айтса керак, деб ҳамма унга қаради. - Муқаддас қасамёдини бузиб, ҳукумат томонига ўтиб кетган хоинларни жазосиз қолдирмасликни талаб қиламан. Улардан қасос олинмас экан, Қоратсгин ва Тавилдарадаги дўстларимизга хавф туғилиши табиий!

- Сиз айтган одамларнинг ҳаммаси туя тиш! - деди Башир.

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

- Ўша туя тишни сиз суғуринг! - жавоб қилди Абдуллоҳ.

- Қоратегин водийсида қочоқлар, хоинлар кўпаймоқда, интизом издан чиққан. Кейинги олти ой давомида сафимизни тўлдирадиган бирорта одам келмади. - Мэхмед Чегечи кенгаш аъзоларининг фикрини олиш мақсадида уларга қаради. Ҳаммалари водийдаги аҳволдан огоҳ эдилар. Ўйланиб қолишди.

- Қандай таклиф киритасиз?- сўради Амирий.

- Ҳар икки лагердаги одамларимизни зудлик билан Помир тоғларига кўчириш зарур!

Баширнинг бу гапида ўз мақсади яшириниб ётарди.

- Бошқа чораси йўқми?

Ўтирганлар ўйланиб қолишди.

Мен Ўзбекистон учун хатарли муаммо ўртага ташланганини тушундим. Бунга йўл қўйиш мумкин эмасди. Жангарилар тоққа кўчадиган бўлса, ўз-ўзидан Ўзбекистон ҳудудига яқинлашиб қолишлари мумкин. Бу таклифни кейинга қолдириш зарур эди. Кенгашда илк бор иштирок этаётганим боис фикр билдириш имконига эга эмасдим.

- Бу ҳақда янги аъзомизнинг таклифи бордир? - сўраб қолди Чегечи. Ҳамма менга қаради.

- Аввало қочоқлар сафининг кўпаяётганини таҳлил қилишимиз керак! Фикримча, ҳар икки лагерда ҳам интизом издан чиққан, шароит етарли эмас, очлик ва зеркиш оқибатида йигитларимиз қочишга мажбур бўлишаётган! Иккинчидан, биз одамларимизни ҳозир Помирга кўчирадиган бўлсак, ҳукумат буни ўзининг ғалабаси, деб баҳолайди! Мамлакат ичкарасида туришимиз эса уларнинг хотиржам бўлишига йўл қўймайди.

- Таклифингиз?

- Одамларимизни Помир тоғларига кўчиришни кейинга қолдириш! Лагерда темир интизом, моддий рағбат, шароитни яхшилаш! Шунда ҳам вазият ўнг-

ланмаса, ҳар икки лагердагиларни Помирга кўчириш!

Сўзларим Абдуллоҳга маъқул келганлигини унинг юзидан пайқадим.

- Муҳтарам Эргашбой, сиз қандай фикрдасиз?

- Таклифда жон бор. Помирга кўчишни кейинга қолдирсак, қиш кириб келмоқда, совуқда одамларимиз қийналиб қолишади.

- Бизни паноҳида асрайдиган горлар бор! - Абдуллоҳ унинг жавобидан аччиқланганини пайқадим.

- Менинг кўлимдаги маълумотларга қараганда, кейинги олти ой давомида ҳар икки лагердан олтмиш йигит қочишга урингани сабабли йўқ қилинган. Афсусланарли томони шундаки, уларнинг ўрнини тўлдирадиган бирорга одам келмаган.

Баширнинг бу аччиқ гапи Мэхмед Чегечига қаратилганини ҳамма билди. Чегечи бу фикрга жавоб бериш мақсадида ўрnidан турди ва ҳамёнидан бир парча қоғоз чиқарди.

- Гапингиз ўринли, муҳтарам Башир жаноблари. Ўзингизга аввалги йиғиндан маълумки, тарафдорларимиз лагерларга Тожикистон орқали кириб келарди. Афсуски, ҳукумат қўшинлари одамларимизни чиқариб юборди. Чегара мустаҳкамланди. Йўқолган йигитларимизнинг ўрнини тўлдириш мақсадида муҳтарам Абдуллоҳ ва Амирий жаноблари билан янги лойиҳа ишлаб чиққанмиз. Маълумингизким, тўқсонинчи йилларда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа жумҳуриятларида таълимни йўлга қўйиш мақсадида Туркия ҳукумати томонидан маорифчилар жўнатилган. Улар таркибига ўзимизнинг ишончли одамларимизни киритганмиз. Алар таълим-тарбия бериш асносида ёшлар ўртасида Саид Нурий жаноблари томонидан ишлаб чиқилган ғояларни кенг қўламда тарғиб қилиш, Марказий Осиёда ягона туркий давлат барпо этиш фикрини сингдириш билан шуғулландилар. Бундан ташқари, бизнинг одамларимиз Тожикистон-

да, Қозоғистонда, Қирғизистонда ва Россиянинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида иш олиб боришмоқда. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондан келган минглаб ёшлар давлатимизнинг турли олийгоҳларида таҳсил олишмоқда. Уларнинг ҳар бири билан махсус тайёргарликдан ўтган одамларимиз ишлашмоқда. Ишончингиз комил бўлсинки, саксон фоиз ёшларнинг онгига ўз гоёларимизни сингдирдик. Аларнинг қалбида туркпарастлик алангаси ёнмоқда. Бу ўтни ҳеч ким, ҳеч қачон ўчиролмайди. Менинг қўлимдаги қогозга бизга содиқ ёшларнинг исм-шарифлари, яшаш жойлари битилган. Истаган пайтда улар биз томонга ўтишади, сафимизга кўшилишади! Ўзбекистондаги кўшма корхоналарда ишлаётган одамларимиз ҳам бекор юришгани йўқ. Ахборот учун шуни маълум қиламанки, одамларимиз водийда рўзнома очишга муваффақ бўлишди. Тез кунлар ичида ўзимизнинг радиостанциямиз ҳам ишга тушади.

Мэхмед Чегечининг сўзларига эътироз билдирадиган одам топилмади. Унинг гаплари мен учун янгилик эди. Қозони қўлга киритишни ўйлардим.

- «Гул» операцияси бир йилдан бери турли сабабларга кўра чўзиб келинмоқда. Тайёргарликдан ўтган одамларимизнинг ҳафсаласи пир бўлмасдан бу ишни тезроқ амалга ошириш керак. - деди Эргашбой.

- Бу Тожикистондаги вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ, - жавоб қилди Мэхмед Чегечи. - Портловчи мосламалар айtilган жойларга етказиб берилган. Ўзбекистон ҳукумати чегараларини мустаҳкамламоқда. Одамларимизнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар мамлакат ичкарисига ўтиши учун хатарсиз йўлак зарур! Чегарачиларнинг қўлида биз тайёрлаган камикадзеларнинг суратлари бор! - ахборот берди Башир.

Мэхмед Чегечи андак ўйланиб, Эргашбойга ўгирилди.

- «Гул» операциясига жалб этилган йигитларни қайта

Исҳоқжон НИШОНОВ

тайёргарликдан ўтказамиз. Кўпчилик фикридан қай-
тган бўлиши мумкин. Шу сабабли мен Англиядан
малакали руҳшуносларни чақирганман. Улар бир ой
давомида йигитларингиз билан ишлайди.

Амирий жаноблари бу ерга бежиз келмаганлигини
билдириш мақсадида тилга кирди.

- Ҳар икки лагердаги аҳволни яхшилаш, қурол-
аслаҳа сотиб олиш ва камикадзеларни тайёрлаш мақ-
садида мен ўз ҳисобимдан юз миллион доллар маблағ
ажратдим!

- Тасанно!

- Ҳимматларига офарин!

Эргашбой ялтираган кўзларини Амирийга тикиб,
миннатдорчилигини таъзим билан изҳор айлади.

- «Гул» операцияси қачон амалга оширилади?- сўра-
ди Бурҳон Баширдан.

- Бунинг учун йигитларимиз Ўзбекистон ҳудудига
кириб чиқадиган хавфсиз йўлак очиш керак,- деди
Башир.

- Қайси давлат ичидан?- савол ташлади Чегечи.

- Қирғизистондан!

- Бунга Қирғизистон ҳукумати розилик берарми-
кин, афандим?

- Ҳукумат тепасида ўтирганлар ичида ўз одамлари-
миз бор!

- Қанча маблағ ажратишни таклиф қиласиз? - сўради
Амирий Баширнинг сўзини кесиб.

- Кенгаш аъзолари рози бўлса, бир миллиард доллар!

Ҳамма бир-бири билан кўз уриштирди, лекин ҳеч
ким бу таклифни инкор қилмади.

- Одамларимизни Ўзбекистон ўлкасига бемалол
киришлари учун сарфланажак маблағнинг юзига қара-
маслигимиз лозим! Бироқ бу вазифани ким уддалай-
ди?

Кўзлар Баширга тикилди.

- Полковник Мурод Эржигитов! У билан Москвада

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

бирга ўқиганман.

- Демак, полковникка ишонасиз?

- Эртагаёқ олдига ўз одамимни жўнатаман!

- Умидимиз сиздан! - Чегечи унга ишонч билдирди.

Абдуллоҳ «бу масала ҳал», дегандек кафтини столга уриб қўйди. Унинг маккор кўзлари Туркан хонимда тўхтади.

- Хоним афандим, эшитишимга қараганда, аёлларни жиҳодга тайёрлайдиган лагерингизни Қарачидан кўчирмоқчи экансиз?

- Мамлакатдаги вазият шуни тақозо қилмоқда, афандим. - деди Туркан хоним. - Ўзбек миллий хавфсизлик хизмати қароргоҳимизнинг яширин ишларини фош қилди. Кўплаб одамларимизни қўлга олди. Ҳатто ўз айғоқчиларини орамизга киритишга муваффақ бўлди. Бундан кейинги фаолиятимизни Афғонистонда давом эттирмоқчимиз.

- Бу таклифни рад этаман, хоним афанди, - деди Башир бош чайқаб.

- Сабаб?

Мэҳмед Чегечининг саволидан сўнг ҳамма нигоҳини Баширга қаратди.

- Афғонистонда сиз аёлларни жиҳодга тайёрлай олмайсиз. Мамлакатдаги вазият, унинг ташқи кўриниши бу ерга келган аёллар қалбида ўз юртларига соғинч ҳамда меҳр уйғотади.

- Таклифингиз?

- Уларни Туркияга кўчирасиз!

Таклиф қабул қилинди.

Амирий ўрнидан турди. Ҳамма унинг муҳим гап айтишини кутди.

- Одамларимизни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминламас эканмиз, биз ҳеч нарсага эришолмаймиз. Эшитишимга қараганда, яқинда руслар одамнинг асабига таъсир қиладиган, бир неча соатга қўл-оёғини фалажлаб, фикр-мулоҳаза юритишдан маҳрум қила-

Исҳоқжон НИШОНОВ

диган, четдан бсрилган буйруққа сўзсиз итоат қилдира оладиган, бир сўз билан айтганда манқуртга айлантирадиган антиқа қурол ишлаб чиқишганмиш. У оддийгина мушак шаклида бўлиб, оломон ўртасига ташлаб юборилса, ҳиди етиб борган жойдаги одамлар гипноз ҳолатига тушиб қоларкан. Шу мосламани қандай қилиб бўлса-да, қўлга киритишимиз зарур. Усама жаноблари билан мулла Умар ҳазратлари ҳам шу қуролга қизиқиб қолганлар!

- Вадим Вольфович билан алоқа яхшими? - сўраб қолди Мэхмед Чегечи ёнида тасбеҳ ўгириб ўтирган Абдуллоҳга қараб.

- Алоқамиз айтирли яхши эмас, у қимматсираб, бизнинг «мол»ларимизни олишни истамай қолган кўринади.

- Бунинг йўли осон, - деди Чегечи. - Мендаги маълумотларга қараганда, яқинда у Англия мафия отаси жаноб Карлсон билан беш юз килограмм тоза героин етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган. Ўзларингизга маълумки, Карлсон жаноблари фақат тоза ва таъсири кучли бўлган «дори»ларнинг шайдоси.

- Бундан ташвишланманг, - қўл силтаб қўйди Амирий. - Истаган пайтимизда ўртадаги шартномани бузиш қўлимиздан келади. Мабодо рус мафиясининг отаси биздан юз ўгирса, уни кафангадо қиламиз!

- Назаримда, бу оғир иш, - эътироз билдирди Бурҳон. - Кучимиз етмайди!

- Ташвишланманг! - боягидай паст овозда сўзида давом этди Амирий. - Россияга барча «юк»лар Ўрта ер денгизи орқали кириб боради, шундайми?

- Шундай, - деди Абдуллоҳ жаноблари Амирийнинг мақсадини тушунмай.

- Денгизда бизнинг ишорамизга маҳтал бўлиб турган кемаларимиз, одамларимиз, гаввосларимиз керагича топилади.

- Кема тасодифан минага дуч келади, шундайми? -

кулди Чегечи.

- Хўп зийрак одамсиз, - Чегечини олқишлади Амирий. - Унгача сиз бошқа йўллар билан мафия отасининг кўлига борадиган «мол»ларни сотиб оласиз, уларнинг ўрнига сохталарини жойлаб, Вольфовичга жўнатасиз. Қараб турибсизки, мижозлар ўртасида даҳанаки жанг бошланади. Шериклари ва харидорлари ундан юз ўгиришади. Бозори касолга учраган Вольфович яна бизнинг «мол»имизга харидор бўлади-қолади.

- Бундай доно фикр билдирган Амирий жанобларининг ҳақларига дуо қилишимиз керак, - Чегечи чапак чалиб кўйди.

- Мен рус мафиясининг отасини ўз томонимизга оғдириш мақсадида Эргашбойнинг одамлари орқали омборимда сақланаётган энг сара «дори»лардан икки-уч килограмм жўнатдим. Вольфович уни олган заҳоти биз билан алоқа боғлайди! - Абдуллоҳ рўпарасида турган Эргашбойга маъноли қараб кўйди.

- Бизнинг асосий мақсадимиз русларнинг янги ишлаб чиққан қуролини қўлга киритиш! - деди Амирий баҳсга яқун яшаш мақсадида.

- Шундай!

- Менда бир таклиф бор, - деди Чегечи ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб. - Бугун-эрта Вольфовичнинг ёрдамчисини бу ерга чақириб, ўзаро келишиб олсамчи?!

- Қаршилигимиз йўқ! - қўл кўтарди Амирий. Бироқ Абдуллоҳ индамади. Мафия отасининг вакилини бу ерга чақиртирилиши унга ёқмаганди.

Шундан кейин иккинчи масала кўтарилди.

- Абдурашид Дўстум ва Маъсуд Шоҳнинг айгоқчилари Торабора форига яширинча кириб, бир тонна урanni ўғирлаб чиқиб кетишган.

Ҳамма Абдуллоҳга қаради.

- Наҳотки?!

- Фанимларимиз кўпаймоқда,-гапида давом этди

Абдуллоҳ. - Дўстум билан Шоҳ кун сайин ҳаддиларидан ошиб, қутуришмоқда. Бир ой ичида олти қуроласлаҳа омборимизни, Қундуз ва Жалолобод шаҳарларида махсус тайёргарликдан ўтаётган икки юз нафар хорижлик йигитларимизни ўлдиришди. Етмиш гектар майдондаги нашазорларимизга, кўкноризорларимизга ўт қўйишди. Буларни пулга чақадиган бўлсак, кўрилган зарар бир триллондан ошиб кетади. Ҳар икки кўмондонга нисбатан шошилиш чора кўрилмас экан, биз мамлакатни ўз тасарруфимизга ололмайиз!

- Белимизда қурол бор экан, инсон зотидан қўрмаймиз, - гап ташлади Амирий. - Мен ўзимнинг барча бойликларимни кўзлаган мақсадим йўлига тикканман! Эртагаёқ Дўстум ва Маъсуд Шоҳнинг боши учун кенгашнинг ҳисобига юз миллион доллар маблағ ўтказаман.

- Ҳимматларига тасанно, тақсир! Аллоҳ эзгу ишларимиз йўлида сарф қиладиган бойликларингизга барака ато этсин! Уйлайманки, яқин кунлар ичида юрагингизга шодлигу қувонч бахш этадиган хабарни эшитасиз!

Бу олқишлар Амирийнинг тилига эрк берди:

- Келгуси ҳафта Арабистондан икки юз нафар ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган йигитлар Афғонистонга етиб келишади. Улар Африка давлатларида катта жанговар тайёргарликдан ўтишган. Бу йигитларнинг ҳар бири Дўстум билан Шоҳнинг юзлаб аскарларига бас кела олади! Афсуски, уларнинг юз эллик нафари Хаттоб жанобларининг илтимосига биноан Гуржистон тоғлари оша Чеченистонга ўтиб кетади!

Баширнинг қўлида бир қанча махфий маълумотлар жамлашиб қолганди. Ушалар тўғрисида кенгаш аъзоларини хабардор қилиш учун ўрнидан турди.

- Маҳмуд кенгаш аъзоларининг ишончини оқламади. Қасамёдини бузиб, Мисрга қочиб кетди. Одамларимиз ўша кунгидек изига тушиб, ўлдиришди. Эргаш-

бой жанобларининг махфий хабарномаси қандай қилиб унинг қулогига етиб боргани ҳам аниқланди. Айғоқчиларимизнинг маълум қилишича, муҳтарам Эргашбойнинг алоқачиси Маҳмудга махфий маълумотларни етказиб турган.

Ҳамма тўдабошига қаради.

- Бўлиши мумкин эмас, - деди у аччиқланиб. - Алоқачим энг ишончли ва содиқ одамим!

Башир унинг сўзига аҳамият бермади. Чўнтагидан диктофонни олиб, тугмачани босди. Маҳмуднинг овози эшитилди. «Лаънати Эргаш мени ўлдириш учун Русланга топшириқ берибди». Биргина калима Эргашбойни ўт устида ўтиргандай типирчилатиб қўйди. Далилий ашёни инкор этолмади.

- Борган кунимоқ унинг кўзларига мил тортаман, тирноқларини суғуриб оламан, тириклай қабрга тикмасам эркак эмасман! - деди алам билан кўлларини мушт қилиб. Туркан хоним тўдабошининг қўлидан ушлади ва киши билмас ҳаракатлар ила сонига қўйди.

- Иккинчи маълумот Тавилдара лагеридан қочган Шариф исмли йигит тўғрисида. Хуфяларимизнинг аниқлашича, у ҳукумат ишончини қозонган, мамлакатнинг энг нуфузли, донгдор фермерига айланган. Рўзномаларда «энг катта орзум мени тарбиялаган Ватанимга хизмат қилиш. Бу йўлда ўз жонимдан кечишга ҳам тайёрман», деб жар солган. Икки йил ичида қилган ишлари билан давлат раҳбарларининг эътиборига тушган. Уни таниган, билган одамларимиз ўртасида иккиланиш, ҳукумат тарафига ўтиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда. Тавилдара, Қоратегин водийсидаги йигитларимизнинг қўлига у ҳақда ёзилган рўзномалар яширин йўллар билан келиб тушмоқда. Қочоқларнинг кўпайишига айнан Шарифнинг эришайтган ютуқлари ҳам сабаб бўлмоқда. Қочоқлар ҳукумат идораларига бориб, афв этишларини сўрашмоқда. Кейинги олти ой давомида йигирма нафар

қочоқ иш билан, уй-жой билан таъминланган. Шариф зудлик билан ўртадан олиб ташланмас экан, одамларимиз ўртасида ҳукуматга бўлган ишонч кучаяди, қочоқлар эса кўпаяди!

- Мен ханжаримни қиндан суғурганман. Унинг боши учун ўн минг доллар ажратдим!

- Ўн минг доллар нима бўлади, муҳтарам Эргашбой! - мийғида кулиб қўйди Амирий. - Хоин ва қочоқларнинг, айниқса, ҳукуматнинг ишончини оқлаётган Шарифнинг боши учун пулнинг юзига қараманг. Кенгаш ўша йигитнинг боши учун юз минг доллар ажратади!

Бир одамнинг боши учун бу қадар катта маблағ ажратилганини ҳеч бирлари эслай олмасди. Ўтирганлар Абдуллоҳга, кейин Эргашбойга маъноли қарашди. Кенгаш раиси изоҳ берди.

- Катта пул тикилганига ҳайратланманг, жаноблар! Қочган одам давлатнинг ишончига кириши сизу бизнинг мағлубиятимиз ҳамда ғоямизнинг халққа таъсир қилмаганлигининг нишонаси. Биздан қочган одамни тавба қилиб, юрт остонасига бош уриб кириши ҳукуматнинг галабасидир. Ғоясининг устунлигидир! Ҳеч қачон сиёсат пулдан устун турмаслиги керак!

Абдуллоҳнинг сўзларига ўтирганлар бош ирғаб қўйишди.

- Кенгаш аъзоларига айтадиган яна қандай маълумотларингиз бор? - Чегечи Баширға юзланиб сўради.

- Бундан бир ой муқаддам Ғофур муҳтарам Эргашбойға Эронга ўтиб келаман, деб чиқиб кетган. Бироқ у йўлини ўзгартириб, Қирғизистон орқали Москвага жўнаган. Кетиш олдидан Вадим Вольфовичнинг ёрдамчиси Пономарёвни огоҳлантирган. Ғофур «мол»нинг ҳақиға хиёнат қилганлиги Вольфовичга аён бўлганди. У меҳмонни ўрмон четидаги қўл бўйида кутиб олишни маълум қилади. Пономарёв уни айтилган жойга олиб келади. Учрашув чоғида Ғофур хиёнат қилганини

тан олмайди. Эргашбой жанобларининг Ҳикмат орқали жўнатган мактубини кўрганда айбига иқроқ бўлади. Вольфович уни тимсоҳларига едириш мақсадида сувга ташлайди. Тасодиқ туфайли Ғофур омон қолиб, қочади. Бироқ шаҳардан чиқиб кетмайди. Мафия отасининг изига тушади. Пайт топиб, ярим тунда уни ўғирлаб, кўлга олиб боради. Вольфович ўн беш миллион долларга жонини сотиб олади. Ғофур пулни олиб яширинади. Америкалик дўстларимизнинг жўнатган махфий хабарномасига қараганда, Ғофур ва шериги ҳозир Москвада!

Баширнинг сўзларини эшитиб Эргашбойнинг энсаси қотиб қолди. Қандай қилиб бу маълумотлар Баширнинг кўлига тушди? Ғофурнинг қочганини, Вольфовичнинг жонига қасд қилмоқчи бўлгани, ҳозирда пойтахтдалигини билар экан, нега тутиб келмади, нега ўдирмади?

- Нега ўша итнинг боласини менинг кўлимга топширмадингиз? - деди қалтираб.

- Менинг вазифам тутиш эмас, маълумот йигиш! - жавоб қилди босиқлик билан Башир.

Бу маълумот Абдуллоҳ учун ҳам янгилик эди. Башир билан ёнма-ён юрган бўлса-да, бу тўғрида гаплашишмаганди...

- Нималар бўлаяпти, ахир?! - деди у мушти билан столни уриб. - Қачонгача жосуслик хизмати одамларимизнинг кирдикорларидан бизни огоҳ қилади-ю, тутиб кўлимизга топширмайди? Улар дўстми-душманми?! Биз қаёққа қараяпмиз? Айғоқчиларимиз нима иш қилишяпти?! Назаримда, америкаликлар бизни ўз одамларимизга қарши кўйиб, устимиздан кулиб, ишончли кишиларимизни йўқотишга уринмоқда. Менинг таклифим - бундан кейинги ишларимизга уларни аралаштирмаслик ва бажараётган ишларимиз хусусида ҳисоб бермаслик!

Абдуллоҳнинг бундай қарорга келишига кенгаш

аъзолари воқиф бўлмаган сабаб бор эди. Инглиз разведка агентлигининг Шарқ мамлакатлари бўйича махсус вакили Гуд у билан махфий учрашув ўтказиб, толибонлар етакчиси мулла Умарни жосуслик бошқармаси хизматидан воз кечишга кўндириш вазифасини топширганди. Катта бойликка умид қилган Абдуллоҳ бу топшириқни қойилмақом қилиб уддалади. Сохта маълумотлар ёрдамида мулла Умарнинг кўнглида жосуслик хизматига нисбатан ишончсизлик уйғотди. Толибонлар томонидан қўлга олинган ҳукумат раҳбарлари ва унга қарши курашган гуруҳ етакчилари яширинча турмалардан қочирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари заҳарланди. Бу ишда жосуслик хизматининг қўли бор, деган миш-мишлар тарқатилди. Шу тариқа мулла Умарнинг америкаликлардан кўнгли қолди. Фақат у Усама бин Ладендан қўрқар ва унинг ғазабига учрамаслик мақсадида жосуслик хизмати билан шунчаки алоқа қилиб турарди. Айни дамда сахий инглизлар ундан ўзларининг моддий ёрдамларини аяшмади. Қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашди. Туркияда ўтказиладиган кенгаш эса айнан жосуслик агентлигининг топшириги билан ташкил этилганди. Кенгаш аъзоларининг қалбида марказий жосуслик хизматига нисбатан ишончсизлик уйғотиш ва унинг хизматидан воз кечиш вазифаси юклатилганди. Кутилмаганда кенгаш аъзосининг америкаликларга ишончсизлик билдириши ҳаммани ҳайратга солди. Башир ўрнидан туриб кетишига бир баҳя қолди. «Нега бундай қарорга келди?», деган савол ўтирганларнинг бошида айланган бўлса-да, ҳеч ким оғиз очишга журъат этолмади.

Амирийнинг боши эгилганди. Мэхмед Чегечининг сабр косаси тўлганди.

- Биз марказий жосуслик хизматидан воз кечадиган бўлсак, ишлаб чиқилган тизимлар душманларимиз қўлига етиб боради, - деди у хавотирланиб.

- Тизим аллақачон фош бўлган! - деди Абдуллоҳ алам билан қўл силтаб. - Кейинги икки ой ичида ўнлаб ишончли одамларимиз қўлга тушди. Ўта муҳим объектларни портлатиш, давлат бошлиқларининг машинасига бомба қўйиш, элчиларни ҳайдаб чиқариш тўғрисидаги режаларимиз барбод бўлди. Душанбеда, Олмаотада, Қобулда элчихоналарга қўйилган бомбалар портламади. Россияга жўнатилган камикадзеларнинг ҳаммаси қўлга тушди. Туркан хонимнинг ўн йилдан бери яширин фаолият юритаётган Покистондаги қароргоҳи ўзбек хавф-сизлик хизмати томонидан фош этилди. Дунё ҳамжамияти олдида юзимиздаги ниқоб олиб ташланди, шарманда бўлдик. Чеченистонга жўнаб кетаётган йигирма нафар ўтда ёнмайдиган йигитларимиз осмонда портлатиб юборилди. Бу нимаси, ким бизнинг сирларимизни ҳукумат идораларига стказыпти?! Уйлаб кўринглар, амалга оширмақчи бўлган ишларимиздан жосулик хизматидан бошқа бирорта махфий хизмат маҳкамаси хабардормиди? Бизнинг хавф-сизлигимизни таъминлайдиган, сидқидилдан ёрдам берадиган бирорта ишончли ташкилот борми? Башир жаноблари, сизни ахборот билан таъминлаётган жосулик бошқармаси нега бу ишларни била туриб олдини олмаяпти?! Нега эркин ишлашимиз учун шароит яратиб бсрмаяпти?! Ғанимларимиздан ўч олмаяпти? Уларни тугиб қўлимизга топширмаяпти? Назаримда, дунёни титратиб турган жосулик хизмати ўзбеклар олдида ўзининг сариқ чақага қимматлигини сездириб қўйди. Сизларни ишонтириб айтаманки, Тавилдарада ҳам, Қоратегинда ҳам бизга қарши кучлар иш олиб боряпти. Улар бизнинг ичимизга шу қадар кириб кетганки, олаётган нафасимизни ўз идораларига бемалол етказиб турибди. Бу кетишда бадном бўламиз, битта қолмай қўлга тушамиз ёки қирилиб кетамиз. Билиб қўйинглар, биз қонли кўйлак билан олов ичига кирганмиз, мана шу кўйлак бизни ёниб кетишдан

Исҳоқжон НИШОНОВ

асрайди. Уни фақат ўлганимизда ечиб олишади!

- Таклифингиз? - сўради Мэхмед Чегечи.

- Таклифим, жосулик хизмати ёрдамидан воз кечиш!

- Унда ким билан ҳамкорлик қиламиз? - сўради Амирий.

- Биз, - Абдуллоҳ инглиз жосулик агентлигини айтмоқчи эди, бироқ тилини тишлади. Бундай фикр айна дамда ундан чиқиши мумкин эмасди. - Кенгашнинг кейинги йиғилишида бу масалани ҳал қиламиз. Ҳозирча ўзимизнинг кучимизга ишониб ишлаймиз, - деб кўя қолди.

- Менга Ғофур керак! - Мэхмед Чегечи Баширнинг олдига келиб, унинг кўзларига тикилиб шундай деди:

- Бисотимдаги бор пулимни унинг жони учун тикдим. Ўша, сизга маълумот жўнатган дўстларингизга қимор ўйинига кирганимни айтинг! Ғофур менга тириклай керак!! Мана шу курсида, мана шу дўстларим даврасида унинг сўзларини қулогим билан эшитишни истайман! - Мэхмед Чегечи бармоқларини мушт қилиб столга урганда, кўлидаги қоғоз оёғим остига келиб тушди. Кўзимнинг қири билан араб имлосидаги ёзувларни ўқидим. Мен Нурчилар ташкилотининг етакчиларининг исмларини ва уларнинг номларини хотирамда сақлаб қолдим.

- Сирларимизнинг фош бўлишида Ғофурнинг кўли бор демоқчимисиз, афандим? - сўради разведка бошлиғи.

- Мени бошқа шубҳали одамим йўқ, Башир жаноблари! Ахир у жосулик хизмати ходими, билан яхши таниш.

- Сиз шуни истар экансиз, талабингиз бугундан бажарилди, деб ҳисобланг. Иншооллоҳ, бир ой ичида Ғофурни шу ерда кўрасиз!

Кенгаш иши яқунланди. Жангариларни Помирга кўчириш фикридан вақтинча қайтарганим - дастлабки

ютуғим эди.

Эргашбой лагерга эртага жўнашини маълум қилди. Қолганлар тарқаб кетишди.

- Ҳозир меҳмонхонага бориб дамингни ол. Ташқарига чиқма. Кечаси эшикни очма! - Тўдабоши менга шу сўзларни айтиб, Туркан хонимнинг қўлтигидан олиб, ним қоронғу хонага кириб кетди.

О К Е А Н О Р Т И Д А

Туркияда ўтадиган кенгаш йиғилиши жосуслик бошқармасининг Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари билан ишлаш бўлимидан қанчалик сир сақланмасин, барибир улар бундан хабар топишди. Сабаби оддий эди - Абдуллоҳ Робинсоннинг ходимларида шубҳа уйғотганди. Ортидан одам тушганини, босган ҳар бир қадамини эмас, ҳатто олаётган нафасини ҳисобда турганини у қанчалик ҳушёр ва муғомбир бўлмасин, хаёлига келтирмаганди. Мэхмед Чегечининг идораси бир нечта кўриқчилар томонидан кеча-ю кундуз қаттиқ кўриқланишига қарамасдан, Робинсоннинг одамлари ичкарига киришга, овоз ёзиш мосламаларини ўрнатиб чиқиб кетишга муваффақ бўлганди. Шу сабабли бошқарманинг тўртинчи қаватидаги 452-хонасида бўлим бошлиғи минглаб чақирим олисда бўлиб ўтаётган йиғилишдаги сўзларни диққат билан эшитиб қолмай, балки кенгаш аъзоларининг кайфиятларини ҳам ҳис этиб ўтирарди. Робинсоннинг ёнида тўрт йилдан бери Абдуллоҳ билан боғланиб, ундан махфий маълумотларни олиб, ўз навбатида унга керакли топшириқларни бериб турган Петрсон тик турарди. У тўрт ой муқаддам мана шу хонага кириб, бошлигининг қулоғини Абдуллоҳнинг ишидан кўнгли тўлмаётгани, Англия марказий жосуслик агенти ходими билан алоқага чиққани тўғрисидаги нохуш хабар билан қизитганди. Ўшанда Робинсон унинг сўзларига у қадар аҳамият бермаган, аниқ-

роғи ўттиз йил алоқада бўлган жосусни англизларга сотилиб кетишини мутлақо ҳаёлига келтирмаганди. Абдуллоҳнинг кенгашдаги гап-сўзларини тинглаб ўтирар экан, бир пайтлар Петрсон келтирган хабарларнинг ҳақлигига ишонишга мажбур бўлди. Сув босганда чўқаётган орол мисоли Абдуллоҳга бўлган ишонч унинг қалбини совутиб борарди. «Биз жосуслик хизматидан воз кечишимиз, алоқани узишимиз керак», деб айтган сўзлари Робинсонга ёмон таъсир қилди. Ғазаб билан столнинг қиррасини шу қадар қаттиқ мижғилади-ки, бармоқлари қирсиллаб кетди. Абдуллоҳнинг хиёнатини ақлига сиғдиролмади. Рўпарасида турганда, сира иккиланмай пешонасидан отиб ташлаган бўларди. Ахир, унинг қўлида мутлақо махфий бўлган, бир қатор хорижий давлатларнинг махфий хизмат маҳкамаларини қизиқтирган маълумотлар бор. Робинсон унга ҳаддан ташқари қаттиқ ишонганидан, ҳужжатларни топширганидан илк бор пушаймон бўлди. Жосуслик хизмати Абдуллоҳга нафақат Афғонистон билан боғлиқ, балки Марказий Осиё давлатларидаги ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг чизмаларини тўплаш вазифасини топширганди. Абдуллоҳ бу топшириқни Робинсон кутганидан зиёда уддалади. Тавилдара ва Қоратегин водийларига жангариларнинг жойлаштирилиши ҳам Абдуллоҳнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилди. Улар билан алоқа ўрнатилиши жосуслик бошқармасининг муваффақияти эди. Робинсоннинг сценарийси асосида Эргашбойга ўхшаганлар Марказий Осиё давлатларида бир қатор кўпоровчилик ишларини амалга ошириш, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариш, одамларда ваҳима уйғотиш, тушкунлик кайфиятини вужудга келтириш, янги қурилаётган биноларни, завод-фабрикаларни портлатиб, давлатларнинг иқтисодига жиддий зарар етказиш ва шу йўл билан «қудратли» давлатга қарам қилиш эди. Айрим давлат раҳбарларига, консулхона ва элчихона ходимларига

нисбатан суиқасд уюштириш ҳам ана шу режага кирилганди. Айнан Робинсоннинг топшириги билан ҳар икки лагерда ашаддий қўпоровчилар тайёрланди. Уларнинг қўли билан нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёнинг бошқа мамлақатларида ҳам қўпоровчилик ишлари содир этилди. Ўз жосусини йўқотиш Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларидаги алоқаларнинг узилиши билангина чекланмай, бошқа давлатларга қарши режалаштирилган фитналарнинг барбод бўлишига олиб келарди. Петрсон айтганидек, Абдуллоҳ инглизлар томонига оғиб кетса, махфий тизимлар фош бўлади. Булар жосуслик хизмати учун жудда катта йўқотиш бўлиб қолмай, балки унинг обрўйига путур етказарди. Кўзларини бир нуқтага қадаб ўтирган Робинсоннинг хаёлига Абдуллоҳнинг бундан кейинги тақдирини ҳал қилиш масаласи келди. Энди у билан узилган риштани тиклашга бўлган ҳаракат фойдасиз эди!

- Зудлик билан Абдуллоҳнинг ўрнини босадиган ишончли одам топишимиз керак! - деди Робинсон ходимига юзланиб. - Унинг кўзлари гамга ботган, юзларига ташвиш из солганди. Петрсон бошлиғининг мақсадини тушунди.

- Мулла Умарнинг одамлари ичида агентларимиз бор, бироқ Бурҳон билан Эргашбойга чиқадиган алоқачимиз йўқ!

- Топасан! Бугундан қолдирмай Абдуллоҳни ўртадан олиб ташлайсан! Унинг тирик қолиши биз учун хатарлидир.

- Қўлида биз ишлаб чиққан тизим механизмлари бор. Йўқотишдан олдин уларни қайтариб олишимиз керак!

- Ўлган одам сирларимизни фош қилолмайди! Кенгашга янги аъзо бўлган Бўрон билан қизиқдингми?

- Қизиқдим.

- Нималарни аниқладинг? - деди овози титраб..

Петрсон кенгашнинг янги аъзоси тўғрисида бир ой муқаддам Баширдан эшитганди.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бўрон уч йилдан бери Эргашбойнинг қўлида хизмат қилади. Унинг текшируви ва синовларидан ўтган. Бир йил муқаддам шу ерда яшовчи Зебо исмли қизга уйлانган. Аёли туғиш пайтида вафот этган. Боласини қўшни аёллардан бири тарбияламоқда.

- Жуда яхши, биз Бўронни тарбиялаймиз! У нафақат мулла Умарга, балки бизга ҳам хизмат қилади. Абдуллоҳнинг ўрнини шу йигит босади.

- Таклифимизни қабул қилармикин? - ишончсизлик билан сўради Петрсон.

- Фарзандини яхши кўрса, албатта бизга хизмат қилади, - деди Робинсон.

Петрсон маъноли бош ирғади.

- Ҳозироқ йигитларингга хабар жўнат. Бўрон биз билан ишлашга рози бўлгунча, унинг боласидан кўз-қулоқ бўлиб туришсин. Афғонистонга қайтган куниёқ у билан алоқага чиқасан!

- Фофурни ҳам ўртадан олиб ташлаш керак, - фикрини билдирди Петрсон. - У кенгаш аъзоларида шубҳа уйғотди.

- Бу масалада шошмаслик керак. Айнан ундан шубҳаланишлари бизнинг ишимизга қўл келиши мумкин. Фофурнинг Москвада эмин-эркин ҳаракат қилиши учун Вадим Вольфовични йўқотамиз.

- Вольфовични? - ҳайрон бўлди Петрсон. - Ахир у жангариларни наша эвазига қурол-аслаҳа билан таъминлаб турибди.

- Энди таъминлай олмайди. Вольфовичнинг ишонган одамини мудофаа вазири лавозимидан бугун эрта-лаб озод қилишади.

- Уни Москвада йўқотиш хатарли, - эътироз билдирди Петрсон.

- Шундай бир сценарий ишлаб чиққинки, инглизлар Вольфовични Лондонга чақиришсин. Ўша жойда мафия сардорлари бизга ёрдам беради. Кейин Фофурни Вольфовичнинг ўрнига кўямиз. У билан алоқани уз-

«АФГОН ШАМОЛИ» - 4

манглар. Вақти келиб Марказий Осиёда биз амалга оширмоқчи бўлган ишларга Ғофурнинг ўзи етакчилик қилади!

- Эргашбой билан алоқаси узилганлигини унутманг!
- савол ташлади. Петрсон.

- Эргашбойга ишонч йўқ. У мустақил фикрга эга эмас, беқарор одам! Вақти келиб уни ҳам ўртадан олиб ташлаймиз!

- Тушунарли! - бош иргади Петрсон.

- Абдуллоҳ қачон ватанига қайтади? - асаблари толиққан Робинсон ўрнидан турди ва дераза ёнига келди.

- Эрталаб Эронга учади. У ерда бир кун туриб, кейин юртига қайтади.

- Башир-чи?

- У Арабистонга жўнайди.

- Қандай иш билан?

- Хаттоб Чеченистонга жангарилар жўнатишни талаб қилмоқда... Юз нафар одам олиб келмоқчи!.

- Яхши! Унинг ҳаракатлари рағбатга лойиқ!

- Абдуллоҳ-чи?

- Ўқиган ҳукмимни эшитмадингми? Ҳозироқ одамларинг уни ресторанда шарқона усулда меҳмон қилишин!

Петрсон бошлигининг мақсадини тушунди ва хонадан чиқиб кетди.

И С Т А Н Б У Л

Қош қорайганда меҳмонхонага қайтдим. Хонага кирганимда димоғимга сигарета ҳиди урилди. Яқинда кимдир хонада бўлганини сездим. Деразаларни очдим. Денгиздан эсаётган салқин эпкин ичкарига урилди. Бир ҳафта бурун мен билан учрашувга чиққан ходимга йиғилиш ўтказиладиган жойнинг манзилини эслатганим. Учрашишга кимдир чиқса керак, деб ўйлаган-

дим, афсуски, мени излаб бирорта одам келмади. Диванга ўтириб, йиғилишда кўрилган масалалар ҳақида ўйладим. Ҳар икки лагердаги жангарилар Помир тоғига кўчириладиган бўлса, биринчидан, улар катта кучга айланади. Иккинчидан, Қирғизистон ҳукумати йўлак очишга рухсат берса, бу Ўзбекистон учун катта хавф. Наркотик моддаларга айирбош қилинган қурол-аслаҳалар айнан шу йўлакдан мамлакат ичкарисига олиб қирилади. Башир ва Абдуллоҳ жаноблари бунинг ҳисобини олишган. Бунга йўл қўйиш мумкин эмасди. Амирий томонидан жангариларни қўллаш учун ажратилган пул, Шарифнинг бошига тикилган юз минг доллар, Вадим Вольфовичнинг қурол-аслаҳа жўнатиши - буларнинг барчаси ўта жиддий масалалар эди. «Гул» операциясини амалга оширмоқчи бўлган камикадзеларни шу сўрнинг ўзида йўқотиш керак, дсб ўйладим. Лекин қандай қилиб? Бир ўзим бу ишларнинг улдасидан чиқолмайман. Ҳар икки лагердан ишончли одам топишим керак? Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Қоратегиндаги жангариларнинг ҳаракатидан огоҳмикин? Хаёлимга бир-биридан даҳшатли саволлар ёпирилиб келарди. Эшик тақиллаётганини анчадан кейин билдим. Остонага келганимда Эргашбойнинг гапи ёдимга тушди. Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ. Оёғимнинг товушини ташқаридаги одам эшитганига амин эдим. Калитни бурадим. Остонада хизматкор турарди.

- Бей афандим, кечки овқат келтирдим!

- Ташаккур, яқинда овқатландим, кераги йўқ!

Хизматкор сўзимга аҳамият бермади, аравачасини судраб ичкарига кирди. Егуликларни стол устига қўяётганда, бармоғидаги узукда кўзим тўхтади. Мен билан алоқага чиқадиган ходимнинг чап бармоғидаги узукнинг кўзида араб имлосида Али сўзи ёзилган бўлиши керак эди.

- Шерингиз келадиларми, афандим? - сўради

хизматкор турк тилида.

- У киши Мэхмед Чегечининг уйида қолди! - унга аниқ жавоб беришга уриндим.

- Келмайдиларми? - хизматкор бирдан менга қаради. Кўзларимиз учрашди. Нигоҳларимиздан бир-биримизни тушунгандим.

- Шундай!

Ўртамизда фақат ўзимизга маълум бўлган, аввалдан ўргатилган сўз ўйинлари ишлатилиши керак эди.

- Овқатни олиб қоласизми?

- Рус ароғи йўқ экан!

- Турк ичимликлари ёқмайдими?

- Грузинларнинг чачасидан йўқми? Икки юз грамм ичгим бор!

- Ҳозир олиб кирайми?

- Ичгим келганда ўзим телефон қиламан!

- Тунингиз хайрли ўтсин, афандим!

- Сизга ҳам яхши тун тилайман!

Хизматкор аравачасини судраб, хонадан чиқиб кетди. Ўртамиздаги сирли савол-жавоблар орқали мен йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан унга қисқача ахборот бергандим.

Оқшомни Туркан хонимнинг кучоғида ўтказган Эргашбой эрталаб меҳмонхонага шошилиб кириб келди. Негадир руҳи тушиб кетганди.

- Мени ким сўради? - деди ичкарига кирибоқ.

- Бирорта танишингиз келиши керакмиди?

- Эшикни нега очдинг?

- Хизматкор овқат олиб кирганди.

- Унга ҳам очмаслигинг керак эди, - сўзимни бўлди Эргашбой. - Ташқарида машина кутиб турибди. Тезда юкларни олиб пастга туш!

Йиғилиш поёнига етганидан сўнг Мэхмед Чегечи Амирий жаноблари билан Абдуллоҳни хонада қолишларини илтимос қилди. Одатда бу учлик йиғилишлардан сўнг кўпинча бирга қолишар, бажарилиши лозим

бўлган муҳим ишларни маслаҳатлашиб олишарди. Башир суҳбатда иштирок этолмаслигини маълум қилди. Унинг шошиб тургани шерикларига аён эди. Қирғизистонга ўз одамини жўнатиб, у ердан Ўзбекистонга кирадиган йўлак очишга ҳукумат раҳбарларининг рухсатини олиши ва бир ҳафта ичида кенгаш раҳбарига бу ҳақда маълум қилиши шарт эди.

Чегечининг назарида йиғинда кўтарилган масалалар етарли ҳал бўлмаган, аниқроғи айтилган гаплардан унинг кўнгли тўлмаганди. Катта пулларни ваъда қилган Амирийнинг юрагини бошқа нарса кемирарди. Шу кунгача миллионлаб пулларни гуруҳ фаолиятини жонлантиришга сарф қилди-ю, бироқ натижа кўринмаяпти. Айниқса, Эргашбойнинг тўдасидан кўплаб хиёнаткорлар, қочоқлар чиқаётганидан қаттиқ ташвишга тушганди. У тўдабошининг лақмалигини билар, шу сабабли унга кўп ҳам ишонавермасди. Бугунги йиғинда Қоратегиндаги жангариларни Тавилдарага кўчириш, тўдабошининг ўрнига Бурҳонни бошлиқ этиб тайинлаш мақсадида келганди. Қирғизистон ҳукумати йўлак очишга рухсат бергунча бу масалани кейинга қолдиришга мажбур бўлди. Тўданинг энг ишончли одамларини, айниқса, Гофурнинг қочиши, Шарифнинг юртга қайтиб, обрў-эътибор топиши, Исмоилнинг тўйига жўнатилган «гулдаста»нинг портламаганлиги, катта маблағлар эвасига тайёргарликдан ўтган одамларнинг қўлидан иш келмаётганлиги, беш юз минг доллар эвасига Гули хоним «сабогини» олган аёллар топшириқни адо этмай қўлга тушганлиги кенгашнинг инқирозга юз тутаётганидан далолат эди. Қолаверса, Эргашбой энг ишончли, деб эътироф этган одамларининг горда қўлга тушишига ҳам Амирий тоқат қилолмасди. Энди нима қилиш керак? Бундай ишлардан воз кечиш лозимми? Маблагларни ҳавога созуришдан фойда борми? Мана шу савол Амирийнинг юрагидаги оромни қувиб солган ва қасос ўти

билан алангалантирганди. Кўкрагига кириб олган шайтон уни ҳар турли йўлларга соларди. Бироқ, у кўлини кўтариб ўйиндан чиқиб кетишни хоҳламасди. Кўз тикиб турганларга нима дейди? Амирий таслим бўлди, кўлидан ҳеч иш келмади, деб айюҳаннос соладиганлар олдида шарманда бўлмайдими?

«Йўқ, мен таслим бўлмайман, томирларимда қон оқиб, юрагим тепиб турар экан устимдаги қонли кўйлакни ечмайман. Ортга чекиниш йўқ. Менга қарши турганларни, йўлимга ғов бўлганларни устига дунё ташвишини соламан. Белимда қурол, чўнтагимда пулим бор экан, мақсадим йўлидан қайтмайман».

Мана шу фикрлар шерикларини тўхтатиб қолишга ундаганди. У Абдуллоҳнинг билагидан олиб, кенг залга бошлаб кирар экан сўради;

- Эргашнинг ишларидан кўнглим тўлмаяпти. Катта маблағ сарфлаб юзлаб одамларини тайёргарликдан ўтказдик. Натижа эса кўринмаяпти. Одамлари қочиб кетмоқда. Камикадзеларни қандайдир сабаб билан ҳамон ушлаб турибди!

- Андак сабр қилинг, азизим. Башир жаноблари Қирғизистон масаласини бир томонга сурган кунини Эргашни ўйиндан чиқарамиз. У бизнинг ишончимизни оқламаяпти!

- Каминанинг фикри ҳам шундай. Мақсадимиз бир жойдан чиққанини қаранг!

- Аллоҳ бизларни бир мақсад йўлида бирлаштирган, тақсир!

Иккалалари кулишди.

- Бўронни кенгашга бу қадар тез аъзо қилишингизнинг сабабини тушунмадим? Назаримда у тўдада кўзга кўринадиган, ҳаммамизнинг эътиборимизни тортадиган бирор иш қилмади! Эшитишимча, оддий аравакаш экан?

Абдуллоҳ шундай саволни кутганди.

- Мулла Умар жаноблари Эргашнинг одамлари ичи-

дан ўзимизга ишончли йигитлардан топишни буюргандилар. Башир жаноблари билан маслаҳатлашиб, биз Бўронни танладик. Изига одамларимизни қўйдик. Икки йил назоратимизда турди.

- Мақсад не эди?

- Мақсад - Саманган ва Қоратегин водийсида бўлаётган ишлардан огоҳ бўлиш. Эргаш ҳам, Бурҳон ҳам бизга бегона! Сиздек ҳиммати баланд инсонлар қанчадан-қанча маблағларни эзгу-мақсадимиз йўлида сарф қилмоқдасизлар. Бироқ, улар маблағларни тўғри сарфляптими? Ёки ҳамёнига тушмоқдами? Шуни аниқлаш. Қолаверса лагерга кимлар, нима мақсадда келиб-кетаётганини билиш. Эргашнинг қочиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас. Бизнинг одамимиз уни назоратда ушлаб туриши даркор.

- Демак, у бизнинг ишончли «қулоғимиз» эканда?!

- Шундай!

Иккалалари кулишти.

- Локин, «қулоқ»ларга ҳам у қадар ишониб бўлавермайди!

- Хотиржам бўлинг, бунинг чорасини ўйлаб қўйганмиз. Яқин кунларда сиримизни фош қиладиган одамларнинг бошига қандай кулфатлар тушишини кўзи билан кўради.!

- Ўта ҳушёр одамсиз мулла Абдуллоҳ!

- Сиздан дуо бўлса бас, тақсир!

- Менинг назаримда ҳар икки лагердаги йигитларни тезроқ бирлаштирадик қандай бўларкин? - сўради Амирий.

- Адолатли фикр, назаримда мулла Умар жаноблари ҳам шуни назарда тутаётган бўлсалар ажаб эмас!

Чегечи кириб келди ва шерикларининг олдига ўтирди. Унинг ортидан хизматкор лаганда қаҳва олиб кирди.

Амирий боядан бери юрагини кемираётган гапни айтди:

«АФФОН ШАМОЛИ» - 4

- Анови ювуқсиз юзимизга оёқ қўйди! - деди Туркан хоним кириб кетган хонага ишора қилиб. - Хонани ҳам нас бостирди!

- Нимасини айтасиз, - қўл силтади Чегечи. - Эрсирамай ўлсин, қанжиқ. Эргаш билан бир-бирларига айтадиган яширин сўзлари борга ўхшайди.

- Касофатинг ўзингга ургур, Эргашнинг қучоғига кириб, бизнинг айрим сирларимизни «гуллаб» қўймас, деб ҳавотирдаман. Эсингиздами, бир йил муқаддам Тавилдарага жўнатганимизда овоз ёзгични унинг тўшағида унутиб қолдирганди.

- Ўша матоҳга ёзилган гап-сўзларни Эргаш эшитган бўлса, нима хаёлга бордийкин?

- Шариат ургурга ишончим қолмади, - гапга қўшилди Амирий. - Уни кенгашдан чиқариш лозим.

- Кенгашдан чиқариш осон, аммо бу унга алам қилиб бизнинг сирларимизни дунёга ёймас, деб қўрқаман!

- Гапингизда жон бор, аёл зотига ишониб бўлмайди. Назаримда унинг кенгашга кераги ҳам бўлмай қолди.

- Тайёрлаган одамлари бизни шарманда қилган куниёқ унинг баҳридан ўтишимиз керак эди.

- Ҳали ҳам кеч эмас!

- Таклиф ўринли! Қасамёдига хиёнат қилган одамни ушлаб туриш, барчамизнинг бошимизга бало тошларини ёғдириши мумкин.

- Ундан ҳамма ишни кутса бўлади.

- Бошида қилич ўйнаб турибди.

- Баракалло!

Чегечи паст овозда сўради:

- Кенгаш қандай қарор қабул қилади, тақсир?

Амирий унинг мақсадини тушунди.

- Эрталаб унга ўзим ажойиб «совға» жўнатаман.

Унинг қандай «совға» жўнатишини ўтирганлар тушунишди ва маъқул, дегандай бош ирғаб қўйишди..

- Энди асосий масалага ўтадиган бўлсак, - дея гап

бошлади Чегечи. - Биз катта ўйинга кирдик. Бу ўйинда фақат галабани кўзлашимиз лозим. Ҳар бир қадами- миз учун миллионлаб пулларни сарфламоқдамиз. Афсуски бир йилдан буён Эргашнинг ишлари орқага кетмоқда. Назаримда биз томонимиздан ишлаб чи- қилган тизимлар душманларимизга аён бўлиб қолмоқ- да. Эргашнинг одамлари орасида айғоқчилар борга ўхшайди. Бўроннинг зиммасига кенгаш номидан ху- фяларни аниқлаш вазифасини топширмоғимиз лозим. Лагерда тозалов ўтказмас эканмиз, бизнинг сирларим- из фош бўлаверади, одамлар қочаверади, юртдагилар эса қўлга тушаверади.

- Мен бир ҳафта ичида бу топшириқни Бўронга етказаман!

Ҳаммалари ўринларидан туришди. Бир-бирларини бағриларига босишиб хайрлашдилар.

Туркан хоним Эргашбойнинг кучоғида тонгни уй- қусиз қаршилади. Бир-бирларининг дийдорларига тўй- ишмагани кўзларидан билиниб турарди. Айрилиқ оғир бўлса-да, Эргашбой кетишга мажбур эди. Лагердаги одамларидан ташвишланаётганди. Хоним эса у қадар шошилмади. Тўдабошини кузатиб, ойна олдига келиб ўтирди ва пардоз-андоз қилди. У Покистонга учиши лозим эди. Самолётнинг ҳавога кўтарилишига бир ярим соат қолганди. Чегечи унинг сўлиган гулдай буришган юзига нафратли нигоҳ ташлаб қўйди. Шун- чаки тил учида хайрлашди.

- Аллоҳ насиб қилса, бир ҳафтадан сўнг қайтиб келаман, - деди хоним.

- Керак бўлганингизда ўзимиз чақиртирамиз, - деди Чегечи ўзини зўрға қўлга олиб.

Хоним «Тунни Эргашбой билан ўтказганим учун аччиғи келаяпти», деб ўйлади.

- Мендан безганга ўхшайсиз?

- Бундай ўйга борманг, хоним! Сиз билан охиратгача биргамиз!

- У дунёга шошаётганим йўқ.

Туркан хоним кўчага чиқиб, такси ёллаб, аэропортга жўнади. Машинадан тушиши биланоқ нотаниш одам бир кучоқ гулдаста кўтариб келди..

- Эргашбой жаноблари шахсан сизга бериб юбордилар, - деди.

Гулдаста ажойиб ва қимматбаҳо эди. Бундай совгалар фақат юқори мартабали хонимларнинг туғилган кунларидагина ҳадя қилинарди.

- Мунча чиройли? - хоним гулдастани бағрига босди.

Самолётга йўловчиларнинг чиқиши давом этарди. Хоним совгани кўксига босганча чипталарни қайд этиш бўлимига шошилди. Самолётга чиққанда ҳам унинг икки кўзи гулдастада бўлди. Устидаги юпқа қогозни очиб, япроқларига лабини босди. Хушбўй ҳид димоғига урилди. Кўзларини юмиб, тўйиб-тўйиб искади. Вужуди яйради. Самолёт филдираклари заминдан узилганда Туркан хоним вужудида қандайдир ўзгариш содир бўлаётганини пайқади. Ўқчигиси келди, лекин, ўқчиёлмади. Кимдир бўғаётгандай ҳаво етишмади. Оғзини очиб, қўллари билан кўкракларини мижгилади. Ранглари кўкариб, кўз олди хиралашди. Чегечининг «Сиз билан охиратгача биргамиз», дегани ва бунга жавобан «У дунёга шошилаётганим йўқ», дсб айтган гапларини эслади. Наҳотки Амирий...

Стюардесса қиз келди.

- Хоним, сизга нима бўлди?

- Ҳеч нарса, ҳозир ўтиб кетади.

Стюардесса сув олиб келгани кетди. Қайтиб келганида хонимнинг боши кўкрагига осилиб тушган, лабининг бир четидан кўкимтир суюклик оқиб қўйлагига томар, кучоғидаги гулдаста оёқлари остида ётарди.

* * *

Мэхмед Чегечининг идорасидан чиққан Абдуллоҳ машинага ўтириб меҳмонхонага жўнади. Оч эди. Йўл бўйларидаги ошхоналардан бирига кириб тамадди қилмоқчи бўлди.

- Ресторанда тўхта! - деди ҳайдовчига. - Назаримда шу ерда яхшироқ овқат пиширишади.

Ҳайдовчи машинани тўхтатди. Абдуллоҳ ичкарига кирди. Ўринларнинг кўпи бўш эди. У бурчакдаги курсига ўтирди. Хизматкор келди.

- Оқшомингиз хайрли бўлсин, афандим!

- Сенга ҳам!

- Қандай таом буюрадилар?

- Қовурдоқ берсанг!

- Вискими, виноми?

- Юз грамм виски!

- Бош устига!.

Хизматкор буюртмани олиб кетди. Абдуллоҳ йиғилишда кўрилган масалалар тўғрисида ўйлади. Амирий гуруҳ фаолиятини жонлантириш мақсадида катта маблағ ажратгани айни муддао эди. Чегечининг таклифига биноан русларга «дори» жўнатиладиган бўлса, албатта ўзининг улишини бир баҳя кўтаради. Ахир имкониятдан фойдаланиб қолиш керак. Тора-Бора горида махсус ишлов берилган «дори»лардан жўнатишга қарор қилинган бўлса-да, бу ишлар мен орқали амалга оширилади, деб ўйларди Абдуллоҳ. Амирийнинг ҳам, Чегечининг ҳам қилаётган ишларининг таги кўринмаяпти. Эргашнинг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги кўпчиликка аён бўлган. Уларнинг ҳаракати сичқон-мушукнинг ўйинига ўхшайди. Шундай бўлгач, улардан фойдаланиб маблағ жамгариб олиши лозим. Ўтмай ётган «дори»ларини Эргашнинг қўли билан русларга пуллаш даркор.

Абдуллоҳ ўттиз йил давомида жосуслик хизматига

сидқидилдан хизмат қилди. Бу ташкилот унинг меҳнатларини Швейцария банкида икки миллион доллар маблағ қўйилиши, Австралияда ҳашаматли дала ҳовли билан тақдирланган бўлса-да, кейин сариқ чақа ҳам бермай қўйди. Жосуслик хизмати Афғонистон, Покистон ва Урта Осиёнинг бир қатор мамлакатларида режалаштирган ишларини айнан Абдуллоҳнинг қўли билан амалга оширди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг ер ости ва устки бойлик захираларининг ҳисобини, давлат ва одамлар қўлидаги бойликларни, давлат бойми ёки халқми, деган саволларга етарли жавобларни олган ва ўзининг кейинги режаларини ишлаб чиқишга киришганди. Албатта режани амалга ошириш учун Абдуллоҳга ўхшаш одамлар уларга ҳаводек зарур. Шу сабабли ҳам уни эътибордан четда қолдирмай, ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришарди.

Давлат мулла Умар бошчилик толибонлар қўлига ўтгач, бу ташкилот бир пайтлар ишлаб чиққан режаларини бемалол амалга ошириш имкони туғилди. Дунёнинг бир қатор мамлакатларидан каллакесар, таъқиб остига олинган давлат жиноятчилари бу юртга оқиб кела бошлади. Ва янги давлат барпо этиш мақсадида уруш бошлаган гуруҳлар сафига қўшилишди. Айрим махфий хизмат маҳкамалари учун Афғонистонни жангарилар тайёрлайдиган полигонга айланиб кетиши айни муддао эди. Улар ўзлари ишлаб чиққан режа ва дастурларни амалга оширишда айнан мана шу жангарилардан фойдаланиб қолиш мақсадида ўзларининг тажрибали ходимларини жўнатишди. Гуруҳларни қурол-аслаҳа, пул, озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлашди. Уларнинг қўли билан давлат тизимини издан чиқаришни мақсад қилишди. Абдуллоҳ жанобларига ўхшаш кимсаларнинг «камтарона» меҳнатлари асқотиб қолиши мумкинлигини ҳис этишди.

У билан эскириб қолган алоқани қайтадан тиклаш

лозим эди. Петрсон унга мулла Умар, Эргашбойларни назорат қилиш вазифасини топширди. Топшириқ уларнинг кўнглидагидек бажарилди. Афсуски тўланаётган маблаг Абдуллоҳни қаноатлантирмади. Ошкора равишда норози бўлди. Ўртадаги гап-сўзлар инглизларнинг қулоғига етиб борди. Агентни ўзларига оғдириш мақсадида у билан алоқа ўрнатишга шошилдилар.

- Биз меҳнатингиз учун пулни аяб ўтирмаймиз, - деди инглиз жосуслик хизмати ходими.

- Қандай топшириқни бажаришим керак?

- Қўлингиздаги жосуслик бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган стратсгик маълумотларни, бу ерда махсус тайёргарликдан ўтаётган жангариларнинг исми-шарифлари, уларнинг қайси давлатларга ва нима мақсадда жўнатилишини, нима ишларни амалга оширишлари тўғрисидаги ахборотлардан бизни хабардор қилиб турсангиз бас!

- У ҳолда мен жосуслик бошқармасидан юз ўгиришим ва алоқани узишим керак, шундайми?

- Бунга ҳожат йўқ. Улар сизни биз билан ишлаётганингизни мутлақо билишмайди. Топшириқларини бажараверинг. Фақат биз хабардор бўлсак, бас!

- Адашмасам икки ташкилотга бирдай хизмат қиламан!

- Бир-биримизни тўғри тушундик!

- Кенгашни хабардор қилишга мажбурман. Ахир қасам ичганман. Сезиб қолишса, мени ўлимга маҳкум қилишади.

- Ўлимдан кўрқманг. Шу соатдан бошлаб сизни ҳимоямизга оламиз.

- Ишонсам бўладими?

- Шубҳага ўрин йўқ!

- Яна қандай топшириқ берасиз?

- Кенгаш аъзоларига жосуслик бошқармасидан воз кечиш таклифини киритсангиз ёмон бўлмасди. Буни

шунчаки маслаҳат сифатида ўртага ташланг, қизишманг. Ўзингизни биз томонимизда эканлигингизга шубҳа уйғотиб қўйманг. Шерикларингизнинг фикрини ўрганинг. Ким қарши, ким биз билан ишлашга тайёр, ким жосуслик бошқармаси тарафдори, шуларни ўрганишимиз шарт. Иккинчи топшириқ, сиз мулла Умар жанобларига ҳам ўзингизни жосуслик хизматидан норози эканлигингизни сездингиз. Улардан шикоят қилинг. Секин-асталик ҳамда эҳтиёткорлик билан уни бу ташкилотдан сугуриб олишимиз керак. Сизнинг бу хизматларингиз банкдаги ҳисоб рақамингизга ўн миллион доллар қўйилиши билан тақдирланади!

Абдуллоҳни айтилган маблағ қизиқтириб қолди. Таклифни бажону дил қабул қилди. Келадиган даромад уни ўйлаш ва фикрлашдан маҳрум қилиб қолмай, балки ҳаётини хавф остига солиб қўйганди...

Ушбу учрашувнинг бўлиб ўтганига бир ой тўлган бўлса-да, жосуслик агентлиги ходими ундан кўпгина маълумотларни олди.

Ўзини эҳтиёткор ва ҳушёр деб билган Абдуллоҳ изига марказий жосуслик бошқармасининг ходимлари тушганини ва босган ҳар бир қадамини кузатиб боришаётганидан беҳабар эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Робинсон Абдуллоҳга ўзининг ҳукмини ўқиганди. Уни ижро этиш мақсадида Туркиядаги резидент Абдуллоҳнинг таъқиб остига олганди. Улар бирин-кетин ошхонага киришганди. Бироқ резидент столга ўтирмади. Абдуллоҳнинг олдига борган хизматкорнинг қайтишини қоронғу йўлакда қутиб турди.

- Хизмат афандим? - чиройли табассум ила сўради аёл. У қотмадан келган, узун бўйли жосусни яхши танирди.

Резидент ён чўнтагидан бир боғлам доллар олиб, киши билмас ҳаракатлар билан аёлнинг чўнтагига солди. У пулнинг хизматини бажариш лозимлигини

Исҳоқжон НИШОНОВ

тушунди. Қўлини кўксига босиб, яна чиройли табас-сум инъом қилди. Резидент кичкинагина шишачани аёлга тутқазди.

- Бурчакда ўтирган жанобни шарқона меҳмон қиласиз, - деди сирли жилмайиб.

- Хотиржам бўлинг, афандим. У бизнинг азиз меҳмонимиз, бу ердан хафа бўлиб чиқиб кетмайди.

Резидент аёлнинг ёғ иси анқиб турган чиройли қўлчасини лабига босиб хайрлашди. Хизматкор шиша идишчадаги пушти ранг кукунни овқат устига сепди.

Хаёли ўзидан олисларга кетган Абдуллоҳ тепасида хизматкор пайдо бўлганини сезмай қолди. У овқатни мижознинг олдига қўйди.

- Ёқимли иштаҳа, ош бўлсин, бейим!

Овқатни кўриб, Абдуллоҳнинг иштаҳаси очилиб кетди. Қўлини қошиққа чўзганда телефони жиринглади. Учириб қўймаганидан афсусланди. Лекин кўтармади. Олдига қўйилган таом унинг кўзига жуда чиройли кўринди, таралаётган ис иштаҳасини қитиқлади. Бир қошиқ таомни оғзига солиб, эринмай чайнади. Иккинчи қошиқни олганда кўзи телефон рақамига тушди. Жосуслик агентлиги ходими кўнгироқ қилаётганини билди ва оғзидаги овқатни чайнамай ютиб, телефонни олди.

- Эшитаман, - деди

- Жаноб, олдингизга қўйилган овқат заҳарланган!

Абдуллоҳнинг юрагига гулгула тушди. Типирчи-лаб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Тезгина ўрнидан туриб, ташқарига чиқди..

- Меҳмонхонагами? - сўради ҳайдовчи.

Абдуллоҳ гапиролмади. Ичи қизиб борарди. Бўйнидан кимдир бўғаётгандай нафас ололмай қийналарди. Қусқиси келарди, бироқ ўқчигани билан ичидан ҳеч нарса тушмасди.

- Сизга нима бўлди, бейим? - сўради ҳайдовчи.

Кўзлари ола-кула бўлиб кетган Абдуллоҳ жавоб

бермади. Агентлик ходими жосусни изма-из кузатиб борарди. Йўл-йўлакай Абдуллоҳга қўнғироқ қилди, бироқ гўшакни кўтармагандан аччиқланди. Ниҳоят жавоб берганда фақат икки оғиз сўзни айтишга улгурди.

- Зудлик билан касалхонага боринг!

Бу орада жосус кичкинагина кўчага бурилганди. Кўчалар қоронғу эди. Агентлик ходими жосусга етиб олди. Америкалик ортидан келаётган одамни кўриб, изига тушишганини билди. Ёнида ўзини ҳимоя қиладиган қуроли ҳам, пичоги ҳам йўқлигидан афсусланди. Рақибининг ҳужумидан ҳимояланиш мақсадида қўлларини чўнтагидан чиқарди. Аммо инглиз унга яқинлашмади. Атрофга қаради. Одам кўринмади. Учига овоз ютгич ўрнатилган тўпончадаги ўқдондан икки дона патронни бўшатиб, ўзини зулмат қаърига урди.

БИШКЕК

Башир Арабистонга учмади. Меҳмонхонага келди-ю, кенгаш аъзолари олдида берган ваъдасининг улдасидан чиқиш мақсадида ўзининг ёрдамчиларидан бири Яҳёни чақиртирди.

- Ҳозироқ Москва орқали Қирғизистонга учасан. У ерда одамларимиз сени чипта билан таъминлашади. Бишкекда Эржигит кутяпти.

- Қандай топшириқ билан? - сўради Яҳё.

Башир мақсадини тушунтирди.

- Учрашув натижасини зудлик билан менга маълум қил!

Яҳёни Шеремъетово аэропортида Баширнинг одами кутиб олди. Қўлига чипта тутқазди.

- Ярим соатдан кейин самолёт учади. Манас аэропортида ўзимизникилар сени кутишяпти. Қўлида «димломат», кўзида қора кўзойнак бор. Олдинга келиб тожик тилида саломлашади. Сен қирғиз тилида жавоб қила-

сан. Тушунарлими? - деди нотаниш кимса.

- Шу йигитнинг исми Эржигитми? - сўради Яҳё.

- Йўқ, у сени Эржигитнинг олдига бошлаб боради.

Яҳё рўйхатга олиш бўлимига кириб кетди.

Самолёт Манас халқаро аэропортига келиб қўнганда тонг ёришганди. Яҳёнинг бу юртга дастлабки келиши эмасди. Тўқсонинчи йилнинг бошларида Баширнинг топшириғига биноан Ўш ва Жалолободда, сўнгра Боткентда бўлганди. Яҳё меҳмонхонага жойлашиб, Эржигитга сим қоқди. Ярим соат ўтиб у етиб келди.

- Ўзбекистонга ўтадиган хавфсиз йўлак очишимиз керак. Ҳукумат раҳбарларига гали ўтадиган одам топ! Бу кенгашнинг топшириги! - деди.

- Одам топамиз, аммо ҳукумат раҳбари бунга рухсат бермайди. Ўзбек билан қирғизлар азалдан қуда-анда, қариндош-уруғ. Йўлак очиб берса, икки халқ ўртасида низо чиқади. Қон тўкилади!

- Бизга шу керак, - деди Яҳё тап тортмай. - Ҳозир ўтмишни, қариндош-уруғчиликни ўйлайдиган вақт эмас. Сен одамни топавер, уни ўзим қўндираман.

- Қийин ишни бўйнингга олибсан, майли сен айтган одамни топаман. Бироқ у бу ишнинг уддасидан чиқадими, йўқми гарантия беролмайман.

- Бу ёғини менга қўйиб бер. Бизникилар қирғизларга ва ҳукуматнинг дахлсизлигига ҳеч қандай зарар етказмайди. Ажратилган йўлақдан бир қарич ҳам четга чиқмаймиз. Аксинча, ҳукуматнинг яхшилигини қадрлаймиз. Ёрдам берамиз!

- Қандай ёрдам?

- Ҳозир мамлакатнинг иқтисодий аҳволи танг, одамлар ярим йилдан бери иш ҳақи олишмаяпти. Нархнаво осмонда. Коррупция авжига чиққан. Аҳоли ўртасида ҳукуматга нисбатан нарзилик кучаймоқда. Бу кетишда ҳукумат билан халқ ўртасида жанжал келиб чиқиши, қон тўкилиши, охир-оқибат ички инқилоб вужудга келиб, илиги қалтираб турган ҳукумат парча-

ланиб кетиши мумкин. Бундан ташқари ҳукумат Хитой ва Россия давлатларидан жуда катта миқдорда қарздор. Уни ёпишнинг иложи йўқ, муддат оз қолди. Эрта- индин улар ҳақини қисташади. Ҳукуматингиз биз қўйган талабни бажарса, бугундан бошлаб ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотларига тўлдириб ташлаймиз. Тўланмаган иш ҳақларини ёпамиз, Хитой ва Россиядан олинган қарзларни ҳам тўлаймиз! Бу ишнинг тепасида турганларнинг ҳар бирига Швейцария банкида махсус ҳисоб рақами очилиб, ўн миллион доллардан маблағ қўйилади. Буларнинг барчасини чўтга соладиган бўлсанг, юз миллиарддан зиёдроқ маблағ кетади. Бу катта пул, Эржигит жаноблари. Арзимаган йўлак учун давлатингга шунча маблағни хайри-эҳсон қилишимизни ўйлаб кўр! Яна бир гап, яқинда бўлиб ўтадиган сайловда амалдаги раҳбарнинг қолишига кафолат берамиз!

Меҳмон улкан ваъдаларни тилга олганди. Эржигит ўйланиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатдаги вазият ташвишли эди. Ишчилар, талабалар, нафақахўрлар олти-етти ойдан бери маош олишмаётгани, турли шаҳар ва вилоятларда норозилик митинглари бўлаётгани ана шу вазиятнинг келиб чиқишига ва кескинлашишига сабаб бўлаётганди. Хитой ва Россия ҳукуматлари қарзларни тўлаш вақти келганлиги тўғрисида ташқи ишлар вазирлигига огоҳлантириш хатини жўнатганди. Давлат мана шундай оғир вазиятни бошидан кечириб турган пайтда Яҳёнинг таклифи раҳбарларга маъқул келиши мумкин эди. Зеро, эни икки қадам йўлак учун давлат ҳеч нарса ютқазмайди. Қолаверса, Башир йўлакни умрбодга сўраётгани йўқ. Истаган пайтда уларни чиқариб ташлаши мумкин.

- Таклифингизни керакли одамларга етказаман, улар ўйлаб кўришади! - деди Эржигит.

- Қанча вақт кутаман!

- Икки кунда масала ойдин бўлади.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Демак, биз яна шу хонада учрашамиз!

- Албатта!

- Унда мен ҳозироқ кенгаш аъзоларига бу тўғрида хабар жўнатишим мумкин!

Эржигит нима дейишни билмади. Яхё буни розилик аломати, деб қабул қилди.

Эржигит ўша куни давлат раҳбарининг ёрдамчиси Оқтойнинг хузурига кириб, Баширнинг талабини айтди. Оқтой ўзига тегиши лозим бўлган пулнинг қийматини эшитиб, ўрнидан туриб кетди.

- Эни икки метрли йўлак холосми, бошқа жой сўрашмайдими? Бизнинг одамларни қийнашмайдими? Майли, тоғ оралиғидан бўлса, берамиз. Мен ҳозироқ раҳбарнинг хузурига кираман, розилигини оламан!

Оқтой типирчилаб қолди.

- Раҳбарнинг хузурига киришдан аввал ёрдамчиси Худайбергановга учранг, - ўзича маслаҳат берди Эржигит. - Ҳар бир масала унинг иштирокисиз ҳал бўлмайди. Ота рози - Худо рози, деганларидай Худайберганов кўнса, албатта раҳбар ҳам рози бўлади!

Худди гуриллаб ёниб ўчган алангадай Оқтойнинг ҳафсаласи пир бўлди. Худайберганов давлатлараро масалага жиддий ёндашишини у яхши биларди.

-Уларнинг мақсади Қирғизистонни иккинчи Афғонистонга - жангарилар тайёрлайдиган полигонга айлантириш. Бу билан икки халқ ўртасидаги азалий дўстликни, биродарликни, қариндош - уруғчиликнинг илдизига болта уриш! Ўзбек халқи ҳамisha бизнинг яхши-ёмон кунларимизда ёнимизда турган. Бошимизга мусибат тушганда еб турган нонини берган. Биз жангариларга ён бериб, уларнинг талабини қондирадиган бўлсак, дунё ҳамжамияти олдида шарманда бўламиз. Биз билан бирорта давлат ҳамкорлик қилмайди. Башир иқтисодий аҳволимиз танг бўлиб қолганидан фойдаланиш йўлини ўйлаб топибди-да!

Хитой ва Россия давлатларидан олган қарзларимизни тўлашга қодирмиз! Импониятларимиз етарли. Бориб айтинг, қирғиз халқи ҳеч қачон, ҳеч вақт террорчилар билан ҳамкорлик қилмайди. Ўзининг яқин қўшниси Ўзбекистонни ёлғизлатиб ҳам қўймайди. Ўзбекнинг оёғига тикон санчилса, қирғизнинг вужуди огрийди. Кимки ўзбекларга қарши турса, у бизнинг ҳам душманимиздир! Жангариларнинг муқаддас тупроғимизни оёқ ости қилиб, босиб ўтишларига йўл қўймаймиз!

Эржигит ёрдамчининг сўзларини оқизмай-томизмай Яҳёнинг қулоғига етказди. Аччиқ, ҳақ сўзлар унга чаён чаққандек таъсир қилди. Бир неча минг чақирим олисда бўлган Башир ҳам кутилмаганда рад жавобини эшитиб, чўғни босиб олган одамдай типирчилаб қолди. Бу унинг учун мутлақо кутилмаган янгилик эди. Яҳёга ўзининг галдаги буйруғини берди.

- Зудлик билан ишончли одамларимизни атрофинга тўпла. Миллатлар ўртасида қон тўкилишига олиб келадиган низоларни келтириб чиқаринглар. Ҳукумат раҳбарларини гаровга олинглар. Оқтойга айт, амалдаги ҳукумат ағдариб ташланган куни у мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлади. Худайбергановнинг уйини ёқиб юборинглар! Буйруқ бажарилмагунча сен ўша ерда қол! Бугундан эътиборан мен Бишкекка қарши уруш очдим. Уни олов ичида кўргим келяпти!

САМАНГАН

Лагерга қайтган кунимиз Эргашбой мени ҳузурига чақирди.

- Аравани бошқа одамга топшир! - деди. - Бугундан бошлаб булоққа қатнамайсан!

Ишончли одамим Шерзод эди. Унинг номини айтдим.

- Булоқ йўлини биладими?

- Бир-икки кун ёнимда олиб юраман!

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бунга вақтинг йўқ. Башир жаноблари сени чақиряпти. Беш-олти кун ичида Қобулга жўнайсан!

Ўғлимни соғингандим. Эргашбойга:

- Эрталабгача рухсат берсангиз ўғлимни кўриб келсам! - дедим.

Кўрбоши менга ғалати қаради.

- Тонг ёришмай шу ерда бўлишинг керак!

- Ҳаракат қиламан.

У ёнимга келди. Кўзларимга тикилиб турди-да, ялинувчан овозда деди.

- У ерда қандай гап-сўз бўлса, мени огоҳ қилиб тургин.

Қишлоққа жўнадим. Ўғлим соғайиб қолганди. Унга Ёдгор, деб исм қўйгандим. Куннинг ярмигача у билан бирга бўлдим. Вақт тигиз эди. Булоқ бошида мени Зокир кутарди.

- Кенгашга аъзо бўлганинг билан табриклайман. Улар сени сафларига қабул қилмайди, деб хавотирлангандик. Бу ҳам бўлса бизнинг ютуғимиз. Энди йигин ва мажлислар сенинг иштирокингизсиз ўтмайди. Қизишма, сушлашиб ҳам кетма. Берилган топшириқларни вақтида бажар. Таклиф ва мулоҳазаларингни дадил айтавер. Жангариларнинг бирикишига, Помир тоғларига кўчиб ўтишига йўл қўйма. Баширнинг одами Қирғизистондан қандай хабар жўнатишини зудлик билан бизга маълум қил! Туркан хонимнинг шахсига оид маълумотларни тўпла. Қоратегин водийсидаги жангариларнинг исми-шарифи, яшаш жойи, нима мақсадда ўтиб кетгани тўғрисида аниқ маълумотлар керак.

- Эргашбой ўша куни нимадандир хавотирланди. Меҳмонхонадан тезроқ чиқиб кетишга шошилди.

- Изига одам тушганини сезиб қолганди.

- Сен айтган одам билан учрашдим, ammo гапирмади.

- Хонага овоз ёзиш аппаратлари ўрнатилганди. Гапирмаганинг яхши бўлибди. Биз Эргашбойни хонада

қўлга олишни режалаштиргандик, афсуски меҳмонхонага қайтмади.

- Балки уни шу ерда қўлга олармиз?

- Бунинг иложи йўқ.

- Яқин кунларда лагерга хориждан бир гуруҳ мутахассисларнинг келиши кутулмоқда. Улар камикадзеларни руҳий тайёргарликдан ўтказишади.

- Уларни юртга ўтказмаслик чорасини кўр. Иложини тополмасанг, чегаранинг қайси жойидан кесиб ўтишларини аниқла! Бутун умидимиз сендан!

- Топшириқни бажаришга сўз бераман!

- Бугундан бошлаб сен билан учрашувга бошқа ходим чиқади. Бўлаётган ҳар бир янгиликдан бизни огоҳ қилиб тур!

Нима учун мен билан бошқа ходим алоқага чиқишини кейин тушундим.

Кечки пайт лагерга қайтдим.

Тўдабошининг қовогидан қор ёғарди. У хонасига кирибоқ, Ҳикматни чақиртирди.

- Нима гап, хўжайин, кайфиятингиз бузуқ?! - сўради Ҳикмат тўдабошининг тунд чехрасига тикилиб...

- Сўрама! - қўл силтади тўдабоши. - Бошлар оёқ, оёқлар бош бўлди.

- Тушунтириброқ гапиринг, тинчликми?

- Тинчлик бўлганда юрагимни чангаллаб келармидим. Кенгаш анови аравакашни менга ёрдамчи қилиб тайинлади.

- Шунга хафамисиз, хўжайин? Бир ҳисобдан уни қўйнимизда сақлаганимиз маъқул. Нима қилса ҳам шу тупроқнинг эгаси.

- Биладан, Мулла Умар билан Башир бу ердаги гап-сўзлардан хабардор бўлиб туриш мақсадида атайин уни менга ёрдамчи қилиб тайинлаган!

- Сир бой берманг, у шохида юрса, биз баргида юрамиз. Гапимизга кирмаса, бу тоғларда жарлар кўп. Бирортасига қулаб кетиши мумкин.

Исҳоқжон НИШОНОВ

- Қалланга ёмон фикрларни келтирма. Юрагимни бошқа дард кемиряпти.
- Айтинг, дардингизни олай, хўжайин!
- Алоқачи йигит Маҳмуднинг одами экан!
- Ривож-а?!
- Ҳа, ўша ювиқсиз бизнинг гапларимизни фош қилиб турган экан!
- Тушунтириброқ гапиринг?
- Маҳмудни ўлимга маҳкум қилганимни айтиб қўйган экан.
- Кимдан эшитдингиз?
- Башир айтди.
- Балки уйдирмадир?
- Эргашбой ёрдамчисига оч бўридай тикилди.
- Хунасанинг овозини қулоғим билан эшитдим!
- Нима қилиш керак? Маҳмуд ўлиб кетди.
- У-ку ўлди, аммо Ривож тирик!
- Нима қилмоқчисиз?
- Ўлдираман, қонини ичаман! Йигитларимга тўданинг сирини ошкор қилсам ўлимга маҳкумман, деб қасам ичирганман!
- Кўплаб одамларимизни ўз қўлимиз билан ўлдиряпмиз.
- Кенгашда «ханжарим қиндан сугурилган, тириклай қабрга тикаман», деб онт ичдим. Ижро этишим шарт.
- Бу ишни ҳамманинг олдида қилсангиз йигитларнинг руҳи тушиб кетади, хўжайин. Иложи бўлса имижимида «тинчитайлик».
- Эргашбой бош чайқади..
- Қароримни бузолмайман! - деди қатъийлик билан.
- Йигитларнинг руҳини кўтарадиган нарса олиб келганман! - Эргашбой Амирий жаноблари томонидан берилган икки юз минг долларни курси устига қўйди.
- Нима, бу хўжайин?
- Ҳар бир йигитга юз доллардан тарқат. Шунда ҳаммалари хурсанд бўлади. Шодликда кўнгилга ҳамма

нарса сигади. Ҳеч ким мендан норози бўлмайди. Пулни кўришса, диллари кўнгилхушликни тусаб қолади. Ортганини олиб қўй, оғир кунимизга асқотиб қолар.

Ҳикмат тугунни олиб ташқарига чиқди. Ярим соат ўтиб қайтиб кирди.

- Йигитларингиз хурсанд, амирим. Ҳақингизга дуо қилишяпти.

- Энди ҳаммасини бир жойга йиг. Шодлик кирган кўнгил томоша истайди. Анови аравакашни ҳам йигитларга таништириб қўяй.

- Ҳозир мавриди эмас, хўжайин. Бир-икки ҳафта аравасини хайдаб юрсин, кейин таништирарсиз!

- Хомсан, Ҳикмат! Баширнинг кўзи бизда. Сен билан мен танимайдиган одамлари ичимизда.

Ҳикмат ташқарига чиқиб кетди. Ҳамма тўпланганини билиб Эргашбой ичкаридан чиқди. У Ҳикматнинг қулоғига Ривожни олиб чиқ, деган сўзни айтди. Алоқачини хонасидан судраб чиқишди. Қўл-оёғини боғлашди. Тўдабоши унинг олдига келди.

- Қани айт-чи, нега қўл-оёғингни боғладик? - Эргашбой қалтираб турган Ривожнинг кўзларига тикилиб сўради.

- Ўлимдан хабарим бор, қилган гуноҳимдан беҳабарман, амирим.

- Шундай де, - истехзоли жилмайди қўрбоши. - Ўлимдан хабаринг бору айбингдан беҳабармисан ит?

- Амирим...

Тўдабоши пир-пир учаётган юзини Ривожнинг оқарган бетига яқин келтирди.

- Нега менинг махфий сирларимни Маҳмудга етказдинг?

- Унга ҳеч нарса дсмаганман хўжайин,

- Тонма, қанжиқ!

Тўдабоши Ҳикматнинг қўлига лупа берди. У асбобни нима мақсадда олганини тушунди. Қўл-оёғи боғланган Ривожнинг юзини кўёшга қаратишди. Ҳикмат лупани

I Исҳоқжон НИШОНОВ

офтобга тутди. Ёруғлик бир нуқтага жамланди. Ундан чиққан юқори даражадаги иссиқлик Ривожнинг кўзига туширилди. Йигитнинг киприклари куйиб кетди. Кўзи ёшланиб қорачиги куя бошлади. Ривож типирчиларди, бақирарди. Хўжайиндан раҳм-шафқат сўрарди. Бироқ қўрбоши унинг илтижоларига кулоқ солмасди. Ўн дақиқа ўтиб Ривожнинг кўз қорачиги куйиб адо бўлди. Ҳикмат лупани иккинчи кўзига тўғрилади. Ривож ёруғлигини кўрмай қолди.

- Мана энди, қўл-оёғини еч! - буюрди Эргашбой ёрдамчисига. - Қаёққа қочаркин, бир томоша қиламиз!

Кимлардир кулди, кимлардир ижирғанди.

Ривож маст одамдек гандираклаб, кўзларини чангаллаб, бошини тошларга уриб йиглади. Қўрбоши ўйлаб топган жазоси билан қаноатланмади. Истанбулда ичган қасами хаёлидан кетмасди. «Тириклай қабрга тикаман».

- Гўр қазинглар! - буюрди югурдакларига .

Тўрт йигит қўлига кирка билан курак олиб жар томон чопди. Тўпланганлар қўрбошини ўзининг ишончли ва содиқ одамларини ўлдираётганидан хавотирга тушишганди. Улардан бирининг сабр- бардоши чидамади, ўртага чиқди.

- Эргашбой, нега ўз йигитларингни қийнаб, азоблаб ўлдириясан? Бунақада тўдани тугатасан. Маҳмуд ўлиб кетди, Ривожни шу азобга солишинг шартмиди?

- Шарт! - қичқирди Эргашбой. - Кимки бизга хиёнат қилса, ўлимга маҳкум. Оғир жазога гирифтор бўлади. Битта бўлсаям содиқ ва вафодор йигит керак менга! - тўдабоши атрофидагиларга қараб сўзида давом этди. - Сизларга айтадиган хушхабарим бор. Биринчиси, кенгаш аъзоларининг тавсиясига кўра, Бўрон бугундан бошлаб менинг ёрдамчим этиб тайинланди. Унинг гапи ҳар бирингиз учун қонун! Иккинчи янгилик Амирий жаноблари билан Абдуллоҳ ҳазратлари қочоқ Шарифни ва хиёнаткор Гофурнинг калласи учун бир миллион

доллар тикди. Ҳар иккисининг бошини шу ерга келтирадиган мард ичларингда бўлса, олдимга келсин! Бундан ташқари, сизларнинг шароитларингни яхшилаш мақсадида кенгаш катта миқдорда маблағ ажратди. Эрта-индин кийим-кечак, озиқ-овқат келтирилади. Яқин кунларда жойимизни алмаштирамиз.

Икки жангари тўдабошининг олдига борди.

- Пулни бегона қилманг, амирим. Бизга рухсат беринг, Ғофур билан Шарифнинг бошини оёгингиз остига келтириб ташламасак, онамизнинг сути ҳаром бўлсин!

- Баракалла, шунқорларим! Ғам-ғусса босган кўнглимни тоғдек кўтардингиз. Мен бошлиқлар билан кенгашиб, қачон жўнашларингни айтаман!

Қабр кавлагани кетганлардан бири чопиб келди.

- Гўр тайёр, амирим, - деди қўлини кўксига босиб.

- Тайёр бўлса анови сотқинни тириклай кўминглар!

- амр қилди Эргашбой баланд овозда.

Йигитлар Ривожни қўлтигидан тутиб, оёғини ерга теккизмай олиб кетишди. Уларнинг ортидан ҳеч ким эргашмади. Бояги жангари тўдабошининг олдига келди.

- Кўзини кўр қилдинг, тириклай қабрга тиқишинг нимаси? Яхшиси от, қийнама!

- Қийналсин, тириклай гўр азобини чексин, нафас ололмай бўғилсин, шунда айби учун тавба-тазарру қилади, шунда менинг танам яйрайди !

Алоқачининг бақирган овозини кўпчилик эшитди.

- Итлингини билганимда бўри бўлиб ғажирдим, сени Эргаш!

Қўлига пул тушган жангарилар бу томошани тезда унутишди. Тўп-тўп бўлиб қимор ўйинини бошлашди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Эрталаб соқчилардан бири ташқарида ювинаётган Эргашбойнинг ёнига югуриб келди.

- Амирим, алоқачининг қабри очиқ, ичида жасад йўқ!

- деди.

- Қашқирлар еб кетмабдими? - сўради Эргашбой.

- Қабр кавланган, мурдани олиб кетишган!

«Ўлмаган бўлса-я», деган фикр Эргашбойнинг хаёлидан ўтди-ю, қўлидаги сочиқни улоқтириб жар томон чопди. Атрофдагилар унинг ортидан эргашди. Тўдабоши қабр атрофини айланиб, кўнглига ёмон ўйларни келтирди. Ичимиздагилардан бири қабрни очиб, Ривожни чиқариб юборган, деган қарорга келди. У Санжарни эслади.

- Ривожни қочирган одамни топ! - деб буйруқ берди ва унинг оёғи остига бир боғлам долларни ташлади. Санжарнинг юраги патиллаб, кўзлари ёниб кетди. Ҳамманинг нигоҳи ўзига қаратилганини кўриб, қаддини букиб, пулни олмади. Жангариларнинг кўнглига гулгула ва қўрқув кирди. «Пул деб, бирортамизни тутиб бермасмикин», деган хавотирда нафасларини ичларига ютишди. Санжар пулга қиё боқмади, тиз чўкиб, қўлоёқлари билан бурни ерга теккудай энгашиб, тошли тупроқни искади. Кўзига ташланиб турган пул уни илдамроқ ва чаққонроқ ишлашга ундарди, чўғ бўлиб юрагини ёндирарди. Икки бор қабрни айланиб ўтгач, димоғига нотаниш ис урилди. Ўлжа топган итдай икки қўллаб ерни титди. У кўз қири билан пулга тез-тез қараб қўярди. Қатини санарди, чамаларди. Шу пуллар ўзиники бўлишини жуда хоҳларди. Кутилмаганда у тупроқни титиб қолди. Ҳамманинг ҳайрати ортди. Тупроқ ва тошлар остидан бир қулоч йўғон симни топди. Уни искади. Жангарилар бир-бирларига қараб, ув тортишди. Санжар қабр ичига тушди. Бир муддатдан кейин яна қайтиб чиқди. Тошу тупроқларни ҳидлаб-ҳидлаб кейин доира шаклида турган йигитларнинг олдига келди. Уларнинг ҳар бирини кўзларига тикилиб, қўлларини бурнига қўйди. Ҳамманинг юраги така-пука бўлганди. Ўзидан қўрқарди. Ниҳоят у қўлини белига қўйиб, қошқовоғидан қор ёғиб турган бошлиқнинг қошига борди.

«АФҒОН ШАМОЛИ» - 4

- Амирим, - деди гуноҳкорлардай паст овозда, - қабрни бизникилар очмаган.

- Унда ким очган, менга шуни аниқла!

- Четдан келишган, амирим, - Санжар қўлини кун ботиш томон чўзди. - Улар шу томонга кетишган!

- Ривож ўлганмиди-тирикмиди?

- Уни тириклай олиб кетишган!

- Ҳм! - Эргашбой юрагига ханжар ботгандай инграб юборди. Кейин бирдан ўзига келди. Санжарнинг ёқасидан тутди.

- Сен хунаса, мени алдама! Биров четдан келиб қабрни очмайди. Ривожни қочирганлар шу ерда!

Тўдабошининг газаб чақнаган кўзлари атрофга боқди. Ҳеч ким унинг кўзига тик қарай олмади. Бошлар эгилганди, кўзлар ерга қадалганди.

- Ҳикмат! - овозининг борича қичқирди Эргашбой.

- Йигитларнинг орасини ёриб Ҳикмат чиқди.

- Буюринг, амирим?!

- Кеча Ривожнинг ёнини олган Валихўжа қани?!

- Ошхонада, хўжайин!

- Тезда бу ерга олиб кел. Бу ишни ўша ифлос қилган!

Ҳикмат ошхона томон чопди. Валихўжани қўлидан судраб, хўжайиннинг олдига олиб келди.

- Сен хунаса, қилгиликни қилиб, мени ҳеч нарсадан беҳабар, деб ўйлаяпсанми? Ривож қани? Нега уни қочирдинг?!

Валихўжа нима дейишни билмай таёқдай қотиб қолди.

- Мен.. мен...

- Мен-менлама! Биз ҳаммасини биламиз. Бу ерда Ривожни ҳимоя қиладиган сендан бошқа одам йўқ! Уни қочирган сенсан!

- Хўжайин!

Эргашбой уни гапиртирмади. Ёрдамчиларига буюрди.

- Тириклай қабрга тиқинглар!

Беш-олти жангари Валихўжанинг қўл-оёғидан ушлаб қабр ичига ташлади. Унинг тили ҳамон айланмасди. Кўрқувдан қотиб қолганди. Фақат қаршилик кўрсатарди. Торгина чуқур ичидан чиқиш учун жон ҳолатда типирчиларди. Кўзига ўлим кўринган Валихўжа жангариларни силтаб, туртиб, тепиб ташлади. Бироқ уларнинг қўлларидан чиқолмади. Бири қўлидан, бири оёғидан, бошқаси эса бўйнидан қайириб, бурни ерга теккудек ерга ётқизишди. Кимдир устига миниб олди. Кимдир белига ўхшатиб тепди. Шунда Валихўжа оғриққа чидамай додлаб юборди. Энди у ўрнидан туролмасди. Ерга ёпишиб қолганди. Тезда қабрга тупроқ тортишди. Катта-катта тошларни юмалатиб келишди. Кўз очиб юмгунча тирик одамни ўз қаърига олган қабр пайдо бўлди.

* * *

Маъсуд Шоҳнинг қўлига араб давлатларидан катта миқдорда қурол-аслаҳалар келтирилганлиги ва улар ҳозирда Эргашбойнинг омборида сақланаётгани тўғрисида маълумот келиб тушганди. Қўмондон аниқлик киритиш мақсадида ўз одамларини кўрбоши эгаллаб турган ҳудудга жўнатди. Разведкачиларга ҳар қандай йўл билан жангарилардан бирини асирга олиш вазифаси топширилганди. Улар икки кун тошлар орасида беркиниб ётишди. Ҳудуднинг атрофи кучайтирилган соқчилар билан ўраб олингани туфайли ичкарига киришнинг иложи йўқ эди. Разведкачилар бу ерда узоқ қолишолмасди. Озиқ-овқатлари тугаганди. Улар орқага қайтмоқчи бўлиб турганларида лагерда тўс-тўполон кўтарилди. Улар ўз шерикларидан бирини тириклай қабрга кўмишаётганини дурбинда кузатиб туришди. Жангарилар шерикларининг бошига муштлаб, орқасига тепиб, худди темирни буккандай минг азоб билан уни энкайтириб қабр ичига туширишди. Тупроқни тортиб, устига тошларни бостириб, кейин орқага қай-

тишди. Улар олислаши биланоқ Маъсуд Шоҳнинг йигитлари илондай судралиб қабр ёнига келишди. Кўлидаги йўгон симни гўр ичига тиқиб, ҳаво кирадиган тешик очди. Қуёш ботаёганди. Қабрни очиш хатарли эди. Тепадаги соқчилар кўриб қолиши мумкин эди. Қоронғу тушгач, улар қабр тепасида тўпланишди. Тупроқни суриб, гўрни очишди. Ривож чала жон ётарди. Тешикдан кираётган ҳаво унга тириклик ато этганди.

Разведкачилар уни ташқарига чиқариб, сув ичиришди. Огриқни қолдирадиган дори беришди. Ривож ҳушига келмади, уни кўтариб орқага қайтишди. Туни билан йўл юришди. Довонлардан ошиб, ирмоқлардан кечиб ўтишди. Қуёш чиққанда Маъсуд Шоҳнинг қароргоҳида пайдо бўлишди. Шифокорлар хастага тиббий ёрдам кўрсатишди. Эртаси кунни Ривож ҳушига келди. Маъсуд Шоҳ унинг олдига кирди.

- Эшитишимга қараганда, яқинда араблар Эргашбойнинг омборига катта миқдорда қурол-аслаҳа олиб келишибди. Шу гаплар ростми?

Ривож булардан огоҳ эди. Билганларини айтди.

- Номаълум одамлар ўн кун бурун 2100 та «Калашников», 950 дона «М-16», 1000 дона «УЗИ» автоматларини, 500 дона зенит ракеталарини, мингдан зиёд портловчи мосламаларни келтиришди, - деди у.

- Қуроллар кимга тегишли?

- Мулла Умарга.

- Омборни кимнинг одамлари кўриқлайди?

- Мулла Умарнинг йигитлари.

- Бу қуроллар нима мақсадда келтирилган?

- Араб давлатларидан юзга яқин каллакесарларнинг келиши кутилмоқда.

- Қачон?

- Шу ҳафтада!

- Улар қаерга жойлашишади?

- Қурол-аслаҳалар Эргашбойнинг омборида сақла-

нишидан уларни шу атрофга жойлашиши мумкин, деб ўйлайман. Толибонларнинг мақсади сизни ва Абдурашид Дўстумни тўрт томондан ўраб олиш. Бундан бир ойча муқаддам Қобулдан келган мулла Умарнинг одами, «ҳар қандай йўл билан ҳар икки қўмондонни йўқ қилишимиз керак», деган таклифни Эргашбойга билдирди. Эргашбой Абдурашид Дўстумни йўқотишни ўз бўйнига олди. Сизни йўқотишни эса «ўзимиз ҳал қиламиз», деб айтди.

Қўмондон четдан келадиган жангариларни она юртига киритишга тиш-тирноги билан қарши эди. Зудлик билан ёрдамчиларини йиғди.

- Араб давлатларидан келиши кутилаётган жангариларнинг йўлини тўсишимиз керак! - деди у. - Афсуски, уларнинг қаерга келиб тушишлари бизга маълум эмас. Тоғли ҳудудларни назоратга оламиз. Агар улар ҳудудимизга жойлашиб олишса, икки-уч кунда мулла Умарнинг одамларига қўшилиб, бизга зарба беришлари мумкин. Маълумотларга қараганда жангарилар жанг тактикаларини яхши ўзлаштириб олишган. Довонларга чиқадиган ва тушадиган барча йўллар миналаштирилсин. Ҳар бир йўлга элликтадан мерганлар қўйилсин.

Маъсуд Шоҳ харитадан лагерга олиб борадиган барча йўлларни кўрсатиб, уларга керакли топшириқларни берди.

- Буйруқ бўлмагунча ўз жойларингдан силжиманглар! Ёлланган жангариларнинг бирортаси тирик қолиши мумкин эмас!

Маъсуд Шоҳнинг одамлари белгиланган жойларга жўнаб кетишди. Йўл бўйларидаги пистирмаларга ўрнашиб олишди. Уч кун ўтса-да, жангарилардан дарак бўлмади. Ниҳоят, олтинчи куни тоғ йўлидан келаётган ўнта юк машиналари разведкачиларнинг диққатини тортди. Улар шерикларига ёлланган жангарилар келишаётганини маълум қилишди. Зудлик билан йўл-

лар миналаштирилди. Пистирмадагилар гранатамётларни отишга шайланди. Мерганлар снайперларни қўлга олишди. Машиналар яқинлашгач миналар ишга туширилди. Олдинда бораётган иккита юк машинаси кучли тўлқиндан осмонга кўтарилиб, сўнг жарга қулаб тушди. Қолган машиналар ҳам портлаб, ёниб кетди. Орқадаги машина зўрға тўхтади. Мерганлар уни ўққа тутишди.

Маъсуд Шоҳ операция муваффақиятли якунланган куннинг эртасига Ривожни вертолётда харбий госпиталга жўнатди.

ТЎРТИНЧИ КИТОБ ПОЁНИГА ЕТДИ.

МУНДАРИЖА

Мулла Умарнинг ўтмиши.....	3
Саманган.....	10
Юртда.....	17
Саманган.....	23
Покистон.....	29
Саманган.....	34
Россия.....	43
Юртда.....	50
Қирғизистон.....	54
Саманган.....	58
Юртда.....	66
Саманган.....	79
Қоратегин.....	99
Саманган.....	103
Қобул.....	108
Юртда.....	129
Саманган.....	139
Қирғизистон.....	156
Россия.....	162
Қоратегин.....	165
Истанбул.....	268
Океан ортида.....	188
Истанбул.....	192
Бишкек.....	206
Саманган.....	210

Адабий-бадий нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

«АФҶОН ШАМОЛИ»

ДЕТЕКТИВ РОМАН

4 КИТОБ

Муҳаррир:	Н. Абдуллаев
Тех.муҳаррир:	С.Абдуҳамитов
Мусаҳҳиҳ:	У.Умаров

2011 йилнинг 6.08 теришга берилди. 2011 йилнинг 15.08 босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 11 босма тобоқ. Газета қоғозига офсет усулида босилди.

Адади 1000 нусха. № 211 сонли буюртма
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36- уй.

Китобнинг оригинал макети "Сайхун" ХКК
матбаа бўлимида тайёрланиб, шу бўлим босмаҳонасида
газета қоғозига офсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси, 17-уй